

83.3  
71-45

М.С. ИМОМНАЗАРОВ

МУМТОЗ ФОРС ШЕЪРИЯТИ  
БАДИИЯТШУНОСЛИГИ  
ВА ЖАНРЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

83.3

II-45

ll

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**М.С. Имомназаров**

**МУМТОЗ ФОРС ШЕЪРИЯТИ  
БАДИИЯТШУНОСЛИГИ  
ВА ЖАНРЛАР ТИПОЛОГИЯСИ**



Тошкент – 2015

**М.С.Имомназаров.** Мумтоз форс шеърияти бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. –Т., 2015

Ушбу монографик тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институти Хорижий Шарқ халқлари адабиёти кафедрасида Ф-1-139 “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлари типологияси” илмий-тадқиқот лойиҳаси бўйича давлат гранти асосида тайёрланди. Унда X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти бадииятшунослигининг долзарб масалалари кисқача таҳдил этилиб, замонавий бадииятшунослик илми нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилинди. Олинган мавзуу кўлами ниҳоятда кенг бўлғанлигидан мумтоз шеърият бадииятшунослигининг барча муаммоларини бир текис ва батафсил ёритиш мақсад қилиб қўйилмади, балки бугунги кунда энг муҳим ҳисобланган муаммоларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга мавзуларни Тошкент давлат шарқшунослик институти магистратурасининг “адабиётшунослик” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган маҳсус курслар мундарижаси билан боғлиқ рашида ёритиш ҳам кўзда тутилди. Тадқиқот ушбу йўналишда биринчи тажриба бўлғанлигидан унда турли камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиий. Шу сабабли унинг мазмунини янада бойитиш ва мукаммалаштириш ниятида билдирилган барча танқидий мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қиласи.

**Масъул муҳаррир:**  
филология фанлари доктори, профессор  
*Абдураҳим Маннонов*

**Тақризчилар:**  
филология фанлари доктори, профессор  
*Боқизон Тўхлиев*  
филология фанлари номзоди, доцент  
*Сарвиноз Сотиболдиева*

Ушбу монография Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий кенгашида нашрга тавсия этилган (№3-сонли баённома, 31.10.2015 йил)

## МУНДАРИЖА

<b>Муқаддима. Бадиият, адабиёт, маънавият.....</b>	<b>4</b>
<b>1-қисм. Бадииятшунослик фанининг назарий масалалари.....</b>	<b>6</b>
1. Мустақиллик ва адабиёт илмининг эркин ривожланиш имкониятлари.....	6
2. Ижтимоий фанлар методологияси хусусида .....	11
3. Бадииятшунослик адабиётшунослик фанлари таркибида .....	25
4. Бадиий тимсол ва унинг даражалари.....	35
<b>2-қисм. Мумтоз форс шеърияти бадииятшунослиги.</b>	
<b>Умумий масалалар.....</b>	<b>50</b>
1. Анъанавий ва замонавий бадииятшунослик нисбати .....	50
2. Адабиёт тарихи ва тарихий бадииятшунослик.....	55
3. Тарихий бадииятшунослик ва жанрлар тараққиёти.....	67
4. Мумтоз форс шеъриятида бадиий тимсол турлари ва уларнинг тараққиёти .....	85
5. Мумтоз шеъриятда бадиий ижод тариқи муаммоси .....	128
<b>3-қисм. Адабий асар тадқиқида тилшунос ва адабиётшунос ҳамкорлиги. Мумтоз форс шеърияти лингвопоэтикаси .....</b>	<b>156</b>
1. Тил ва адабиёт. Тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари.....	156
2. Адабий асар тадқиқида тилшунос ва адабиётшунос ҳамкорлиги.....	180
3. Мумтоз форс шеърияти тараққиёти ва тарихий лингвопоэтика муаммолари.....	201
<b>4-қисм. Мумтоз форс адабиётида шеърий тизимлар ва жанрлар типологияси .....</b>	<b>212</b>
1. Мумтоз форс адабиётида лирик жанрлар.....	212
2. Мумтоз форс шеъриятида эпик жанрлар типологияси .....	238
3. Мумтоз форс шеъриятида шакл ва мазмун нисбати .....	250
<b>Холоса .....</b>	<b>259</b>
<b>Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>261</b>

## МУҚАДДИМА

### Бадиият, адабиёт, маънавият

Бадииятшунослик фанининг асосий мавзуси **бадииятдир**. Бадиият нима? Бизнинг минтақада бадииятшунослик фанининг дастлабки намуналари араб тилида яратилгани учун бу тушунчанинг лингвистик асоси ҳам араб тилидаги “*бадаъа*” феълига бориб тақалади. Лугатларда “*бадаъа*” феъли “*ўйлаб тоғмоқ*”, “*бирор-бир янгилик киритмоқ*”, “*яратмоқ*” маъноларини англатиб, ундан ясалган “*бадиъ*” сифати “*аҗсойиб*”, “*тенгсиз*”, “*латофатли*” маъноларида, “*бадиъа*” эса “*янгилик*” “*камёб учрайдиган нарса*” “*мўъжизавий нарса*” маъноларида ишлатилади. Демак, бадиият адабиётнинг моҳиятига хос бўлган *мўъжизавийлик* хусусиятини ифодаловчи жиҳати бўлиб, бадиий адабиётни тўғри тушуниб етиш учун аввало унинг *мўъжизавийлиги* нимадан иборат эканлигини аниқлаб олиш лозим бўлар экан.

Бола ўйнайди. **Ўйин** – Борлиқ ҳақиқатини амалий англаб етиш – ўзлаштиришнинг ilk кўриниши. Ёш бола Борлиқни англаб етиш учун ҳаётий жараёнларни ўйинда **моделлаштиради**. Инсон улгайган сари унинг ўйинқароқлиги йўқолмайди, фақат ўйнайдиган ўйинлари тури ўзгариб боради. Барча санъат турларининг туғилиши, шаклланиши ва ривожи инсоннинг шу хислати билан боғлиқ эканлиги сир эмас. Шеър вазни, қоғияси, унда ишлатиладиган бадиий санъатлар, эпик асарга хос сюжет ривожи, фабула, экспозиция, кулминация, ечим, персонаж ва характер, қаҳрамоннинг ички монологи, драматик конфликт ва ҳоказолар барчаси аслида **ижодкорнинг тахайюл кучи** билан яратилган **тимсолий оламнинг шартли белгилари**, адабиёт дунёсида қабул қилинган **ўйин қоидалари**<sup>1</sup>. Маълумки, бу қоидалар замон ва макон алмашуви билан ўзгариб туради.

**Санъатнинг барча турлари, жумладан, бадиий адабиёт ҳам, ҳар бир халқ миллий маданиятининг таркибий қисми бўй**

<sup>1</sup> Бу мавзу нидерланд файласуфи И. Хейзинганинг «*Homo ludens. Маданиятда ўйин унсурининг тадқиқи тажсрибаси*» асарида муфассал кўриб чиқилган. Санъат ва ўйин нисбати хусусида яна қаранг: Хализев В.Е. Теория литературы, с. 63-64, Переверзев В.Ф. Гоголь. Достоевский. Исследования. –М.: «Сов. писатель», 1982. –С. 419-428.

либ, бадиий тафаккур ҳосиласидир. Бадиий тафаккурни эса ўз навбатида ҳаёт моҳиятини англаб етишнинг мустақил йўли сифатида баҳолаб, моҳияттан тахайюл ўйинлари<sup>2</sup> воситасида Борлик ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш, дея таърифлаш мумкин. Шу йўл билан ҳайкалтарош тошни “жонлантиради”, мусаввир ранглар товланишини ишга солади, мусиқа санъати инсон туйғуларига бевосита коинот уйғунлигини олиб киради.

Аммо агар санъат фақат ўйиндан иборат десак, тўғри бўлмайди. Шу ўринда қадимдан “устоди аввал” деб улуғланган юонон олимининг “катарсис” тушунчасига эътибор қаратамиз. Аристотель ишлатган “катарсис” сўзи рус тилига «очищение» (*покланиши*) деб таржима қилинган<sup>3</sup>. Юонон олими кўпроқ трагедия санъатига нисбатан ишлатган бу тушунчани кенгроқ талқин қила-диган бўлсак, инсон онги ва тафаккурига таъсир қиласидиган илмдан фарқли равишда, чинакам санъат асари биринчи навбатда, томошабин ёки китобхоннинг туйғуларига таъсир ўтказади, унинг туйғуларини поклашга, тарбиялашга хизмат қиласиди. Демак, адабиёт ва санъат биринчи навбатда инсон туйғуларининг тарбиячисидир. Агар шу асосий вазифани уддаламаса, бундай асарни ҳақиқий бадиий адабиёт намунаси деб бўлмайди. Инсонни аслида ҳаёт тарбиялайди. Аммо ҳаёт қаттиққўл тарбиячидир. У кўпинча мажбурлаб тарбиялайди. Санъат эса ундей эмас. У мажбуrlамайди, балки ўйнаб туриб ўргатади. Айни шунинг учун ҳам санъатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бекиёс. Санъат ва адабиётнинг мўъжизавийлиги унинг шу ўйнаб туриб ўргатабилиш, яъни инсоннинг ўйинқароқлик хусусиятидан унинг туйғуларини поклаш йўлида фойдалана билишида бўлиб, бадииятшунослик илми адабиётнинг ушбу асосий хусусиятини батафсил таҳлил қилиш билан шуғулланади.

<sup>2</sup> “Имагинация” (русча “воображение”, Форобий ва Ибн Синолар фалсафасида “таҳайюл”) асотир тафаккур, фалсафий ва бадиий тафаккурнинг Борлик ҳақиқатини англаб етиш ва ифодалашдаги асосий воситаси. Эканлиги рус олими Я. Голосовкернинг “Логика мифа” (М., «Наука», 1987, стр. 9-13, 146-154) асарида ишонарли исбот қилиб берилган.

<sup>3</sup> Аристотель.Поэтика (Об искусстве поэзии). –М., 1957. –С.56.

## 1-ҚИСМ

### БАДИЙАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

#### 1. Мустақиллик ва адабиёт илмининг эркин ривожланиш имкониятлари

Биз юқорида “бадииятшунослик” атамасини араб тилидаги “бадаъа” феълига олиб бориб тақадик ва лугатларда “бадаъа” феъли “ўйлаб топмоқ”, “бирор-бир янгилик киритмоқ”, “яратмоқ” маъноларини англатишини таъкидлаб ўтдик. Аммо аслида бу сўз қадим юонон тилида “ясамоқ”, “яратмоқ” маъноларидаги «*poieo*» феъли асосидаги «*poiesis*» (“поэзия”) сўзининг таржимаси эди. Аристотель шу атамадан келиб чиқиб, бадииятшунослик ҳақидаги ўз асарини “*Поэтика*” (греч. *poietike techne* — творческое искусство<sup>4</sup>,) деб атади. Бу даврда ушбу атама кенг маънодаги **адабиёт назарияси**нин англатар эди. Чунки қадим Европа илмида бадиий адабиётни назарий ўрганиш илми шу терминни тилга олиш билан бошланган.

Бизнинг миллий адабиётшунослигимиз асрлар бўйи минтаقا адабиётшунослик илми доирасида ривожланиб келган. Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Мирзо Бобир яратган ўзбек тилидаги бадииятшуносликка оид асарларни шу мавзуда X-XV асрлар давомида араб ва форс тилларида яратилган асарлардан алоҳида ажратиб олиб қараш мумкин эмас. Лекин XX асрга келиб Ўзбекистондаги барча илм соҳалари тўлиғича Европа илмига бўйсундирилди. Жумладан, адабиётшунослик назарияси ҳам. Бу соҳада Фиграт ва Чўлпонлардан кейин то 70-йилларгача бизда тайинли бир асарлар вужудга келмади. Фақат 70-йиллар охирига бориб аввал олимлар жамоаси томонидан 2 жилдли “*Адабиёт назарияси*” китоби<sup>5</sup>, кейин Иззат Султоннинг шу номдаги

<sup>4</sup> Поэзия — греч. *poiesis*, от *poieo* — делаю, творю. Проза — лат. *prosa*, от *prorsa* — прямая, простая, *proversa* — обращенная вперед, лат. *versus* — стих, букв. — повернутый назад. Первоначально поэзией именовалось иск-ва слова вообще, поскольку в нем вплоть до нового времени резко преобладали стихотворные, и близкие к ней ритмико-интонационные формы. Прозой же называли все нехудожественные словесные произведения: философские, научные, информационные, ораторские и т.п. (с. 293, ЛЭС)

<sup>5</sup> Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. Адабий асар. —Т., 1978. 416 саҳ. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 2 том. Адабий-тариҳий жараён. —Т., 1978, 416 саҳ.

дарслиги<sup>6</sup> ва ниҳоят “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати”<sup>7</sup> босилиб чиқди. Бу асарлар давр мафкуравий тазиикى нисбатан бироз сусайган пайтда нашр этилган бўлганлигидан мавзуларнинг ёритилишида маълум даражада миллий унсурларга эътибор сезилади, аммо шунга қарамай барibir умумий ёндошув етакчи мафкуравий қолиплардан чиқиб кета олмагани сезилиб туради. Шу даврда “Шарқ ўлдузи” журналида Мақсад Шайзоданинг Навоий поэтикаси оид “Устод санъатхонасида” туркумидаги қатор мақолалари, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида Ёкубжон Исҳоқовнинг “Классик поэтиканан маълумотлар” туркумидаги мақолалари эълон қилинди. Кейинроқ, 1983 йилда ушбу олимнинг “Навоий поэтикаси” монографияси нашр этилди. Мустақилликгача ўзбек тилида бевосита бадииятшуносликка оид бирор умумлашма назарий китоб чиққани маълум эмас, аммо юқорида тилга олинган китоблар таркибида ушбу мавзуга тегишли ўринлар учрайди. Масалан, 2 жилдли “Адабиёт назарияси” китобидаги “Бадиий образ, образли нутк, унинг айрим хусусиятлари”, “Бадиий сюжет”, “Асар композицияси”, “Лирик шеъриятда композиция” каби боблар, Иzzат Султон дарслигидаги 4, 6-боблар, “Изоҳли лугатдаги” анъанавий мумтоз поэтика терминлари ва ҳ.к. Фақат 1981 йилдагина бу соҳада биринчи янгилик бўлиб XV асрда яшаб ижод этган Атоуллоҳ Хусайнининг «Бадойиъ ус-санойиъ» асари форсийдан шарқшунос аллома Алибек Рустамов таржимасида босилиб чиқди.

Мустақиллик даврига келиб, барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори адабиётшунослик илмида ҳам сезиларли янгиланишлар кўзга ташланмоқда. Бу қисқа давр ичидаги Э.Худойбердиевнинг “Адабиётшуносликка кириши” (Т.: Ўқитувчи, 1995); Т.Бобоевнинг “Адабиётшунослик асослари” (Т.:Ўзбекистон, 2002); Ҳ.Умуроннинг “Адабиёт назарияси” (Т.:Шарқ, 2002) каби қатор дарслик ва ўкув кўлланмалар босилиб чиқди. Бу ижобий ўзгаришлар айниқса Дилмурод Қуроновнинг “Адабиётшуносликка кириши” асарини варақлагандага яққол сезилади<sup>8</sup>. Бугунги кунгача нафақат адабиётшунослик назарияси, балки бевосита мумтоз адабиёт бадииятшунослигига оид қатор салмоқли асарлар нашр

<sup>6</sup> Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. 392 сах.

<sup>7</sup> Н.Хотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983, 376 сах.

<sup>8</sup> Дилмурод Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, 224 сах.

этилди. Жумладан, Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Мумтоз бадиият лугати”<sup>9</sup>, “Хусни таълил санъати”<sup>10</sup>, “Навоий арузи нафосати”<sup>11</sup> ва бошқа китоб ҳамда рисолалари<sup>12</sup>, Ҳамидулла Болтабоев нашр-га тайёрлаган “Шарқ мумтоз поэтикаси”<sup>13</sup>, Ёкубжон Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги”<sup>14</sup> китоблари бевосита бизнинг мавзуга оид бўлиб, бундан ташқари Дилмурод Қуронов бошлигидаги муаллифлар жамоаси тузган “Адабиётшунослик лугати”<sup>15</sup> таркибидаги мақолаларнинг аксарияти ҳам бадииятшуносликка оид атамаларнинг изоҳларидан иборат. Энди бу китобларнинг мазмун-мундарижасига келсак, улар асосан анъанавий мумтоз поэтика илмига оид бўлиб, охирги китобдаги 480 мақоладан 170таси ҳам Шарқ анъанавий бадииятшунослиги терминлари изоҳига багишланган. Албатта, улар ичida Мақсад Шайзоданинг “Устод санъатхонасида” туркумидаги мақолалари, Ёкубжон Исҳоқовнинг “Навоий поэтикаси” монографияси, Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Хусни таълил санъати” “Навоий арузи нафосати” каби асарлари бу мавзудаги жиддий илмий тадқиқотлардан эканлигини эътироф этиш зарур. Булардан ташқари академик Алибек Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз” асарида ҳам лингвопоэтика илмига оид ноёб мулоҳазалар келтирилган. Бир шоир ижоди таҳлилига бадииятшунослик илми ютуқларини мукаммал татбиқ этиш борасидаги энг сўнгти жиддий тадқиқот сифатида профессор Дилором Салоҳийнинг “Навоийнинг шеърий услуби масалалари” монографиясини тилга олиб ўтиш лозим<sup>16</sup>. Бу китоб-

<sup>9</sup> Анвар Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият лугати. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008, 196 сах.

<sup>10</sup> Анвар Ҳожиаҳмедов. Хусни таълил санъати. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008, 200 сах.

<sup>11</sup> Анвар Ҳожиаҳмедов. Навоий арузи нафосати. –Т.: “Фан”, 2006. 288 сах.

<sup>12</sup> “Хусни таълил санъати” китобига ёзилган сўзбошида ушбу олимнинг мавзуга оид “Ўзбек арузи луғати”, “Оғаҳий даҳосининг олмос қирралари”, “Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия”, “Мумтоз бадиият малоҳати” каби қатор рисолалари, Раҳмонкул Орзивековнинг “Шеър санъатлари таҳлили”, Т.Бобоев ва З.Бобоеваларнинг “Бадиий санъатлар”, Робия Ражабованинг “Тамсил санъати” рисолалари ҳам санаб ўтилган.

<sup>13</sup> Шарқ мумтоз поэтикаси. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, 430 сах.

<sup>14</sup> Ёкубжон Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: “Zarqalam”, 2006, 128 сах.

<sup>15</sup> Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. –Т.: “Akademnashr”, 2013, 408 сах.

<sup>16</sup> Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. –Т.: “Фан”, 2005, 206 сах.

да анъанавий поэтикага оид тушунчалар Навоий шеърий услуби такомилини ёритиб беришда унумли фойдаланилган бўлиб, навоийшуносликда шоирнинг ижодий такомилини далиллар асосида кўрсатиб беришга эришилганилиги таҳсинга лойикдир. Бевосита форс адабиётидаги бадииятшунослик масалаларига оид асарлар ҳануз унчалик кўп эмас. Аввало форс тилида чоп этилган мавзуга оид бизга маълум бўлган ягона китоб – доктор Комил Аҳмаднажоднинг “Фунуни адабий” асарини қайд этиб ўтмоқ лозим<sup>17</sup>. Бу асар соф анъанавий бадииятшунослик илмига бағишлиланган бўлиб, унда аruz ва қофия, лафзий ва маънавий санъатлар, шеърий жанрлар ( قالب های شعر فارسی ) ҳамда фасоҳат ва балоғат илмлари ҳакида қисқача шарҳлар берилган. Г.У.Тўйчиеванинг Амир Хусрав Дехлавий ғазалиётида вазн масалаларига бағишлиланган тадқиқоти ҳам яхлит тадқиқот сифатида мустақиллик йилларида нашр этилди<sup>18</sup>. Унда улуғ ҳинд форсизабон шоирининг газаллари бадииятини замонавий бадииятшунослик илми ютуқларига таянган ҳолда яхлит олиб тадқиқ этишга уриниш бор. Тадқиқотчи Амир Хусрав Дехлавийнинг ilk лирик меросини (“Тұхфат ус-сигар” девони мисолида) мавзулар доираси, мазмуний таркибланиши, тимсолий тизими ва вазн хусусиятларини кенг таҳлил қиласи. Шоир ғазалиётининг танқидий матни нашр этилмаганлигини ҳисобга олиб унинг турли қўллётмалари матнини вазн нуқтаи назаридан батафсил қиёсий таҳлил қиласи. Бу китобни ўз йўналишида яратилган замон талабларига жавоб берувчи ilk мукаммал тадқиқотлардан деб ҳисобласа бўлади. Профессор Баҳодир Назаровнинг ҳозирги замон Эрон насири поэтикасига бағишлиланган асари ўқув қўлланма сифатида тайёрланган бўлиб, унда янги даврда яратилган сафарномалар, ижтимоий-сиёсий рисолалар, ёзишмалар, ҳикоялар ва романларнинг бадиий хусусиятлари таҳлил қилинади<sup>19</sup>. Муҳаммад Али Жамолзода, Содиқ Ҳидоят, Жалол Оле Аҳмад, Бузург Алавий каби замонавий эрон адабиёти ҳикоя жанрининг моҳир устозлари асарларига алоҳида эътибор қаратилади. Аммо тилга олинган тадқиқот ва қўлланмаларнинг ҳеч бирида замонавий бадииятшунослик илмининг назарий масалалари кенг миқёсда ёритилган эмас.

<sup>17</sup> - قافيه - بيان - بدیع / مولف - دکتر کامل احمد نژاد - ۱۳۷۲ فنون ادبی / عروز -

<sup>18</sup> Г.У.Тўйчиева. Аруз в контексте газелей Амир Хусрова Дехлави. –Т.: ТГИВ, 2005. 204 стр.

<sup>19</sup> Баҳодир Назаров. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти поэтикаси (Эрон). Т., ТДШИ, 2009, 146 сах.

Ҳ.Болтабоевнинг “Шарқ мумтоз поэтикаси” филологик олий таълим соҳаси учун ўкув қўлланма тарзида бўлиб, унинг биринчи китобида ўтмиш аждодларимиз томонидан мавзуга оид яратилган асарлардан олинган иқтибослар ва уларнинг қисқача шарҳларидан тузилган бўлиб, улар бадииятшуносликка оид турли мавзуларга ажратиб берилган. Жумладан, “Бадиий сўз табиати, шоирлик таърифи”, “Сурат (шакл) ва маъни муносабати”, “Адабий турлар, шеър навлари”, “Шеър тузилиши. Аруз илми”, “Бадиий санъатлар”, “Қофия илми”, “Тил одоби, бадиий тил ва услуб”каби. Ушбу мавзулар доирасида нафақат Абу Наср Форобий, Ибн Муътазз, Кудама ибн Жаъфар, Низомий Арузий Самарқандий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Қайс Розий, Родуёний, Ватвот, Атоуллоҳ Ҳусайний, Кайковус, Аҳмад Тарозий, Жомий, Навоий, Бобур, Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Фитрат сингари назариётчиларнинг асарларига мурожаат қилинган, балки Аҳмад Юғнакий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Умар Хайём, Аттор, Румий, Сайфи Саройи, Фузулий, Фурқат каби шоирларнинг бадиий асарлари таркибида ги шеър ва шоирликка оид мулоҳаза ва қарашлар ҳам қайд этилган. Ҳар бир мавзу туркуми тўпловчининг умумлашма кириш мақоласи билан бошланганлиги китобнинг назарий аҳамиятини оширганлигини мамнуният билан эслаб ўтиш жоиз. 2013 йилда Ҳ.Болтабоев ва М.Махмудовларнинг биргаликда яратган “Адабий-эстетик тафаккур тарихи (Биринчи жилд: Қадимги давр)” асари нашрдан чиқди. Унда жаҳон адабиётшунослиги ва эстетик тафаккурининг энг қадимги даврдан VIII аср бошларигача (Шарқда исломгача) бўлган ривожи ўзбек тилида биринчи марта муфассал таҳлил қилинган. Бизнинг назаримизда, китобнинг энг катта ютуғи унда қадим Шарқ халқларининг бадиий тафаккури шу кунгача бу соҳада эълон қилинган барча умумлашма асарлардагига қараганда кенгрок ва батафсил ёритилганлигидадир. Масалан, агар қадим Юнон ва Рим эстетикасига (Византия билан биргаликда) 160 саҳифа (119-288 саҳ.) ажратилган бўлса, қадим Миср, Шумер, Бобил ва Исроил, Хитой ва Ҳиндистонга 110 саҳифа, Марказий Осиё ва Эрондаги исломгача мавжуд бўлган адабий-эстетик қарашлар таҳлилига алоҳида 108 саҳифа (289-396 саҳ.) жами 218 саҳифа жой берилган. Бунда қадим Миср шеърияти, Шумер эпик поэзияси, “Билгамиш” достони, қадим мунозаралар, Хаттийлар ва финикийлар адабиёти, “Таврот”даги пай-

ғамбарлар қиссалари, “Құшиқлар қүшиғи”, “Авесто” бадиияти, Тұмарис ва Широк қиссалари, Нақши Рустам ва Биҳистун тошбитиклари, “Корномайи Ардашер Попокон”, “Худойнамакпар”, “Искандар ҳақида роман”, “Зарир ва Саодат”, “Аййодгари Өзургемхри Бохтагон”, Луқмони ҳаким пандномаси, “Корномайи Баҳром Гүр”, “Баҳром Чүбин қиссаси”, созанда ва бастакор Борбад ҳақидаги афсоналар, сүғд манбаларидаги бадиий унсурлар, “Хуастуанифт”, Ўрхун-Энасой обидалари, “Ирқ битиги”, “Ўгузнома”, Берунийнинг “Осори боқия”, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам”идаги қадим тарихга оид маълумотлар таҳлил қилиниб, уларда намоён бўлган бадиий тафаккур унсурлари имкон даражасида очиб берилган. Булар, албатта, мустақиллик шарофати билан бизни қизиқтирган соҳага оид эришилган салмоқли ютуқлар сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу билан бирга ҳануз бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бисёр. “Шарқ мумтоз поэтикаси” китобидаги “Бадиий сўз табиати” деб номланган биринчи мақола хulosасида Ҳ.Болтабоев шундай ёзади: “Шарқ поэтик тафаккурининг қарийб мине йилдан улугроқ тарихига назар ташлаганда, бизга маълум бўлган назарий ҳодисалар, адабий қараашлар ва гўзал таърифларни бир мажмууга йигишидан мақсад келгусида бу фикрият дурдоналаридан адабий хulosалар, назарий умумлашималар, яратиш орқали шу вақтга қадар ўзаро қарама-қаршиликда тушунтирилган дунёнинг икки қутби – Шарқу Farbdagi адабий-назарий тафаккур меваларини йигиб, изчил бир тизимга солиш ва бунинг натижасида яхлит бир адабиёт назарияси яратмоқдан иборатdir.”<sup>20</sup>

Ниҳоятда улуғ ва эзгу ният. Аммо шу ўринда бир ўта долзарб муаммога тўхталиб ўтиш зарурати туғилади.

## 2. Ижтимоий фанлар методологияси хусусида

Бадииятшунослик адабиёт назариясининг ўзак қисмини ташкил қиласи. Адабиётшунослик фани эса филология фанлари доирасида кенг маънода ижтимоий-гуманитар фанлар тизимиға киради. Жаҳон илмида шу кунгача ушбу фанлар тизимиға оид яратилган барча асарлар ўзининг пухта асос-пойдеворига эга эмас.

<sup>20</sup> Шарқ мумтоз поэтикаси. –С. 13.

Ваҳоланки, ҳақиқий илм кўпқаватли бинога ўхшайди, пухта асос-пойдеворсиз бундай иморатни қуриб бўлмайди.

Бугунги кун жаҳон илмида объектив таҳлил устунлик қилиб келмоқда. Табиий фанлар борасида бу айни муддао. Чунки табиатни холис ўрганишгина унинг сирларини эгаллашга олиб келиши мумкин. Янги давр Европасида табиий фанларни ўрганиш устунлик касб этди ва бу тамойил инсоният моддий имкониятларининг ниҳоятда кенгайишига олиб келди. Бу албатта катта ютуқ. Моддий олам сирларини ўрганиш соҳасидаги муваффақиятлар ижтимоий-гуманитар фанларни ҳам шу йўлдан боришга рағбатлантириди. Бунга бутун Ўрта асрлар давомида христианлик дунёсида мутлақ ҳукмронликни кўлдан бермай турган черков асорати ҳам маълум даражада сабабчи бўлди. Илм ва имон ўртасида жиддий зиддият кучайиб борди. Илмий тафаккурнинг черков асоратидан кутулишга интилиши уни худосизлик сари ундали. Гуманизм ғояси инсонни дунё марказига қўйиб, инсон ҳукуларини мутлақлаштиришга олиб келди. Ҳар бир инсон, ҳар бир миллат, ҳар бир давлат мустақиллиги мутлақлаштирилиб, уларнинг Инсоният тақдирни олдидаги бурчи, Борлик ҳақиқатига муносабати масаласи эътибордан четда қола бошлади.

Аслида ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий вазифаси нима? Инсон ва жамиятнинг мавжуд ҳолатини статистик таҳлили асл мақсад эмас, балки мақсад йўлидаги ёрдамчи воситалардан бири холос. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ниҳойи мақсади – ҳар бир инсоннинг, ҳар бир миллат ва жамиятнинг Борлик ҳақиқатига нисбатини аниқлаб беришдир. Бу мақсад йўлида барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг яқин ва самарали ҳамкорлиги ҳаёт тақозосидир. Жумладан, адабиётшуносликнинг бу соҳадаги масъулияти ўта жиддий.

Эндинга ҳарфни ҳарфга уриштириб китоб ўқишига ўргангандан олти-етти ёшли бола теварак-атрофдаги ҳаётни қандай таҳлил қилиб, тўғри хулосалар чиқара олади? Бунинг учун унга ким ёрдам беради? Албатта, биринчи навбатда, она ва отаси, опа-акалари, тарбиячилари, атроф-муҳитдаги инсонлар таъсири бўлади. Бироқ ушбу инсонлар кўрсатадиган таъсир, улар гапирадиган гаплар ўз навбатида уларнинг онг ва савия даражасига, уларнинг ўзи ҳаётни қандай тушунишига боғлиқ. Китоб эса, агар арзигулик китоб бўлса, маълум маънода, умумбашарият тажрибаси асосида

ёзилган, ҳаётнинг бир қиррасини бола учун тушунарли усулда умумбашарият маънавий олами кўзгуси орқали хайрли бир ният сари йўналтириб акс эттирган бўлади. Мана шу маънода адабиётни инсон маънавий дунёсининг шаклланишидаги илк ва озиқ восита дея оламиз. Фалсафий ва илмий дунё даҳолари ҳам одатан бадиий адабиёт йўргагида вояга етадилар.

Ёшлигидан китоб ўқишга ўрганган одам одатда фалсафий, сиёсий, диний адабиётдан бошламайди, аввал бадиий адабиёт на муналари билан танишади. Агар бошқа бирор тур адабиёт қўлига тушганда ҳам, табиий-ки, бола тафаккури билан уни тушунишга қодир бўлмайди. Бадиий асар ундаи эмас, у етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тушунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фаҳм-фаросатига лойиқ бир ҳисса чиқара олади. Шу сабабли адабиёт - ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт Борлик ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга. Ана шу хислати туфайли у инсон руҳини Борлик ҳақиқати билан уйғунлаштиришга ёрдам берувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Инсон руҳини Борлик ҳақиқати билан **уйғунлашуви** эса айни маънавий баркамолликдир. Бугунги кунда **маънавиятнинг** турли таърифлари учрамоқда. Бирорлар уни урф-одатларимиз дейди, бирорлар одоб-ахлоқ дейди, маданият дейди, аждодларимиз мероси дейди, ирсият билан, руҳият билан, ақл-заковат билан боғлайди, ҳатто илмий-амалий кўникмаларга ҳам олиб келиб улагувчилар йўқ эмас<sup>21</sup>. Дарҳақиқат, буларнинг ҳаммасини **маънавият** билан туташлиги бор. Аммо агар улуғларимизнинг гапларига қулоқ тутадиган бўлсак, **маънавият**, биринчи навбатда, ҳар бир **инсоннинг** ўз моҳияти олдидаги, **Ватани ва миллати** олдидаги, балки бутун башарият қаршисидаги масъуллигидир. Инсоннинг **Борлик** абадиятига дахлдорлиги ҳам айни унинг **маънавияти** туфайлидир. Барча жонзотлардан фарқли равишда инсонга азалдан **маънавий камолот имконияти** (*потенцияси*) берилган ва айни шу сабабли инсон – коинот гултожи, Аллоҳнинг сердаги ҳалифаси ҳисобланади. **Маънавият** ва **адабиёт** фақат

<sup>21</sup> Бу ҳақда ишонч ҳосил қилиш учун маънавиятга оид охирги 16-17 йил ичидаги юртимизда нашр этилган турли ўқув қўлланмаларни енгил вараклаб чиқиши кифоя қиласиди.

биргина инсон зотига түхфа этилган, бошқа жонзотларга бу бемисл баракотлар насиб этган эмас.

Шундай қилиб, маънавият ҳар бир инсон зотини **Борлик ҳақиқати** билан боғлаб турувчи риштадир. Ҳар бир инсонни биз алоҳида вужкуд сифатида тасаввур қиласиз. Аммо аслида бутун Борлик яхлит бир тизимдир. Агар ҳар биримиз инсон танасидаги алоҳида бир ҳужайра бўлганимизда, шу ҳужайралар ҳар бири ўзича ҳаракат қилиб, мен – мустақил вужудман, нимани хоҳласам, шуни қиласман, дегудек бўлса, аҳвол нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Инсоннинг барча ўзга маҳлуқотдан фарқи шундаки, унга бу ёруг дунёда мустақил ўйлаш ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имконияти берилган. Ўзга жонзотларни туғма инстинктлар ва шартли рефлекслар бошқарди. Улар ҳар бири ўзига белгилаб қўйилган тор фаолият доирасида умргузаронлик қиласи. Факат инсон – эркин. У гўё хушига келганини қилиши мумкиндек. Ҳаёл олами эса – чексиз. Аммо бу ёлғон тасаввур. Аслида ҳар бир инсон Борликнинг барча нуқталарига чексиз ришталар билан чамбарчас боғлангандир. Унинг ҳар бир қадами, ҳатто ўйи-хаёли оламнинг ҳолатига таъсир этмай қолмайди. **Маънавият ана шу масъулиятни англаш ва ҳис қилишдир. Юксак маънавият – енгилмас куч, маънавиятсизлик эса инсониятга хиёнат, Борлик ҳақиқатига нисбатан кечириб бўлмас гуноҳи азимдир.**

*“Адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир”,* деб таъкид этади Ислом Каримов. Демак, маънавиятнинг нима эканлигини англаб етмай туриб адабиётнинг моҳиятини ҳам тутал англаб етиш қийин. Маънавиятни тушуниш учун эса бугунги кунда ҳаётга янгича қарап, эскирган ақидалардан дадил воз кечиб, XXI аср тафаккурига мувофиқ фикр юрита билиш талаб қилинади. Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни тан олиш лозимки, XXI аср охирига келиб, нафақат собиқ Шўролар тузумидаги мустабид мафкура, балки аниқ ва ғаний фанлар соҳасида, техника ривожида юксак чўққиларни кўлга киритган Европа илми ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида депсиниб қолди. Бунинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида юқорида гапирилди. Ана шундай бўхроний бир вазиятда ўтмишда жаҳоншумул улуғ алломалар етишган бизнинг диёrimизда яна бир жиддий ташаббус намоён бўлди. Юртимиз миллий мустақилликка эришган дастлабки кунлардан эътиборан Президент Ислом Каримов қатор нутқ ва алоҳида асарларида **миллий маънавиятимиз** анъаналарига таянган ҳолда ижтимоий фанлар наза-

риининг мутлақо янгича умумметодологик асосларини олға сурға бошлади. Бу асослар, айниқса, унинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китобида ёрқин ифодасини топди<sup>22</sup>.

Иқтисод ва сиёсат соҳаларига жаҳон илмида етарлича эътибор қаратилгани учун Президент Ислом Каримов инсон ва жамият ҳаётининг асосий соҳаларидан бири бўлган маънавиятга махсус дикқатимизни жалб этди<sup>23</sup>. **Маънавиятнинг ҳақиқий маскани ва макони инсон қалби бўлиб, маълумки, санъат ва бадиий адабиётнинг бош объекти ҳам шудир.** **Маънавият – ўз мазмунига кўра кўп қиррали мураккаб ботиний ҳодиса бўлиб, шу маънода Президентимиз уни “Инсоннинг, Халқнинг, Жамиятнинг, Давлатнинг қўч-қудрати”, “инсонни руҳий покланши ва юксалишга давват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, тътиқодини мустаҳкамлайдиган, вижданини уйготадиган қудратли ботиний куч” деб улуғлади.** Демак, **маънавият** тушунчилиги ўз бағрига имонни ҳам, вижданни ҳам, илмни ҳам, масъулият

<sup>22</sup> Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китоби ва бошқа асарларида ушбу мавзуда баён қилган мулоҳазалари бўйича батаффил маълумот олиш учун қаранг: И момназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: “Шарқ”, 1998. –С. 46-60; И момназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. –Т.: ТИУ нашриёти, 2001. –С.16-30; И момназаров М., Саидов У. Миллий тараққиётимизнинг маънавий-ахлоқий асослари. –Т.: “Академия”, 2005. –С.3-16; И момназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари (лотин ёзуvida) –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиияти нашриёти, 2006. –С.14-27.

<sup>23</sup> Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти, албатта, ўз халқи ва мамлакатнинг ёш авлоди тарбиясини назарда тутиб миллий маънавиятимизни асл ҳолида тиклаш ғоясини олға сурган, аммо давр ўтиши билан маълум бўлдики, бу масала бутун жаҳон илми учун долзарб бўлиб турган муаммо экан. Интернет маълумотларига кўра, юртимизда “Маънавият асослари” фанини барча ўкув юртларида ўқитиш жорий этилган даврдан бошлаб жаҳон илмида маънавият тушунчасига алоҳида эътибор ниҳоятда кучайган. Масалан, 2007-2008 йилларга келиб интернет хабарларига кўра аср бошидан «Spirituality» мавзусига оид инглиз тилида нашр этилган китоблар рўйхати 5500 дан ошиб кетган. Бу мавзуга тааллуқли муфассалроқ маълумот учун қаранг: *М.И момназаров. Маънавият назарияси бугунги қун жаҳон илмининг энг долзарб масаласидир. // “Олий таълимда ижтиёмий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2011. –С. 138-150.*

ва меҳрни ҳам қамраб, сингдириб олувчи курдатли бир ботиний кучни англатиши билан жаҳон илмида қадимдан ўрганиб келинаётган ахлоқ илми, нафосат туйғуси, фалсафа ва мантиқ, адабиёт ва санъат соҳаларининг ички моҳиятларини равшан очиб берувчи маёқ вазифасини бажара олар экан.

Ҳар бир инсон ва жамиятнинг маънавий ҳолати муайян шахс ва миллат маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Афсуски, инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан иккитаси – иқтисод ва сиёсат – жаҳон илмида ҳар томонлама ўрганилган ҳолда, учинчи ўта муҳим соҳа – маънавият соҳаси яқин-яқингача назарий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб кетган эди. Бу орада ахлоқ илми шаклланди, эстетика назарияси вужудга келди, маданиятшунослик (*культурология*), психология, педагогика, антропология, ҳатто валеология каби фанлар ҳам пайдо бўлди, аммо яхлит маънавият назарияси (ёки маънавиятшунослик) алоҳида фан сифатида шаклланмади. Бу ҳолатни, аччиқроқ бўлса ҳам, шарқ адабиётида кенг тарқалган кўрлар ва фил ҳақидаги ривоятга қиёс қиласа бўлади. Дарҳақиқат, қандай қилиб шахс ва миллат маънавияти нима эканлигини назарий жиҳатдан англаб етмай туриб, муайян шахс ва миллатнинг ахлоқини, маданиятини, руҳиятини, урф-одатлари, адабиётини, ёш авлод тарбиясига оид ва умуман ўз ҳаётини ташкил қилишга оид қарашлари ва асос-усулларини моҳиятан тўғри англаб этиш мумкин? Филнинг думини, қулогини, хартумини, оёғини, қорнини алоҳида алоҳида пайпаслаган билан яхлит бир жонзот ҳақида мукаммал ва ишончли тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди-ку?


Инсон илми ҳеч қачон Борлик ҳақиқатининг охирига ета олмайди. Шундай экан, ҳарқандай илм бирор-бир аниқ мақсад сари йўналмаса, чексиз-чегарасиз, ибтидо-интиҳосиз бўлиб қолиб, бирор самарага мұяссар бўлиши қийин. “Методология” тушунчаси воқеликни илмий идрок этишнинг айни шу муайян мақсадга қаратилган мантикий тизимини англатади. Маълумки, аждодларимиз - буюк тасаввуф пирлари - Ҳаққа этишишнинг ирфоний йўлларини ишлаб чиқканлар ва уларни “*тариқат*” ёки “*сулук*” деб атаганлар. “Method” атамаси ҳам аслида юононча “*методос*” сўзидан бўлиб, “йўл”, “ҳақиқатни англаб этиши йўли” маъноларини ифодалайди. Араб тилида бу сўзниг муқобили “*тариқ*” ёки “*тариқа*” бўлади. “*Тариқат*” атамасининг келиб чиқиши шундан. Алишер Навоий XV аср-

да айни шу анъанага таянган ҳолда адабиётда “бадий метод” муаммосини ҳал қилиб берди ва “ҳақиқат тариқи”, “мажоз тариқи” тушунчаларини илмий истеъмолга киритди<sup>24</sup>.

Марксизм-ленинизмга сўнгти ҳақиқат деб қараган пайтимизда ижтимоий фанлар соҳаси жуда жўнлашиб кетган эди. Чунки мутлақ ҳақиқатлар аллақачон аниқланган, энди нисбий, иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишгина қолгандай тасаввур хукмрон эди. Ҳозир ҳам яқин ўтмишда марксистик фалсафани яхши ўзлаштириб олганлар учун эски андаза ва қолиплардан воз кечиш қийин бўлмоқда. Аммо бугун, кўзимизни каттароқ очиб қарасак, биргина Европа минтақасида шунча кўп бир-биридан кескин фарқ қилувчи фалсафий тизимлар яратилган экан-ки, уларнинг ҳар бирини жиддий англаб етиш учун бир инсоннинг умри ё етади, ёки етмайди. Шундай шароитда собиқ совет даврида кимки марксистик диалектикани тарғиботи билан илмий даражаларга эришган бўлса, бугун ҳам кечаги билимларини «илмий фалсафий таълимот» сифатида талабаларга тақдим қилишга уриниши<sup>25</sup>, юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас, қолаверса, бундай

<sup>24</sup> Бу ҳақда илгари нашр этилган китобларимизда батафсил изоҳлар берилган.

<sup>25</sup> Ганимиз қурук даъво бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирамиз. Мархум академик Ж.Туленовнинг 2001 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этирган “Диалектика назарияси” китоби айни шундай уринишлардан бўлиб, унда, масалан И.Кантнинг билиш назарияси ҳақида шундай дейилади: “Умуман Кантнинг билиш назарияси ўз моҳият эътибори билан инсон ақлининг билиш имкониятларини, фаннинг ривожланиш истиқболларини инкор этишга қаратилган. Бу хилда инсон ақлининг билиш имкониятларини чеклаш идеализмнинг ҳамма кўринишларига хосдир.” (Ўша китоб, с.171). Китобнинг 73-74 саҳифаларида марксистларни “яхлит таълимот ҳисобланган” диалектикани “сунъий равишда материалистик диалектика ва идеалистик диалектикага” бўлиб, уларни “бир-бирига қарама-қарши қилиб” кўйишда айبلاغан муаллиф олдинги гапи ёдидан кўтарилиб, энди ўзи марксистлар гапини сўзма-сўз такрорламоқда. Умуман, ушбу асар шўролар даврида чиқсан “диалектик материализм” га оид дарслклардан асосан К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин ўз вақтида олға сурган ғояларни асл муаллифлар исмини тилга олмай, иқтибосларни “кўштироқдан чиқариб” ўз номидан эълон қилиши билан фарқ қиласи, деб айтиш мумкин. Бу энди илм тилида яширин плагиат (ёки “уятчан кўчирмачилик”) дейилади. Мархум олимнинг китобини эсламаслик ҳам мумкин эди, аммо баъзи олий ўкув юртларида ушбу китоб олимнинг баъзи шогирдлари томонидан талабаларга ўкув кўлланма сифатида ҳануз тавсия этилаётгани бизни бунга мажбур килди.



“ўжарлик”нинг оқибатини ҳам ўйлаш керак. Кечаги биз бошдан кечирган “савдолар”дан бехабар ёшларимиз бундай масъулият-сизлигимиз туфайли яна ёлғон “ҳақиқат”ларни чин деб ўзлаштирадими? Бундай методологик чалкашликлар фақат фалсафа эмас, бошқа қатор ижтимоий фанларга ҳам оид бўлиб, 70 йиллик марксистик мафкура асорати уларнинг барчасига ўз “тамга”сими босиб кетганлиги биз катта авлодга сир эмас.

Президент И.А.Каримов ўз вақтида “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида бу ҳақда шундай деган эди:

*“Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шакланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришивидаги катта таъсир кучига эга. Лекин бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган гоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришига тўғри келмоқда. Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожи замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиши чораларини кўришимиз лозим”<sup>26</sup>.*

Аниқ ва табиий фанлар, тиббиёт ва техника фанлари миллат ажратмайди, уларнинг дини, миллати бўлмайди, сабаби улар моддий борлиқ ашёларини ўрганади. Тоғу тош, набототу ҳайвонот, темири ёғочнинг миллатга алоқаси йўқ. Ҳатто инсоннинг биологик мавжудот сифатидаги хусусиятлари ҳам алоҳида миллий жиҳатларга эга эмас. Миллийлик анатомия ёки физиология билан эмас, балки тафаккур билан боғлиқ. Шу сабабли инсоннинг моддий борлигини ўрганувчи фанлар ҳам, ўзга табиий фанлар сингари мантиқий тафаккур ва тажриба уйғунлигига таянади. Олим тафаккур воситасида маълум хулосага келгач, уни тажрибада синаб кўради ва тажрибада тасдиқлансанагина унинг хулосаси илмий кашфиётга айланади.

<sup>26</sup> Каримов И.А. Асарлар. 8-жилд. –С. 504-505.

Аммо ижтимоий-гуманитар фанларнинг мавзуси (объекти) инсон ва инсонлар жамиятига хос турли муаммолардан иборат<sup>27</sup>. Ҳарқандай инсон ва инсонлар жамиятига эса миллийлик хосдир. Миллийлик миллий тил, миллий макон, миллий тарих, миллий маънавий мерос, миллий маданият ва урф-одатлар билан боғлиқ. Буларнинг барчасини ҳисобга олмай туриб, бирор бир инсон ва инсонлар жамиятига хос муаммолар ечимини тўғри топиб бўлмайди. Шундай экан, ижтимоий-гуманитар фанлар албатта миллий бўлмоғи мантиқан асосслидир. Чунки, ҳар бир миллатнинг ўз тили, тарихи, маданияти, ахлоқий қарашлари бошқа миллатлардан маълум даражада фарқ қиласиди ва бу фарқларни инобатга олмаслик катта хатоларга олиб келиши шубҳасиздир.

Бу дегани турли миллатларнинг ижтимоий-гуманитар соҳаларда ўзаро умумий жиҳатлари йўқ дегани эмас. Бундай умумийликлар ҳақида эса илмий жиҳатдан фақат уларни ўзаро қиёсий ўрганиш асосдагина аниқ хулосалар чиқариш мумкин. Бу соҳадаги мавжуд чалкашликларнинг асосий сабаби Янги давр охирларига келиб Европа давлатлари бутун Осиё, Африка ва Жанубий Американи ўз таъсир доирасига, аникроғи, мустамлакасига айлантириб олгач, Европа шарқшунослари ўз юртлари тарихий

<sup>27</sup> Табиий ва аниқ фанлар билан ижтимоий-гуманитар фанлар аро фарқни таникли рус адабиётшуноси М.М.Бахтин куйидагича талқин қиласиди: “Аниқ фанлар – билимнинг монологик шакли: ақл ашёни кузатади ва у ҳакда фикр билдиради. Буерда фақат тадқиқ этувчи (мушоҳада қилувчи) ва баён қилувчи (фикр билдирувчи) ягона бир шахс мавжуд. Унинг қаршисида фақат тилсиз-забонсиз ашё. Ҳарқандай билиш обьекти (шу жумладан инсон ҳам) ашё сифатида қабул қилиниши ва тадқиқ этилиши мумкин. Лекин шахс том маънода ашё сифатида қаралиши ва шу маънода тадқиқ этилиши мумкин эмас, зеро шахс, ўзлигини сақлар экан, тилсиз-забонсиз қола олмайди, демакки, уни ўрганиш фақаттинга диалогик усуlda бўлиши мумкин.” («Точные науки – это монологическая форма знания: интеллект созерцает вещь и высказывается о ней. Здесь только один субъект – познающий (созерцающий) и говорящий (высказывающийся). Ему противостоит только безгласная вещь. Любой объект знания (в том числе человек) может быть воспринят и познан как вещь. Но субъект как таковой не может восприниматься и изучаться как вещь, ибо как субъект он не может, оставаясь субъектом, стать безгласным, следовательно, познание его может быть только диалогическим.» = К методологии гуманитарных наук // М.М.Бахтин. Эстетика словесного творчества. –М.: «Искусство», 1986. –С.383)

таржибаси асосида яратилган ижтимоий-гуманитар фан қолипларини жиддий ўйлаб кўрмасдан ўзга юртлар ижтимоий-гуманитар соҳалариға татбиқ этишга уринишларидан сарчашма олади, дейиш мумкин. Икътисодий ва ижтимоий жиҳатдан, ҳамда аниқ ва табиий фанлар соҳасида илгарилаб кетган Европа тамаддуни таъсирига тушган, кўпроқ шу юртларда таълим олган маҳаллий илм-фан вакиллари ҳам бу янгилиш йўналишни ўз юртларида ривожлантиришда давом этдилар. Масалан, ҳозирги Ҳиндистон ва Покистон олимлари Буюк Британия, дастлабки эронликлар Франция ва Германия, Марказий Осиё минтақаси вакиллари Россия илмий марказлари тарбиясида Янги давр илмига кириб келдилар. Африка, Австралия, Жанубий Америка туб аҳолиси ҳақида гапирмаса ҳам аҳвол маълум.

Ижтимоий-гуманитар фанлар методологияси масаласига қайтадиган бўлсак, яна бир нарсага алоҳида ургу бериб ўтиш лозим бўлади. Юқорида айтилдики, табиий фанлар мантиқий тафаккур ва тажриба уйғунилигига таянади. Олим бирор мавзуда тафаккур юритиб муайян хulosага келгач, уни тажрибада синаб кўради ва тасдиқлангач, ўз хulosасини илмий кашфиёт сифатида жамоатчиликка тақдим этади. Шундай қилиб табиий фан вакиллари тогу тошлар, набототу ҳайвонотлар устида бемалол турли тажрибалар ўтказадилар ва ҳечким уларни бирор жиноятда айбламайди<sup>28</sup>. Лекин ижтимоий-гуманитар фанлар инсон ва жамият ҳақида бўлгани учун, инсон ва жамият устида тажриба ўтказиб бўлмайди. Бугунги кунда инсонлар ва инсоний жамиятлар устида хатарли тажрибалар ўтказиш оғир жиноят ҳисобланади. Ўтган асрда концлагерларда инсонлар устида тажрибалар ўтказган фашистлар қанчалик оғир жиноятга қўл урган бўлсалар, инсоний жамиятлар устида тажриба ўтказиб, миллионлаб инсонлар ҳаётини барбод қилиш асосида Маркс ғояларини исботлашга уринган коммунистларнинг аҳли башар олдидаги жиноятлари ундан кам бўлмади. Бугунги кунда “америкача демократия”ни турли юртларда зўрлик ва алдовлар билан жорий қилмоқчи бўлаётганлар ёки бирор илоҳий китобда ёзилмаган “исломий халифалик” пуч ғоясини

<sup>28</sup> Бугунги кунда бундай тажрибаларни ҳам эҳтиёт бўлиб ўтказилмаса, атроф-муҳиттагина эмас, бевосита инсон ҳаётига ҳам хавф солиши мумкинлиги кўриниб қолмоқда.

турли маккорликлар йўли билан амалга ошириш ҳаракатида юрганинг ўтказмоқчи бўлаётган “тажрибалари” ҳам ана шундай ўта хатарли жиной амаллардандир. Бу икки бузғунчи кучнинг бугуни Шом ва Ироқ аҳолиси бошига ёғдираётган фалокатларини бутун жаҳон кўриб турипти. Гўёки бир-бирига зид йўналишда бўлган бу икки жиной ҳаракат ташкилотчиларининг асл мақсади битта - башарият устидан ўз истибододларини ўрнатиш. Бунинг учун миллионлар қони тўкилиб, қанча обод маконлар вайрон бўлиши уларни заррача чўчитмайди.

Ижтимоий, яъни инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар иложесиз равишда ҳар бир минтақа, миллат ва элат, баъзан ҳатто алоҳида ижтимоий тоифа учун ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон тарихини Олмония ёхуд Хитой тарихи принциплари асосида яратиб бўлмайди, ёки рус тили луғатшунослигини араб тили учун ишлаб чиқилган моделлар асосида курсак, миллий тил моҳиятига зид иш қилган бўламиз. Чунки ҳар бир минтақа, миллат ва элатга хос эътиқод тизими, ҳаёт тарзи, урфодатлари, маданияти, ахлоқий принциплари бўлади. Масалага янада аниқроқ ёндошилса, ҳатто ҳар бир ижтимоий тоифанинг қаётта ёндошувида ўзига хос жиҳатлар бўлади-ки, уларни ҳисобга олмаслик умумбашарий миқёсда оғир оқибатларга олиб келувчи чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Марксизмнинг фақат ишчилар синфи манфаатларини кўзда тутиб (аниқроғи, энг камбагал ва паст тоифали ишчилар, яъни пролетариатнинг муайян бир тарихий шароитдаги нуқтаи назари ва тор доира манфаатларинигина ҳисобга олиб) ишлаб чиқилган дунёқарааш тизими бутун жамиятга зўрлик билан татбиқ этилиши натижасида инсоният бошига қандай кулфатлар ёғилганлиги бу масалада тарихнинг аччиқ сабоги бўлганлигини эслаш кифоя.

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ (математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чукур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий такомилига татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан

ўзини оқламади. Россиядаги крепостнойлик тузуми, Ўрта асрлар Европасидаги феодализм тизими, ёки Юнонистондаги қулдорлик айни ўша ўлка ва минтақаларга хос бўлган бетакрор ижтимоий ҳодисалар эди. Уларни Хитой ёки Ҳиндистондан қидириш ҳеч қачон қониқарли натижа берган эмас. Шундай экан, бугунги кунда яна муайян замон ва маконда тугилаётган долзарб муаммоларга «жсаҳониумул» миқёсда жавоб беришга бехуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм тарихининг аччиқ сабоқларини бироз иnobатга олиб режа тузсак ва ҳаракат қилсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитмай иш тутган бўлур эдик.

Ижтимоий фанлар соҳасида факат мантиқий таҳлил кифоя қилмайди. Ҳар бир ҳалқ ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, ахлоқий қарашларини назарий ўрганиш учун бошқа ҳалқлар тарихшунослиги, маданиятшунослиги, адабиётшунослиги ва ахлоқшунослигига асрлар давомида ўша ҳалқлар тарихи, маданияти, дини, адабиёти, урф-одатлари тарихий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган принциплар, тушунча ва тимсолларни шундайича кўчириб олиб келиб, ўша бегона қолипларга ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, маънавий ва ахлоқий қадриятларини қандай қилиб бўлса ҳам тикиштиришга уринмай, бу соҳада аждодларининг тажрибаларини чукур ўрганиши, уларни ўзаро қиёслаб, ҳозирги замон талабларини, кейинги даврда бу соҳада эришилган ютуқлар ёки йўқотишларни ҳисобга олиб, ўзга минтақалардаги аҳволни ҳам назарда тутган ҳолда мустақил қонун-қоидалар, тушунча ва тимсоллар тизимини аниқлаш ва уни мустақил йўналишда такомиллаштириб боришга ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу, албатта, қийин ва машақкатли изланишлар йўли, аммо бу соҳада осон йўлни қидирган олим охир-натижада ҳалқни гумроҳликка маҳкум қиласиди.

Президент И.А.Каримов кейинчалик бу масалага яна алоҳида ургу берди: «*Албатта, ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.*»<sup>29</sup> Президент асарида, жумладан, маънавий меросимизга, “умумбашиарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айлануб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимлар-

<sup>29</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. –С. 29-30.

нинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида” бекиёс хизматлари сингтан она юртимида туғилиб камолга етган улут алломаларнинг боқий меросларига маҳсус эътибор қаратилади<sup>30</sup>.

Илм хоҳ жузъий масалага бағишлансан, хоҳ умумметодологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлсин, агар холис бўлмаса, илм бўлмайди, реал натижага эришилмайди. Қандай мақсадни олдига қўйганлигидан қатъи назар, холис изланишларга таянмаган илм – илм эмас. Шу нуқтаи назардан, бир аччиқ ҳақиқатни ниҳоят тан олишимиз керак: собиқ СССР шароитидаги ижтимоий фанлар соҳасида ўтказилган «тадқиқотлар»нинг иксаият қисми ҳақиқий илм эмас, мафкурабозлик эди, холос. Шундай экан, кечагина ўтмиш мафкурасига содик хизмат қилиб, турли “илмий” даража ва унвонларга сазовор бўлғанлар, ҳеч бўлмаса, ҳали ҳам адабиётчи, тарихчи, ва ҳ.к. бошқа фанлар намоённадаларига беписандлик билан юқоридан қарашга уринмасалар, дунё илмининг ривожига дурустроқ назар солиб, аждодларимиз маънавий меросига жиддийроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қиласалар ёмон бўлмас эди.

Собиқ тузум даврида аждодларимиз меросини ўрганиш бўйича бажарилган ишларни баҳолашда унутмаслик лозимки, буюк алломаларимизнинг қарашлари уларда асли ҳолидек акс этган эмас, балки бегона қолиллар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган. Бунинг учун турли усувлардан фойдаланилган. Масалан, оммавий нашрларда уларнинг асарларидағи “коммунистик партиявилик” қолипига тушмай қолган жойлари (кўпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланиши шундай “усул”лардан бири эди. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аждодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўгри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатганлар, аждодларимиз сўзини холис, минтақа маънавиятининг амалий ва назарий такомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафкура талабларига мос йўналишда талқин этгандар. Натижада ўтмиш меросимиз намуналари билан асл қўлёзмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона хукм-

<sup>30</sup> Шу китоб. –С. 30.

рон идеология рухсат берган “ҳақиқатлар”дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли бехабар тарбия топғанлар. Бугун зиёлиларимизнинг кўпчилиги маънавий меросни тўғри идрок қилишга қийналаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шунда. Демак, ўтган 70 йиллик даврда маънавий меросни ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг амалий томонлари - нашрлар, маълумотлар - бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, ғоявий-назарий йўналишлар, талқин ва хуносалар, андаза ва тушунчалар - барчаси жиддий ва дикқат билан қайта кўриб чиқишни талаб қиласи ва бу миллий маънавиятимиз назариясини тўғри, аслига мувофиқ шакллантиришда ўта муҳим муаммолардан биридир.

Табиий фанларнинг методологик асосини мантиқий тафаккур ва маҳсус тажрибаларнинг ўзаро мувофиқлиги ташкил қилиши айтилди. Агар бир олим ўз соҳасида кузатишлар ва мантиқий тафаккур асосида бирор янги хуносага келса, бу илмий фараз (*гипотеза*) бўлади. Агар ушбу тахминий мулоҳаза маҳсус ўтказилган тажрибада аниқ тасдигини топса, ана шундагина бу янгилик ҳақиқий илмий кашфиётга айланади. Аммо ҳар бир инсоннинг ички маънавий ҳолати ва жамиятда инсонлар аро муносабатларга оид муаммолар эса бундай усул билан ҳал қилинмайди.

Ислом минтақасида “*филология*” ва “*герменевтика*” га оид фанлар жуда қадимдан кенг ривожланган ва муайян маънода барча инсон ва жамиятга оид фанларнинг аввалига кўйилган. Бунинг асосий сабаби илоҳий китобларга ва маънавий меросга айрича аҳамият билан боғлиқ бўлиб, Янги давр Европа одами илмда ҳам, бадиий ижодда ҳам кўпроқ оригиналликка, бетакрорликка интилса, Ислом минтақасида ҳар бир алоҳида инсон ўз билимларини ягона ва чексиз (ғайбга уланиб кетувчи) Борлик ҳақиқатининг жузвий қисми, хусусий шарҳи деб ёндошган. Европада ҳар бир шахс ўз фикрини ўзгалар қарашидан фарқ қилиб туришига эътибор қаратса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра ҳар бир улуғ аллома ўзиenglаб етган ҳақиқатларни илоҳий калом ва ўзидан олдинги ўтган салафларга аён бўлган ҳақиқатлар билан уйғун жиҳатларини таъкидлашга уринган. Бунинг натижасида, баъзан Европа кишилари Шарқни оригинал (янгича) фикрлай олмаслиқда айблаш сингари ҳолатлар ҳам учрайдики, бу ҳаётга ёндошувдаги ўзига хосликларни тушунмаслиқдан келиб чиқади.

Шундай қилиб, маънавиятга оид фанларнинг методологияси масаласи аллақачон улуғ аждодларимиз томонидан ҳал

қилинган. Бу илм ва имон бирлиги, аникроғи, **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги**, яъни илоҳий китоблар ва аждодларимиз меросида баён қилинган, тарихий тажрибага асосланган билимлар билан рационал (мантиқий) тафаккурга асосланган холосаларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Бу **методологик асос** Куръони карим ва Ҳадиси шарифлардан сарчашма олиб, Имоми Аъзам, Форобий, Мотуридий, Ибн Сино, Фаззолий, Насриддин Тусий каби ислом минтақа маданиятининг буюк алломалари ижодида ўз ривожини топган, кейинчалик улуғ тасаввуф пирлари Аттор, Румий, Ибн ал-Арабий кабилар ижодида ирфоний гоялар билан бойитилган ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий сингари мутафаккир ижодкорлар асарларида бадний тафаккур жилолари билан мукаммаллаштирилган муназзам бир истеҳком, метин пойдевордир-ки, унга таяниб яратилган ҳар бир жиддий тадқиқот умумбашарий **кашфиёт** даражасида қабул қилинишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бунинг учун ҳар бир уриниш самимий имон ва илм, меҳр ва масъулият билан йўғрилган бўлса, бас. **Демак, ижтимоий-гуманитар фанларнинг методологик асоси ақл ва нақл уйғунлигига таянар экан.** Яъни бу соҳада ҳар бир халқ вакили ўз маънавий меросини жиддий ва холис ўрганиб ва мукаммал ҳисобга олиб, уларни бошқа миллатлар тарихий тажрибаси билан илмий-назарий қиёслаш заминида чуқур мантиқий таҳлил билан муайян холосаларга келиши мумкин. Бунда мантиқий таҳлил ва тарихий тажрибанинг уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

### 3. Бадииятшунослик адабиётшунослик фанлари таркибида

Аристотель ишлатган “*Поэтика*” (арабчада “*илми бадиъ*”)<sup>31</sup> атамаси кенг маънода **адабиёт назариясини** англатиши юқорида тилга олиб ўтилди. Асримиз бошларида Москвада нашр этилган 2 жилдли «*Адабиёт назарияси*» китоби<sup>32</sup> З қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “*Адабиёт фаолият тури сифатида. Бадиий изҳор назарияси*”<sup>33</sup> деб номланган ва унда адабиётнинг мураккаб табииати

<sup>31</sup> Қадим юонончада “*poietike techne*” - яъни “*бадиий сўз санъати*”, сўзма-сўз таржимада “*изсад санъати*”.

<sup>32</sup> Теория литературы. В двух томах. –М.: «Academia», 2004. 512 стр.

<sup>33</sup> Русча: “*Литература как род деятельности: теория художественного дискурса*” деб номланган ва “*дискурс*” термини китобнинг 80-саҳифасида

(рамзийлиги, туйғуга таъсири, маънавий мuloқот воситаси эканлиги) ҳақида умумфалсафий руҳда баҳс этилади. Китобнинг қолган икки қисми тўлиғича бадииятшунослик масалаларига бағишиланган бўлиб, иккинчи қисми “Адабиёт фаолият ҳосиласи сифатида: назарий бадииятшунослик”<sup>34</sup>, учинчи қисми “Тарихий бадииятшунослик”<sup>35</sup> деб номланган. Ҳажм жиҳатидан ҳам умумфалсафий биринчи қисмга атиги 90 саҳифа ажратилган бўлса, бадииятшунослик масалаларига жаъми 630 саҳифа (иккинчи қисмга – 298 саҳифа, учинчи қисмга эса тўлиқ 2-жилд – 332 саҳифа) бағишиланган.

Агар 1999 йилда нашр этилган В.Е.Хализевнинг «Адабиёт назарияси»<sup>36</sup>даги 6 бобдан фақат 4-боб (“Адабий асар” – с. 90-187) поэтика масалаларига ажратилган бўлса<sup>37</sup>, Н.Д.Тамарченко таҳриридаги икки жилдликда бадиий сўз санъатининг бошқа санъат турлари билан муносабати ҳам, адабий тур ва жанрлар масаласи ҳам, услубшунослик муаммолари – барчаси “назарий поэтика” таркибиға киритиб юборилган.

Бугунги кунда бадииятшунослик фанининг ўзи тармоқланниб кетган. Адабиётшунослик қомусий лугатида<sup>38</sup> назарий (ёки умумий) ва тарихий бадииятшуносликдан ташқари хусусий бадииятшунослик (“частная поэтика”) ҳам ажратиб кўрсатилган. Умумий ва хусусий бадииятшуносликни ўзаро фарқлаш учун баъзан макропоэтика ва микропоэтика терминлари ҳам

---

“мuloқот ҳодисаси”, яъни қандайдир яхлит (аслида ўз таркибиға кўра анчагина мураккаб) фикр изҳорининг эгаси, мазҳари ва қабул қилувчиси қўшилиб ҳам, ажратиб ҳам кетмаган бирликда мавжудлиги” (“коммуникативное событие”, т. е. несплиянное и нераздельное событие субъекта, объекта и адресата некоторого единого (хотя порой и весьма сложного по своей структуре) высказывания”) деб изоҳланган. Биз ўзбекчага “бадиий мuloқот назарияси” деб ўтирганимиз сабаби ушбу қисм мундарижасидан аён бўлувчи бадиий асар табиатининг мураккаблиги бўлиб, уни биргина ижодкор ва китобхон орасидаги маънавий мuloқот доирасида чегаралаб қўйиш дуруст эмаслигидир.

<sup>34</sup> «Литература как продукт деятельности: теоретическая поэтика»

<sup>35</sup> «Историческая поэтика»

<sup>36</sup> В.Е.Хализев. Теория литературы. –М., 1999. 240 стр.

<sup>37</sup> Аслида В.Е.Хализев ҳам назарий, ёки умумий поэтика адабиёт назариясининг марказий қисмини ташкил қилишини китобининг бошланиш қисмidaёқ таъкидлаб ўтади. (В.Е.Хализев. Теория литературы, с. 8).

<sup>38</sup> Литературный энциклопедический словарь. –М.: «Сов. энциклопедия», 1987, 752 стр.

ишлатилади. Яна шу мавзудаги мақоланинг давомида “Шарқ бадииятшунослиги” (“Восточная поэтика”) умумий сарлавҳаси остида ҳинд, араб, форс анъанавий бадииятшунослик илмлари баёнига оид фасллар илова қилинган. Уларнинг мазмунидан **бадииятшунослик** фанининг маҳсус миллий ва минтақавий йўналишлари ҳам мавжудлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, Европа, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Узок Шарқ минтақа маданиятларининг ҳар бирида қадимдан мутлақо ўзига хос бадииятшунослик тизимлари шаклланганлигини бугунги кунда жаҳон фани эътироф этиб турипти. Шу билан бирга адабиёт илмининг ҳозирги даврдаги ривожини назарда тутган ҳолда турли минтақа анъанавий бадииятшунослиги ютуқларидан ижодий фойдаланган ҳолда замонавий бадииятшунослик тизимини ишлаб чиқиши ёхтиёжи ҳам кундан-кунга долзарблашиб бормоқда. Энди шу санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб ўтсак.

Умумий (ёки назарий) бадииятшунослик, яъни **макропоэтика**. Юқорида тилга олганимиз Н.Д. Тамарченко таҳриридаги икки жилдликнинг биринчи жилди иккинчи қисми тўлиғича ушбу мавзуга бағишлиланган бўлиб унинг таркибиға назар солсак, уч бўлим, 15 бобда бадиий адабиётнинг бошқа санъат турлари билан муносабатлари, тил ва адабиёт, наср ва назм, адабий асар структураси (ички курилиши), бадиий асарда замон ва макон, сюжет ва композиция, персонаж ва характер, адабий тур ва жанрлар, бадиий услуг масалалари – барчаси ушбу йўналишнинг мавзулари сифатида бирма-бир батафсил кўриб чиқилган. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мавзулар барчаси бугунги кун Европа адабиётшунослиги нуқтаи назаридан, асосан Европа ҳалқлари адабиёти анъаналарига таянган ҳолда таҳдил қилинган. Бошқа минтақа адабиётлари намуналарига мурожаат қилинган ҳолатларда ҳам барибир европалик кўзи билан қарашиб сезилиб турди. Албатта, на Яқин ва Ўрта Шарқ, на Хитой ёки Ҳиндистон адабиётларининг айниқса ўтмиш мумтоз намуналари таҳлилига ушбу назарий қараашларни тўғридан-тўғри татбиқ этишга уриниш қониқарли илмий савиядаги хulosаларга олиб келиши гумон. Ҳатто бу минтақаларда яратилаётган замонавий бадиий асарларни ҳам ушбу назарияларга кўр-кўrona эргашган ҳолда таҳдил қилиш миллий ва минтақавий мавжуд анъаналарни, ушбу ҳалқларнинг асрлар бўйи шаклланган яхлит миллий маънавиятларини назардан қочириш оқибатида асл моҳиятдан узоклашиш ҳолатларига сабаб бўлиши турган гап. Демак, бу йўналишда ҳар бир мил-

лий адабиётнинг ўзига хос жиҳатларини тўғри талқинига эришиш учун дунё ва минтақа фани анъаналарининг тўғри нисбатини саклаган ҳолда ўз назарий бадииятшунослиги асосларини ишлаб чиқишига жиддий киришмоқлари ўша миллат адабиётшунослари зиммасидаги ҳам қарз ҳам фарз бўлмоғи керак.

**Тарихий бадииятшунослик** (“историческая поэтика”) йўналишининг асосчиси сифатида одатда XIX аср таникли рус филолог ва адабиётшуноси А.Н.Веселовский (1838-1906) номи тилга олинади. Аллома ижод қилган даврда (XIX асрнинг иккичи ярмида) филология фанида қиёсий-тарихий тилшунослик йўналиши (“сравнительно-историческое языкознание”) гуркираб ривожланаётган палла эди. Ҳатто XX аср ўрталарида чоп этилган мавзуга оид китобларда ҳам филология соҳасида ушбу йўналишнинг шаклланиши лингвистиканинг ҳақиқий фанга айланиши сифатида таъриф этилади. Олим кўп йиллар Россия фанлар академиясининг рус тили ва адабиёти бўлимини бошқарган, бунгача Европада узоқ муддат филология соҳасида илмий изланишлар билан машғул бўлган, қатор Европа тилларини мукаммал билган. Ўзидан олдинги Европа ва рус адабиётшунослигига етакчи мавқеда бўлган мифологик мактаб йўналиши ўрнига қиёсий-тарихий адабиётшуносликка асос солган. Унинг даврида оғзаки ва ёзма адабиётни ўрганиш бир-биридан кескин ажралмаган ҳолда умумфилологик қараш доирасида ривожланган<sup>39</sup> бўлиб, А.Н.Веселовскийнинг бу соҳадаги асосий хизмати адабиётшунослик тадқиқотларига қиёсий-тарихий методни жорий қилиш билан боғлиқдир. Олимнинг асосий асарлари фольклор ва қадим давр Европа адабиётларини қиёсий ўрганишга бағишлиланган бўлиб, уларга моҳияттан тарихий бадииятшунослик атамасидан кўра қиёсий бадииятшунослик атамаси кўпроқ мувофиқ келади. Уларда “тарихий” сифати маълум маънода ўзидан олдинги мавжуд йўналишдаги “асотирий” (“мифологик”) сифатига зидлаштириш кайфиятида ишлатилган ва адабиётшуносликка тарихийлик принципини изчил қўллаш заруриятини таъкидлаш маъноси ўз аксини топган, дейиш мумкин<sup>40</sup>. А.Н.Веселовский олга сурган

<sup>39</sup> Олим бошқарган илмий даргоҳ номи русчада “отделение русского языка и словесности Академии наук” деб номланган. У даврда “словесность” атамаси кенг маънода ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиётни, ҳатто умуман филология фанларини қамраб олувчи тушунчани билдириб келган.

<sup>40</sup> Адабиёт қомусида қиёсий-тарихий метод ёки қиёсий-тарихий адабиётшунослик шундай таърифланади: “адабиёт тарихининг халқаро ада-

гоялар XX асрда В.М.Жирмунский, О.М.Фрейденберг, В.Я.Пропп, Н.И.Конрад, М.П.Алексеев асарларида ривожлантирилди. Аср ўрталарида муайян сабабларга кўра маълум муддат умуман **бадииятшунослик** илмига, шу жумладан, **тарихий поэтика**га ҳам эътибор сусайди. Аммо 60-йиллар охиридан бошлаб, бу соҳада яна жонланиш бошланди. 1967 йилда Д.С.Лихачевнинг “Қадим рус адабиёти поэтикаси” асари, 1976 йили Е.М.Мелетинскийнинг “Асотир поэтикаси”, 1977 йили С.С.Аверинцевнинг “Илк византия даври адабиёти поэтикаси”, 1978 йили М.И.Стеблин-Каменскийнинг “Тарихий поэтика” китоблари нашрдан чиқди. Ва, ниҳоят 1986 йилда ушбу эришилган ютуқларни умумлаштирувчи “Тарихий поэтика. Тадқиқотлар холосалари ва истиқболлари” тўплами юзага келди. Унда М.Б.Храпченко, Е.М.Мелетинский, А.Б.Михайлов, Г.А.Гринцер, С.С.Аверинцев, М.Л.Гаспаров, М.М.Гиршман, А.П.Чудаков ва бошқаларнинг мавзуга оид методологик характердаги мақолалари чоп этилган бўлиб, улар мазмунидан XX аср охирларига келиб ушбу соҳага оид назарий қарашлар қанчалик илгарилиб кетганлиги ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бугунги кунда **тарихий бадииятшунослик** йўналишини қиёсий бадииятшуносликдан фарқли равишда алоҳида йўналиш сифатида маҳсус ишлаб чиқиши ҳаракати кўзга ташланмоқда. Бу соҳадаги ҳозирча бизга маълум яхлит ва изчил назарий асар юқорироқда тилга олинган 2 жилдли «*Адабиёт назарияси*»нинг 2-жилди сифатида нашр этилган С.Н.Бройтманнинг “Тарихий бадииятшунослик” китоби<sup>41</sup> бўлиб, унда А.Н.Веселовскийнинг хизматлари алоҳида таъкидланган ҳолда улуғ олим вафотидан кейин ўтган бир асрлик ривожланиш давомида қўлга киритилган ютуқлар умумлаштирилиб, **тарихий бадииятшунослик** яхлит бир назарий тизим сифатида батафсил баён этилган. Бу китоб мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, унда қиёсий таҳлил учун қадим ва ўрта асрлар ҳинд, хитой, япон, мусулмон миңтақа адабиётларидан намуналарга анча-мунча мурожаатлар (саҳ. 31, 76-

---

бий алоқалар ва муносабатларни уларнинг тарихий шарт-шароитлари билан боғлиқликда ўрганувчи қисми” («раздел истории литературы, изучающий международные литературные связи и отношения в их исторической обусловленности»). (Краткая Литературная Энциклопедия. т.7, –М.: «Сов.энциклопедия», 1972. –С.126.)

<sup>41</sup> Теория литературы в двух томах. Под редакцией Н.Д.Тамарченко. Том 2. С.Н.Бройтман. Историческая поэтика. –М.: «Academia», 2004, 360 стр. Китоб “ўқув қўлланма” сифатида тақдим этилган бўлса-да.

78, 85-86, 108-109, 113, 117, 125-126, 128-129, 149-141, 151-168, 172-174, 181-185, 191-192, 194-199, 204) учраса-да, аввало улар Е.Э.Бертельс, П.А.Гринцер, Н.Я.Конрад, А.Б.Куделин, М.Л.Рейнер, Б.Я.Шидфар каби европалик (асосан рус) соҳа мутахассисларининг асарларида баён қилинган мулоҳазаларга таяниб келтирилган. Қолаверса, бундай қиёслар фақат Қадимги давр ва Ўрта асрлар адабиётига оид бўлиб, Янги давр адабиёти поэтикаси мутлақо Шарқ адабиётини аралаштиrmай, ёлғиз Европа адабиёти тажрибаси асосида ёритилган. Бундан ташқари назарий асослар тўлигича Европа адабиётлари бўйича мутахассис бўлган А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, В.М.Жирмунский, М.М.Бахтин, О.М.Фрейденберг, Д.С.Лихачев, А.Ф.Лосев, Ю.Н.Тынянов, Л.С.Выготский, М.Герхардт, Э.Ауэрбах, Р.О.Якобсон, Э.Кассирер, Ю.М.Лотман, Б.А.Ларин, Л.Е.Пинский, С.С.Аверинцев, Е.М.Мелетинский, А.В.Михайлов кабилардан олинган. Бу инсонлар барчаси улкан илм ва теран тафаккур эгалари. Аммо улар Европа минтақа мухитида туғилиб ўсган, шу мухитда тарбия топган, гўдак ёшидан шу минтақа халқларининг тил бойлиги, диний ақидалари, урф-одатлари, сиёсий-ижтимоий, илмий-фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашларини ўзлаштирган. Булар агар бошқа минтақа халқларининг тили ва адабиётини, фалсафа ва ахлоқини ўрганган бўлсалар ҳам, аниқки, уларнинг хуносаларига ўз минтақа мухитида шаклланган дунёқараш тизими андазалари таъсир кўрсатмай қолмаган. Демакки, уларнинг назарий қарашлари ҳам биринчи навбатда ўз миллий ва минтақа адабиётларига айнан мувофиқ келиши табиий. Шундай экан, ижтимоий-гуманитар соҳада ҳақиқий илм қиласман деган ҳар бир миллат вакили С.Н.Бройтман ишлатган «кумуляция», «наррация», «синкремизм», «эйдос», «эйдемическая поэтика», «рефлексия», «канон», «субъектная сфера», «художественная модальность» «монтаж» каби атамаларни бир бошдан ўз тилидаги эквивалентини қидириб юрмасдан ва унгача ўзга миллат вакиллари шакллантирган билимларни ижодий ўзлаштирган ҳолда ўз тадқиқотларида умумбашарий назариялар яратишга даъво қилмай, миллий ањаналари, аждодлар меросига таяниб, замон талабларига яраша мустақил илмий тизим ва андазаларини шакллантиришга уринмоқлари мақсадга мувофиқдир.

**Хусусий бадииятшуносликнинг умумий бадииятшуносликдан фарқи шундаки, макропоэтикада яхлит назарий тизим сифатида олиб қаралган мавзулар микропоэтикада алоҳида бадиий асар ёки асарлар туркуми, бир муаллифнинг ижоди, бир адабий**

йўналиш, муайян замон ва маконда яратилган асарлар мисолида таҳлил ва тадқиқ этилади. Ва шу асосда уларнинг муайян бадиий хусусиятлари, тимсолий тизими, услуби ва ижодий методи, адабий жараёндаги ўрни аниқланади. Бунда албаттга муайян асар ёки асарлар туркуми бадииятининг барча жиҳатлари қамраб олиниши шарт эмас, амалда бунга эришиш ҳам қийин. Баъзан назарий бадииятшуносликнинг баъзи мавзулари билан чекланиш ҳам мумкин. Масалан, А.П.Чудаковнинг «Чехов бадиияти» («Поэтика Чехова»)<sup>42</sup> асари 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчиси Чехов насиридаги баён қилиш усуллари ва уларнинг такомили таҳлилига багишланган бўлса, иккинчи қисмида “Ашёлар олами”дан “Фабула ва сюжет” орқали “Гоялар олами”га кўтарилишнинг ўзига хосликлари кузатилган. Бир қараганда гапирилмаган ҳеч нарса қолмагандек кўринади. Аммо ушбу улуғ адебнинг ижодий мероси яна қанча тадқиқотчиларга мавзу бўлиб келган ва келмоқда. Худди шу фикрни “Қадим рус адабиёти поэтикаси” асарида Д.С.Лихачев ўзи қайта-қайта таъкидлаб ўтади<sup>43</sup>.

Умумий ва хусусий бадииятшунослик, тарихий ва қиёсий бадииятшунослик, анъанавий ва замонавий бадииятшунослик йўналишлари орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Амалий тадқиқотларда бундай йўналишлар ўзаро чатишиб, кўпинча қоришиқ ҳолда учрайди. Масалан, В.В.Виноградовнинг рус адабиёти бадииятшунослиги бўйича яратган дастлабки тадқиқотлари (“Рус натурализмининг такомили. Гоголь ва Достоевский”, “Гоголь ва натурализм мактаби”, “Гоголь услуби ҳақида кузатишлар”)<sup>44</sup>, Эрих Ауэрбахнинг “Мимесис. Гарбий Европа адабиётидаги воқеликнинг акс эттирилиши” асари<sup>45</sup>, Ю.Н.Тыняновнинг Достоевский ва Гоголь (Пародия назариясига оид)<sup>46</sup> М.Я.Поляковнинг “Поэтика ва бади-

<sup>42</sup> А.П.Чудаков. Поэтика Чехова. –М.: «Наука», 1971, 288 стр. («Поэтика» сўзи кўпмаъноли бўлиб, бирор асарнинг бадииятини ҳам, уни ўрганишга багишланган илмий тадқиқотни ҳам англатиши мумкин.)

<sup>43</sup> Д. С. Лихачёв. Поэтика древнерусской литературы. –М.: «Наука», 1976, –С. 3,370.

<sup>44</sup> В.В.Виноградов. Избранные труды. Поэтика русской литературы. –Л.: «Наука», 1967. –С. 3-366.

<sup>45</sup> Эрих Ауэрбах. Мимесис. Изображение действительности в западно-европейской литературе. (Перевод с немецкого) –М.: «Прогресс», 1976. –С.560.

<sup>46</sup> Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. М.: «Наука», 1977. –С. 198-226.

ий семантика” китоби таркибидаги қатор боб ва фасллар<sup>47</sup> айни тарихий ва қиёсий, умумий ва хусусий бадииятшуносликлар кесимида ёзилган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Анъанавий ва замонавий бадииятшунослик нисбати хусусида бироз тўхталиб ўтиш зарурати бор. Анъанавий бадииятшунослик деганда кўз олдимизга одатда Адабиётшунослик қомусий луғатида<sup>48</sup> “Шарқ бадииятшунослиги” умумий рукни давомида келтирилган ҳинд, араб, форс ва ҳ.к. Ўрта асрлар анъанавий бадииятшунослик илмларини тасаввур қиласиз. Замонавий бадииятшунослик йўналиши эса, тан олиб айтиш керакки, ҳозирча асосан XX аср Европа поэтика илми қиёфасида намоён бўлмоқда. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, охирги икки юзийллик давомида маълум сиёсий-ижтимоий жараёнлар ва европа илмининг кескин ривожланиши оқибатида унинг амалда жаҳон илми сифатида тан олинишига олиб келди. Бу даврда (то XX аср иккинчи ярмигача) Шарқ олами нафақат иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий, балки маънавий ва илмий тадқиқотлар доирасида ҳам таназзул ботқоғидан узилкесил чиқиб кетишга муваффақ бўлгани йўқ. Аслида Европа замонавий бадииятшунослиги ҳам Аристотель “Поэтика”сидан сарчашма олувчи асрлар давомида такомиллашиб келган ушбу минтақага хос анъанавий бадииятшунослик илми заминида шаклланганлиги шубҳасиз. Иккинчидан, шуни ҳам эътироф этишга тўғри келадики, Янги давр Шарқ адабиёти ўз миллий анъаналарини ҳам буткул унутмаган ҳолда асосан XIX-XX асрлар Европа адабиётида урф бўлган янги оқимлар таъсирида ривожланиб келмоқда ва шу сабабли ҳам уни Янги давр Европа бадииятшунослик илмига таяниб ўрганишнинг қулай томонлари йўқ эмас. Аммо Шарқ мумтоз адабиётини таҳлил ва тадқиқ этишда бундай ёндошув тўғри хуло-саларга олиб келармикин? Ишончимиз комилки, аллақачонлар бу соҳада жиддий ўйлаб кўриш вақти келган.

Адабиётшунослик жуда оғир ва масъулиятли касб. Яхши адабиётшунос бўлиш учун инсон рухияти, маданияти, ахлоқи, ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, туриш-турмуши, эътиқоди, дунёқарашига оид масалаларни чукур назарий ўзлаштирган

<sup>47</sup> М.Поляков. Вопросы поэтики и художественной семантики. –М.: «Сов. писатель», 1978. –С. 273-431.

<sup>48</sup> Литературный энциклопедический словарь. –М.: «Сов. энциклопедия», 1987. –С.752.

бўлиши керак. Бундай билим ва таржибаларга суюнмай туриб адабиёт ҳақида, бирор адабий асар ҳақида айтилган ҳарқандай мулодазанинг замини пўк бўлади. Аммо бу масалалар барчаси айланниб бориб, шахс ва **миллат маънавиятига боғланади**. Масалан, инсон рухиятидаги ўзгаришлар унинг физиологик ҳолати ва маънавияти туташувида юзага келади, шахс ва миллат маданияти бевосита улар маънавий қудратиниг моддий воқеликда намоён бўлиши, ёки аксланиши, ахлоқ эса кўп ҳолатда шахс маънавиятининг ўзга инсонлар билан муносабатда, яъни кенг маънодаги сиёsat соҳасида кўзга ташланишидир. Демак, барчаси айланниб маънавиятга келиб тақалмоқда.

Энди кенг маънодаги адабиётшунослик илмининг турли тармоқлари билан **бадииятшунослик** ўртасидаги нисбат масаласига қисқача тўхталиб ўтсак. Аввало, **бадииятшунослик** яхлитлигича адабиётшунослик фанининг машхур уч тармоғидан биринчиси, яъни Адабиёт назариясининг энг асосий таркибий қисми ҳисобланиши барчага маълум. Лекин Н.Д. Тамарченко таҳриридаги «*Адабиёт назарияси*»нинг 2-жилди<sup>49</sup> мундарижасидан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда адабиёт тарихига оид тадқиқотлар тарихий бадииятшунослик йўналиши билан бевосита туташиб кетмаслигини тасаввур қилиш ўзи қийин бўлиб қолмокда<sup>50</sup>. Адабий танқид йўналишида бир жиддий гап айтиш учун ҳам **бадииятшунослик** илмини мукаммал ўзлаштирган бўлиш кераклигини таъкидлаб ўтириш ўзи ортиқча. Иккинчи томондан, агар руҳшунослик, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, тарбияшшунослик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар асосини чукур эгалламай туриб, **бадииятшуносликка** оид тадқиқотларда янги гап айтиш, жиддий хуласалар чиқариш ҳам имкондан ташқари. Шоир биографияси, у яшаб ижод этган муайян тарихий-ижтимоий мухит, ижодкорнинг салафлари ва устозлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмай туриб яна кўнгилдагидек самараларга эришиш маҳол. Хуллас, тилчининг иши қанча оғир бўлмасин, адабиётчининг меҳнати ундан-да неча карпа машакқатлироқдир.

<sup>49</sup> Теория литературы в двух томах. Под редакцией Н.Д. Тамарченко. Том 2. С.Н.Бройтман. Историческая поэтика. –М.: «Academia», 2004. –С.360.

<sup>50</sup> Биргина истисно Ш.Сирохиддиновнинг “Алишер Навоий. Манбаларнинг киёсий-типологик, текстологик таҳлили” (Т., “Академнашр”, 2011) асари сингари соф биографик йўналишидаги тадқиқотлар бўлиб, уларда шоир асарлари эмас, унинг биографиясига оид маълумотлар таҳлил қилинади.

Адабиётшунос аввало тил илмини пухта ўзлаштирган бўлиши керак. Тил эса доимо миллий бўлади. Ҳеч бир бадий асар хусусида унинг ўзга тилга таржимаси асосида жиддий илмий таҳлил олиб бориб бўлмайди. Чунки бадий асар муайян миллий тил унсурларига таянган ҳолда яратилади. Унинг мазмунини бошқа тилга кўчирганда ўша бошқа тил унсурларига, унинг қонун-қоидаларига таянмасликнинг иложи йўқ. Борлик, воқелик аслида яхлит, уни биз муайян миллий тил ёрдамида алоҳида қисмларга ажратамиз. Бу худди мозаикага ўхшайди. Албатта, тил унсурлари воқеликдаги алоҳида нарса-ҳодисаларни англатиб келиши табиий. Шу сабабли тил орқали биз ўзаро мулоқотга киришиб, бир-бирилизни тушуна оламиз. Аммо борлик алоҳида бир тизим, тил яна бошқа бир мураккаб тизим. Улар бир-бирининг ўзгаришсиз аниқ нусхаси эмас. Қолаверса, биз кўриб турган моддий борлик бор, моҳияттан унинг ўзи ниҳоятда мураккаб, яна ундан ташқари, аммо ҳар қадамда у билан минглаб кўзга кўриниб-кўринмайдиган муносабатларга киришиб борувчи, аслини эса ҳечқандай микроскоп ва телескоплар билан кўриб бўлмайдиган номоддий борлик ҳам мавжуд. Ҳар бир миллий тил буларнинг барчасини ўзига хос шаклда акс эттиради. Агар биз тол, терак, қозон, косани қўл билан кўрсатиб аниқлаштириб бера олсак, номоддий борлик унсурларини қандай тушунирамиз? Бу масалада икки миллат вакили у ёқда турсин, ягона бир миллат вакиллари ҳам бир тилда гапириб туриб бир-бирини тушуниши ўзи бўладиган иш эмас.

Адабий асар ўта мураккаб ички курилишга эга бўлади. Агар шундай бўлмаса, унинг бадий асарлиги қолмайди. Унда ҳар бир сўз ўзгалари билан чексиз ассоциатив муносабатларга киришган ҳолда бўлади. Асар бошқа тилга ўғирилганда ана шу мураккаблик кўп жиҳатдан бой берилади, ёки ўзга тил имкониятлари асосида ўзга заминда қайта курилади. Ҳатто Навоийнинг ўзбек тилидаги достонлари шу ўзбек тилида соддалаштирилиб насрй баён қилингандәёқ Навоий мисраларида жозиба қўлдан бой берилади, Натижада насрй баённи ўқиган китобхон Навоий байтларини тушуниб ўқигандаги завқни ола олмайди. Демак, у аслида Навоий асарини ўқиётгани йўқ, балки унинг куруқ ва ҳиссиз баёни билан танишмоқда. Ваҳоланки, бадий асарнинг бутун таъсир кучи унинг китобхон туйғуларини жунбишга келтиришида, унга эмоционал таъсир кўрсата билишида. Бадий асар биринчи

навбатда инсон туйгуларини тарбиялашга қаратилган бўлади, унинг ақлини чархлашга эмас. Инсон ақли мантиқий тафаккурга таянган илм билан чархланади, тушунча, хукм ва холосаларга таянади, бадиий тафаккур асосида эса бадиий тимсоллар ётади, бадиий адабиёт сўзлар воситасида тасвир яратади, бу бадиий тасвирлар инсоннинг тахайюл оламини бойитади, унинг тасаввурига таъсир кўрсатади. Агар бадиий асар инсон маънавиятининг юксалишига хизмат қилмаса, аслида бундай матнни чинакам бадиий асар деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди.

Президентимизнинг миллий маънавиятимизни мустаҳкамлашда маънавиятнинг негизи бўлган адабиётга алоҳида эътибор қаратганиклари шу соҳа мутахассислари олдига адабиёт, хусусан, қадим аждодларимиз яратган бадиият дурдоналари, Қадим ва Ўрта асрлар шарқ ҳалқлари адабиётини яқиндан ва чукур ўрганиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш вазифаларини қўймоқда ва бу муаммоларни муаффақиятли ҳал қилиш йўлида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Энди биз - шарқшунос-адабиётшунос олимлар астойдил ҳаракат қилиб, Ватан ва миллат олдидағи, балки умумбашарият олдидағи ўз масъулиятизни жиддий ҳис қилган ҳолда ишга киришсак, бас.

#### 4. Бадиий тимсол ва унинг даражалари

##### A. Бадиий адабиёт спецификаси хусусида

«Қадимда фанлар ўзаро ажralмаган, хусусан, адабиётшунослик ҳам фалсафа ичидаги бир ҳодиса эди»<sup>51</sup>, деб ёзади бизнинг замондошимиз. Аслини олганда адабиётшунослик фани фалсафа бағридан буткул ажралиб чиққанлигининг нишонаси қандай бўлиши керак? XX асрнинг салоҳиятли адабиётшуносларидан Иззат Султон бадиий адабиёт спецификаси хусусида шундай деган эди: «Адабиётнинг спецификаси муносабати билан тилга олинадиган хусусиятларнинг энг биринчиси – инсонишуносликдир.»<sup>52</sup> Умуман олганда бу гап хато эмас. Адабиётнинг айни шу хусусияти нега ўз даврида биринчи планга чиқиб қолганлигини ҳам тушунса бўлади.

<sup>51</sup> Дилмурод Куронов. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2004. –С. 15.

<sup>52</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. –С. 106.

Аммо агар масалага жиддий илмий нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, тан олишга тўғри келадики, *инсонишунослик* кенг маънода нафақат бадиий адабиёт, балки *ижтимоий-гуманитар* соҳанинг (ҳам илм, ҳам санъат соҳаларининг) барчаси учун етакчи хусусият бўлиб, бадиий адабиёт спецификасини шу хусусиятдан бошлаш ўзи адабиётшунослик илмида XX асрда ҳам ҳануз фалсафий ёндошув устунликни қўлдан бермаганини кўрсатади. Чунки фалсафа барча соҳада энг аввало умумийликни қидиради.

Бугунги адабиётшунослик фани яқин ўтмишга хос *синфиilik*, *партиявийлик* каби тушунчалардан анча узоқлашди. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида Дилмурод Куроновнинг 2004 йилда нашр этилган дарслигини эътироф этиш мумкин. Бу китобни ҳарқанча таърифласа арзийди. Аммо унда ҳам “*Бадиий адабиётнинг иккιёқлама можияти*”, “*Бадиий адабиёт ижтимоий онг соҳаси*”, “*Адабиёт ва мафкура*”, “*Дунёқараши ва бадиий ижод*”, “*Умумисоний қадриятларнинг устиворлиги*”, “*Бадиий асар - бадиий коммуникация воситаси*”, “*Бадиий асарда шакл ва мазмун*” каби соф фалсафий муаммолар биринчи ўринга чиқиб қолган. Балки “*Адабиётшуносликка кириш*” умумий курсининг спецификаси шуни талаб қилас? Бу ҳақда бир нарса дейиш қийин. Аммо, бизнинг назаримизда, қадим юнон фалсафасининг бағридин ilk бор конкрет илм соҳаларини ажратиб олишга жазм қилган улуғ аллома, Шарқ таъбири билан айтганда “*муалими аввал*” Аристотельнинг масалага ёндошуви кўпроқ кўнгилга маъқул туюлади. Устоди аввал ўзининг “*Шеърият илми хусусида*” (“*Поэтика*”) асарида бадиий адабиёт спецификасининг икки хос устуни – *мимесис ва катарсисга* алоҳида эътибор қаратди.

Афсуски, кейинги йиллар назарий адабиётида бу икки атамага эътибор кундан-кунга камайиб кетаётгандек туюлмоқда<sup>53</sup>. Бунинг сабаблари ҳам маълум. Фалсафага оид қомусий луғатда *мимесис назариясининг* асосан антик ва классицизм эстетикасига

<sup>53</sup> Масалан, А.К. Квятковскийнинг “Пoэтический словарь” (М., “Сов. энциклопедия”, 1966), Н.Хотамов, Б.Саримсоқовлар нашрга тайёрлаган “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” (Т.: Ўқитувчи, 1979), Д. Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг Адабиётшунослик луғати (Т., “Академнашр”, 2013) кўлланмаларида умуман на “*мимесис*”, на “*подражание*” терминлари учрамайди. Охирги китобдаги “*тақлид*” мақоласи (с. 328-329) буткул бошқа мавзуга бағишлиланган.

хос эканлиги, уни немис классик фалсафа мактаби вакиллари – И.Кант, Ф.В.Шеллинг, Г.В.Ф.Гегель, XIX аср романтизм мактаби намояндалари ва XX аср модернистлари кескин таңқид қилганларни натижасида кейинги давр эстетик концепцияларида бу мавзу эътибордан қолганлиги баён қилинади<sup>54</sup>. Адабиётшунослик қомуен сий лугатида ҳам ушбу фикрлар батафсилоқ асослаб келтирилади<sup>55</sup>. Ҳақиқатан ҳам Аристотельнинг масалага ёндошувида муайян даражада номукаммаллик бор. Аммо бу номукаммаллик ўз вақтида “муаллими соний” томонидан тўлиқ бартараф этилган.

Қадим юонон фалсафасини чукур ўрганган Абу Наср Форобий (873-950) ўз ижодида ушбу муаммога маҳсус тўхталиб, “Шеър санъати қонунлари ҳақида рисола” (*Рисола фи қавонин синоъат аш-шеър*) ва “Шеърият ҳақида” (*Китоб аш-шеър*) асарларини яратди. Бу асарлар юонон тилидаги китобнинг оддий таржимаси эмас эди. Форобий юонон файласуфининг қарашларига ижодий ёндошган ҳолда ўз даври мусулмон минтақа шеърияти таржибасидан келиб чиқиб, адабиётнинг моҳиятини тушунишда Аристотель кўздан қочирган жиддий бир масалага алоҳида эътибор қаратди.

Аристотельнинг “мимесис” назарияси ўтган асрда ўзбек тилида нашр этилган китобларда “адабиёт – ҳаётнинг инъиконидир” деб талиғин қилинди<sup>56</sup>. Дарҳақиқат, адабиёт инсон ва жамият ҳаётини акс эттиради. Аммо қандай акс эттиради? Аристотель матнiga мурожаат қиласиз: “... шоирнинг вазифаси ҳақиқатда юз берган нарса ҳақида эмас, балки юз бериши мумкин бўлган нарса ҳақида гапиришидир...” («... задача поэта говорить не о действительно случившемся, но о том, что могло бы слу-

<sup>54</sup> Философский энциклопедический словарь. –М.: “Сов. энциклопедия”, 1989. –С. 488. Аслида бу гап унчалик тўғри эмас. Масалан, ўтган аср йирик немис адабиётшуноси Эрих Ауэрбахнинг Европа адабиёти тарихида инсон ва жамият ҳаётининг акс этиши масаласига бағишлиланган фундаментал тадқиқоти айни буюк юонон файласуфи ишлатган атама билан номланган: Эрих Ауэрбах. Мимесис. Изображение действительности в западноевропейской литературе. –М.: “Прогресс”, 1976. –С.560. (Erich Auerbach. Mimesis. Dargestellte Wirklichkeit in der abendländischen Literatur. Bern und München, 1967.)

<sup>55</sup> Литературный энциклопедический словарь. –М.: “Сов. энциклопедия”, 1987. –С. 283-284.

<sup>56</sup> Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. –С. 53; яна қаранг: “Санъат ва адабиётнинг тасвир предмети ва мазмани ҳаётдир” - Адабиёт назарияси. 1-том. Адабий асар. –Т.: “Фан”, 1978. –С.21;

читься»)<sup>57</sup> Бу фикрни барча санъат соҳаси ижодкорларига нисбатан қўллаш мумкин. Демак, ижодкор ҳаётий материалга таянади, аммо асарида ҳаёт ҳақидаги ўз тасаввурларини акс эттиради. Бу ҳолат фотосурат ва рассом чизган сурат орасидаги фарқقا ўхшайди. Фотосуратда ҳаётда бор нарса худди ўзидаёт акс этса, рассом чизган суратда ҳаётний ҳодиса ижодкор тасаввурида қандай гавдланган бўлса, шундай ифодаланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳақиқий санъат асари дунёга келиши учун **ижодкорнинг ҳаёлот олами** доялик қилиши лозим бўлар экан.

Аристотель ўз асарида антик давр адабиёти материалларига таянади. Улар асосида эса қадим юонон асотирлари ётар эди. XX аср олими Я.Э.Голосовкер айни шу қадим юонон асотирларининг моҳиятини ўрганар экан, адабиётнинг ушбу муҳим хусусиятига алоҳида эътибор қаратди ва уни “*имагинация*” термини билан ифодалади<sup>58</sup>. Бу атама лотинча “*imaginatio*” сўзидан олинган бўлиб, рус тилига “воображение”, “представление” сўзлари билан таржима қилинади ва тимсоллар (образлар) воситаси билан фикрлашни англатади<sup>59</sup>. Аммо, афсус билан қайд этиш лозимки, Я.Э.Голосовкернинг қарашлари ҳанузгача ҳозирги замон Европа ва ҳатто рус назарий адабиёт шунослигига ҳам жиддий эътиборга олингани йўқ<sup>60</sup>.

Абу Наср Форобий бу масалага X асрдаёқ (рус олимидан минг йил илгари) аҳамият бериб, Аристотель киритган “*мимезис*” тушунчасини араб тилида “*муҳокот*” атамаси билан ифодалабгина қўяқолмай, айни Я.Э.Голосовкер ишлатган “*имагинация*” терминининг аниқ арабча муқобили бўлган “*тахайюл*”

<sup>57</sup> Аристотель.Поэтика (Об искусстве поэзии). –М., 1957. –С. 67.

<sup>58</sup> Голосовкер Я.Э. Логика мифа. –М.: «Наука», 1987. –стр. 9-13, 146-154.

<sup>59</sup> Я.Э.Голосовкер антик файласуфлар (Гераклит, Платон ва бошқаларни) ҳам худди шундай тимсолий тафаккур эгалари деб таърифлайди ва умуман фалсафани илмга зид кўйиб, санъатнинг бир тури деб ҳисоблади.

<sup>60</sup> Масалан, маҳсус адабиёт назариясига оид 1999 йилда Моквада «Высшая школа» нашриётида чоп этилган В.Е. Хализевнинг “*Теория литературы*” ёки 2004 йилда «АКАДЕМИА» нашр этган Н.Д. Тамарченко, В.И. Тюпа, С.Н.Бройтманларнинг “*Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика*” китобларида бадиий адабиётнинг етакчи унсурлари ҳақида на Форобий, на Я.Э.Голосовкер олга сурган муҳим тушунчалар юзасидан тасаввур ҳам сезилмайди. Ваҳоланки, айни шу тушунчаларга эътиборсизлик орқасидан адабиётнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Европа илмида ҳануз чалкашликлар барҳам топган эмас.

тушунчасини адабиёт илмига киритган ва натижада бадий тафнокурниг асос унсурларини ислом минтақа илмида илк мартаға мантиқий изохлаб беришга муваффақ бўлган эди<sup>61</sup>.

Маълумки, Аристотель асарида ишлатилган иккинчи муҳим тушунча “*катарсис*” атамаси файласуфнинг ўзи «*Политика*» асарида берган ваъдасига қарамай, “*Шеърият илми*” китобининг бутунги қўлимизда мавжуд матнида тайинли изоҳланмаган. Натижада Европа адабиётшунослиги тарихида бу атама доимо турлича изоҳланиб ва талқин қилиниб келади. Ваҳоланки, Форобий рисолаларида бу тушунчанинг ҳам аниқ шарҳи мавжуд.

Аллома ёзади: “*Шоир тахайюли билан сўзлар ва жумлалар воситасида яралган тимсоллар эзгулик ва ёвузлик,adolat ва ҷулм, ҳиммат ва разолат ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, китобхонда уларга нисбатан ўз муносабатини шакллантиришига хизмат қиласи*”<sup>62</sup>. Маълум бўладики, адабиётнинг ва умуман санъатининг инсон маънавий тарбиясига қандай таъсир қилиши бизнинг минтақа илмида X асрдаёқ мукаммал изоҳлаб берилган экан.

## Б. Тасвир ва тасаввур

Аллоҳ таоло барча оламларнинг яратувчиси, Халлоқи оламдир. Инсон – тақлидчи (юононча – “*мим*”), у ягона Холиққа тақлидчилик (юононча – “*мимесис*”, арабий – “*муҳоком*”<sup>63</sup>) йўсинида яратувчиликни касб қилишга уринади. Инсоннинг бу ҳаракати катталарга тақлид қилиб, “*уруши-уруши*” ёки “*меҳмонакам*” ўйнаёт-

<sup>61</sup> Ал-Фараби. Логические трактаты. –Алма-ата: «Наука», 1975. –С. 527-555, 595-602, 630, 632.

<sup>62</sup> Биз ўзбекчада аллома жумлаларини бироз соддалаштириб ифодаладик. Асли рус тилидаги таржима матн қуйидагича берилган: «Так действуют высказывания, создающие образные представления о добре, зле, несправедливости, пошлости и благородстве в рассматриваемой вещи... [Можно отметить], что высказывания, использующие воображаемые вещи, направлены на то, чтобы побудить слушающего совершить какой-нибудь поступок, вызываемый образом, который представился ему в рассматриваемой вещи...». (Аль-Фараби. Логические трактаты, с. 553-554.)

<sup>63</sup> Арабча “*ҳа:ка*” феъли “*бир нарсага тақлид қилмоқ*”, “*ўхшатишига уринмоқ*” маъноларини билдириб келган. Шу асосдан Форобий “*муҳоком*” атамасини келтириб чиқарган. Қаранг: аль-Фараби. Логические трактаты. – Алма-ата: «Наука» Казахской ССР, 1975. –С. 630.

ган, қўғирчогини бешикчага солиб тебратадиган, тол ҳивични “от” қилиб миниб чопаётган гўдак болаларга менгзайди. Аммо ҳақиқий Яратувчи сингари йўқдан бор қилиш инсон зотининг кўлидан келмайди. У факат моддий дунё ашёларини қайта ишлаб, уларни ўз корига қўллай олади, халос. Бу билан у, албатта, қоникмайди. Инсон ўзи сингари мукаммал зотларни яратишни орзу қиласди. Ана шунда инсоннинг хаёл олами ишга тушади ва бадиий тимсоллар<sup>64</sup> дунёси пайдо бўлади. Бу хаёл оламида яралган тимсоллар худди тирикдек ҳаракат қиласди, фикрлайди ва ҳатто ўз “яратувчиси” – шоир ё адига саркашлик қилиб, у кўрсатган йўлга осонликча юрмасликка ҳам “уринади”. Бу “қайсаарлик”ни биз адабиётчилар “характер мантизи” деймиз. Шундай қилиб, санъатдаги бадиий тимсоллар ўз хаёлий мукаммаллиги ва мустақиллиги билан саноатдаги техник ашёлардан тамомила фарқ қиласди. Агар техник ашёлар моддий турмушда бизга воқеан кўмакчи бўлса, бадиий тимсоллар бизнинг хаёл оламимизни бойитади, туйғуларимизни чархлайди, маънан юксалтиради.

Булар ҳаммаси жуда чиройли гаплар. Аммо яна мавзу юзасидан фалсафий мушоҳадалардан ўзга эмас. Яъни масаланинг энг умумий жиҳатлари. Илм эса аниқликни, муаммонинг энг жузъий

<sup>64</sup> Илм оламида қарамлик давридан ўзлашган турли бегона атамалардан кутулишимиз жуда қийин кечмокда. Жумладан, рус тилидан ўзлашган “образ” атамасини ҳанузгача адабиётшуносларимиз тилдан қўймай, “севиб” ишлатишмоқда. Ҳатто “образли тафаккур” ибораси ҳам жорий бўлган. Аслида оддий рус кишисига ҳам яхши тушунарли бўлмаган бу атама французча – *image* сўзидан кўчирма (калька) қилиб ясалган ва лугатларда икки маъно -1) бадиий тимсол, 2) икона – маъноларида келтирилади. Биз учун “икона” (бут, санам) тушунчаси қанчалик ёт бўлса, “образ” атамаси ҳам тилимиз учун шунчалик ёпишмай турипти. Баъзилар айтиши мумкин, “образ” атамаси русчадан кирган бўлса, “тимсол” сўзи ҳам арабчадан ўзлашган-ку, деб. Тўғри, аммо тилимизга арабий иборалар VIII-IX асрлардан кириб кела бошлаган, асли у даврда ҳозирги ўзбек тилимиз ҳануз шаклланмаган, факат қадим туркий адабий тил ва шевалар мавжуд эди. Агар биз ўзбек тилидан барча арабий ва форсий ўзлашмаларни чиқариб ташласак, на Навоийни англай оламиз, на бир-биримизни. Аммо бугунги ўзбек тилидан русча сўзларни чиқариб ташласак, тилимиз тутулиб ҳам қолмайди, ўз латофатини ҳам йўқотмайди. Факат янги ўзлашаётган техника янгиликларига ном кўйишида бироз қийинчилик туғилиши мумкин. Бундай қийинчиликлар эса кирил ёзувидан лотин ёзувига ўтишдан кўра мушкулроқ бўлмас.

жиҳатларигача эътиборга олишни талаб қилади. Жумладан, барча санъат асарларининг шаклланиши энг умумий маънода **таклид** (“нимесис” – “муҳокот”) ва **таждид** (“имагинация”- “творческое воображение”) асосида амалга ошади. Аммо ҳар бир санъат тури бу ишни ўз тасвирий воситаларига таянган ҳолда бажаради. Бадиий адабиётнинг ягона тасвирий воситаси – сўз, кенгроқ маънода ҳарбир ижодкорнинг **она тили**. Демак, бу жиҳатдан адабиётшунослик фани тилшунослик билан бирлашиб **филология соҳасини ташкил қиласди**.

Афсуски, Янги даврнинг кўпчилик адабиётшунослари, ўзларининг филолог эканликларини эътибордан қочириб, кўпроқ масалага файласуф-санъатшунос сифатида ёндошмоқдалар. Масалан, XX аср бошларидаги рус адабиётшунослигининг таникли намояндадаридан, ўз вақтида Г.Н.Поспелов, И.М.Беспалов, У.Р.Фохт каби талантли адабиётшуносларга устозлик қилган В.Ф.Переверзев ўзининг 1960 йилда яратилган “*Тимсолий бадииятишунослик асослари*” (“Основы эйдологической поэтики”) асарида санъат асарининг том маънодаги билим бериш вазифасини ва бадиий тимсолни ўрганишда бош мавзуси “гўзаллик” тушунчаси бўлган эстетика фанининг аҳамиятини кескин рад қилувчи мулоҳазаларига қарамай, “*Тил бадиий ижоднинг материали сифатида ва бадиий тимсолнинг лисоний таркибланиши*” деб номланган алоҳида бобда<sup>65</sup> яна муаммога фақат санъатшунос сифатида ёндошиб, ўзининг тилшунослик муаммоларидан мутлақо бехабарлигини намоён қилиб кўйган.

Бадиий адабиётнинг асосий унсури (элементи) бадиий тимсол ҳисобланади. Бадииятишунослик фанининг асосий обьекти ҳам айнан шу бадиий тимсол бўлади. Бизга маълумки, бадиий адабиёт **мантиқий тафаккур** (логическое мышление)га таянувчи илмий адабиётдан фарқли равишда бадиий **тафаккур** (художественное мышление)га таянади. В.Ф.Переверзев ўз асарида бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратади. Мантиқий тафаккурнинг бошлангич элементи – **тушунча** (понятие) бўлиб, унинг асосий хусусияти муайян илмий матнда фақат аниқ бир маъно билдириб келишидадир. Бадиий тафаккурнинг бошлангич унсури эса **бадиий тимсол** (художественный образ) ҳисобланаб, унинг табиати

<sup>65</sup> Переверзев В.Ф. Гоголь. Достоевский. Исследования. –М.: «Сов. Писатель», 1982. –С. 468-484.

*тушунчага* қараганда буткул ўзгача бўлади. Аслида *тушунча* ҳам, *бадий тимсол* ҳам сўз билан ифодаланади. Инсон тилининг ўзига ҳослиги шундаки, унинг ўзак унсури бўлган сўз ўти мураккаб табиатга эга. Шундай бўлмаганди на илм-фан, на бадий адабиёт шаклланмаган бўлар эди.

Демак, бадий адабиётнинг асл моҳиятини тўғри англаб етиш учун фақат санъатшунос бўлиш кифоя қилмайди, адабиётшунос аввало чукур филологик билим эгаси бўлиши шарт. Бунинг учун адабий манбашунослик ва матншунослик, тилшуносликнинг турли соҳалари – фонетика ва фонологиядан тортиб, ёзув маданияти, морфология ва синтаксис, жумладан, сўз туркумлари ва гап бўлаклари, сўз бирикмалари, аффиксация, композиция, лексикализация, транспозиция, редупликация каби сўз ясалиш усулларининг нозик жиҳатлари, гап тузилиши, предикация ва атрибуция, лексикология ва фразеология, семантика ва семасиология соҳаларини, услубшунослик, нутқнинг функционал услубларига оид қарашларни назарий ва амалий жиҳатлардан яхши билмай туриб, тилнинг лугат таркиби, туб сўз ва ўзлашмалар, тил бирликларининг шакл ва маъно муносабатлари, айниқса, сўзнинг маъно қатламлари ва уларнинг намоён бўлиш ҳолатлари – номинация ва сигнификация, денотация ва коннотация, сўзларнинг ўзаро синтагматик ва парадигматик муносабатлари, коллигация ва коллокация<sup>66</sup> каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятидан яхши хабардор бўлмай туриб, бадий асарда жонли тилдаги мулоқот воситаси бўлган турли сўзларнинг қандай қилиб бадий тимсолларга айланиши ҳақида жиддий тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Бу йўналишдаги қолган ҳамма гаплар ҳақиқий илм эмас, балки эссеистикадан нари ўтмайдиган оддий китобхоннинг шахсий мулоҳазаларидан иборат бўлади.

Тимсоллар бадий асарда турли даражалар ва сатҳларга эга бўлади, Уларнинг энг ибтидоий (куйи) даражаси сўз-тимсол (словесный образ) бўлиб бу ҳақда бадииятшунос Марк Яковлевич

<sup>66</sup> Коллигация – морфосинтаксически обусловленная сочетаемость слов в речи как реализация их полисемии. (Например: Сочетаемость глагола с прямым или косвенным дополнением как реализация его полисемии. – пример: *судить кого-л., судить о ком-л.*) Коллокация – лексико-фразеологически обусловленная сочетаемость слов в речи как реализация их полисемии. (Например: темная ночь, темный человек). – О.С.Ахманова. Словарь лингвистических терминов. –М.: «Сов. энциклопедия», 1966. –С.199.

Поляков шундай ёзади: “... бадий асар мураккаб ёпиқ тизим бўлиб, акслантиши, тасвирлаш, ифодалаш каби бирқатор ички тизимлардан ташкил топади. Бу барча ички тизимлар юн сўз ёрдамида амалга оширилади. Шу маънода “сўз” ўз таркиби ва табиатига кўра энг кичик тимсолдир.

Бундай энг кичик тимсоллардан каттароқ (мураккаброқ) тимсоллар шакланади, булар ўз навбатида янада улканроқларига бирлашади. Шундай қилиб, изчил ёпиқ тизим ҳосил қилувчи бадий асар атамиши мураккаб (тирик) тўқима юзага келади.” (“... художественное произведение есть сложная замкнутая система, состоящая из целого ряда подсистем – отражения, изображения, выражения и т.д. Все эти подсистемы осуществляются при посредстве слова, и в этом смысле «слово» является микрообразом по самой структуре и природе.”

Микрообразы складываются в более обширные единства, эти единства - в еще более обширные. В целом возникает сложное плетение, называемое художественным произведением, с внутренне замкнутой системой.”)<sup>67</sup>

Агар илмий адабиётда ҳар бир таянч сўз муайян тушунчани ифодалаш учун муайян матнда факат биргина маънода қўлланиши шарт бўлса, бадий матнда аксинча шоир ёки адиб бадий образ яратиш учун сўзниң маънолар таркибидан, яъни турли маъно товланишларидан имкон даражасида тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиласи. Баъзи мисоллар келтирайлик.

Форс тилидаги адабиётда ғазал жанрини энг олий даражага олиб чиқсан, бадий маҳоратига Ғарб ва Шарқ олами тўлиқ мафтун бўлган Хожа Ҳофиз Шерозийнинг машҳур ғазалларидан икки байтни дастлабки намуна сифатида кўриб чиқайлик:

*Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяши бахшам Самарқанду Бухороро.*

Байтнинг бизга маълум ўзбекча таржимаси:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахши этгум Самарқанду Бухорони.*

<sup>67</sup> М.Я.Поляков. Вопросы поэтики и художественной семантики. –М.: «Советский писатель», 1978. –С. 26.

Кўриниб туриптики, таржимада мазмун торайган ва жўнлашган. Шеърдаги бош тимсол – “турки шерозий” оддийгина шерозлик “жонон”га айланган, турк-хинду оппозицияси йўқолган. Таржима аруз ритми ва оҳангдошлик ҳисобига аслият нафосатини сақлагандек тасаввур беришига қарамай, мазмуний сатҳда тимсоллар аро мураккаб ассоциацияларни йўқотиш эвазига қашшоқлашган.

Иккинчи мисол:

*Душ аз масжид суйи майхона омад пири мо,  
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо.*

(Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиrimiz,  
Не бўлур йўлдошларим, бундан кейин тадбиrimiz.)

Бу мисраларни Алишер Навоийнинг татаббути билан киёслаймиз:

*Дўй сўи дайри мугон омад зи масжид пири мо,  
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо?*<sup>68</sup>

(Кеча пиrimiz масжидни ташлаб, муғлар дайрига келди,  
Бундан кейин зуннор боғлашдан бошқа нима тадбиrimiz  
бўлар эди?)

Маълум бўлмоқдаки, Навоий сатрлари Ҳофиз байтига ўзига хос шарҳ-жавоб сифатида жарангламоқда – Шерозий “майхона”сини Навоий “дайри мугон” (маздаясначилар ибодатхонаси) сифатида изоҳлаб, салафининг “энди нима қиламиз” деган саволига “белимишга зуннор боғлаймиз” деб аниқ жавоб бермоқда. Натижада Ҳофизнинг кўпмаъноли мисралари Навоийда очиқ тасаввуфий мазмун касб этмоқда. Ажаб эмаски, Бобирнинг танқидий руҳдаги мулоҳазалари юқоридаги каби сатрлар таъсирида туғилган бўлса.

Келтирилган мисоллардаги сўз ва сўз бирикмалар - “турки шерозий”, *тири*, *майхона*, *зуннор*, *дайри мугон*, *ёрони тариқат* – мумтоз, адабиётимиздаги машҳур “сўз-тимсол”лар («словесные образы») бўлиб, бу ерда мақсад уларни шарҳлаш эмас. Бу сўз-тимсоллар, олим таъбири билан айтганда, адабий асардаги энг кичик яхлит бадиий унсурлар бўлиб, байт даражасига кўтарилиганда улар мураккаброқ тимсолларнинг таркибий қисмига айланади. Ана энди тилшунослик илмининг ўзимизни қизиқтирган

<sup>68</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Фазалҳо). 18 том. –Т.: “Фан”, 2002. саҳ. 66.

жиҳатларига мурожаат қиласиз. Маълумки, кўпчилик тилларда сўз туркumlари асосан уч катта гурухга бирлашади:

1. исм-сўзлар (*от, сифат, олмош каби*)
2. муайян шахс, сон ва замонда келган феъллар
3. ёрдамчи сўзлар (*кўмакчи, боғловчи, юклама каби*)

Бадий асарда бу уч гурухнинг ҳар бири ўз вазифасига кўра бир-биридан фарқ қиласиз.

1. Ислом-сўзлар нутқда асосан **номинатив** вазифа бажариб келади, яъни ҳаётдаги муайян нарса-ҳодисаларни номлайди: *баҳор, саҳро, саксовул дараҳти, зангори осмон, хорғин йўловчи* каби. Биз матнда бундай сўзлар ёки содда сўз бирикмаларга дуч келганимизда (эшитганда ёки ўқигандан) шу сўз билдирган номинатив маъно **референтини** – яъни ҳаётдаги муайян нарса-ҳодисани кўз олдимизга келтирамиз. Айни шу **тасаввуримиз** сўз санъаткорига (шоирга, адигга) **тасвири** яратиш учун асос беради. Албатта бу **тасаввуримиз** рассомнинг қалам, ранг ва бўёқлар билан яратган **тасвири** даражасида ёрқин бўлмайди. Қолаверса, кўп ҳолларда бир сўз билан ифодаланган нарса-ҳодисани турли кишилар ўз ҳаётий таржибаларидан келиб чиқиб, турлича тасаввур қиласидар. Лекин бу ҳолатни фақат салбий маънода талқин қиласмаслик керак. Чунки тасаввурдаги бундай хилма-хиллик бадий адабиётнинг санъат тури сифатидаги ўзига хослиги бўлиб, унинг ҳам ютуғи, ҳам ютқизиги сифатида намоён бўлиши мумкин ва охирги натижа санъаткорнинг маҳоратига бориб тақалади. Бадий тимсол шаклланишининг бу биринчи (энг куйи ёки ибтидоий) сатҳида ҳануз тасаввуримиздаги тимсол статик, яъни расом асаридаги сингари ҳаракатсиз ҳолатда бўлади<sup>69</sup>.

2. Бадий тимсолнинг ҳаракатга келиши учун феълларнинг шахс-сон ва замондаги шакли лозим бўлади. Ҳаракатсиз ҳолатдаги тимсолларни англатувчи **сўзлар** (*ёки сўз бирикмалар*) **тизими** (Масалан: “Агар он турки шерозий ба даст ... дили моро” ёки “Душ аз масжид суюи майхона ... тири мо”) бундай сўзлар

<sup>69</sup> Биз бу баёнимизда энг элементар, яъни соддалаштирилган ҳолатни кельтирдик. Воқеликда ҳақиқий санъат асаридаги энг куйи сўз-тимсол даражасида ифодаланган ҳаракатсиз **тасвири**нинг ўзи ҳам биз айтгандан кўра неча бор бойроқ бўлади. Бунда сифатлашлар, сўзниң коннотатив маънолари ва ҳ.к.лар ишга тушади.

(юқоридаги мисолларда – “орад”, яни оварад, ёки “омад”) қўшилиши билан ҳаракатга келиб, “жонланади”. Бундай сўзлар мантиқ фани тушунчаларига таянувчи Европа тилшунослигига предикат аталиб, фикрни воқелик билан боғловчи восита ҳисобланади. Асли гап бўллаги сифатидаги русча “сказуемое” атамаси ҳам, ўзбекчада қабул қилинган “кесим” атамаси ҳам биз назарда тутган мохиятни аниқ ифодаламайди. Арабчадаги “феъл” ибораси иш-ҳаракатни билдириши билан жумлага “жсон киритувчи” бундай сўзлар туркумининг энг аниқ ифодаловчисидир. Мисолда кузатганимиздек, улар воситасида исмлар билан ифодаланганди ҳаракатсиз тимсоллар (“турки шерозий”, “тири мо”) ҳаракатга келади. Шу билан бадиий тимсолларнинг анча мураккаблашган иккинчи сатҳи - воқеа-тимсол вужудга келади.

3. Кўмакчи, боғловчи, юклама каби ёрдамчи сўзлар ташки воқелиқда референтга эга бўлмайди, яни муайян нарса-ходисани ифодаламайди, улар жумла таркибидаги ички унсурлар бўлиб, гапда сўзларнинг бир-бирига боғланишини таъминлайди. Уларсиз жумла тўқис бўлмайди, аммо бу сўз туркумларининг бадиий тимсол яратиш хусусияти деярли йўқ.

Хуллас, сўз санъатида бадиий тимсолнинг шаклланиши инсонга хос хаёлий тасаввур қобилиятига таянади ва шу сабабли ёш (29 ёшида) ҳалок бўлган ўта талантли инглиз адабиётшуноси (файласуф, шоир ва адаб) Кристофер Кодуэлл (Спрагг) ўзининг шеърият манбалари ҳақидаги салмоқли тадқиқотини (*“A study of the sources of poetry”*) “Хаёл ва ҳақиқат” (*“Illusion and reality”*) деб номлаганида ноҳақ эмас эди<sup>70</sup>.

Демак, рассомлар чизиклар ва бўёқлар воситасида воқеликдаги бир нарса ва ҳодисани тасвирлаб берса, шоир ва адаб сўзлар воситасида шундай тасвирга эришади. Ҳар бир инсон бир сўзни эшитганда ўша сўзнинг маъноси орқали ифодаланганди нарса – ҳодисани ўзича тасаввур қиласи. Шу тасаввурни тимсол (образ) деб аташ мумкин, лекин ҳарқандай тимсол ҳам бадиий тимсол бўлавермайди. Тасаввуримизда яралган тимсоллар айни бадиий тимсолга айланиши учун уларнинг ҳар бири шоир ёки адабнинг китобхонга етказмоқчи бўлган муайян гоясини ўзида яширган

<sup>70</sup> Кристофер Кодуэлл. Иллюзия и действительность. –М.: “Прогресс”, 1969. –С.366.

бўлиши керак<sup>71</sup>. Агар шу жиҳати бўлмаса бу тимсол **бадиий тимсол** бўла олмайди. Бу муаммо кейинги қисмларда аниқ мисолларда батафсил кўриб чиқилади.

## В. Ҳикоят ва ривоят. Сиймо ва сажия<sup>72</sup>.

### Бадиий тафсилот

Ҳикоят (“эпизод”) – замон ва макон (баъзи ўринда иштироқчилар ҳам) ўзгармаган ҳолатдаги узлуксиз воқеалар силсила-сидан иборат бўлади. Шеърий матн насрга нисбатан **бадиий зичлиги** кучли бўлғанлигидан ундаги ҳикоят энг ками икки мисра – бир байтга тенг бўлиши ҳам мумкин<sup>73</sup>. Шу маънода мустақил лирик шеърнинг ҳар бир банди (масалан, ғазалнинг ҳар бир байти) бир насрдаги бир ҳикоятга тенг кўрилиши ғайритабии туюлмаслиги керак. Шундан келиб чиқиб, энг қисқа “ҳикоят” камида икки бадиий воқеадан иборат бўлишини эътироф этиш мумкин. Масалан, юқорида келтирилган “Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш баҳшам Самарқанду Бухороро” ёки “Душ аз масжид суйи майхона омад тири мо, Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо” байтлари ҳар бири икки **воқеатимсолни** ўзида бирлаштирган энг мўъжаз “лирик ҳикоят”ларни ташкил қилишини кузатиш мумкин. Ҳофиз Шерозийнинг ҳар бир газали шундай мўъжаз “лирик ҳикоят”ларнинг уйгун бирикувидан, яъни **лирик ривоятдан** иборат<sup>74</sup>.

<sup>71</sup> Шоир ё адиб ўз фоясини ўқувчи ё эшитувчига етказиш учун яна тил имкониятларига таянган ҳолда **бадиий тафсилотдан** (русча – “художественная деталь”) фойдаланади. Бу масала кейинги қисмларда мисоллар билан батафсил кўриб чиқилади.

<sup>72</sup> Ушбу атамалар Европа адабиётшунослигидаги “эпизод” ва “фабула”, “персонаж” ва “характер” терминларининг ўзбекча муқобили сифатида таклиф қилинмоқда.

<sup>73</sup> Шарқона бандлаш илми (“струфика”) талабларига биноан икки мисра – бир байт - энг қисқа банд саналади. Маснавийда бу икки мисра ўзаро қофияланади. Ўзга шеър турларида қофияланиш тартиби мураккаброқ бўлиб, ҳар бирининг бадиий мазмунга таъсири ўзига хосдир.

<sup>74</sup> Бу ўринда ишлатилаётган янгича атамалар қулоқقا дастлабки эшитилишида ғайри табиийроқ туюлиши ажабланарли эмас. Кейинги қисмларда бу масалалар мисоллар асосида батафсил таҳлил қилинади.

Йирик эпик асарларда (хоҳ шеърий, хоҳ насрый) одатда ҳар бир ҳикоят бирнеча воқеа-тимсолни қамраб олган узлуксиз сил-силадан иборат бўлиб, эпик асар турига қараб, ҳар бири алоҳида, ёки бир ривоятга бирлашган ҳолда бўлиши мумкин. Ривоят шоир ёки адаб (яъни ровий) томонидан ўкувчи ёки эшитувчига бадиий тасвир воситалари орқали баён қилинганд яхлит ҳикоятлар тизимидан иборат бўлиб, Европа терминологиясида баъзан “фабула”, баъзан эса “сюжет” деб номлаб келинади. Ривоят ҳам энг камида икки ҳикоятдан иборат бўлиши назарда тутилади. Ҳикоят ва ривоятлар лирик, эпик ёки драматик<sup>75</sup> руҳда бўлиши мумкин. Буларнинг ҳар бири бошқасидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бадиий тимсоллар ҳар бир босқичда турлича бўлиши мумкин. Европа адабиётшунослигида бу масалада кўп ўринда муайян чалкашлик, аникроғи, илмий эътиборсизлик учрайди. Бу эътиборсизлик бадиий тимсол (“образ”) билан унинг алоҳида тури бўлган бадиий сиймони (“персонаж”) аник фарқламасликда кўринади<sup>76</sup>. Дарслик китобларда “Онегин образи”, “Печорин образи”, “Қирол Лир образи” каби иборалар эркин ишлатилади. Буларга тақлидан ўзбек адабиёти тарихига оид қўлланмаларда биз ҳам “Фофир образи”, “Мирзакаримбой образи”, “Навоий образи” деб битиб, ўқувчиларга шу мазмунда иншолар ҳам ёздириб келдик. Аслида барча санаб ўтилганлар бадиий сиймо (“Навоий сиймоси”, “Юсуфбек ҳожи сиймоси”, “Зайнаб сиймоси”, “Солиҳ маҳдум сиймоси” каби) аталиши дуруст бўлур эди.

Шундай қилиб, яхлит *воқеабандли* (“сюжетли”) йирик эпик асардаги ҳикоятлар мажмуи ривоятни ташкил қиласа, ундаги ҳар бир ҳикоят (“этизод”) етакчи бадиий сиймолар (“персонаж”лар) сажияси (“характери”) билан боғлиқ бир қиррани очиб кўрсатишга хизмат қиласи. Яхлит *воқеабандли* эпик асарларда турли ҳикоятлар мажмуи орқали асосий қаҳрамонларнинг (етакчи бадиий сиймолар-

<sup>75</sup> Шарқда лирик ва эпик турлар мавжуд бўлиб, драматик тур учрамайди, деган мулоҳазалар бугун эскириб қолганлигини тан олиш лозим. Зеро бадиий адабиёт билан театр санъатини фарқ қиласа эканмиз, драматик турни фақат саҳна асари сифатида тасаввур қилиш Шарқона қадриятларни Европа маданияти қолиллари билан ўлчашни билдиради, халос. Бунинг исботи кейинги қисмларда аник мисоллар билан келтирилади.

<sup>76</sup> Бадиий тимсолнинг бошқа турлари ҳақида кейинроқ батафил тўхталиниади.

нинг) маънавий қиёфаси ҳар жиҳатдан намоён бўлади. Буларни биз *яхлит сажияли бадиий сиймо* деб аташимиз мумкин (масалан, *Лайти*, *Мажсун*, *Фарҳод*, *Ширин* сиймолари каби). Лирик ва дидактик руҳдаги асарларда эса бошқача бир бадиий тимсол – *умумлашма сажияли бадиий сиймо* (масалан, *ринд тимсоли*, *сўфий ёки дарвеш, шоҳ ёки вазир тимсоли* каби) ўзлигини намоён қилиши мумкин. Улар ўз навбатида янада аниқлашиб, ҳақиқий *сўфий ёки риёкор сўфий,adolatli шоҳ ёки золим шоҳ, маккор вазир ёки содик вазир* кабиларга бўлиниши мумкин. Бундай *умумлашма сажияли бадиий сиймолар* ахлоқий-ижтимоий дидактик мавзудаги, тасаввифий-ирфоний мавзудаги асарлар, яъни яхлит сюжетга эга бўлмаган асарларда ёки лирикада шакллантирилади.

Бадиий *тафсилот* (“художественная деталь”) ҳақида дастлабки тасаввур ҳосил қилиш учун яна юқорида келтирилган мисолларга қайтамиз. Ҳофиз Шерозийнинг машҳур ғазали ва унинг ўзбекча шеърий таржимаси қиёслангандан таржиманинг ноқислиги таъкидланган эди. Форсча байт мазмунининг бутун бадиий нафосати ундаги бош бадиий тимсолнинг зиддиятли сўз бирикмада берилиши туфайли бўлиб, иккинчи мисрада яна ушбу зиддият кучайтирилади. Мълумки, “*Шероз*” қадимдан форс ўлкасининг бош шаҳри (юононча “*Персеполис*”<sup>77</sup>) бу форсларнинг кутлуғ қадамжосида “*турк гўзали*” форс шоири қалбига эгалик давосида. Дарвеш шоир бунга жавобан қадимдан турк элининг марказ-маконлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорони айни шерозлик турк жононига ҳадя қилмоқчи. Икки мисрага шу қадар бепоён мавзу сингдирилганки, буни нафақат бир ҳикоят, балки бир достон ҳажмидаги *ривоятга* ҳам сиғдириш амри маҳол. “*Лисон ул-гайб*” шеъриятидаги *бадиий тафсилотнинг* кудрати бизни шундай маънавий чексизлик сарҳадларига етаклайди. Масжиддан майхонага қараб равона бўлган пири муршид воқеасининг мазмуний моҳияти ҳам инсонни фанодан бақога юксалтирувчи шундай маънавий парвозга тенглашса ажаб эмас<sup>78</sup>.

<sup>77</sup> Ахмонийлар сулоласининг пойтахти бўлган бу қадим шаҳар харобалари “*Нақши Рустам*” археологик мажмуаси – Шероздан 25 км масофада қарор топган.

<sup>78</sup> Бу ўринда умумий мулоҳазалар билан чекланишимиз сабаби келгуси кисмларда форс лирик шеъриятида бадиий тимсолнинг шаклланишига оид муфассал шарҳлар мавжудлиги билан боғлиқ.

## 2-ҚИСМ

### МУМТОЗ ФОРС ШЕЪРИЯТИ БАДИЯТШУНОСЛИГИ. УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

#### 1. Айъанавий ва замонавий бадииятшунослик нисбати

Китобнинг биринчи қисмида ижтимоий-гуманитар фанлар албатта миллий бўлмоғи зарурлигини мантиқан асослашга ҳаракат қилинди<sup>79</sup>. Лекин ушбу асли тўғри фикрни жуда жўнлаштириб талқин қилиш ҳам масалани тушунишда турли чалкашликларга олиб келиши мумкин. Маълумки, одатда ҳеч бир ҳалқ, ҳеч бир элат бутун дунёдан ажралган ҳолда, ўзи билан ўзи бўлиб, ўз қозонида ўзи қайнаб яшамайди, агар фавқулодда бир вазиятда бирор бир қабила ёхуд уруғ жамоа шундай аҳволда узоқ муддат қолиб кетса, унда тайинли ривожланиш ҳам бўлмайди, бунга жаҳон тарихида мисоллар бисёр. Демак, ҳар бир элат ё миллатнинг ижтимоий қараашлари, билимлари ўзга ҳалқлар билан мулоқотда ўзаро таъсирланиб, ўзаро бойиб бора беради.

Масалан, Ҳиндустон худудида бир пайтлар асосан дравид ҳалқлари яшаган бўлса, кейинчалик ҳиндузабон қабилалар бу минтақага кириб борди. Натижада ерли ҳалқнинг қараашлари, эътиқоди, маданияти янги кириб келган элатлар дунёқараши, дини ва маънавий дунёси билан чатишиб кетди. Бир муддат Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндустон худуди бир буюк салтанатга бирлашиб, ҳалқлар яна бир-бирини ҳар жиҳатдан бойитди. Мелодий эранинг VIII-IX асрларида дастлаб араб юртида шаклланган исломий эътиқод Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрга кириб келган бўлса, кейинроқ Ҳинд яриморолига ҳам таъсир ўтказабошлади. Махмуд Газнавий бошлаган юришлар XIII аср бошларидан туркий ва афғон мусулмон сулолалари бошқарган Дехли сultonлигининг ташкил тошиига олиб келган бўлса, XVI-XVII асрларда уларнинг ворислари сифатида Бобурийлар бутун минтақани ўз кўл остида бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. Буюк Акбаршоҳ ва унинг авлодлари олиб борган диний бағрикенглик сиёсати натижасида бепоён бир ўлкада яхлит ҳинд-мусулмон маданий мухити шаклланди. XVIII

<sup>79</sup> Ушбу китоб 1-қисм 2-фасл (“Ижтимоий фанлар методологияси хусусида”), 11-16 саҳифалар.

аердан бошлаб эса бу миңтақада инглизлар, французлар, голландлар нүфузи ошиб, шундан сүнг маңаллий халқлар Европа маданияти таъсирини сеза бошладилар.

Бундай кузатишларни дунёning барча йирик миңтақалари ва халқлари тарихи мисолида ҳам келтириш мумкин. Аммо бу дегани ҳар бир халқнинг ўз адабиёти, ўз эътиқод тизими, ўз миллий руҳияти, урф-одатлари ва миллий сажияси йўқ деган маънони билдирамайди. Шундай экан, ҳар бир халқнинг ўз миллий адабиётшунослиги, маданият-шунослиги, фалсафашунослиги, руҳшунослиги, тарбияшунослиги ва ҳоказо ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўзига хослиги бўлиши мумкинлигини инкор қилиш адолатдан бўлмайди. Албатта, бундай миллий илм соҳалари ўз ишбатида миңтақа илми, жаҳон илми, ўзга халқлар шакллантирган илмий қарашларнинг таъсиридан холи бўлмайди. Бундай таъсирларнинг даражаси ҳам муайян шарт-шароитлар билан боғлик ҳолда турли миқёсда бўлиши мумкин.

Энди асосий мавзуга ўтадиган бўлсак, аввало нега **мумтоз форс адабиёти** эмас, балки “*мумтоз форс шеърияти бадииятишунослиги*” ҳақида гап кетаётганлигини қисқача изоҳлаб ўтиш лоҳим бўлади. Маълумки, инсоният тарихининг турли даврларида бадиий ижодга оид тасаввурлар турлича бўлиб, баъзан бир-биридан кескин фарқ қилган. Масалан, энг қадимги даврда инсоният онгига **асотир тафаккур** хукмрон бўлиб, бадиий, илмий, диний, фалсафий қарашлар бир-биридан кескин фарқланмаган, синкретик<sup>80</sup> ҳолатда ўзлигини намоён қилган. Қадим дунёning охирлари, Ўрта аср бошларига келиб бадиий адабиёт асосан шеърият кўриннишида шаклланган. (Қадим Юнон адабиётида Аристотель давригача лирик, эпик ва драматик турларнинг барчаси шеърий шаклда бўлган.) Чунки маълум вазн ва қофияга эга бўлган шеърий тил оддий сўзлашув тилидан кескин фарқ қилиши билан ўзига хослик касб этган. Наср ва назм орасидаги кескин фарқ Янги даврда ҳам баъзи адабиётшунослар томонидан алоҳида таъкидлаб келинади. В.Ф.Переверзев ёзади: “*Нутқнинг ўз сифатига кўра бир-биридан фавқулодда фарқланувчи икки тури мавжуд...*

<sup>80</sup> Ибтидоий жамоа ва энг қадимги давр одамлари тафаккурида дунёни англаб етишининг энг биринчи, яхлит, турли йўналишларга, жиҳатларга ажралмаган ҳолатда намоён бўлиши.

Бадиий адабиёт ҳам назм, ҳам насрдан моддий асос сифатида фойдаланар экан, бир-биридан жиiddий фарқ қилувчи бу икки моддий асосга таянувчи адабиёт ҳам сўз санъатининг икки турини ташкил қиласи – насрый сўз санъати ва шеърий сўз санъати, уларнинг бир-биридан фарқи мусиқа ва тасвирий санъат, мусиқа ва хайкалтарошлиқ орасидаги фарқ кабидир.<sup>81</sup> Ўрта асрлар адабиётида назм етакчилик қилган бўлса, Янги даврга келиб наср кўпроқ урф бўлмоқда.

Янги форс тилидаги адабиёт дастлаб муайян тарихий сабабларга кўра Арабистонда исломдан олдинроқ шакллана бошлаган араб шеъриятининг кучли таъсири остида ривожланди. Форс тилидаги бадииятшунослик илми ҳам ушбу анъанага биноан VIII-X асрларда араб филологлари томонидан ишлаб чиқилган илми аruz, илми қофия, илми бадеъ, балоғат ва фасоҳат илмлари асосида вужудга келди. А.Б.Куделиннинг маҳсус тадқиқотида<sup>82</sup> VIII-XI асрларда яшаб ўтган эллиқдан ошиқ араб филологларининг ушбу мавзулардаги асарлари ёдга олинади.

X - XV асрлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк аждодларимиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмларнинг калитлари”) асарининг маҳсус боби, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Мажмасъ ул-улум матлаъ ун-нужум” (“Илмларнинг жам бўлиши – юлдузларнинг чиқиши”) қомусий рисолалар тўпламига киритилган “Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз”, Абул Ҳасан Наср ал-Марғилонийнинг “Маҳосин ал-калом”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Ал-қустос фил аруз”, Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” каби мавзуга оид асарлари араб тилида, хоразмлик аллома Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийиқ ас-сехр фи дақоиқ уш-шеър”, Шамс Қайс ар-Розийнинг “Ал-мӯъжам фи маойир ашъор ал-ажсам” каби асарлари форс тилида яратилди. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ал-балога” асари, Навоий ва Бобурнинг арузга оид рисолалари туркий тилда яратилди. Бу асарлар асосан адабиётнинг шаклий жиҳатлари тадқиқига бағишлианди. Бадиий адабиётни ўрганишда унинг шаклий жиҳатларига

<sup>81</sup> Переверзев В.Ф. Гоголь. Достоевский. Исследования. –М.: «Сов. Писатель», 1982. –С. 474-475.

<sup>82</sup> Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII — XI век). –М.: Наука, ГРВЛ, 1983. –С.264.

бу қадар аҳамият берилиши бежиз эмас. Чунки уларсиз бадиий асарнинг ўзи бўлмайди. Бироқ адабий асар ўта мураккаб ички структурага эга бўлиб, уни ўрганишда бу хусусиятини албатта ҳисобга олиш лозим.

Холис тан олиш керакки, нафақат мумтоз Шарқ адабиётшунослиги, балки Европа адабиётшунослигига ҳам ҳатто ҳозирги замонга қадар шаклий жиҳатларга эътибор етакчи ўрин тутиб келмоқда. А.Б.Куделин тадқиқотида тилга олинган Ўрта асрлар враб бадииятшунослари “Китоб ал-ма’ани”, “Китоб ал-ма’ани аш-ши’р” деб номланувчи кўплаб асрлар ижод этишган. Аммо олимнинг таҳдилларидан маълум бўладики, улар ҳам аслида адабиётнинг шаклий жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган экан. Бундай “номувофиқлик”нинг сабаби бадиий адабиётнинг мураккаб табиати билан боғлиқ. Одатда адабиётшуносликка, аниқроғи, поэтика илмига оид хоҳ қадимда, хоҳ янги даврда яратилган асрларда шакл ва мазмун (“лафз” ва “маъно”) ҳақида гап боради. Жумладан, анъанавий бадиий санъатлар ҳам “лафзий” ва “маънавий”га ажратилади. А.Б.Куделин, Н.Ю.Чалисева, Р.Мусулманкулов, А.Куронбеков, яна қатор Шарқ ва Ғарб олимлари бу масалаларни батафсил тадқиқ этишган. Масалан, Р.Мусульмонкуловнинг “Форс-тожик мумтоз бадииятшунослиги (Х-ХУ асрлар)” китоби<sup>83</sup> мундарижасига эътибор берсак, унда ҳам анъанавий бадиий санъатлар “лафзий” (“словесные фигуры”) ва “маънавий” (“образные фигуры”)га ажратилади.

Ҳозирги кунда бу масалаларга бағишлиланган маҳсус лингвопоэтика илми ҳам шаклланган<sup>84</sup>. Аммо бадиий асар мазмуний таркибланиши жиҳатидан кўпқаватлилик хусусиятига эга. Масалан, ҳар бир тилдаги сўзлар икки қатлам – шаклий (оғзаки нутқда товуш, ёзувда ҳарф) ва мазмуний (маънолар) қатламларга эга бўлса, бадиий асарда ушбу тил унсурларининг ҳар икки қатлами ҳам бадиий тимсоллар яратиш учун шаклий асос вазифасинигина ўтайди. Қолаверса, бадиий тимсолларнинг ўзи ҳам кўп қабатли

<sup>83</sup> Р. Мусульманкулов. Персидско-таджикская классическая поэтика (Х-ХУ вв.). –Москва: «Наука», ГРВЛ, 1989.

<sup>84</sup> Бу ҳақда қаранг: Липгарт А.А. Методы лингвопоэтического исследования. –М., 1997; Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. –М., 2006; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Т.: “Фан”, 2008, Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. –Т.: ТДШИ, 2011.

бўлиб, пастки қабатлари юқори қабатлар учун шакл вазифасини бажаради. Шу сабабдан анъанавий бадииятшуносликдаги “лафзий” ва “маънавий” санъатлар бадиий асар таркибида ҳар иккиси ҳам бадиий тимсолларнинг юқорироқ даражалари учун шаклий асосга айланиб бора беради.

Демак, бадиий асар таҳлили ўта мураккаб жараён бўлиб, агар бу асар мумтоз адабиётга мансуб бўлса, масала янада жиддий тус олади. Бадиий тил рамзу ишоралар тилидир. Илмий асарда муайян тушунчаларни ифодалаб келувчи сўзлар адабий асарда бадиий тимсолларга айланиб, **лингвопоэтика** илми айни шу муайян тилга оид сўзларнинг бадиий тимсолларга айланиш жараёнини таҳлил этиш билан шуғулланади.

Аммо **лингвопоэтика** илми бадиий асар таҳлилини тўлиқ қамраб ола билмайди. Масалан, эпик тасвирида бадиий адабиётнинг яна бир хусусияти - сўз орқали тасвир яратиш санъати юзага чиқиб, воқеа қатлами биринчи ўринга ўтади. Бу қатламда турли сўз ўйинига қурилган поэтик тимсоллар ўрнини замон ва маконда ҳаракат қилувчи жонли сиймолар эгаллайди. Бу қатламдан бошлаб энди ҳикоят, ривоят, сиймо ва сажиялар оламининг таҳлили бошланади. Бунда энди таҳлил жараёнига зоҳирий таркибланиш (*архитектоника*), ботиний таркибланиш (*композиция*), бадиий тафсилот каби тушунчалар кириб келади. Аслида булар ҳам асарнинг *гоялар қатлами*<sup>85</sup> учун шаклий асос эканлигини назарда тутадиган бўлсак, муайян асарнинг асл моҳиятини мукаммал ёритиш учун энди матний таҳлилларнинг ўзи кифоя қилмаслиги, энди мавжуд матндан ташқари омилларга ҳам мурожаат қилиш зарурияти борлигини англаб етамиз. Замонавий бадииятшунослик ана шу мураккабликларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим бўлади.

Бадииятшунослик илми соҳасига оид бугунги кунда ўзбек тилида нашр этилаётган кўпчилик китобларни кўздан кечирганда

<sup>85</sup> Таъкидлаб ўтиш жоизки, “*гоялар қатлами*” деганда асло “*асарнинг гояси*” аталувчи дудмал тушунчани тасаввур қилмаслик керак. Агар “*гоялар қатлами*”ни бадиий асар биносининг энг юқори қавати деб таърифласак, унга чиқиши учун барча пастки қабатларни зинама-зина босиб ўтмоқ зарур бўлади. Бусиз “*гоялар қатлами*” хақида айтилган ҳарқандай “*хулоса*” ча-ла гапдан нари ўтмайди. Томни ёпиш учун аввал пойdevor куйилиб, девор тикланган бўлиши керак.

бир событ анъана кўзга ташланади. Бу китобларда анъанавий бадииятшуносликка оид тушунчалар аждодларимиз яратган меросга биноан, замонавий бадииятшуносликка оид тушунчалар эса Европа маданий минтақасида Янги давр Европа адабиёти таржиси асосида шаклана бошлаган янгича бадииятшунослик тизимидан (асосан рус адабиётшунослиги орқали) деярли ўзгаришсиз (ҳатто терминологияни ҳам аслидай саклаган ҳолда) ўзлаштирган ҳолда берилмоқда. Бундай ҳолатни изоҳловчи бир ҳакиқат мавжудки, ҳозирги замон (XIX аср охирлари - XXI бошлари) Шарқ адабиёти кўп жиҳатдан Европа адабиёти таъсири остида яратилмоқда. Бунинг ҳам ўз жиддий сабаблари бор. Улардан бири айни ҳозирги замон Шарқ адабиётшуносларининг онгигда мустақиллик туйғусининг сустлашганида (аникроғи, фаоллашмаганида) дейиш ҳам мумкин<sup>86</sup>.

## 2. Адабиёт тарихи ва тарихий бадииятшунослик<sup>87</sup>

Жаҳон адабиёти тарихини энг умумий ёндошувда уч йирик даврга ажратиш мумкин: **Қадимги давр адабиёти, Ўрта асрлар адабиёти, Янги давр адабиёти**<sup>88</sup>. Аммо ҳар бир маданий минтақа адабиётини ўргангандা бу умумий ёндошувга конкрет ўзгаришилар киритиш лозим бўлади. Жумладан, бу уч давр “*X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти*” китобимизда эроний тиллардаги адабиёттага татбиқан 1) **Исломгача эроний тиллардаги адабиёт**, 2) **Мумтоз форс адабиёти**, 3) **Янги давр эрон адабиёти** сифатида даврлаштирилди. Булардан исломгача эроний тиллардаги адабиёт асосан асотир **тафаккур** даврида яратилган бўлиб, бу давр адабиётига бадииятшунослик нуқтаи назаридан ёндошув

<sup>86</sup> Бу ҳолат нафақат адабиётшунослар, балки деярли барча ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассисларига маълум даражада тааллукли дейиш мумкинки, бунинг ҳам умумжаҳон илми ривожига доир ўта жиддий сабаблари бор. Бу муаммолар ушбу китобнинг 1-қисми 2-фаслида муайян даражада муфассал таҳдил қилинган.

<sup>87</sup> Ушбу фаслнинг мумтоз форс шеърияти тарихий такомилига оид қисми баъзи ўзгаришилар билан асосан юкорида номи келтирилган китобимиз холосасидан олинди.

<sup>88</sup> «... история нашего мира – драматическая трилогия, Древность – ее первая часть, Средневековье – вторая, Новое время - третья» // История всемирной литературы. Первый том. –М.: «Наука», 1983. –С.53.

мутлақо кейинги даврлардан фарқ қилиши сабабли ўзи алоҳида мавзудир. Янги давр эрон адабиёти бадииятшунослиги масалалари ҳам кўп жиҳатдан ўзига хос муаммоларга эга бўлиб, уларни илмий асосда жиддий кўриб чиқишни Мумтоз форс адабиёти бадииятшунослигини ўрганишдан кейинга қолдирган кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Мумтоз форс адабиёти ривожининг ҳам ўз ички такомил босқичлари бор. Шу қунгача ушбу адабий жараённи даврлаштириш масаласида йўл қўйилган чалкашликларнинг бош сабаби шундаки уларда муайян давр адабиётининг ички ривожланиш тамойилларига жиддий эътибор қилинмаган. Фақат М.Л.Рейснернинг ғазал жанрининг тараққиётига оид жиддий ва самарали тадқиқотида тасаввуфнинг адабиётга таъсири масаласи жиддий қўйилган ва натижада хулосалар ишончлироқ чиққан<sup>89</sup>. Бунда, албатта, минтақа олимлари, хусусан, ҳиндистонлик мумтоз форс адабиёти билимдони Шибли Нўймоний қарашлари ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Дастрраб кўпроқ сарой адабиёти сифатида намоён бўлган дунёвий шеъриятдан мумтоз ирфоний шеъриятга ўтиш босқичи олима тадқиқотида ғазал жанри мисолида ишонарли далиллар асосида мукаммал очиб берилган. Аммо Саъдий ва Ҳофизлар ижоди тўлиқ тасаввуфий шеърият қолипига тушмаслиги тўғри қайд этилган ҳолда, бу йўналишдаги шоирлар ижодининг алоҳида маънавий моҳияти ва олдинги босқичлардан фарқи равшан англаб этилмаганлиги натижасида олима иштирокида ёзилган дарсликда мумтоз форс адабиётини даврлаштириш учун Ўрта асрлар Европа адабиётига хос бўлган “художественный канон” (“бадиий меёр”, “қатъий анъана”, “адабий андаза” маъноларида) тушунчаси ва унинг шаклланиш босқичлари асос қилиб олинган<sup>90</sup>. Жиддий далилларга таянган тадқиқот натижалари бир четда қолиб, яна Европа адабиётшунослигининг қолиллари асосида хулосалар қилиниши, албатта, афсусланарлидир.

Албатта, бу борада рус олимларига осон тутиш дуруст эмас. Чунки минтақа адабиётшунослигига ҳам бу борада Баҳор тилга олган уч услубдан бошқа, баъзи субъектив ёндошувларни ҳисоб-

<sup>89</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). – М.: «Наука» ГРВЛ, 1989.

<sup>90</sup> А.Н.Ардашникова, М.Л.Рейснер. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.). –М., 2010. –С. 502.

га олмаганда, ҳануз воқеликка мувофиқ аниқ меёрлар ишлаб чиқилган деб бўлмайди. Шундай бир мушкул ҳолатда бизга Навоий дахоси ёрдам кўлини чўзди. Навоийнинг ушбу мавзуга онд қарашлари бирнеча жиҳатдан биз учун ғоят мухимдир. Биринчидан, бу қарашлар ўша даврнинг ўз одами мулоҳазалари сифатида қадрли. Иккинчидан, Навоий ўз асарларини асосан ўзбек тилида ёзган (яъни “туркийзабон”) шоир сифатида машхур бўлса-да, унинг **адабиёт ҳақидаги назарий қарашлари деярли тилигича мумтоз форс шоирлари изодига тегиши**lidir. Учинчидан, Навоий адабиётнинг нафақат шаклига, балки, биринчи навбатда, мазмунига, ундан инсонларга етадиган маънавий манфаатга, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига айрича эътибор қаратган. Шулардан келиб чиқсан ҳолда биз ушбу тадқиқотда Навоийнинг назарий қарашларини форс мумтоз адабиётининг такомил босқичлари хусусидаги мулоҳазаларимизга асос қилиб олиб, X-XV асрлар форс мумтоз адабиёти ривожини кўйидаги уч босқичга ажратиб чиқдик:

- 1) Дунёвий адабиёт босқичи (IX аср охири – XI асрлар)
- 2) Тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиши (ХII–ХIII асрлар)
- 3) “Мажоз тариқи” адабиёти (XIV – XV асрлар)

Бу босқичлар ҳар бири ўзгасидан ҳам бадиий шакл тамойиллари, ҳам мазмуний жиҳатларига кўра аниқ фарқ қиласди.

### **1) Дунёвий адабиёт босқичи (IX аср охири – XI асрлар)**

Бу босқичнинг биринчи даври, яъни X аср шеъриятини мукаммал ўрганган М.-Н. О. Османов китобида<sup>91</sup> келтирилган бадиий тимсоллар француз шарқшуноси Г.Лазар (G.Lazard) таснифига кўра, шеърият тилининг биринчи мазмуний қабатини ташкил қиласди<sup>92</sup>. Унга биноан, масалан, “гул” “моҳ” “офтоб” тимсоллари реал маҳбубанинг чехрасига ишора қиласди. Бу давр шоирлари шеърларидаги мажозий тасвирлар, масалан, Рудакийнинг “Модари май” қасидаси, ушбу мавзудаги Башшар Марғозий

<sup>91</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). –М.: «Наука» ГРВЛ, 1974. –С.268+296.

<sup>92</sup> Lazard G. La language symbolique du ghazal. - Convegno internazionale sulla hoesia di Hafez. Roma, 1978. –С.61. (Бу ва кейинги иқтибослар Н.И. Приганининг “Индийский стиль и его место в персидской литературе: (вопросы поэтики)” асаридан олинди (с. 99).)

ва Манучехрийларнинг жозибали шеърий ривоялари фақат бадиий рамз халос, улар ортида фақат моддий дунё воқеликлари туради. Бу дунёвий адабиёт қабати.

Поэтик шаклга оид бу ўзига хосликлар ўша давр адабиёти намояндалари тафаккури ва дунёқараси, давр шеъриятининг мавзу қамрови ва вазифаси, ижтимоий воқеликда тутган мавқеи билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Маълумки, бу давр адабиётининг аксарият намуналарига хос бўлган энг асосий хусусият **ақлга таяниш** бўлиб, ислом минтаقا маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларининг иккинчиси - **Ислом маърифатчилиги** босқичида Борлик ҳақиқатини англаб етишнинг етакчи йўналиши бўлган илм маърифатига мос келади. Бу ҳолат нафақат Форобий, Ибн Сино каби алломалар, балки давр адабиётининг етакчи вакиллари - Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Шукур Балхий, Абулқосим Фирдавсий, Унсурий, Носир Хусрав ва бошқалар ижодида ҳам ёрқин намоён бўлди. Бу давр шеъриятида **бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси** ҳануз амалийроқ кўринишда идрок этилиб, даставвал ҳаётга муносабатда кенгфеълик, элу юртда яхши ном қозониш, ҳар ишни ақл тарозусида ўлчаб амалга ошириш билан инсон албатта баҳтли бўлади ва шоду хурсандлик билан умр кечиради, деган фикрлар устун бўлган бўлса, кейинроқ бориб ижтимоий воқелик бундай содда қарашлардан анча мураккаброқ эканлиги аён бўла бошлади. Рудакийнинг “Қарилек қасидаси”, Фирдавсий фожеаси шуни кўрсатди. Бу даврда дунёвий йўналишда ижод қилган, аммо йирик ижтимоий-инсоний масалаларни юксак пафос билан тасвирлай олган ва форс мумтоз адабиётидаги эпик достончиликнинг кейинги ривожига бакувват асос яратиб берган буюк шоир **Абулқосим Фирдавсий** бўлди. Фирдавсий даҳосининг кудрати шундаки, у ижод жараёнида ўз даври сиёсий қарашлари доирасидан юксакларга кўтарила бориб, умумбашарий, демакки, азалий ва абадий маънавий қадриятлар ғалабасини куйлай билди, бани башарнинг энг олий қалб туйғуларини авж пардаларда ифодалай олди. Аммо шоир ўз қаҳрамонлари фожеаси сабабларини мукаммал изохлаб бера олмади. Бу моддий оламнинг, ҳар бир инсон баҳти ва фожеасининг сир-синоати унинг учун жумбоқлигича қолиб кетди.

Шундай қилиб, “**дунёвий адабиёт**” мавзулари моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узок кетмагани унинг барча намоян-

далари ижодида кўзга ташланиб туради. Бу босқичда бадий адабиётнинг эстетик завқ бериш хусусияти кучли бир тарзда намоён бўлди, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – **инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати** қониқарли даражада бўлмади. Инсон ва инсоният муносабати саволлигича қолди. Бу давр адабиётининг дунёвийлиги шундаки, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмади, бу давр шоирлари Аллоҳнинг ягоналиги, унинг илми ва кудрати чексиз эканлигини билсалар ва тан олиб эътиқод қилсалар-да, ҳануз ғайб олами билан моддий олам орасидаги муносабатлар хусусида жиддий тафаккурга берилиш уларга хос эмас эди. Олдинги фаслда тилга олинган анъанавий бадииятшуносликка оид араб ва форс тилларидаги аксарият илмий рисолалар айни ушбу давр шеъриятига хос бадий хусусиятларни акс эттиради ва бугунги кунда ҳам мумтоз адабиётнинг бадий хусусиятлари деганда кўп жиҳатдан илми аruz, илми қофия, илми бадеъ йўналишларида эришилган ютуқларга эътибор қаратилади. Бу мавзудаги замонавий пухта тадқиқотлардан бири сифатида профессор Раҳим Мусулмонкуловнинг Москвада рус тилида нашр этилган “Форс-тожик мумтоз бадииятшунослиги” китобини эслаб ўтиш мумкин<sup>93</sup>. Ушбу асар боблари ҳам анъанага риоя қилган ҳолда “Бадиий санъатлар” («Поэтические фигуры»), “Аruz”, “Қофия” («Рифма») деб номланган. Бу давр шеъриятининг анъанавий бадииятшунослик илми асосида амалга оширилган бизга маълум ягона муфассал тадқиқоти Муҳаммад-Нури Османовнинг “Форс-тожик шеърияти услуби (IX-X асрлар)” китоби бўлиб, унда Рудакий ва унинг замондошлари шеърияти асл матнга тўлиқ таянган ҳолда яхлит тизим сифатида мукаммал таҳдил қилинган<sup>94</sup>. Умумий ҳажми 564 сахифали ушбу тадқиқот ярмидан кўпроғини (294 сахифасини) асл матн тилида келтирилган бадий тимсоллар ва тасвирий воситаларнинг тўлиқ рўйхати (“Каталог образов и изобразительных средств” *کاتالوگ صور خیال و فهرستهای ان* - در شعر فارسی سده چهارمehجri - ташкил қилишини ҳисобга оладиган

<sup>93</sup> Мусульманкулов, Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: Наука, ГРВЛ, 1989.

<sup>94</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). –М.: «Наука» ГРВЛ, 1974. –С. 268+296.

бўлсак, олимнинг қай даража заҳматли юмушни зиммасига олганлигини тасаввур қилиш мумкин. Афуски, бевосита яхлит матнга устида ўтказилган бундай батафсил изланишлар ҳануз ўз давомчиларини топганича йўқ.

## 2) Тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиши (ХII–ХIII асрлар)

Тасаввуфий-ирфоний адабиётга ўтгач, шеърият тилининг иккинчи мазманий қабати бошланади. Унга кўра мажозий тимсол мазмuni воқеликдаги бир сиймога эмас, балки ғайб оламига оид тасаввурларга ишора қилади. Масалан, юқоридаги ташбиҳларни оладиган бўлсак, “гул” “моҳ” “офтоб” тимсоллари англатган мазмун - маҳбуба чеҳраси энди ўзи Ҳақ жамолига ишора сифатида тушунилади.

Аҳли башарнинг ўзга жонзотлардан мутлақ фарқ қилувчи бир жиҳати бор. У ҳам бўлса - маънавий камолот эҳтиёжи. Маънавий камолот эса фақат бир йўл билан – Борлик ҳақиқатини англаб етишига интилиш орқали амалга ошади. Олимнинг ихтиrolари ҳам шу интилиш туфайли, шоирнинг илҳоми ҳам дилдаги шу орзиқишдан. Суфий Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ инсон, бутун борлиғи билан унга интилади, ўзини ундан айро тасаввур қила олмайди. У “*ал-Ҳақ*” деганда айни шу Борлиқнинг мутлақ Ҳақиқатини тушунади<sup>95</sup>. Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилади. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалашши мумкин? Ғайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Шу сабабли тасаввуф шеърияти олдинги босқичда дунёвий мумтоз шеърият ишлаб чиқкан мажозий тасвирнинг чексиз имкониятларига мурожаат қиласи.

Дунёвий адабиёт ва ирфоний адабиётининг ўзаро фарқи шундаки, Рудакий ва Манучехрий асаларида мажозий тасвир фақат эстетик завқ бериш, оддий ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалашга хизмат қилган, яъни шаклий гўзалликка биринчи даражали эътибор қаратган бўлса, ХII–ХIII

<sup>95</sup> “*ал-Ҳақ*” ягона Аллоҳнинг исмларидан бўлиб, Аллоҳ исмлари унинг турли сифатларига ишора қиласи. Шу сабабдан уларни бир-бирига алмаштириш, масалан, “*Аналҳақ*”ни “*Аналлоҳ*” деб талқин қилиш яхши оқибатларга олиб келмайди.

**асрлар ирфоний шеърияти олдинги давр шоирлари бадиий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда мажозий тасвири ирфоний туйғулар тараниуми билан уйгулаштириб, шеъриятни инсоннинг маънавий баркамоллиги, инсон руҳининг Борлик ҳақиқати билан уйғунлигини таъминлаш йўлида хизмат қилдиришга киришди.**

**XI аср охири - XII аср бошларида ижод қилган Умар Хайём, Масъуд Саъд Салмон, Амир Муиззий каби ёрқин истеъод соҳиблари дунёвий адабиёт анъаналарига содиқлик сақлаган бўлсалар, уларнинг ёш замондошлари XII асрда яшаб ижод этган Сапоий, Анварий ва Хоқонийлар том маънода саройга боғланган дунёвий мазмундаги адабиётдан онгли равишда ва узил-кесил воз кечиб янги йўналишга – кенг маънодаги ирфоний адабиётга асос солишга муваффақ бўлдилар.**

**Газзолий ғоялари таъсирида XII-XIII асрлар шеърияти ақлга таяниш принципидан аста-секин кўнгилни поклаш принципига ўта бошлади. Низомий биринчи достони “Махзан ул-асрор”нинг кириш бобларидаёқ бу асарни ёзишдан мақсади «кўнгил қиссаси»ни баён қилиш эканини алоҳида таъкидлайди ва бу мавзуга алоҳида уч боб (уч “хилват”) бағишлияди. Шоир тасаввурига кўра, инсоннинг барча аъзолари устидан ҳукмрон кўнгил. Шоир кўнгилни Хожа, инсон табиатининг тарбиячи-си деб атайди. Чунки инсон кўнгли уни олий ҳақиқат билан боғлаб турувчи тилсим, олий ҳақиқат сирларини ўзида жилвалантирувчи кўзгудир, фақат унга сайқал беришда эринмаслик, уни занг ва чирк босишига йўл қўймаслик лозим. Кўнгил инсонни инсонликда тутиб турувчи, алоҳида бир вужудни олий маънавият билан туташликда асровчи моҳиятдир. Шу сабабли шоир кўнгилни ўзига етакчи қилиб олади.**

**Фаридиддин Аттор ижодида мажозий тасвири талқиннинг бирлашуви ёрқин бир тарзда намоён бўлдӣ. Унинг “Мантиқ ут-тайр” достонидаги бош ғоя инсондаги Поклик ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир ғояларининг ижобий руҳи шунда. Аммо бу ижобий ният Атторда изчил эмас. У бани башарнинг моддий ҳаёт чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончсизлик билан қарайди. Аттор асарлари поклик ва садоқатни куйлашга бағишлиган бўлса, Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарида илохий ишқ тараниумини**

**инсон ва инсоният нисбати**, ҳар бир инсоннинг нафақат инсоният, балки бутун Борлиқ олдидағи масъулияти масаласи билан уйғунлаштира олди. Инсоннинг бошқа жонли мавжудотлардан фарқи шундаки у ўзининг ўзга инсонлар билан боғлиқ эканлигини, ўзининг “**инсоният**” аталувчи яхлит моҳиятнинг ажралмас бир бўлгаги, қисми эканлигини сезиб туради. Агар шуни сезмайдиган бўлса, уни энди ўзга биологик мавжудотлардан фарқи қолмайди, моҳиятган у энди инсон эмас.

Аммо буюк суфий бу ғояни ирфоний тимсолларга чўлғаб ташлайди, натижада ҳар доим ҳам асосий фикр очиқ намоён бўлавермайди, қатор саволлар жавобсиз қолгандек бўлади. Бир сўз билан айтганда, Навоийнинг теран нигоҳи пайқаганидек, Румий ижоди “*ҳақиқат тариқи*” доирасидан чиқиб кетмаган. Унинг ирфоний тимсоллар пардаси остидаги теран талқинлари фақат замондоши Саъдий Шерозий ижодида очиқ-ойдин намоён бўлди.

Кўриниб туриптики, мумтоз форс адабиёти такомилининг иккинчи босқичи биринчисидан моҳиятган фарқ қиласди. Шундай экан, энди дунёвий адабиёт босқичи бадииятини тадқиқ этиш учун яроқли бўлган назарий қарашлар тасаввуфий-ирфоний адабиётга татбиқан қониқарли холосалар чиқариш учун мутлақо етарли эмаслигини тан олиш лозим бўлади. Бу ҳолатни ўша давр кишилари ҳам тушуниб етганлиги сабабли ўз вақтида турли даражада ва йўналишда тасаввуфга оид илмий ва оммабоп рисолалар яратила бошланди, тасаввуф атамаларининг хос лугатлари вужудга келди. Аммо бир нарсани унутмаслигимиз лозимки, даҳо ижодкорлар бадиий қудрати унча-мунча қолилларга сифмайди, шу сабабли тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг ҳақиқий мумтоз намуналари моҳиятган ўз даврида яратилган маҳсус лугатлардаги шарҳ ва изоҳлар доирасидан кенгрок ва теранроқ маъноларни қамраб олади. Назаримизда, бу давр адабиётининг чўнг қоялари дейиш мумкин бўлган Аттор ва Румий шоҳкорлари бадиий қудратини мукаммал таҳлил қилиб бера оловчи назарий тизимлар ҳануз яратилганича йўқ.

### 3) “*Мажоз тариқи*” адабиёти (XIV – XV асрлар)

“*Мажоз тариқи*” адабиётида шеърият тилининг учинчи мазмунний қабатига ўтилади. Бунда энди юқоридаги тимсоллар бир пайтнинг ўзида ҳам ғайбий (илоҳий), ҳам воқеий (дунёвий) мазмун

касб этади, яъни “гул” “моҳ” “офтоб” тимсоллари ортида англешилган воқеликдаги маҳбубанинг чехрасини шоир Ҳақ жамоли-нинг мазҳари сифатида қабул қиласиди. (Навоий наздида “мажоз тарикү” намояндалари “Ҳақ сунъида”, яъни Холик яратган маҳлукда Яратувчининг қудратига ишорани кўрадилар, фоний дунё сиймоларини азалий ва абадий Борлик зухури сифатида қабул қиласидилар ва шу сабабдан унга ошуфта бўладилар. Буни Навоий “пок ишик” ёки “хавос ишик”, яъни хос кишилар, “аҳли маъни”нинг пок дилида туғилган беғараз инсоний шавқ-завқ деб талқин қиласиди.).

Исломнинг моҳияти тавҳиддадир. Аммо бу тушунча ҳар босқичда турлича маъно эврилишларига эга бўлиб, тобора теранлашиб боради. Сунна босқичида унинг асосий маъноси Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини, Муҳаммад (с.а.в.) унинг охирги Ҳақ пайғамбари эканлигини тан олиш, Аллоҳ ва пайғамбарига бўйин-суниш бўлса, Ислом маърифатчилигида Аллоҳ яратган Борлиқнинг моҳиятини ақл ва мантиқий тафаккурга, тажрибага таяниб англаб етишдир. Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичида эса, биринчи навбатда, Ҳақ ошиғининг Ҳақиқий Борлик (Бақо) сари чексиз иштиёқ билан интилиши ҳақида гап кетади. Суфий Ҳақ билан, Боқий борлик билан бирликка, ягоналика интилади, унинг моҳияти, ҳаётининг мазмуни шунда.

Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини Ҳақиқат ва унинг мазҳари, қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини “мажоз” (“иноскование”, метафора), деб атайдилар. “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди шундан бошланади. Шу асосда тасаввуф адабиётида “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни “ишқи илоҳий” маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшашни билдирса, иккинчиси - инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйилди. Аммо тасаввуф ғоялари ҳам ривожланиб боради. Агар Навоий “ҳақиқат тариқининг суханвари” деб атаган Фаридидин Аттор XIII аср бошларида инсонларни “мажоз”, яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, ташқи суратга маҳлиё бўлмай, маънога, моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлса, шу аср охирларига келиб Фахриддин Ироқий (1207-1289), Авҳадиддин Кирмоний (ваф-

ти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “Ламаъот” асарини ёзган Ироқий “мажоз” ва “ҳақиқат” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх Авҳадиддин Кирмоний ушбу нисбатни янада ривожлантириб, шундай хулоса қилди: “Ин олами суратесту мо дар суварем, Маъни натвон дид магар дар сурат (Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз, Маъни суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас). Демак, Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириш лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир<sup>96</sup>.

Шу ўринда бир савол туғилади: Нега Навоий “Маҳбуб ул-кулуб” асарининг тегишли фаслида Амир Хусрав Дехлавий ва Ҳофиз Шерозийлар билан бир қаторда “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут қилганлар” сафига XII - XIII асрларда яшаб ижод этган Саноий ва Саъдийларни ҳам қўшган бўлса-ю биз “мажоз тариқи” даврини XIV асрдан бошламоқчимиз?

Дарҳақиқат, нафакат Саноий ва Саъдий, балки XII аср иккинчи ярми шоирлари Анварий, Хоқоний ва бошқаларни ҳам Навоий “мажоз тариқи” намояндалари сифатида тилга олади. Аслида улар билан бир даврда яшаган Низомий Ганжавий ҳам тасаввуф шоирларидан фарқли равишда фақат инсон руҳиятининг ички қатламларига теран назар ташлаш билан чекланиб қолмай, ўз достонларида шахснинг Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди, яъни, унинг асарларида ирфоний ва ижтимоий муаммолар олий бир уйғунликда ифодаланди. Аммо XII асрда ҳануз “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди кун тартибига рўйирост қўйилган эмас, Низомий асарларида “мажоз” атамаси умуман истеъмолга ҳам кирган эмас эди, шу сабабли бўлса керак, Навоий ўз назарий тадкиқотларида Низомий номини бирор гурухга мансуб этиб тилга олмайди.

XIII аср охири - XIV аср бошларида Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) Низомий достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзди ва

<sup>96</sup> “Ирфоннинг ниҳояси” дегани ирфоний адабиёт шу ерда тугайди, дегани эмас.

бу асарда “*ишиқи мажозий*”ни куйлашни ўзига мақсад қилиб қўйғанлигини очик намойиш қилди. учинчи девони «*Fуррат-ул-камол*» («Камолот чўққиси») дебочасида шоир шеъриятга бўлган назарий қарашларини баён қилган, бадиий ижоддаги мустақил йўналишига таъриф берган. Унинг эътиқодича, шоир на воиз (насиҳатгўй), на суфий сингари ёзмаслиги керак, балки бадиий ижод қонунларига риоя этиши лозим.

Шундай қилиб, Саноий ва Саъдийлардан фарқли равишда Амир Хусрав Дехлавий ўз ижодининг авж палласига келиб, “*ишиқи ҳақиқий*” ва “*ишиқи мажозий*”ни бир-биридан фарқини аниқ ҳис қилган ҳолда ўзи ижодда “*ишиқи мажозий*”ни куйлашни мақсад қилиб олганлигини очик баён қилди ва Муҳаммад(сав) ҳадисларига таянган ҳолда “*ишиқи мажозий*”ни Борликнинг Олий ҳақиқатини англаб етишнинг мустақил йўли эканлигини эътироф этди.

Амир Хусрав “Хамса”си шу даражада шуҳрат қозондики, ундан кейин ислом минтақа шеъриятида “*мажозий ишқ*”ни куйлаш ва “Хамса” достонларига татаббу бағишлиш кенг қўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти “Хамса” анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмагандан “Хамса”нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди.

Алишер Навоий ўз ижодида Амир Хусрав ва Ҳофизлар изидан бориб, бутун умр асосан “*ишиқи мажозий*”ни куйлади. Аммо “*мажоз ишиқи*”ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббати деб тушиунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бир мураккаблик вужудга келарди. Яъни инсоний муҳаббат ҳаётда доимо бегараз бўлавермаслиги маълум бўлиб, бу энди ошиқнинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Навоий ўзининг якуний асари “*Маҳбуб ул-қулуб*” рисоласининг иккинчи қисмидаги “*Ишқ зикрида*” аталмиш 10-бобида бу туйғуни - *авом ишиқи* (яъни, ўз шаҳвоний нафсини енгиб ўтмаган, маънавий баркамоллик касб этмаган оддий одамлар ишқи) *хавос ишиқи* (яъни, ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг пок ишқи) ва *сiddиклар ишиқи* (авлиёуллоҳ суфийлар ишқи) сифатида уч қисмга ажратиш билан ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди. Навоий *хавос ишиқи*, яъни пок инсоний ишқни ошиқ учун

ўзликинги англаш йўли, “Ҳақиқат асрори” ганжинасининг калити деб билади. “Лайли ва Мажнун” достонининг хотима бобида<sup>97</sup> шоир муҳаббатга гаройиб кимиё, яъни мисни олтинга айлантира оловчи сехрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таъриф беради. У “ишқ” ҳодисасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда “мажсозий ишқ”ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган “алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ”нинг кўпчилик йигит-қизлар орасидаги оддий “ошиқ-маъшук”ликдан ҳам, тасаввуф ахли “ишқи ҳақиқий” деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини маҳсус таъкид этишга эришди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдикӣ, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиласарди.

Шундай қилиб, “Мажсоз тариқи” босқичи ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий погонаси, Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини бўлди. Ижтимоий воқеликни бадиий тадқиқ этиш, инсонни ва табиатни тўғри тушуниш, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини англаш ва англатишга уриниш - “Мажсоз тариқи”нинг буюк вакиллари Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий ва Ҳофиз Шерозий асарларида ўзининг мукаммал ифодасини топди ва бу ёндошув кейинчалик Алишер Навоий ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб, назарий жиҳатдан ҳам пухта асослаб берилди<sup>98</sup>.

<sup>97</sup> Алишер Навоий. Хамса. –Т., 1960. –С.447.

<sup>98</sup> Бу фаслда асосан мумтоз форс адабиётининг такомил босқичлари ҳақида кисқача сўз юритилди, бадиий ижод тариқининг назарий масалалари кейинроқ алоҳида батафсил кўриб чиқилади.

### 3. Тарихий бадииятшунослик ва жанрлар тараққиёти

Адабиёт тарихига нисбатан тарихий бадииятшунослик илми мураккаброқ эканлигини тан олишга түғри келади. Албатта, бу нисбий холоса. Адабиёт тарихи бўйинча ёзилган ишларда ҳар бир шоир ёки адаб яшаган тарихий давр, ижодкор биографияси, ёзган асарлари ва уларнинг мавзу доираси ёритилади. Аслида тарихий бадииятшунослик илми эришган ютуқлар адабиёт тарихини чукурроқ ёритиш учун асос бўлиши табиий. Аммо одатда аввал адабиёт тарихига оид юқорида тилга олинган масалалар манбалар асосида тадқиқ этилиб, вазият бирмунча равшанлашгач, кейингина шоир ёки адаб яратган асарларнинг бадиий хусусиятларини жиддий ўрганишга навбат келади. Тарихий бадиият-шунослик илмининг асосий хусусияти шундаки, ҳар бир асар бадиияти ўзидан олдинги ушбу йўналишга алоқадор асарлар билан қиёслаш йўсинида тадқиқ тулади. Бошқача ёндошувнинг иложи йўқ. Янги давр адабиётшунослигига урф бўлган структурал таҳлил бу масалада фақат ёрдамчи восита сифатида аҳамиятга эга, чунки салафлар ижодий ютуқлари билан солиштирилмагунча, ҳеч бир ижодкорнинг адабиёт тарихидаги ўрнини холис илмий баҳолаш имкони йўқ.

Тарихий бадииятшунослик илмининг асосий йўналишлари жанрлар ва бадиий воситалар тараққиётини ўрганишдан иборат дейиш мумкин. Шу сабабли агар биз ишни мумтоз форс адабиётидаги жанрлар тараққиёти масаласидан бошлайдиган бўлсак, бу соҳада шу кунгача қандай ютуқларга эришилди? Аввало рус шарқшунослигига профессор М.Л.Рейснернинг тадқиқотларини тилга олиш лозим бўлади. Чунки олима ўзининг асосий илмий ишларини шу йўналишга бағишилади. Унинг номзодлик иши ва шу асосдаги монография мумтоз форс шеъриятида газал жанрининг тараққиётига бағишиланган бўлса<sup>99</sup>, докторлик диссертацияси қасида жанри ҳакида ёзилиб, кейинроқ бу мавзу ҳам алоҳида китобга асос бўлган<sup>100</sup>.

Х-XI асрларда адабиёт асосан сарой атрофида ривожланиб, шеъриятда қасида етакчи жанр бўлиб келди. Чунки дунёвий

<sup>99</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (Х-ХIV века). – М.: «Наука» ГРВЛ, 1989. – С.224.

<sup>100</sup> Рейснер М.Л. Персидская лироэпическая поэзия Х- начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. – М.: «Наталис», 2006. – С.424.

адабиёт вакили ўз ижодида, биринчи навбатда, мамдуҳга, яъни жамиятдаги ҳукмрон гуруҳлар вакилига (у подшоҳми, вазирми, ёки йирик мулк эгасими, қатъи назар) таянади, достон ёзадими, қасида ёзадими, муайян шахсга бағишлийди, ундан инъом ёки эътироф кутади. Мавжуд материаллардан келиб чиққанда XI аср қасидалари X асрга нисбатан ҳам мавзу доираси кенгайиб, ҳам шаклан рангбаранглашиб, ҳам мазмунан бойиб борганлигини кузатиш мумкин. Унсурийнинг сиёсий шеърияти, Манучехрийнинг мусамматлари, Носир Хусравнинг ботиния руҳидаги фалсафий қасидалари, Абдуллоҳ Ансорийнинг тасаввуфий-дидактик қасидаси шундан дарак беради. Аммо XI аср иккинчи ярмидан жиддий фалсафий ва тасаввуфий ғоялар ифодаланган қасидалар яратила бошланган бўлса ҳам ҳануз бу даврда дунёвий руҳдаги мадҳиявий қасида етакчилик мақомини сақлаб келар эди. Бу ҳолат XI аср охири - XII аср бошларида яшаб ижод этган Ғазнавийлар сарой шоири **Масъуд Саъд Салмон** ва Салжуқийлар саройи “маликушишуаро”си **Амир Муиззий** қасидаларида ҳам давом этди. Бу даврдаги биргина янгилик **Масъуд Саъд Салмон** яратган ҳабсия қасидалар бўлди.

XII аср биринчи ярмида **Саноийнинг** ирфоний қасидалари янги йўналишдан илк намуналар бўлиб дунёга келди. Унинг “*Тасбих ат-туюр*” номи билан шўҳрат қозонган рамзий-ирфоний қасидаси М.Л.Рейснернинг маҳсус мақоласида муфассал таҳлил қилинган<sup>101</sup>. Қасида мавзуси Куръони каримнинг бир ояти мазмунидан келиб чиқади: “(Эй Мұхаммад!) Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот, саф тортган қушлар ҳам тасбех айтшини кўрмадингизми? Ҳар бири ўз дуо ва тасбехини билур. Аллоҳ эса уларнинг қилаётган (барча) ишларини билувчиидир.” (Нур сураси, 41-оят)<sup>102</sup>. Қасида сарой адабиётида кенг тарқалган баҳорий мавзуда бўлиб, навбаҳорнинг гўзал васифидан бошланади ва 16-байтда турнанинг эҳтирос билан сайрашидан то 45 байтли қасида охиригача турли қушларнинг сайрашини тасаввуфий-

<sup>101</sup> Рейснер М.Л. Аллегорические мотивы в касыде Санай (XII в.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM. Яна қаранг: Рейснер М.Л. Гтицы в мистико-символических касыдах Санай и Хакани (XII в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. –М., 1997. –С.121-123.

<sup>102</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т., 2007. –С. 355.

ирфоний руҳда талқин қилиш билан давом этади. XII аср охирларнга бориб Аиварий ва **Хоқонийлар** Саной асос солған янги шүналиш – фалсафий-ирфоний қасидачилукни янада ривожлантириллар. Кейинчалик Алишер Навоий ўзининг форс тилида ёзилган “Ситтайи зарурия” туркумидаги “Кут ул-қулуб” (Қалблар озиги) деб номланган фалсафий-ирфоний қасидасида татаббұз багишлаган Анварий Абивардийнинг

*Агар муҳаввали ҳоли жаҳониён на қазост  
Чаро мажорийи аҳвол бар хилофи ризост  
Бале қазост ба ҳар неку бад инонкаши халқ  
Бад-он далил ки тадбирхойи жумла хатост...*

(Агар жаҳон аҳлининг аҳволида ўзгариш қазою қадардан бұлмаса,

Нега дунё ишларининг бориши биз хоҳлагандек эмас.  
Ҳа, инсонларни ҳар қандай яхшилигу ёмонликка етакловчи тақдирдир,  
Бунинг далили шуки, биз қандай тадбир қылмайлик барчаси хато бўлиб чиқади.)

мисралари билан бошланган қасидаси<sup>103</sup> аслида мадхиявий мақсад билан ёзилган бўлса-да, унинг насиб қисми 23 байт давомида айни тасаввуфий мавзу – “таваккул” муаммосидан баҳс этади. Афзалиддин **Хоқонийнинг** Саной қасидаси мавзусини ривожлантириб ижод этган “Мантиқ ут-тайр” (Кушлар тили) номли тасаввуфий-ирфоний қасидаси ҳам М.Л.Рейснер диққатини тортган бўлиб, унинг докторлик тадқиқоти иловасида бу қасида матни тўлиқ келтирилган<sup>104</sup>.

Қасида эрта тонг васфи билан бошланади. Тонг тасвири Каъба таърифи билан алмашади. Қуёш имон қутбига нур соча бошлайди. Шоир нигоҳи ҳилма-хил қушлар ва янги очилган гуллар ила безанган чаманзорга ўтади. Қушлар мактаб болаларига ўхшатилади:

*Мурғон чун тифлакон абжади омухта,  
Булбули алҳамдихон гашта халифа китоб...*

<sup>103</sup> Девони Анварий. Қасидай шумора 18 – Дар мадҳи Носир ул-милла ва-д-дин Абулфатҳ Тоҳир (Интернет материали).

<sup>104</sup> Рейснер М.Л. Персидская лироэпическая поэзия X начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. –М.: «Наталис», 2006. –С. 397-399.

(Күшчалар абжад ўқир, мисли кичик болалар,  
Булбул эрур халфаси, ўргатур “алҳамди”ни...)

Күшлар орасыда баҳс бошланади. Какку бодроқ гуллар билан қопланған дараҳт навдаларини олқышлайди. Чунки улардан боларилар бол йиғади. Булбул унга эътиroz билдириб, атргулни альо күради. Күмри сарв дараҳтига ҳавас қылса, Чуғурчуқ дашту қирларни қоплаган лолазорларга мағтун бўлади. Бири нилуфарни ортиқ кўрса, бошқаси майсазорга маҳлиё. Қисқаси, күшлар бир қарорга кела олмай, афсонавий Анқо қуши олдига равона бўлишади. Уларнинг күшлар халифаси ва хукмдори Анқо хузуридаги ҳолатлари Ибн Синонинг “Күшлар рисоласи”даги (кейинчалик Аттор асарида тасвирлаган) ҳолатга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Ниҳоят Анқо күшлар баҳсини ҳал қилиб, атргулни барча гуллардан даражаси юқори эканлигини исботлайди:

*Ин ҳама наврастагон баччайи ҳуранд пок,  
Хўрда гаҳ аз жўйи шир, гоҳ зи жўйи шароб.  
Гар че ҳама дилкашанд, аз ҳама гул нағзтар,  
К-у арақи Мустафост, в-ин дигарон хоку об...*

(Бул ҳама гул-майсалар хур-пари фарзандлари,  
Жаннат ариғларидин сув ичиб улғайдилар.  
Барчаси дилкаш, бироқ авлотари - атргул,  
Мустафо теридан - ул, қолгани суву тупроқ...)

Демак, атргулнинг бошқалардан даражаси юқорилиги унинг Оллоҳ Расули терлаганда тўқилган тер томчисидан бунёд бўлғани<sup>105</sup> лиги экан. Шу баҳонада шоир Мұхаммад (сав) мадҳи билан қасидани якунлайди.

Бу йўналишдаги асарлар қасида жанри ривожида туб мазмуний ўзгаришлар юз берабошлаганидан нишона эди. Энди шоирлар дунёвий адабиётга хос анъанавий мавзулар доираси билан қониқмай, мумтоз шеърият мазмуний такомилининг янги босқичи – тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиш даврига мос асарлар яратишга ўта бошладилар. Албатта, бу даврда ҳам дунёвий-мадҳиявий йўналишда қасидалар яратиш давом этди. Аммо улар энди давр руҳини белгиловчи асарлар эмас эди. Шу ўринда афсус билан қайд этишга тўғри келадики, профессор

<sup>105</sup> Буерда машхур ҳадисга ишора бор.

Марина Львовна Рейснернинг форс мумтоз шеъриятида қасида жанрининг келиб чиқиши ва ривожига бағишлиңган докторлик тадқиқоти<sup>106</sup> муфассал шаклий изланишлар олиб борилганига қарамай, умумий хулосаларда ғазал жанри эволюциясига оид номзодчик иши даражасидаги таҳлилий теранликка эришмаган. Бизнинг назаримизда, бунинг асосий сабаби бу сафар олимда минтақа маънавий қадриятларига етарли эътибор қаратмай, Ўрта аср Европа санъати ва адабиётига нисбатан қўлланиб келинган “художественный канон”, “каноническое искусство” тушунчаларини буткул ўзгача маънавий муҳитда яратилган шеъриятга татбиқ этишга ортиқча урингани бўлса керак. Натижада, масалан, ўз даврида “қасидада пайғамбар” деб эътироф этилган<sup>107</sup> Анварий ижодига бу ишда етарли эътибор қаратилмаган. Шоирдан фақат биргина қасидани олиб 2-боб 1-фаслда таҳлил қилган олимда аввало ушбу боб сарлавҳасида (“Генезис персидской касыды в X–XI вв.”) чегараланган тарихий даврдан бутунлай чиқиб кетган<sup>108</sup>. Қолаверса, айни Анварий яшаб, ижод этган даврга оид З-бобда (“Завершение формирования канона в персидской касыде XI – начала XIII века”) XI аср шоири Носир Хусравнинг Зта қасидаси таҳлил қилинган ҳолда XII аср иккинчи ярмида яратилган Анварийнинг фалсафий-ирфоний қасидалари умуман тилга олинмаган. Шундай қилиб, ўз даврида қасиданависликда нега Унсурӣ, Фаррухӣ, Носир Хусрав, Масъуд Саъд, Саноӣ ёки Хоқоний эмас, балки айни Анварий деб тан олингани хусусидаги савол мутлақо жавобсиз қолган<sup>109</sup>.

Бу давр қасида жанрида ижтимоий-фалсафий мавзулар ҳам кенгайиб ва теранлашиб борди. Бунга Анварийнинг 1153 йилдаги ўғузлар босқини муносабати билан ёзилган “Хуросоннинг кўз ёшилари” номли қасидаси ва Хоқонийнинг “Айвони Мадоин” номи

<sup>106</sup> М.Л.Рейснер. Персидская лироэпическая поэзия X—начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. —М.: Наталис, 2006. —С.424.

<sup>107</sup> Қаранг: Абдарраҳман Джами. Бахаристан. —М.: “Наука” ГРВЛ, 1987 — С.145.

<sup>108</sup> Тўғри, тадқиқотчи боб охирида изоҳ берган. Аммо илмий тадқиқотда сарлавҳа боб матнига мувофиқ бўлиши керак эмасми?

<sup>109</sup> Бу муаммони ҳал қилиш умуман Анварий ижодини қасиданавислик тараққиёти жараёни фонида алоҳида жиддий қиёсий ўрганишни талаб қилганлиги учун биз ҳам фақат унга эътиборни жалб қилиш билан чегараландик.

билан шўхрат топган асари ёрқин мисол бўла олади. Бу асарни шоир девони нашрларида қасида бўлимига киритсалар-да, муаллиф ўзи асар охирида уни қитъа деб атайди. 40 байтдан ортиқ ушбу асар шундай бошланади:

*Ҳон, эй дили ибратбин, аз дида назар кун, ҳон!*

*Айвони Мадоинро оинайи ибрат дон.*

*Як раҳ зи раҳи Дажла манзил ба Мадоин кун,*

*В-аз дида дуввум Дажла бар хоки Мадоин рон...*

(Эй кўнгил, кўзинг очгил, ибрат назарин сол, ҳей!

Айвони Мадоинни ойинайи ибрат бил.

Дажла саридин бир қур йўл бошла Мадоинга,

Хам кўз ёшидан Дажла ёғдир бу қаро ерга...)

Шеър муаллифини энди Эроннинг шонли ўтмиши эмас, Фирдавсий қаҳрамонларининг ибратли тақдирни ўзига жалб этади. Унинг тарихга муносабати Фирдавсийдан ҳам, Умар Хайёмдан ҳам фарқ қиласи.

*Аз асп тиёда шав, бар натъи замин руҳ неҳ,*

*Зери пайи тилаш бин, шаҳмот шуда Нўъмон...*

*Маст аст замин, зеро хўрдаст ба жойи май*

*Дар коси сари Хурмуз хуни дили Нўшервон...*

*Хуни дили Ширин аст он май ки дижад разбун,*

*З-обу гили Парвиз аст ин хум ки ниҳад дехқон...*

(Отдан туш, пиёда бўл, тупроққа босиб юзни,

Боқ, фил қадамин ташлаб “мот” этди-ку Нўъмонни...

Тупроқ бўлиб сармаст, май ичгали куйдирмиш,

Хурмуз бош чаногига Нуширвон дили қонин...

Ширин дилининг қонин “май” деб берадур боғбон,

Парвиз лойидан бу хум, қормиш уни бир дехқон...)

Борлик ҳақиқатини маънавият оламидан топган шоир энди миллатнинг ўтмиш хотираларида бугун ва эртанги кун ибратини қўради. Энди унинг учун мамдуҳ ва маддоҳ, ҳомий ва муҳтож йўқ, ҳукмдор ва фуқаро, султон ва дарвеш teng.

*Хоқоний, аз ин даргаҳ дарюзайи ибрат кун,*

*То аз дари ту з-ин пас дарюза кунад хоқон.*

*Имрўз гар аз султон ринде талабад тўша,*

*Фардо зи дари ринде тўша талабад султон...*

(Хоқоний, бу даргоҳдин ибрат тилаб олгин сен,  
То ким эшигинг қоқай бир кун сени ҳам хоқон.  
Бул кунда агар дарвеш мұхтож эса султонга,  
Султон бўладур мұхтож дарвешга ахир бир он...)

Анварийнинг кексалик даври ижоди жуда қайғули сатрлардан иборат. Унинг баъзи шеърларида замонасиининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти жуда кескин танқид остига олинади. Жумладан, бир пайтлар ўзи ҳам мансуб бўлган сарой маддоҳлиги кескин қоралангандан алоҳида қасидаси шундай бошланади:

*Эй биродар бишнави рамзе зи шеъру шоири,  
То зи мо мушти гадо касро ба мардум нашмари...*

(Эй, биродар, шеъру шоирликка бир рамз айтайнин,  
То ки инсон деб адашма, биз - тиланчи зотини...)

М.Л.Рейснер ўз монографиясида<sup>110</sup> Саноийнинг икки қасидасини тўлиқ келтириб муфассал таҳлил қиласи. Уларнинг бири юкорида тилга олинган тасаввуфий-ирфоний мавзудаги “Кушлар тасвиҳи” қасидаси бўлса, иккинчиси ижтимоий-сиёсий мазмунда бўлиб кескин танқидий рухи билан ажралиб туради. Унда подшоҳ ва амирлар, фақиҳ ва уламолар, суфий ва зоҳидлар, зиёратчи ва жиҳодчилар, олимлар ва котиблар, мутакаллим ва ҳакимлар – барчалари ўз йўлидан адашган кимсалар сифатида аёвсиз қораланганд. Бу даврдаги ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришган шоирлардан яна Абдулвосиъ Жабалий (вафоти 1160), Асириддин Ахсикатий (1108-1196), Заҳир Фарёбий (вафоти 1202) каби қатор таникли шоирлар ҳам санаб ўтиш мумкин.

Мумтоз форс шеъриятини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритган Хинди斯顿лик адабиётшунос олим Шиблий Нуъмоний (1857-1914) «...Эрон шеърияти қасидадан бошланади...» – деб ёзади<sup>111</sup>. Тожикитонлик академик А.Мирзоев ҳам: «X-XI асрлар форс-тожик адабиёти тарихида «қасида даври» аталади», деб таъкидлайди<sup>112</sup>.

<sup>110</sup> М. Л. Рейснер. Персидская лироэпическая поэзия X - начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. –М.: “Наталис”, 2006. –С. 147-150, 306-310.

<sup>111</sup> А.Мирзоев. Рудакий. Жизнь и творчество. –М.: “Наука”, ГРВЛ, 1968. – С.258.

<sup>112</sup>, Шу китоб, с.262.

Дарҳақиқат, девонлари бизгача түлиқроқ етиб келган X аср охири – XI аср биринчи ярми шоирлари Унсурый, Манучехрий, Фаррухийларнинг ижодий меросига назар солсак, Унсурый девонидан 64 қасида, 12 ғазал, 66 рубой, Фаррухийдан 213 қасида, 28 ғазал, 37 рубой, 3 таржеъбанд, Манучехрийдан 57 қасида, 11 мусаммот, 2 ғазал, 66 рубой бизгача сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. XI аср иккинчи ярмида ижод этган Носир Хисрав девони 1-жилдида эса 278 қасида ва 4 рубой келтирилган. Бу анъана XII асрда ҳам давом этади. Масалан, Анварий девонида 250 та қасида бўлса<sup>113</sup>, Асириддин Аҳсикатий ғазаллари 1361 байтни ташкил қилган ҳолда қасидалари 4214 байтни ташкил этади<sup>114</sup>. Бундай ҳолатни ўша даврнинг бошқа машҳур шоирлари - Саноий, Хоқоний кабилар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Бунинг сабаби нима?

Маълумки, исломгача эроний тиллардаги ёзма адабиёт кўпроқ насрда бўлиб, замонавий шаклдаги (текис вазн-қофияли) шеърият ёзма адабиётда унча ривож топмаган эди. Аксинча, арабларда V-VI асрлардаёқ мумтоз шеърият шакллана бошлаган бўлиб, бугунгача дунёга машҳур шоирлар (Имрулқайс, Тарафа, Антара ибн Шаддад, Зухайр, ан-Набиға ва бошқалар) етишиб чиққан эди. Оғзаки шаклда бошланган бу анъана VII-VIII асрларга келиб ёзма мумтоз араб шеъриятининг шаклланишига олиб келди. Умар ибн Абу Робиа (вафоти 718), Башшар ибн Бурд (714-784), Абу Нулас (762-813), Абул Атахия (вафоти 826), Робиа (вафоти 801) каби улуғ истеъодод эгалари айни шу даврда ижод қилдилар. Ислом дини Арабистондан бутун Яқин ва Ўрта Шарқ, Хурросон ва Мовароуннаҳрга ёйилиб, араб тили мусулмон оламида расмий ҳукмрон тилга айлангач, араб тилида шеър ёзиш бутун минтақада расм бўлди. Жумладан, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ҳудудида ҳам IX-X асрларда араб тилидаги шеърият кенг тарқалди<sup>115</sup>.

Ўша давр араб шеъриятида аruz вазни ва қасида жанри етакчи шакл ҳисобланар эди. Бунинг таъсири янги вужудга келабошлиган форс мумтоз адабиётига ҳам жуда кучли бўлди<sup>116</sup>. Шеърият

<sup>113</sup> Т.Самадов.Анвари ва ғазалиёти у. –Душ.: “Дониш”, 1988. –С.34.

<sup>114</sup> Асириддини Аҳсикати. Девон. –Душ.: “Дониш”, 1989. –С.156.

<sup>115</sup> Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср. (Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичлар тузувчи Исматулла Абдуллаев). –Т.: “Фан”, 1976. –С.652.

<sup>116</sup> Масалан, қаранг: Ш.Раҳмонов.Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. –Душанбе: “Дониш”, 1987. –С. 68.

деврли тұлғынча аруз вазнига ўтди ва табиий равища қасида ҳам етакчи жаңрга айланди.

Арабларда асосий шеърий шакл қасида бўлгани учун жанрлар мөввиси шеърнинг мазмунига қараб белгиланган. Жумладан, тағаззул (ғазал), ҳамриёт (май васфидағи шеърлар), ҳижо (ҳажвий мазмундаги шеърлар), зуҳдиёт ва ҳ.к. Араблар “ғазал” деганда ишқий мавтудаги шеърларни назарда тутишган. Бу анъанавий қарааш форс адабиётшунослигида то XIII асргача сақланиб келди. XIII аср бошларида форс шеърияти бўйича мукаммал қўлланма яратган Шаме Қайс Розий шундай ёзади: «*Ғазал*» сўзининг асосий маъноси – *ғазаллар* васфи, ошиқнинг уларга бўлган ишқи ва кўнгил иштиёқининг тарьифи бўлтиб, ғазал ишоси – муҳаббат изҳори демакодир<sup>117</sup>.

X - XI асрлар форс мумтоз шеъриятида бугунги биз тасаввур қилидиган том маънодаги ғазал деярли учрамайди. Рудакий ҳаёти ва икоди ҳақида мукаммал тадкиқот яратган тожик олим А.Мирзоев шундай фикр билдиради: “Рудакийнинг шеърий меросида шубҳасиз ушибу шоирга тегишли бўлган ва ушибу шеър түршининг барча талабларига жавоб бера оладиган бирорта газални топа олмаймиз, вахоланки, шоирдан мумтоз шеъриятнинг бошқа барча турларига (маснавий, рубоий, қасида) мансуб асарлар бизгача етиб келган.”<sup>118</sup> Юқорида тилга олиб ўтилган XI аср биринчи ярми шоирлари – дунёвий адабиёт вакиллари - Унсурий, Манучехрий, Фаррухийларнинг ижодий меросида онда-сонда учрайдиган ғазаллар ҳам аслида қасидалар ташбиби сингари ишқий мазмундаги шеърий парчалардан иборат бўлиб ҳақиқий ғазал жанри талабларига жавоб бермайди. Оддий бир мисол оладиган бўлсак, улар ижодидан намуналар берилган “Гулшани адаб” мажмуасида “Az газалиёт” рукни остида берилган шеърий парчаларнинг аксариятида шоир тахаллуси учрамайди<sup>119</sup>.

Бу ҳақда Шиблий Нуъмоний шундай ёзади: «*Бу даврларда ғазал шеъриятнинг алоҳида бир тури сифатида ажратиб чиққан эмас эди. Қасиданинг кириши қисми бўлмии ташбиб унинг ўрнини эгаллаб турарди*»<sup>120</sup>. Олимнинг бу фикрини Эроннинг Сайд

<sup>117</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 253-254.

<sup>118</sup> Шу китоб. –С. 242.

<sup>119</sup> Ажсадийнинг биргина ғазали бундан мустасно. (Гулшани адаб. –Душанбе: “Ирфон”, 1974. –С. 91-92, 102-104, 121).

<sup>120</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 250.

Нафисий, Парвиз Нотил Хонларий, Зайн ал-Абидин Му'таман каби таниқли ҳозирги замон адабиётшунослари түлиқ қувватлаб келдилар<sup>121</sup>. Академик Е.Э.Бертельс ҳам шу фикрда бўлган<sup>122</sup>.

Рус олимаси М. Л. Рейснернинг мавзу юзасидан маҳсус тадқиқотида тасаввуф поэзиясининг ғазал жанри ривожига алоҳида тъсири жиддий ва батафсил таҳлил этилади<sup>123</sup>. Бундай ёндошув академик А.Мирзоев асарида ҳинд олимининг хулосалари билан далилланади: «... газалнинг ҳақиқий ривожи тасаввуфдан бошлилнади. Чунки тасаввуф мактабининг атифбоси муҳаббат атифбосидир<sup>124</sup>. Агарчи тасаввуф ҳижрий III асрдан ривож ола бошлилган бўлса-да, лекин унинг олтин аспи ҳижрий V асрга тўғри келади. Айни шу пайдан газалнинг ҳақиқий ривожи бошлилнади»<sup>125</sup>. Дарҳақиқат, XI аср иккинчи ярмидан суфий ижодкорлари Бобо Кўхий (933-1050)<sup>126</sup> ва Абдуллоҳ Ансорий(1006-1088)лар ғазал жанрида асарлар яратгандиги фанга маълум. Айни шу даврдан сарой адабиёти намояндлари ҳам ғазалга кўпроқ эътибор қаратади. Газалнинг ўзига хос шаклий унсурлари ҳам шу даврдан аста-секин бир қолипга туша бошлиди. Аммо эрон олими Парвиз Нотил Хонларий тўғри тъкидлаб ўтганидек, ҳижрий V аср (мелодий XI аср) охирларида ҳам ижодий меросида ғазал жанри етакчилик қилган шоир ҳануз етишиб чиқсан эмас эди<sup>127</sup>. Масалан, Абулфараж Руний (1059-1130), Ҳаким Эроншоҳ (вафоти 1117 йилдан кейин), Масъуд Саъд Салмон (1046-1122), Амир Муиззий

<sup>121</sup> Шу китоб, с.250-251.

<sup>122</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1988. –С.404-406.

<sup>123</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века), – С.54-95, 114-152.

<sup>124</sup> Албатта, бу ўринда илоҳий муҳаббат назарда тутилади, аммо мумтоз адабиётда илоҳий ва дунёвий ишқ васфини кўпинча бир-биридан аник ажратиш қийин.

<sup>125</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 269.

<sup>126</sup> Е.Э.Бертельс. Баба Кухи. Предисловие к изданию *Дивана* // Избранные труды. Т 3. Суфизм и суфийская литература. –М.: “Наука” ГРВЛ, 1965. –С. 285-299. (*Рукописи дивана Баба Кухи* – 1) рукопись Британского музея – 1088 х./ 1677-78, рукописи по сообщению Мухаммада Хусайна Ширази (Шу’а), найденные им –датируются 2) 1169/1755-56, 3) 1189/1775-76 – сами им подготовленные рукописи переписаны – 1914 и 1915 гг.) “Бо қатъият ҳамаи ашъори мансуб ба Б.К.-ро моли у шумурдан душвор аст” (Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик, т. I. –Душ., 1988. –С. 280.)

<sup>127</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 269-270.

(1072-1127), Амъақ Бухороий (вафоти 1147 йил), Адиб Собир Германний (вафоти 1148 йил), Абдулвосеъ Жабалий (вафоти 1160 йил), Сұзаний Самарқандий (вафоти 1166 йил) каби ўз даврининг манкур шоирлари ижодида қасида етакчи ўрин тутишидан ташкари, ғазаллари мақтаъсида деярли тахаллус учрамайди. Фақат Ҳаким Саноий (вафоти 1150 йил), Фалакий Ширвоний (вафоти 1146 йил), Саид Ҳасан Ғазнавий (вафоти 1160 йил) ва Қавомий Розий (вафоти 1164 йил) ғазалларида баъзан тахаллус ишлатилганнинг гувоҳи бўламиз. Шунда ҳам А.М.Мирзоев гувоҳлик беринича, Саноий “Девон”идаги 376 ғазалдан атиги 103 тасининг мақтаъсида шоир тахаллуси келтирилган<sup>128</sup>. Умуман, бу давр шоирларидан биринчи марта Муиззий девонидагина ғазаллар алоҳида руки остида берилган, аммо уердаги 60 та ғазалдан бирортасининг мақтаъсида шоир тахаллуси учрамайди<sup>129</sup>.

XII асрга келиб шоирлар ижодий меросида ғазалнинг улуши борган сари ошиб борди. Масалан, Муиззий девонида фақат 60 ғазал учраса, Асириддин Аҳсикатий (вафоти 1211 йил) девонида 220, Анварийда 335, Саноийда 513 ғазал жой олган. Лекин, баригина, то XII аср охиригача ҳам қасида ҳануз биринчиликни қўлдан берган эмас эди. Анварий Абевардий (вафоти 1187 йил) ҳақидаги юқорида келтирилган таъриф (айни қасидада “пайғамбар” деб улутланиши) бежиз эмасди. XII асрнинг иккинчи ярмига келиб Хоқоний (1126-1198) ва Низомий (1141-1203) ғазалларида тахаллус анча муқим учрайбошлади. Аммо, биламизки, бу шоирларнинг шуҳрати ҳам ғазалнавислик билан эмас эди. Агар уларнинг қатор замондошлари ижодига эътибор қаратадиган бўлсак, Рашидуддин Ватвот (вафоти 1177 йил), Имодий Ғазнавий (вафоти 1186 йил), Мужириддин Байлақоний (вафоти 1193 йил), Жамолиддин Исфаҳоний (вафоти 1192 йил) ғазалларидан намуналарда умуман тахаллус берилмаган, Асириддин, Анварий, Захир Форёбий (1156-1201) шеърларида эса гоҳ учраб, гоҳ учрамайди. Эътиборли жойи шундаки, ҳатто XIII асрда яшаб ижод этган қатор шоирлар, жумладан, Камол Исфаҳоний (вафоти 1237 йил), Сирожиддин Қумрий (вафоти 1240 йил), Имомий Ҳиравий (вафоти 1268 йил), Маждулдин Ҳамгар (вафоти 1287 йил), Сайф Исфарангий (1176-1260) ғазаллари учун ҳам тахаллус келтирилиши қоида тусига

<sup>128</sup> Шу китоб. –С.271.

<sup>129</sup> Шу китоб. –С.271.

кирмаган<sup>130</sup>. Фақат XIV асрдан мақтада тахаллус келтирилиши оммавий тус олиб, умумий қоидага айланади.

Маълумки, ғазал жанри ҳақида гапирганда унинг шаклий ва мазмуний ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Бу хусусда Қобил Муҳаммаднинг «Ҳафт кулзум» асарида берилган таъриф дикқатга сазовор: «*Билгинки, “ғазал” лугавий маъносида – гўзаллар васфи ва ишқ тавсифидир. Истлоҳ сифатида эса – бу ягона вазн ва қофияда бирлашган бирнеча байтлардан иборат бўлиб, уларнинг биринчисида ҳар икки мисра ўзаро қофияланади ва бу илк байт “матла” ёки “мабда” деб аталади... Ғазалнинг охирги байти “мақта” ёки “хотима” дейилади. Бундай шеър ҳажми (одатда) 12 байтдан ошмаслиги шарт ҳисобланади.*»<sup>131</sup>

Демак, ғазал лириканинг муайян бир жанри сифатида тугал эътироф этилиши учун аниқ шаклий талабларга жавоб бериши керак экан. Аммо бу шеър тури лирик ижоднинг етакчи жанрига айланиши учун шаклий мукаммалликнинг ўзи кифоя қиласмикин?

Биз кўрдикки, адабиёт асосан сарой атрофида ривожланган даврда шеъриятда қасида етакчи жанр бўлиб келди. Бу даврни биз маънавий такомил нуқтаи назаридан **Ислом маърифатчилиги босқичи** деб, адабий жараён ривожида эса дунёвий адабиёт даври деб агадик. Ғазал жанрининг етакчи ўринга кўтарила бошлиши ижтимоий такомил нуқтаи назаридан шаҳарларнинг етакчи мавқега кўтарилиши, маънавий жиҳатдан эса **Тасаввўф тарикатлари ва ирфон босқичига тўғри келмоқда**. Айни суфий шоирлар ижодида ғазалнинг шаклий мукаммаллиги ва етакчи лирик жанрга айланиши кузатилмоқда.

Бунинг сабаби нима?

Кўполроқ қилиб айтганда, дунёвий адабиёт вакили ўз ижодида, биринчи навбатда, мамдухга, яъни жамиятдаги ҳукмрон гуруҳлар вакилига (у подшоҳми, вазирми, ёки йирик мулк эгасими, қатъи ‘назар) таянади, достон ёзадими, қасида ёзадими, муайян шахсга бағишлайди, ундан инъом ёки эътироф кутади.

Суфий энди подшоҳдан ҳимоя ёки инъом кутмайди, у ёлғиз Аллоҳга таваккул қиласми, Аллоҳни севади, Аллоҳдан мадад кутади. Аллоҳга ҳамд айтади, кўнгил дардларини ҳам унга баён этади,

<sup>130</sup> Қаранг: “Гулшани адаб” ж. 2. –С. 46-59, 88-101.

<sup>131</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 254-255.

чунки унинг ишонгани, таянгани ёлғиз Аллоҳ. Ошиқ суфий зоҳид эмас, у зоҳирий ибодат билан Ҳақ ризолигига эришиб бўлмаслигини билади, Ҳақ ризолигига эришиш учун, Ҳақ васлига етишиш учун инсон ўзини тўлигича Ҳаққа бағишлаши керак эканини у энди англаб етган. Суфий – Ҳақ ошиғи. Ошиқ эса қасида ёзмайди, у газал ёзади, чунки қасида – ўзидан юқори турган ўзганинг тарьиғи, газал эса ошиқнинг кўнгил изҳори.

Ҳар бир инсоннинг тирик мавжудот сифатида еб-ичиш, хордик чиқариш, насл қолдириш сингари эҳтиёжлари мавжуд. Аммо ахли башарнинг ўзга жонзотлардан мутлақ фарқ қилувчи бир жиҳати бор. У ҳам бўлса – **маънавий камолот эҳтиёжи**. Маънавий камолот қандай амалга ошади? Фақатгина бир йўл билан – **Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга интилиш орқали**. Олимнинг ихтиrolари ҳам шу интилиш туфайли, шоирнинг илҳоми ҳам дилдаги шу орзиқишдан, бастакор хотиридаги янги туғилиб келаётган куй ҳам шундан. Суфий катта-кичик ҳақиқатлар билан қониқмайди, унга абадий, мутлақ ҳақиқат керак. У “*ал-Ҳақ*” деганда айни шу Борлиқнинг мутлақ Ҳақиқатини кўз олдига келтиради. Шундай қилиб, суфий Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ инсон, бутун борлиғи билан унга интилади, ўзини ундан айро тасаввур қила олмайди.

Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилади. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалаши мумкин? Гайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Ана шунда дунёвий мумтоз шеърият қўлга киритган ютуқлар иш беради. Тасаввуф шеърияти **мажозий тасвирнинг** чексиз имкониятларига мурожаат қиласи. Борлиқнинг Олий Ҳақиқати “*ёр*”, “*маҳбуб*” аталади, унга етишиш иштиёқи “*ишиқ*” дейилади, суфийнинг туйғулари “*васл*” ва “*ҳижрон*”, ҳолати – “*май*” ва “*маслиқ*”, макони – “*харобот*” ва “*дайр*” тимсоллари билан ифодаланади. Натижада мазмуний қўпқабатлик жозибаси юзага келади. Ана шу жозибадорлик ғазалнинг ботиний асосини ташкил қиласи. Демак, ирфоний туйғуларсиз мумтоз форс адабиётида ғазалнинг етакчи лирик жанрга айланиши имкондан ташқари эди. М.Л.Рейснернинг тадқиқоти ана шу ҳақиқатни кашф этишда жиддий қадам бўлди, десак хато қилмаймиз. Унинг келтирган маълумотларига кўра ирфоний мавзуларда қалам тебратган **Саноий** (вафоти 1140 йил), **Анварий** (вафоти 1187 йил) ва **Аттор** (вафоти 1221 йил) шеърий ижодида ғазаллар миқдори уларнинг

замондошлари – сарой шоирлари - Амир Муиззий (вафоти 1127 йил) ва Адіб Собир Термизий (вафоти 1148 йил) девонларидагига қараганда бирнече баробар кўп (Амир Муиззийда - 60 ғазал, Адіб Собирда - 28 ғазал, Анварийда - 335 ғазал, Саноийда - 513 ғазал, Атторда - 756 ғазал). Фарииддин Аттордан фарқли ўлароқ, Саноий ва Анварий ғазалларини соғ тасаввуфий мазмунда деб бўлмайди, аммо Низомий достонлари янглиғ уларнинг ғазал ва қасидаларини ирфоний туйғулар ифодаси деб аниқ баҳолаш мумкин. Масалан, Анварий олға сурган бадий ижод талабларига биноан шеър фақат ғайб сирдарининг мажозий ифодаси сифатидагина эътиборга сазовордир<sup>132</sup>. Агар Саноий ва Анварий ғазалларида ирфоний ва дунёвий мавзулар маълум уйғунликда учраган бўлса, уларнинг кичик замондоши Фарииддин Аттор лирик ижодида энди тасаввуфий мазмун етакчи ўринга кўтарилади. Унинг ғазалларида ишқий тимсоллар тасаввуфий тушунчаларнинг аллегорик ифодаси эканлиги очиқ-ойдин сезилиб туради, аксарият ҳолларда кўпмаънолилик ўрнини шартлилиқ, бадий тимсол ўрнини диний-фалсафий ваъз эгаллаб олади. Унинг қатор ғазаллари бевосита ўтмиш тасаввуф шайхларининг ҳасби ҳолига бағишлиланглиги ҳам Аттор ижодий принципларининг ўзига хослигидан дарак беради. “Ҳақиқат тариқининг суханвари” эътиқодига биноан шеърий ижоднинг ягона мақсади унинг ботиний, ғайбий мазмунидир, чунки шу орқали Борлиқнинг Олий ҳақиқати англаб етилади.

Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний шеърият ғазал жанрининг ривожида ҳал қилувчи босқични ташкил этди. Лекин Шиблий Нўмонийнинг хулосасига кўра, Аттор ва Румий каби сўфий шоирлар ғазалиёти илоҳий ишқка ортиқча ургу берганлиги туфайли ҳалқ ичида кенг тарқалмади<sup>133</sup>. Уз ижодида айни шу камчиликни узилкесил енгигб ўта олган номдор шоир Саъдий Шерозий бўлди. Унинг шеърларида ирфоний ва инсоний туйғулар тараннуми ажиб бир тарзда уйғунлашувига эришилди. Шу сабабли унинг ғазаллари бу жанрнинг мумтоз намунаси сифатида хосу авом орасида тўла-тўқис эътироф этилди ва катта шуҳрат қозонди.

Унинг оташнафас ғазаллари ёшлиқ завқи, баҳор нафаси, табиат гўзаллиги, инсон муҳаббатининг латиф туйғулари ҳамда

<sup>132</sup> «Авторская интерпретация любовных мотивов порождает в лирике Анварий новую концепцию поэтического творчества, которая, по его мысли, может служить лишь символом сокровенного знания» // Рейнер М.Л. Эволюция классической газели на фарси. –С.116.

<sup>133</sup> Мирзоев А. Рудаки. –С. 277.

ҳаёт тароналари билан түлгән ёрқин ва жүшқин шеърлардир. Улар ошиқ күнгилдан тошиб чиқаётган чашмадек равон, халқ күшиқлариңай сайқалли ва охандор.

Мана, унинг күпчилик тарафидан юксак баҳоланған ғазал-ларидан бирининг бошланиши:

*Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад!*

*Он дилки, бо худ доштам бо дилситонам меравад!*

(Эй сорбон, оҳиста юр, оромижоним кетадур,

Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним кетадур...).

Рудакийнинг «Буий жуий малиён ояд ҳаме» шеъридаги каби бунда ҳам карвон құнғироғини эслатувчи «он-он» қофияси ва «меравад, меравад» радифининг қайтарилиши карвоннинг ҳамон узоклашиб кетаётганини ва бечораю беҳол ошиқнинг қақшаб, зор йиғлаб, дунёда ҳамма нарсадан ортиқ жононидан, хонумонидан ажралиб, карвон кетидан эргашиб бориб, чексиз чўлу биёбонда ёлғиз қолиб кетаётганилиги ҳолатини кўз ўнгимизда аниқ гавдалантиради. Бунда «ҳар қандай поэтик асарнинг асоси бўлган оҳанг» ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Дарҳақиқат, Саъдий ғазал устаси. Форс адабиёти тарихчилари орасида қаҳрамонлик эпоси – достончиликда Фирдавсий, қасидагүйликда Анварий, ғазалда эса Саъдий устод, буларнинг ҳар қайсиси шу жанрлар “пайғамбари” дейилади. Бу ҳақда ҳатто номаълум бир авторнинг қуйидаги қитъаси ҳам кенг тарқалган:

*Шеър оламида паямбар учта  
Гарчандки, «ло набию баъдий»<sup>1</sup>  
Достону, қасида-ю ғазалда –  
Фирдавси-ю, Анвари-ю Саъдий.*

XV асрнинг улкан шоирлари Жомий ва Навоийлар Саъдийни ғазал ижодчиси ҳисоблайдилар. Саъдий ғазални жуда юқори поғонага күтара олган, уни камолга етказиб, мустақил жанрга айлантирган лирик шоир. Форс-тоғик адабиёти тарихида Саъдий ижодидагина биринчи бор қасида эмас, ғазал жанри асосий ўринни эгаллади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Саъдий Шерозий ҳам, ундан кейин бу жанрни дунёга машҳур қилган Хожа Ҳофиз Шерозий ҳам Алишер Навоий таснифига кўра форс мумтоз шеърияти такомилининг учинчи босқичи бўлган “мажоз тариқи” йўналишига мансуб шоирлар эди.

Қасида жанрининг мазмуний йўналишларидан бири “ҳабсия”, яъни зинданбандлик шеърлари бўлиб, рус олимаси Е.О.Акимушкина уни алоҳида жанр сифатида ўрганишга маҳсус тадқиқот бағишилади.<sup>134</sup> Бу тадқиқотда ушбу жанр асосчиси **Масъуд Саъд Салмоннинг** машхур ҳабсияларидан бошлаб, Хоқоний, Фалакий Ширвоний, Мужириддин Байлақоний каби XII аср озарбайжонлик форсийзабон шоирларнинг зинданбандлик шеърлари, шу мавзуга оид Қатрон Табризий ва Носир Хисрав (XI аср), Шамсиддин Исфахоний (XIII аср), Низорий Кухистоний (1248-1320), Убайд Зоконий, Камол Хўжандий, Хожуйи Кермений (XIV аср) каби шоирларнинг турли жанрлардаги асалари (қасида, қитъа, газал, рубой) батафсил қиёсий тадқиқ этилади.

Хоқонийнинг машхур ҳабсияларидан бирини М.Л.Рейснер ўз тадқиқоти иловасида тўлиқ келтиради ва батафсил таҳлил қиласи:

*Субҳидам чун килла бандад оҳи дудосои ман,  
Чун шафақ дар хун нишинад чашми шабпаймои ман.  
Мажслиси ғам сохта асту ман чу бийди сухта  
То ба ман ровуқ кунад мижгони майполои ман.*

(Эрта тонг чодир қуаркан бош уза оҳим дуди,  
Қонга ботгай тун бўйи бедор кезган кўзларим.  
Қайғу базми бошланур, мен ўтда куйган новдадек  
Мунтазир, киприкларим то поклагай гулгун майин...)

Масъуд Саъд Солмон ва Фалакий Шервонийларнинг маҳбусликдаги шеърларини эслатувчи бу қасида нафакат уларга нисбатан ташбиҳларнинг ўта мураккаблашуви билан, балки туйғулар оҳанги ва мазмуний йўналишининг кескин фарқланиши билан ҳам мутлақо янгича кайфиятлар ҳосил қиласи. Агар ўтмиш шоирлар ўз ҳолидан шикоят қилиб, яна хукмдордан паноҳ тилаган бўлсалар, Хоқоний бу йўлни тамомила рад қиласи. Қасиданинг давоми мадҳия эмас, фахрияга айланади:

*Нофайи мушкам ки гар бандам куни дар сад ҳисор,  
Суий жон парвоз жўяд тайби жонафзойи ман...*

<sup>134</sup> Е.О.Акимушкина. Жанр ҳабсият в персоязычной поэзии XI-XIV веков: генезис и эволюция. –М.: “Наталис”, 2006. –С.176.

Каъбоворам муқтадойи сабзпӯшони фалак,  
 Қ-аз витоийи Исо ояд шиққайи дибойи ман.  
 Дар мумаззаж бошаму мамзужи Кавсар хотирам,  
 Дар муарраж галтаму меърожи ризвон жойи ман...  
 Дояйи ман - ақлу заққа – шаръу маҳд инсоф буд,  
 Охшижон – уммиҳоту улвиён – обойи ман...  
 Молик ул-мулки сухан Хоқониям к-аз ганжи нутқ,  
 Даҳли сад хоқон бувад як нуктайи гарроий ман...  
  
 (Мен эрурман мушк, агар юз хил тўсиқдан ҳам ўтиб,  
 Жон димогига етурман бўйи жонбахшим билан...  
 Мисли Каъба пешводирман малаклар хайлига,  
 Чунки Исо елкасидин парча дебойим маним.  
 Иплари тилла либосим, оби Кавсарда хаёл,  
 Тўшагим нақшин, дилим меърожи жаннат боғлари...  
 Ақл - доям, шаръ - озуқам, бешигим – инсофдуур,  
 Тўрт унсур - волидам, олий само - аждодларим...  
 Сўз мулки молики – Хоқоний эрман, боқсангиз,  
 Юзта хоқон мулкига тенг битта тенгсиз ташбиҳим...)

Тожик олим Шоҳзамон Раҳмонов ҳам форс мумтоз шеъриятида шаклланган турли лирик жанрлар келиб чиқиши ва тараққиётини ўрганишга оид ўз тадқиқотларини чоп эттириди. Унинг 1987-88 йилларда нашр этилган китобларида<sup>135</sup> мусаммат жанри ва унинг тараққиёти, лирик шеърда бандлаш тизимлари каби масалалар тарихий бадииятшунослик йўналишида муфассал тадқиқ қилинган. Биринчи китобнинг 1-боби “Банд, мусаммат турлари ва уларнинг ўрганилиши тарихи” (“Банд, таърихи омухта шудан ва наъҳои мусаммат”<sup>136</sup>) деб номланган ва унда байт ва банд муносабатлари, қофиялаш тизимлари, масаланинг ўрганилиши, муаммонинг ўрганилиши ва янги даврда бандлашдаги янгиликлар масаласи қисқача кўриб чиқилган. Иккинчи бобда Манучехрий мусамматларининг тар-

<sup>135</sup> Ш.Раҳмонов. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. –Душанбе: “Дониш”, 1987. –С. 172.; Ш.Раҳмонов. Таҳаввули воҳидҳойи лирики. – Душанбе: “Адаб”, 1988. –С.144.

<sup>136</sup> “Мусаммат” олимлар фикрича арабча “сүмт” сўзидан олинган бўлиб, “Фарҳангি забони тожики” да бу сўз “шода, риштаи жавоҳирот, гарданбанд” деб изоҳланган. (Фарҳангি забони тожики, 2-жилд, сах. 240). Яна қаранг: Ш.Раҳмонов. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он, сах. 60.

кибланиши ва мавзулари, кейинги шоирлар ижодида ушбу жанр ривожи ва такомили, мусаммат ва ғазал муносабатлари ўрганилган бўлиб, ушбу боб тарихий бадииятшунослик ва жанрлар тараққиёти мавзусига ҳар жиҳатдан мувофиқ келади. Учинчи боб мусамматларда банд ва қофия муносабатлари масаласига бағишлиланган.

Манучехрий мусамматларининг аксарияти мазмунан мадхиявий қасида ўрнида бўлиб, фақат шаклий тузилиши ўзига хос, яъни қасидадаги байт ўрнига мусаммат бандлардан ташкил топади. Куйида унинг Наврӯз байрамига бағишлиланган мусамматидан икки банд мисол келтирамиз:

*Наврӯзи Бузургам бизан, эй мутриб имрӯз,  
Зеро ки бувад навбати Наврӯз ба Наврӯз,  
Барзан газале нағзу дилангезу дилафруз,  
В-ар нест туро, бишнав аз мурғи навомуз,  
К-ин фохта з-он гавз дигар фохта з-он жўз  
Бар қофияхуб ҳамехонад ашъор.*

*Кабкони дари голия дар чаим кашиданд,  
Сарвони сиҳи абкарии сабз хариданд,  
Тутибачагонро салаби сабз буриданд,  
Шоҳаспарамон чиние дар зулф кашиданд,  
Бодомбутон миқнаа бар сар бидариданд,  
Шалвораки бо моҳичаҳое табаривор...*

Шоҳзамон Раҳмоновнинг мусаммат жанрининг шаклланиши ва ривожига бағишлиланган асарида Манучехрий мусамматларининг шаклий ва мазмуний жиҳатлари мукаммал таҳлил қилинган. Тожик олимининг эътирофича, уларнинг шаклий таркибланиши 2 мисрали байт ўрнига 6 мисрали банд келишидан ташқари қасидадан фарқ қilmайди.

Манучехрийнинг ташаббуси кейинги шоирлар ижодида тараққий топиб, Қатрон Табризий (1010-1070) мусамман жанрини, Саноий Ғазнавий (1080-1141) мураббаъ, Хожуи Кирмоний (1281-1352) мухаммас жанрларини истеъмолга киритдилар. Булардан ташқари Масъуд Саъд Салмон, Амир Муиззий, Сўзаний Самарқандий, Имоди Фақиҳ ва бошқалар ижодида ҳам бу жанрларга мурожаат кузатилади<sup>137</sup>.

<sup>137</sup> Ш.Раҳмонов. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он, саҳ. 88. Бу жанрлар ҳақида китобимизнинг 4-қисмда яна батафсил шарҳлар берилади. Бу фаслда фақат жанрларнинг тарихий тараққиёти масаласига тўхтаб ўтилди.

#### 4. Мумтоз форс шеъриятида бадий тимсол турлари ва тараққиёти

Адабиётда узоқ вақтдан бери сўз-тимсоллар масаласида баҳс кетади. Умуман “бадий тимсол” деганда нимани тушуниш керак? Илмий-оммабоп ва ўкув адабиёти ҳанузгача бадий тимсол деганда осонгина эпик асарлар қаҳрамонларини мисолга келтиради. Ҳозирги кунда адабиётшуносликда бу қараш асосий кўпчилик тан олган қарашдир. Аммо аниқ ифода этганда **хусусий бадий сиймо** (“индивидуал персонаж-характер”) бадий тимсоллар системасининг фақат бир тури бўлиб, у асосан эпик ва драматик яъни сюжетли жанрларгагина хосдир. Ўзга жанрларда, масалан, лирика ва дидактикада иккинчи бир тимсол тури маълум - у ҳам бўлса - **умумлашма бадий сиймо** номи билан маълум ижтимоий тоифа ва маънавий сажиянинг турли воситалар билан бир ёки бир неча асарлар давомида ўкувчи тасаввурида ҳосил қилинган **тимсолидир**. Бу типдаги тимсоллар айниқса лирик адабиётга оид тадқиқотларда илгари ҳам ишланган бўлиб, мисол тариқасида Н.-М.О.Османов ва А.Ҳайитметовларнинг маҳсус ишларини эслаб ўтиш мумкин. Аммо учинчи типдаги бадий тимсоллар мавжудким, ҳанузгача илмий адабиётларда улар ҳақида муайян фикрга келинган эмас ва турли тадқиқотчилар турлича ёндошиб, турлича талқин этиб келадилар. Бу машхур **сўз-тимсоллар** ифодаси билан маълум ўринларда туташиб келувчи бадий унсурдир-ким, сўз-тимсолнинг ўзи қадимдан троп, фигура, бадий санъат, “аланкара” (санскрит тилида “безак” “украшение” маъносида) каби турли номларда ифодаланувчи бадий воситаларнинг муайян намоён бўлиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида англаниб келинади. Сўз-тимсол борми? Бу саволга ҳанузгача қарама-қарши жавоблар мавжуд. Бизнинг назаримизда, **сўз-тимсол** маълум моҳиятнинг муайян намоён бўлиш ҳодисасидир, яъни асл моҳият эмас, унинг контекстуал ифода шаклидир. Асл моҳиятни эса - **умумлашма тимсол-тушунча**, ёки аниқроғи **бадий тушунча** деб атамоқ мақбул. Бу термин ниҳоят илм ва санъатнинг асосий элементар бирликлари орасида типологик мослиқ ҳосил қилишга олиб келади. Илмий тушунчага мос ҳолда **“бадий тушунча”** бирлиги адабиётшунослик фанига киритилмоғи ҳар жиҳатдан ўринлидир. Бадий тушунчани кенг ва тор мазмунда олиб қараш

ва таърифлаш мумкнин, Аввало энг умумий мазмундаги таърифи ни беришга уриниб қўрайлик. Илмий тушунча - мантиқий тушунча бўлгани сингари, бадиий тушунча - тимсол-тушунчадир. Мантиқий тушунчанинг асосида мантиқий тафаккур ётади, бу тушунча илмий адабиёт ўқувчиси (реципиент - адресат) онгига мантиқий далиллаш орқали сингдирилади. Тимсол-тушунча эса бадиий ифода воситалари орқали тасвирий таассурот ҳосил қилиш йўли билан сингдирилади. Тасвирий таассурот қандай ҳосил қилиниши мураккаб илмий масала бўлиб, фақат конкрет бадиий материал асосидагина уни тадқиқ этиш мумкин.

### **Амир Хусрав Дехлавий достонларида “бадиий тушунча” ва унинг ташкил топишига доир дастлабки мулоҳазалар**

Биз Амир Хусрав Дехлавий достонларини бадиий материал сифатида олиб, дастлабки намуна тарзида бадиий тушунчанинг тор мазмундаги таърифини кўриб чиқишига уринамиз, Тор мазмундаги бадиий тушунча моҳият жиҳатидан илмий тушунчага кўпроқ мос келади, У нима? Маълум-ки, бадиий адабиётнинг асосий обьекти - инсондир. Аммо инсонни соғ, мавхум ва атроф-воқелиқдан алоҳида олиб гавдалантириб бўлмайди. Шу сабабдан инсон бадиий адабиётда ва умуман санъатда атроф-воқеликнинг турли сатҳларида, яни, табиий-моддий дунё, социал, маънавий-ахлоқий, сиёсий муҳитда олиниб ўшаларнинг турли унсурларига ўз хилма-хил муносабати орқали бадиий тадқиқ этилади. Шу сабабдан бадиий асарда кўпина ёзувчи ушбу муҳит айрим унсурларига ҳам ўзига хос талқин беришга эҳтиёж сезади, ана шунда тор маънодаги бадиий тушунчалар дунёга келади. Яни, тор маънодаги бадиий тушунчалар ўзагида инсон характерини муҷассам этмаган турли ижтимоий, ахлоқий, сиёсий ва бошқа тушунчаларнинг (муҳит-тизимлар алоҳида унсурларининг) умумлашма тимсоллариdir. Булар кўпроқ дидактик асарларда, ёки бошқа типдаги асарларнинг дидактик қисмларида ўзини ёрқин намоён этади. Маълумки, дидактикани йўналишига қараб ижтимоий, ахлоқий, ва, ҳатто, шартли равишда ишқий дидактикама ажратиш мумкин, Ишқий дидактика деганда биз ишқ таърифи ва шоирнинг ўз ишқ концепцияси тарғиботини, вафо, садоқат, нозистиғно, ёр жафоси, ишқ расм-қоидалари таърифларини тушуна-

миз. (Бу ҳақда илмий-дидактик адабиёт ҳам мавжуд, аммо биз бадиий дидактиканы кўзда тутмоқдамиз).

Амир Хусрав достонлари таркибида ҳар уч хил дидактика усурларининг бадиий тимсолларини учратиш мумкин. Бунга яна бир бадиий тушунча типини кўшиш керак-ки, у мавжуд адабиётда кўпроқ **рамзий тимсоллар** (“символ-образлар”) номи билан машхур. Бу хил бадиий тушунчалар таркиби мураккаб бўлиб, яосида конкрет моддий унсур ётади. Масалан, *қуёш, ой, осмон, танин, гул, тош, наиза, қилич, игна* ва х.к.лар. Ушбу маъноларни билдирувчи сўзлар ўз конкрет моддий маъносида келганда ҳали айрим бадиий тушунча даражасида эмаслар. Уларни фақат бадиий тушунча яратиш материали ва ё баъзан яхлит бадиий тасвириниг таркибий элементи деб тавсифлаш мумкин. Аммо, улар бадиий символика, турли мажозий талқинлар орқали алоҳида бадиий тушунчалар даражасига кўтарила оладилар. (Масалан, “Ҳашт беҳишт”даги “гўр” ва “гунбад” рамзий тимсоллари).

Амир Хусрав Дехлавийнинг деярли барча достонлари таркибида бу хил бадиий образларниг турли намуналари учрайди. “Кирон-ус-саъдайн”даги васфлар конкрет моддий буюмларниг тасвирий тимсолларига бой бўлса, “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мајсун”, “Дўвалроний ва Хизрхон” достонларида ишқий бадиий тушунчалар гавдалантирилган. Ижтимоий ва ахлоқий бадиий тушунчалар эса юқоридаги асарларда ҳам учраса-да, “Матлаъ ул-анвор” ва “Оинаи Искандарий”нинг дидактик бобларида биринчи ўринга ўтган ва хатто ўзига хос тизим ҳосил қилгандир. Ижтимоий -дидактик достон бўлмиш “Матлаъ ул-анвор”да асли улар “бош қаҳрамон” даражасига кўтарилилган деса ҳам бўлади-ки, бу фикрниг энг оддий исботи уларниг мақолат сарлавҳаларидан жой олганидир. (Ишқий-эпик достонлар сарлавҳаларига муқояса қилинг). Бу анъана Низомий, Румийларда кучли равишда ўзини намоён эта.бошлаган ва Саъдий ижодида ўз чўққисига кўтарилилган эди. “Матлаъ ул-анвор” достони мақолатлари сарлавҳаларини эслаб кўрайлик:

1) “Инсонийлик даражасининг олийлиги...” – яни, “инсонийлик” тушунчасининг бадиий таърифи.

2) “Илм соябонини паноҳ этиши... ва нодонлик тойгогидан узоқ туриши” – яни “илмлилик” ва “нодонлик” тушунчаларининг бадиий таҳлили... ва ҳ.к.

Биз булардан баязиларини, масалан, “қаноат”, “саҳоват” тушунчаларининг достондаги талқинини ва “Оинаи Искандарий” достонидаги маҳсус дидактик бобда берилган “давлат” бадиий тушунчасининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

“Матлаъ ул-анвор” достонининг еттинчи мақолати –

ای دم از آیین قناعت زده...

(Эй қаноат қоидасидан дам урувчи) деган хитоб билан бошланади.

Асли илмий тушунча, бадиий тушунча, майший тушунчалар орасида ўтиб бўлмас тўсиқ йўқ. Хоҳ бадиий, хоҳ илмий, хоҳ диний ва ўзга хусусий тушунчалар оддий инсонлар орасида маълум даврда, маълум муҳитда ҳаётий-ижтимоий таржиба асосида ғайришуурӣ бир тарзда шаклланган майший тушунчадан ўсиб чиқади ва турли кўшимча воситалар орқали аниқланиб чукурлаштирилиб у ёки бу хусусий соҳа тушунчасига айлантирилади. Шоир ҳам ўша даврда ўзини ўраб турган ижтимоий-ахлоқий муҳитда мавжуд бўлган қарашларга таянади, ўшалар замирида ҳаракат қиласи, аммо айтиш керак-ки, унинг ўзи яратган бадиий тушунчалар - янги бир дунё, янги бир воқелик бўлиб, унинг асаридан ташқаридаги маълум воқеликнинг оддий бир пассив инъекси, айни нусхаси эмасдир. Бадиий тушунчанинг қиймати ҳам шунда. Шоир ўз даври ва муҳитида ҳаётда, инсонлар орасида ва турли йўналишлардаги китобларда мавжуд бўлган “қаноат” тушунчасининг маънолар тизимини олади-да, унинг баъзи унсурларини инкор этиш, баязиларини таъкидлаш ва ривожлантириш, баъзи янги талқинлар бериш орқали ўз хусусий бадиий тушунчанини ўқувчи кўз олдида гавдалантириб беради.

“Эй қаноат қоидасидан дам урувчи, агар сен ўз иўлингда собитқадам бўламан дессанг, билгин-ки, бадавлат кишининг, зар тадабгорининг (“толиби зар”) бойлик орттириши йўлидаги сабртоқати қанбатга кирмайди. Қандай йўл билан бўлса ҳам бойлик орттириши учун ўзини ўтга-чўқقا ургувчи одам ўзгаларга қул бўлиб қолади. Бироқ тек ўтирган билан ҳам нонинг ҳалол бўлмайди, ранж тортиб эришилган нон ҳалолдир. Бойлик билан тўлган хона қоронгудир.”

Шоир жуда ўткир тазодлар (“антитеталар”) ишлатади:

*Он зари сўзанда ки чун оташ аст,  
Кай чу ду миспорайи ҳейзумкаш аст.*

*Кунда сабук бар сари ҳейзумбарон,  
Сандали тар бар тани нозук гарон.*

(Оловдек кўлни куйдирувчи зар  
Қачон ўтин ташувчининг икки қора чақасидек бўла оларди!  
Оғир тўнгак ўтинкаш елкасида пардек енгил туюлади,  
Сояпарвар нозик танлар учун сандал тутатқиси ҳам малолдир)

"Кимки енгил кун ўтказишига ўрганиб қолган бўлса, ундан  
кинидан иззат-нафс узоқлашиши турган гап. Ҳаёт моҳиятини  
тушунган оқил одам яхши яшайман деган умидда нокаслар эши-  
гида қуллик қилмайди, ўзини азиз тутиб, сulton бугдойини бир  
пулга олмайди".

Шоирнинг чиройли истиорасига кўра қуёш бир кулча нонга  
сабр қишиб дунёни айлангани учун чехраси нурлидир, ой эса қуёш  
шингида қўл чўзгани учун юзи доғлидир<sup>138</sup>.

Инсонларни ўз обрўйига пешона тери билан эришишга ча-  
кирган Амир Хусрав ўз фикрларини ривожлантириб ажойиб бир  
фалсафий қарашини ўртага ташлайди.

*Барги маишат ки ба кайҳон дар аст,  
Ҳар че ки бойистатар арzonтар аст.  
Обу ҳавоий ки даму жони тўст,  
Бедирами дар ҳама жо з-они тўст.  
З-оташу хоки ки надори гўзир,  
Хона ба хона шуда оромгир.  
Гавҳару лаъли ки наёяд ба кор,  
Чун нигари қиймати у бешумор...  
(Бу ёруғ оламнинг нозу неъмати  
Қанчаки зарурий шунча арzonдир.  
Жонинг ва нафасинг - сув билан ҳаво,  
Ҳамма жойда бепул ихтиёрингда.  
Рўзғоринг асоси - олов ва тупроқ,  
Ҳар бир хонадондан жой олмиш шаксиз.  
Лаълу гавҳар эса - яроқсиз бир тош –  
Қара ҳар нарсадан нархидир баланд).*

<sup>138</sup> Шоир ажойиб метафора яратиб, қуёшни арпа нонига ўхшатади, шу  
билан бирга ой нури бирламчи эмаслиги, балки қуёш нурларининг аксланиши  
еканлиги. ҳакидаги илмий қараашга ишора қилиб, унивг асосида ик-  
кинчи мажозий ташбих яратади.

*“Агар дон гавҳардек юқори баҳода юрганда, ёки нон галладан эмас, тилладан тайёрланганда бечора дарвешнинг ҳоли не кечарди ва барча очдан ўлмасмиди? Зарнинг ярқираб кўзга ташланишини айтмаса, инсонга қандай нафи бор?”*

Шоир тасвирича, табиат унда инсон ҳалол меҳнат билан ўз майшатини ўтказиши учун ҳамма нарсани муҳайё этган, ер ва сув, булут ва офтоб - ҳаммаси инсон хизматида -

*Ходими асбоби тў чандин касон,  
Тў зи пайи ризқ давон чун хасон.*

*(Шунча улуғлар хизматингда туриб,  
Сен тирикчилик орқасида (шамол учирган)  
хасдек елиб-югурасан!)*

Қадим ҳинд табиат фалсафасини эслатувчи ушбу тушунарли ва содда ҳаёт ҳикмати, албатта, ўша давр ҳукмрон синф нуқтаи назарига эмас, балки оддий меҳнаткаш дехқон дунёқарашига мос келар эди. Шоир “*тақдир ҳукми*” ҳақида гапиради, бироқ ўша давр мағкурасининг асосий нуқталаридан бўлган ушбу тезисга ҳам ўзгача йўналиш беради, ундан пассивликка ундов сифатида эмас, очкўзлик, хирс ва таъма, ортиқча мол-дунё йиғиш дарди ва бахилликни қоралаш воситаси сифатида фойдаланади:

*“Сенга ризқу рўзни яратгучи беринини-ку биласан, нега яна беқарор кўнгилнинг гапига кириб ҳазина йигасан”, - дейди шоир. Халқ мақолида айтилишича: “Баройи ниҳодан чи сангъ чи зар”, яъни “сақлаб қўйши учун тош ҳам бир, тилла ҳам”. Шоир худди шу нуқтаи назарни изҳор қилиб “тўлиқ улашиб берилган ҳазинагина покдир, тупроқ остига яширганинг эса тупроқقا тенг бўлсин”, деб хитоб қиласи. “Имконинг бўлса ҳаробаликда иморат бунёд эт, дили куйган ташналарга сув етказ, ўзинг тўқ бўлсанг, бечора дарвишига ҳам бир луқма берини ўла”.*

Амир Хусрав бахил ва хасис мол-дунё кетидан қувгучиларга бутун нафратини тўқади. Пуч ҳирсу ҳавас билан ташнаҳол бўлган бундай шахслар икки уммон мол-дунё билан ҳам тўймайди. “*Нақди тугуқлик ва оишозони бўш, насия орқасидан югурши - мана гирт аҳмоқлик! Ошиқча мол устига яна ошиқча тўплаш гамида намунча куюнасан! Сут ва майинг бўла туриб нега қон ютасан?*<sup>139</sup> Сигир сонида ўрмалаган кана каби елинда сут туриб

<sup>139</sup> Шу ўринда шоир жуда нозик ва тиғдор сўз ўйини килиб “қон ютмоқ” иборасини аввал кўчма маънода сўнг иккинчи, сўзма-сўз маъносида ишлатиб юборади.

нелә қон сүрасан?" -" деб қаҳр билан хитоб қилади шоир. Боб оқирида шоир яна султон ва дарвиш, меҳнаткаш ва сояпарвар таъодини кўллади: (-346-)

آنк беде тои қнд жбе саз бفسред аз срди ход چон піаз  
وانک берхне аст چو سیر از محن بگذردش هم بیکی پیرهن  
گل که بیر جامه به صد تو نهاد لرزه қнд با تن نازک زباد خار مغیلان گه  
نه برگی دروست بس بودش جامه همان توی پوست شقه سلطان منگر زرناپ  
جبه درویش نگر ز آفتاب

(Үнта түнни ичма-ич кийиб олган қориндор,  
Ўз совуқ мижозидан пиёздек қўнишади.  
Меҳнату укубатдан тўйган ялангоч эрлар  
Бир қават кўйлакда ҳам умри ўта беради.  
Устига қат-қат либос чўлғаб олган нозик гул  
Танаси чайқалади енгил шабада билан...  
Сахрои тиканакнинг эгнида барги ҳам йўқ,  
Ялангқават пўстлоғи либос ўрнига ўтар.  
Султоннинг заррин кимҳобига маҳлиё бўлма,  
Куёш нуридан тўқилган дарвиш либосини тамошо қил.)

Худоса қилиб айтганда, шоир наздидаги қаноат тушунчаси зоҳидона мутелиқ, қулларча фаолиятсизликни эмас, балки табиат яратган бойликлардан тўғри фойдаланиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, зар ва лаълни эмас, сув ва офтоб, пок ҳаво ва ҳосилдор заминни ҳақиқий бойлик деб билишни англатади. Демак, мутлақо нокерак ҳашаматни деб зару мол тамаида ўз инсоний қадру қийматини пастга уриш, султону мулқдорлар эшигида ялтоқланиш на ҳожат! Ёки қорамол канасидек ўзгалар "қонини сўриш", бева-бечораларга зулм, алдов ва макр-хийлалар нечун? Поклик ахтармоқчи бўлсанг, аввало ўзингни нокерак молу-дунёдан пок тут, сенда бор экан, йўқларга бер!

شیر سیاهی سگ دکان مشو باز سپیدی مگس خوان مشو

(Сен - қора арслон, қассоб дўкони олдидағи суллоҳ ит бўлма.  
Сен- оқ бургут, дастурхон устидағи хира пашша бўлма!)

Боб сўнгидаги ҳикоят ҳалол меҳнатни тараннум қилади.

Шундай килиб маълум бўлади-ки, Амир Хусрав яратган "қаноат" бадиий тушунчаси бевосита тасаввуфга оид эмас, бал-

ки шоир асарларида яратилган бадиий-маънавий оламга оид тушунча экан, бу тушунчада албатта “Чиштия” тасаввуф сuluкининг таъсири бўлса-да, аммо унинг асл замини ўша давр меҳнаткаш оммаси тасаввуридаги идеал маънавий оламга оиддир. Бу идеал олам эса уларнинг яшаш тарзи билан боғлиқ эди. Бир миллий маданият доирасида турли ижтимоий тоифаларнинг ўзига хос қарашларини акс эттирувчи шоирнинг теран кузатишлари ушбу мисолларда ёрқин намоён бўлади.

Шоирнинг “саҳоват” ҳақидаги бадиий тушунчаси ҳам конкрет реал тарихий шароитда меҳнаткашлар манфаатига ён босиши билан белгиланади.

Достоннинг ўн биринчи мақолати **саҳоват** тўғрисида. Аввало шоир асл саҳоватнинг ниҳоятда ҳаётий ва теран ижтимоий таърифини беради. Ҳақиқий саҳоватли кишилар – меҳнат аҳлидир. Шоир фикрига кўра, албатта, олтин кумушни баҳиллик билан тупроққа топширгандан кўра муҳтоҷларга эҳсон қилмоқ мақбулдир. Бироқ, асли гап бунда ҳам эмас, инсоннинг инсонлик мөхияти ўзи саҳоватда, яъни ўзгалар ғамини ейишдадир:

جانوري کويحز از مردمست در علف یک شکم خود گم است  
آدمیست آنکه ز نیروی کار پرکند او صد شکم صد هزار  
حال چو آنیست پس او آدمیست کو دگرانرا سبب بی غذیمت

(Инсонлардан бўлак барча ҳайвонот фақат  
Ўз қорнини алаф билан тўйдиршишга банд.  
Инсонгина қодир эрур меҳнати билан  
Юз ва минглаб қоринларни тўйдирмоқликка.  
Шундай экан, одам атаси мумкин, агар ким  
Ўзгаларни халос этса қайгу-ташвишидан)

Шоирнинг ушбу мулоҳазаларини унинг бошқа бобларда айтган гаплари билан қиёсланса, бу таъриф тасодиф эмас, балки изчил дунёқарааш тизимининг асосий узвий бўлакларидан эканлиги янада равшан очилади.

Масалан, биринчи мақолатдаги машҳур афоризм:

آدمی است از پی کاری بزرگ کز نکند اینیت حماری بزرگ

(Инсон меҳнат ила инсондир бешак,  
Меҳнатсиз у эрур дайди бир эшак)

*“Саҳоват, - дейди шоир, бу кимга бўлса ҳам эҳсон қилиши эмас. Карамли киши мискинларни қўллайди, ўзига тўқ кийиға эҳсон қилиши дурни дарёга ташлаган билан баробардир. Кўпга кўп, камга кам берган киши фойда келтирувчи эмас; нифоқ солувчи дир. Карамли бўлиши шараф, аммо исрофгарлик кулгига сабабдир. Қиши куни биргина тўнини бирорга эҳсон қилган одам совукقا қотиб ўлса, аҳмоқлигидандир”,* дейди шоир. Шундай мулоҳазалар билан у саҳоватда мантиқий замин бўлмиш меёр масаласига дикқатни тортади. Ҳар ким ўз ҳолидан келиб чиқиб эҳсон қилмоғи керақдир, дейди шоир. У кайф устида қилинган саҳоватни ҳам пуч ҳисоблади, бундай “саҳий” устидан заҳарханда қиласди. Зиқна ва нокасларга, эл кўзига муруватли кўринмоқчи бўлган риёкорларга ҳожв тифини санчади. Амир Хусрав ўз даври ва муҳити воқелигини назарга олиб замондан шикоят қиласди: “Ушибу замонда бирор кўнешига хурсандчилик етказиш ниятидаги инсоннинг ўзи йўқдир. Ҳасис ва золимлар, ҳаёт йўли афсус ва надоматга олиб борувчилар бу кунда эътиборлидирлар. Улар саҳоват пайтида бир кулча нон учун паст кетадилар, кибру ҳаволари эса дунёга сизмайди. Кошки бирор парранда улардан зарра донга умид боғласа?!”

Шундай қилиб, шоир яратган “саҳоват” бадиий тушунчалиси ҳам тасаввуф, ёки соф аҳлоқий тушунча даражасида қолиб кетмай ижтимоий мазмун касб этади, меҳнаткаш табака нуқтаи назари билан туташади. Асл саҳоват эгалари - бунёдкорлик меҳнати билан шугулланувчилар, аммо замона ноодил, унда эътиборли, давлатманд, моддий ва ижтимоий кудратни ўз қўлида жамлаган кишилар эса кайфу сафо билан банд бўладилар, бирорга бир кулча нон беришга қизғанадилар, минг миннат билан бирорга бир нарса берсалар, уни ҳам ёлғон обрў учун қиласадилар. Шоир талқинидаги “саҳоват” тушунчалиси достонда меёр тушунчалиси билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бутун ички мураккаблиги билан намоён бўлган.

Учинчи мисол “Оинай Искандарий” достонида биринчи эпик сюжет (Чин ҳоқони билан жанг) бошланишидан олдинги - (“давлат қуёши сифатида сўз”) деб бошланувчи бобга оиддир. Бу дидактик парчада “давлат” тушунчалиси шарҳланади.

Маълум-ки, ўша давр тилида бу сўз кўп маънолидир: 1) бойлик, мол-дунё 2) ҳокимиёт, сиёсий кудрат 3) омад, баҳт, хушбаҳтлик. Классик шеъриятнинг ўзига хос хусусияти шунда-ки, бу санаб ўтилган барча маъно бир бадиий тушунчада бирикиб яхлит

поэтик тимсол сифатида гавдалана олади. Бу бадий тимсол сарлавҳадаёқ ўзига хос қиёфасини намоён эта бошлайди:

گفتар در صفت آفتاب دولت که چون پرتوگرم کند سنگ سیاهرا یاقوت  
شمسه لعل آتشین گرداند و اگر روی بتايد دود از گوهر شب چراغ براورد...

(Агар нурини сочса, кора тошини офтобий ёқут ва оташин лаълга айлантириб, агар юзини терс ўтирса, гавҳари шабчирогни тутатиб юборувчи давлат күёши васфида сўз)

Боб “давлат”га мурожаат билан бошланади:

کلیدی ده ای دولت کارساز که سوی تو بتوان دری کرد باز  
بیاغ تو منزلگهی خواستن میاوردن و مجلس آراستن

(Эй, ишларни йўлга солиб юборувчи давлат,  
Сен тарафга йўналган эшикни оча олишим,  
Сенини боғингда бир манзилгоҳ талаб этишим,  
Унга май келтириб майшат кура олишим учун калид бер)

Яъни, аввал бошдан “давлат” тушунчаси “омад”, “тақдир инояти” маъноларида поэтик жонлантириш (“олицетворение”) йўли билан берилмоқда. Агар сен бир хонада чироғ ёқсанг, дейди шоир “давлат”га мурожаат қилиб, агар у жой зиндан бўлса ҳам бир зумда боғга айлантирасан. Аммо бирордан юз ўғирсанг, тонгини ҳам бир лаҳзада шомга айлантирасан. Сенга иноят билан етишиб бўлади, ҳаракат билан сени қўлга киритиш қийин, дейилади кейинги сатрларда. Шоир ҳаракат билан “давлат”ни қўлга киритиш бефойда эканлигини ўзига хос мисолда очиб кўрсатади:

مدیر براز بھر گنج  
زیادت کند بر تن خویش رنج

(Мудбир, яъни омади қайтган, бахти чопмаган киши,  
хазина - бойлик умидида

Ўзини ўтга-чўқقا урар экан, факат ўз жисмини  
кўпроқ азобга кўяди)

Бу мисолдаги “мудбир” тушунчаси ҳам зиддиятли характерланган. У, албатта, омади юришмаган киши, аммо “омад”, “молдунё” маъносидаги “давлат”нинг кетидан қувмоқчи бўлган кўзи оч, зиқна инсон ўз ҳаёт йўналишини белгилашдаёқ хатога йўл кўйган, шу сабабли ҳам у “мудбир”, яъни, омадсиз бўлса, кўп ҳам ажабланарли жойи йўқ. Шоирнинг бу фикрини теран уқсан Али-

шер Навоий ўзининг “Сабъаи сайёр” ида алоҳида ҳикоят восита-сида Мудбир образини эпик тасвирда гавдалантириб, шу билан яхлит ва равшан концепция даражасига етказди.

Амир Хусрав “мудбир”нинг акси бўлмиш “муқбили” тушун-часини ҳам ўз бадиий маънолар тизими руҳида шарҳлайди:

(Ситам етказувчи муқбили, яъни, омадли, баҳти юришган ??? ва хушхол бўлаолмайди, чунки баҳт ва “давлат”ни қарзга олиб бўлмайди.)

Аммо шоир умуман баҳтга эришиш йўлида сайд-ҳаракат тарафдори, чунки агарчи омад ҳар бир шахс ҳаракатига бевосита боғлиқ бўлмаса-да, беҳаракатлик, лоқайдлик билан ҳам бир нарсага эришиб бўлмайди. Шундан кейинги мулоҳазалар мобайнида аста-секин “давлат” тушунчасининг маъно доираси кенгайиб, “ҳукмронлик” ва “мол-дунё” маъно жиҳатлари ҳам талқин этила бошланади.

“Ҳукмронлик”, “ҳокимият”, маънолари умуман “улуглиқ” сифатида умумлаштирилади ва бунда ҳам яна шоир ўз бадиий талқинини олға суради:

سر از گوهر خود شود تاجور  
که طاؤس را تاج روید ز سر

(Бош ўз гавҳаридан тожга эга бўлади,  
Товуснинг ҳам тожи ўз бошидан ўсиб чиқсан.)

Шоир эъдиқодича, улуғлиқ фақат том маънодаги инсонлар насибасидир. Ҳамма жонворларнинг ичидаги улуғи инсон, инсон улуғлиги эса унинг ички маънавий бойлигига боғлиқдир. Юқоридаги мисрани асло шоҳлар, тождорлар асли гавҳари тоза бўлгани учун бу мартабага эришган деган маънода талқин қилиб бўлмайди, Амир Хусравнинг бутун бадиий маънолар тизими бу галат фикрга қаршидир. “Озода” – яъни, пок қалбли, эзгу ниятли кишидан бирор жабр кўрмайди, сарв ва суманнинг тикани бўлмайди, таъкидлайди шоир. Унинг фикрича, карамли кишилар тож кийса, ожиз-бечораларга паноҳ келтиради, паст кишилар кўлига амал тегса, ўз ёнидагилар ҳам жабр куради. Шоҳларнинг ҳукмронлик усулларига шоир анча кескин муносабат билдиради:

چو با پادشاه جور لازم شود  
گرش تخت عودست هیزم شود

## حلال است فرمانروارا خراج چو در غصب کوشد حرامت تاج

(Агар подшоҳга жабр лозим бўлса,  
Тахти уд дарахтидан бўлса ҳам ўтинга айланади.  
Фармон берувчига хирож ҳалолдир,  
Аммо ғоратгарликка киришса, унга тож харом бўлади).

Шоирга қолса умуман молу-дунё маъносидаги “давлат” унга мақбул эмас у-

چو در سیم و زر رنج دلها بیست  
کسی کین ندارد چه خوشدل کسی است  
دلا کار دولت نه امکان تست  
بمحنت در آویز کین زان تست

(Олтин-кумушни деб кўнгилга кўп озор етгувси,  
Уларга эга бўлмаган киши қандай дили шодон кишидир,  
Эй, кўнгил, давлат(орттириш) иши сенинг  
имконингдаги иш. эмас,  
Сен меҳнатга ўзингни ур, сенга моси шу”).

Бир куни Султон Маҳмуд овга чиқибди, ҳикоя килади шоир. Унинг атрофидаги дабдаба-ю асьасани кўрган бир жандапўш дарвиш жаҳл билан устидаги хирқасини ечиб осмонга отибди. Хирқа ҳавода муаллақ қолиб, ерга тушмапти.

Шоҳ кетидан эса унинг бутун зарбоф тўнлари-ю, асбоб-анжомини гуломлар кўтариб келишарди. Дарвиш оҳ тортиб, яна ўша ўз хирқасини қайтиб тушишини Аллоҳдан илтижо қилипти, кўп йиғлаб-сиктаб ўзининг эски жанда тўнига зўрга эга бўлипти.

Шоир айтади:

چه پنداری ای کت بصرد در سر است  
که درویش از خسروی کمتر است  
ناظره ز دل کن درین هردوزیست  
که تا فرق در هر دو دانی که چیست

(Сен нима деб хаёл қиласан,  
Эй, бошида кўзи бор киши,  
Дарвишлик (сенингча) шоҳлиқдан камми?  
Дил (кўзи) билан бу икки яшаш (усулига) бок,  
Шунда улар орасидаги фарқ нимада эканлигини билиб оласан.)

Бу сўзлар билан шоир гўёки кейинги воеалар тасвирига китобхондан чукур эътибор талаб қиласди ва шоҳ ва дарвиш ҳаёт тарзини ўзаро муқоясалаб бергандак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Хусрав Дехлавий аньянавий “давлат” тушунчасини янгича шарҳлашга интилади, унинг тарқибидаги эски мавжуд маънолар тизимиға таянган ҳолда турли бадиий воситалар билан китобхон кўз ўнгида янги бадиий тушунчани шакллантиради. Бу тушунчанинг ўзига хос хусусияти – маънавийликка эътибордадир. Унда “давлат” тушунчаси билан боғлиқ “муқбил”, “мудбир”, “тож-таҳт” ва “саъй-ҳаракат”, “бойлик”, “хазина” (“ғанж”) тушунчаларининг ўз ички мураккабликлари мукаммал бадиий ифодалар воситасида чукур очилиб, “давлат” ва унга эга бўлган шахснинг ўзгаларга муносабати, “адолат”, “мехнат”, “мехр-шафқат”, “зулм-ситам” категорияларга нисбати аниқланиб, шоирнинг ўз янгича қарашлари бадиий гавдалантириб берилади. Аммо шоир қарашларида ички ҳиддият ҳам сақланиб қолган. Бунинг асл сабаби, шоир идеаллари ва объектив ижтимоий воқеликдаги адолатсизлик орасида мавжуд қарама-қаршиликда ва шоир буни ғайри шуурий хис қилиб турганига қарамай, ҳал қилувчи жавобни ҳануз топа олмаётганида эди. Шунинг учун у алам билан –

(Менга йўқлик давлати маъкул бўлди,  
Чунки бу ерда ҳам, у ерда ҳам  
(яни, ҳар икки дунёда) зиёндан холи бўламан) - дейди.

Куйидаги сатрларда эса мажозий услубда унинг асл кредоси очилган:

(Итлар ҳаром қотган жасад тепасида тўпланишади,  
Ҳақиқий инсон эса фаришталик сари интилади).

Кейинги мисрадаги “фаришталик” (асл матнда “Жаброил” исми келтирилган бўлиб, унга қўшилган ургусиз “йай” суффикси маъно жиҳатидан бу исмни метонимик умумлашувга келтиради) индивидуал поэтик тушунчаси маънавий камолотни англатиб келади. Демак, шоир айтмоқчи бўлган асосий ғоя – “тож-таҳт”, “ҳокимият”, “мол-дунё” - булар ҳаммаси ҳақиқий “давлат” эмас, уларга интилиш “мудбир” лиқдир, асл “муқбил”, яни баҳтли, омадли инсон - ички маънавий бойликка интилган ва унга

эришишга мұяссар бўлган кишидир. Аммо мавжуд ҳаётда бу баҳтга интилғанлар кўпинча барча моддий неъматлардан кечишлигига тўғри келади.

Биз қисқача таҳлил қилған бадиий тушунчаларнинг уч намунаси уларнинг Амир Хусрав достонлари бадиий тизимида ниҳоятда муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатиб бериш учун эди. Бу масаланинг кенг ва батафсил тадқиқи фақатгина шоир асарларининг тўлиқ конкорданси вужудга келтирилгач мумкин бўладики, бу соҳада дастлабки қадамлар ҳозирги кунда баъзи хусравшunosлар томонидан ЭХМ ёрдамида амалга оширила бошланганини мамнунлик билан қайд этмоқ керак<sup>140</sup>.

### **Амир Хусрав достонларида умумлашма бадиий сажия (характер) ва унинг типологияси. Қиссалар ва ҳикоятларда характер яратиш имкони**

Фарҳод, Мажнун, Лайли шаксиз шоир меҳрига сазовор ижобий қаҳрамонлар, аммо улар давр учун хос кишилар эмас, узоқ келажакка мансуб олий идеал инсонлар типидир, шунинг учун даврнинг реал кишилари кўз ўнгидаги “девона”, сирли кўринадилар. Реал воқеликда мавжуд бўлиши мумкин бўлган шоир қаҳрамонлари ўзга кишилар. Амир Хусрав Дехлавий кўпроқ ўша давр объектив социал воқелигига яшаш, ўз муҳолифларини енгиш, ўз орзуларини амалга оширишга қодир инсонлар типини яратишга катта аҳамият беради, ҳатто асосий пафоси романтик утопия характеристига эга булган “Мажнун ва Лайли” достони бошланишида ҳам реалистик характер йўналишига эга кичик “пролог” беради. Бу унинг ўғлига насиҳатлари охиридаги ибратли ҳикоятдир. Ҳамиятли бўлиш фазилати ҳақидаги бу ихчам сюжет марказида Лайли ва Мажнунлар ҳамюрти бўлмиш бир йигит туради. Айтишларича, араб юртида бир чўпон йигит бўлган экан. Отаси пода орқасидан юриб бечорачилик билан умр кечирса ҳам, ўғил сабоқ олиб савод чиқариш кетида бўйиди. Саводи яхши

<sup>140</sup> Биз бу ўринда ўз вақтида Аҳмаджон Қуронбеков томонидан амалга оширилган “Онаи Искандарий” достонининг компьютер варианти асосидаги тадқиқотини назарда туттган эдик, афсуски, турли сабаблар билан ушбу достон матнининг электрон вариантини саклаб қолиш имкони бўлмади.

чиқиб қалами равон бўлгач, ҳарб илмини ўрганиди. Қилич тутишда моҳир бўлибди. Отаси қариб, бир куни ўғлига уйланиш маслаҳатини солган экан, йигит: “*Майти, лекин келин ҳалифа ишодидан бўлсин*” депти. Чол жаҳли чиқиб, ҳаддингдан ошма, сен уларга тенг келишга молу-дунёнг қани, келинлик сарполарию, от-уловни қаердан топасан, депти. Йигит қалам ва шамширини олиб чиқиб ўртага қўйибди: “*Шу икки қурол ҳар мушкулни осон қилувчи калиддир, кимки шу икки ҳунардан боҳабар бўлса, у ҳамма нарсага эга бўла олади*”. Ҳақиқатан ҳам жавонмард йигит астойдил ҳаракати билан ўз орзуларига етишган экан<sup>141</sup>.

Бу тасвирий санъатдаги этюд сингари енгил штрих билан берилган ҳарактер киёфаси достон бош қаҳрамони Мажнунга зид йўналишга эга. У фаол ҳаракат билан ўз мақсадига эришади, шу маънода “ҳамиятли киши”. Аммо унинг фаолият усули ўз конкрет тарихий даврига мос. “Қитич” ва “қалам” ўша даврда ғолиб чиқиши ва ўз конкрет мақсадига эришишнинг энг таъсирчан воситалари эди.

Мажнун умуминсоний маънодаги идеал қаҳрамон, у кўпроқ утопия, келажак кишисининг идеал қиёфаси ҳақидаги орзу. “Пролог”даги чўпон йигит – ўз тарихий даврига мос реал қаҳрамон, реал ижобий шахс. У “ҳамиятли киши”, аммо ўз даврида яшай олади, ўша давр имкониятлари даражасида ўз максадлари йўлида кураш олиб боради. Унинг максадлари ҳам ўзига яраша, давр имкониятлари даражасида. (Албатта, халифанинг қизини олиш ҳар бир чўпон йигитга насиб бўлаверадиган орзу эмас, аммо бу орзу давр ижтимоий муносабатларини ўзгартириш орзу-сига нисбатан анчагина реалроқ эди, десак, янгилишмасак керак. Иккинчидан, идеал қаҳрамонлар ҳечкачон ҳалифа қизини олишни мақсад қилиб қўйган эмаслар.)

Биз шоирнинг “Саккиз жаннат боғи” достонида бу типдаги реал ижобий қаҳрамонларнинг кенг галереясига дуч келамиз. Уларнинг асосий қисми шаҳар аҳолисининг турли тоифалари, меҳнат аҳли билан боғлик. Шоҳ Бахромнинг мард ва моҳир канизи Дилором, Саандип шоҳнинг бадарға қилинган ўғиллари, уддабурро заргар Ҳасан, Яман шоҳининг тухматга учраган ўғли ва унинг дўстлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари “Ширин ва Ҳусрав”даги Шакар, “Искандар кўзгуси”даги Канифу,

<sup>141</sup>

қисман шоир тарихий маснавийларидағи баъзи иккинчи даражали қаҳрамонлар ва, айниқса, "Түглукнома"нинг бош қаҳрамони Фози Малик шу типдаги қаҳрамонларга ёндашиб келади. Аммо бу борада шоирнинг энг катта ютуғи "Ҳашт беҳишит"нинг бешінчи қиссаси қаҳрамонлари – Мұлтон вилоятидан йўлга чиққан беш оғайни характерлариdir. Улар чинакамига Бокаччо ва Рабле каби Европа Уйғониши даҳоларининг энг типик қаҳрамонлари – Фарбда ўз кучини илк бор ҳис қилиб келаётган учинчи тоифанинг энг некбин ва шижаатли намояндалари билан бир сафда турадилар. Бу беш оғайнининг дўстиги, бир-бирига садоқати ҳавас қилса арзигулик, улар ўз дўстларини орзусига етказиш учун қўлларидан келган ҳеч нарсани аямайдилар. Шу билан бирга бу хушчақчак, уддабурро ва меҳнаткаш йигитлар Шарқдаги ўша даврга хос сиёсий тизимнинг конкрет тимсоли бўлмиш шоҳни аёвсиз калака қиласидилар, ўз иттифоқликлари, ғайрат ва меҳнатлари билан ундан ғолиб чиқадилар ва уни доғда қолдириб кетадилар. Уларнинг бири тожу тахтсиз подшозода, бири – топқир ва саҳий савдогарзода, бири қўли гул боғбон, бири меҳнаткаш лаҳм кавловчи ва яна бири ҳалол дурадгор. Улар ҳали бир-бирига вафоли дўст, ҳали ниятлари ҳам бир, йўллари ҳам бир, фикрлари ҳам бир мақсад йўлига - ошиқ дўстларига холис ёрдам бериш, аҳмоқ ҳукмдорни усталик билан лақиллатишга қаратилган. "Ҳашт беҳишит"нинг энг ҳалқ ижодига яқин, энг реалистик услубда ёзилган "Маснавий маънавий", "Гулистан", "Бўстон" ҳикоятларининг энг яхши намуналарини эслатувчи бу қиссаси қаҳрамонлари Дехлавий ижодидаги ижобий характер йўналишининг энг юксак кўринишларидандир. Аммо улар Дехлавий эпик ижодида етакчи типни ташкил қиласиди. Ички қиссаларга бош қаҳрамон бўлиб келди, аммо тўлиқ достонга етакчи бош қаҳрамон бўла олмади. Бу адабий ҳодиса ҳам давр ижтимоий воқелигининг инъикоси эди. Дехлавий даврида шаҳарларда учинчи тоифа вакиллари жуда жонланган, ўз кучига ишонч ҳосил қила бошлиган, аммо даврнинг етакчи кучига айлана олган эмас эди. Афсуски, кейинча ҳам айлана олмади. Бунга сабаб Дехлавий яратган мўлтонлик оғайнилар аҳиллиги вақтингачалик ҳодиса, тарихий жиҳатдан Рабленинг Телем маскани каби утопия эканлиги эди. Кўп ўтмай ошиқ подшозода оддий ҳукмдорга, уддабурро савдогарзода маккор савдогарга, лаҳм кавловчи, боғбон ва дурадгор эса ҳуқуқсиз ва мазлум

мөхнаткашларга айланиши ҳаёт қонунияти эди. Реаллик туйғусини асло тарк этмаган шоир уларнинг ёш йигитлик чоғларини тасвирлаб, мажозан тўғри йўл тутган эди.

“Ҳашт беҳишит”даги заргар характеристи беш оғайнита нисбатан социал жиҳатдан ишончлироқ чиқкан. Ушбу учинчи тоифа вакили -уддабурро, мөхнаткаш ва маҳоратли санъаткор, аммо шу билан бирга ўз манфаатига пишиқ, қилвирлик ва муттаҳамликдан ҳам қайтмайдиган ва зарур пайтда ўз яқинига (хотинига) ҳам шафқатсиз. Савдогарзода ва заргар учинчи тоифа ичидан кейинча тугилиб келиши мумкин бўлган буржуа синфининг “инсофли” вакиллари дидир. Аммо ҳали улар ўсиб келаётган шаҳар фуқаросининг типик вакиллари сифатида шоир меҳридан ҳориж эмаслар. XIV аср бошлари шарқ адабиёти учун бу табиий эди, албатта.

“Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Дўвалрони ва Хизрхон” достонларининг бош қаҳрамонлари (асосий характеристлари) тўлақонли тасвирланган мукаммал характеристлардир. Бу характеристлар ўзаро ва бошқа иккинчи даражали характеристлар билан тўқнашувда, турли муносабатларга киришувда ўз тўлақонли қиёфасига эга бўлиб боради. Маълум даражада Муизиддин, Буғрохон, Искандар ва Фиёсиддин Туғлуқ характеристларини ҳам шу тоифага киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга Баҳром ва Дилором, Мўлтонли беш оғайнини, Сарандип шоҳининг ўғиллари, Рум савдогарларининг ўғли, Яман шоҳининг ўғли Ром, Хўтан вилоятининг шоҳи ва унинг хотинлари, заргар Ҳасан, Ҳиндустонли ҳоким ва унинг вазири, “Нуҳ сипех”даги бир қатор ҳинд рожалари, “Искандар қўзгуси”даги Чин ҳоқони, гўзал Канифу, Афлотун, “Дўвалрони ва Хизрхон”даги Алоуддин Хилжи ва Кутбиддин Муборакшоҳ, Фарҳод, Шакар, Шопур, Науфал, Мажнуннинг отаси ва онаси, Лайнинг онаси, “Туглукнома”даги Хусравхон, Муборашоҳнинг катта укалари ва бир қатор бошқа образлар киради. Булар ҳар бири бир ёки бирнечча эпизодларда фаол иштирок этади, асар бош қаҳрамонлари ёки ўзга характеристлар билан маълум муносабатга киришади, ўз сўзларига эга ва ушбу бадиий воситалар орқали улар характеристининг у ёки бу муҳим қирраси етарли очилади,

Учинчи тоифа - кичик ҳикоятлар қатнашчилари ва достон ёки қиссалардаги бир мартагина фаол ҳолатда кўринувчи персонажлардир.

Номлари тилга олинниб фаоллик кўрсатмайдиган, ёки фаоллиги ёрдамчи функционал аҳамиятга эга бўлган Борбад, Накисо каби персонажлар ҳар уч тоифадан ташқари турди ва характер яратмайди. Улар драма жанридаги фон ташкил килувчи сўзсиз персонажлар ёки умумий хор сирасига киради. Биз ушбу ишда бу барча типдаги тилга олинган характерларни Хусрав ёки Мажнун образлари сингари тўлиқ таҳлил қилиб чиқиш имкониятига эга эмасмиз.

Баъзи тўлақонли характерлар (Искандар, Ғиёсиддин, Туғлук, Дўвалрони ва Хизрхон)ларни қисқача тавсифини кейинга қолдирив умумлашма характерлар ҳакида пича мулоҳаза юритамиз. Дехлавий достонларининг асосий қаҳрамонлари (социал типологик жиҳатдан - шоҳ ва маликалар, уларнинг сарой аёнлари, турли тоифа шаҳар аҳли, идеал ошиқ ва (маъшуқа)лар, шайх, зоҳид ва уламолар, аллегорик тасвирда олинган ҳайвонот дунёсининг турли вакиллари ва шу кабиларга бўлинади. Идеал ошиқ (ва маъшуқалар) доимо ижобий планда, шоҳлар ва маликалар кўпинча салбий планда, шаҳар аҳлиининг кўпчилик вакиллари шоир хуш кўрган характерлар сирасида тасвирланади. Ҳинд рожалари ҳам кўпинча шоир хайриҳоҳлигига сазовордирлар. Ҳали тахтга ўтирган шаҳзодалар ҳам кўп ўринда меҳр билан тасвир этилади. Ҳукмдорлардан биргина изчил ва тўлақонли ижобий тип - шоир умрининг охирида тахтга кўтарилиган Ғиёсиддин Тўғлукдир. У ҳам асосан қотил ҳиёнаткор Хусравхон билан кураш фонида кўрсатилган ва тахтга ўтириши билан асар тугайди.

Биз умумлашма характер деганда, шоир фалсафий-дидактик мулоҳазалари ва уларга мисол тарзида келтирилган кичик ҳикоятларда ўз тарихий социал қиёфасининг у ёки бу етакчи штрихлариш намоён этган номсиз персонажлар орқали акс эттирилган типларни кўзда тутамиз. Улардан биринчи ва энг кўп шоир ғазабига дучор бўлувчиси шоҳ ва маликалар умумлашма характеридир. “Ширин ва Хусрав”, “Искандар кўзгуси”, “Саккиз жсаннат боғи”, “Дўвалрони ва Хизрхон” каби шоир эпик изходининг энг ёрқин намуналарида бошдан-оёқ қизил ип бўлиб ўтган шоир мулоҳазаларининг асосий пафоси, “Матлаъ ул-анвор”нинг қатор реалистик ҳикоятлари ва айниқса, ушбу достоннинг ўн учинчи мақоласи деярли тўлиғича давр ҳукмдорларининг ваҳшати ва булғанч қиёфасини аёвсиз фош қилишга, рўйи-рост қоралашга бағишлиланган.

Мақолат “Шоҳларга насиҳат...” деб номланган бўлса-да, у тўғридан тўғри таҳдидли ҳайқириқ билан бошланади:

ای بسیاست علم افراشته  
تخم ستم در ره دین کاشته  
غافل از آن دم که عتابیت هست  
فارغ از آن که حسابیت هست...  
آن که از ودست کسان صد هزار  
شد بفلک چون بود انجام کار  
آه کسان خرد نباید شمرد  
آتش سوزان چه بزرگ و چه خرد  
تیر ضعیفان که کشاد از کمان  
بگذرد از نه سیر آسمان  
چیره زبون شد چو ضعیفش گزید  
شه ز مگس در پشه خانه خزید

(Эй, зўравонлик байробини кўтарган,  
Дин йўлида жабру ситам тухмини экувчи,  
Бошига бир кун айблов келишидан хабарсиз,  
(Бу ёвуз қилмиши) жавобини бир кун беришга  
(тўғри келади) деган ташвишни унуган...  
Кимдан-ки, юзминглаб инсонлар қўли осмонга чўзилган  
бўлса (яъни юзминглаб инсонлар қарғишига қолган киши)  
Унинг ишининг хулосаси қандай бўлади,  
(бу ҳакда ўйлаб кўрдими?)  
Инсонлар охини кучсиз ҳисоблаш керак эмас,  
Ёндирувчи олов хоҳ кичик бўлсин, хоҳ катта  
(барибир, хавфлидир).  
Заифлар ўқи камондан отилар экан (яъни, қадди  
камондек букилган заифлар юрагидан чиққан оҳ-фарёд)  
Осмоннинг тўққиз қалқонини тешиб ўтади (яъни тўққиз  
қабат осмондан ўтиб Оллоҳга етиб боради)  
Ожизлар нишидан паҳлавонлар забун бўлади,  
Шоҳ (ҳам) чивиндан қочиб пашишонага беркинади.)

Шоир шоҳга насиҳат қилмайди, балки уни мазлумлар охи билан кўрқитади. Ҳукмдорлар моҳияти шундай-ки, уларнинг оддий вақти-чорглиги ҳам меҳнаткаш бошига мислсиз кулфат ёғдиради:

گر ھە سلطان بتماشا رود  
خرمن درويش به يغما رود

(Агар ҳамма сultonлар томошага отланса,  
Бечора дарвеш хирмони талонга учрайди.)

Бу икки сатр даврнинг бутун даҳшатини ўта реалистик инъикос эттира олади. Кейинги сатрларда шоир насиҳат йўсинига ўтиб, мулоҳазалари шиддатини пича юмшатса-да, боб охиридаги ҳикоят яна бизни реал воқелик даҳшатига қайтаради:

تا جوري از ملکان دریا صبحدمی حاست بعزم شکار  
رخش برون راند بصره ای گشت صید کنان سوی رهی می گذشت  
بود یکی کودک بیوه سرشت بر سر ره گشته نگهبان گشت ناگه از آن جا  
که قضا رفته بود طفل ز آسیب صبا خفته بود  
دیده شه از دور در آن حرد سال در نظرش مرغ نمود آن خیال یا سبح  
سوزان که در آورده غرق جست بر آن سوخته خرمن چو برق  
فتنه محا بای بلانی نکرد کرد خطانی و خطانی نکرد  
مرکب دولت چو برآن سو کشید باز بد نباله تیهو کشید  
خسته دلی دید جگر سوخته نیر هلاکش بزمین دوخته... یافت خبر مادر  
سینه کباب چون شدش از سوز جگر گوشه آب  
بر سر آن خاک خونی نهاد خاک برسر کرده در آمد چو باد  
آه چنان کرد که صحراء بسوخت هر که دلش را بسوخت

(Юрт хукмдорларидан бир тождор,  
Эрта сахарда овга чиқмоқчи бўлди.  
Арғимоқни миниб дала-даштга йўл олди,  
Ов овлаб бир қишлоқ сари етиб келди.  
Бир етим бола бор эди,  
Йўл бўйида экинзорни кўриқлаб ўтиради.  
Ногоҳ тақдири чаппа кетганлигидан,  
Бола шабада эпкини билан ухлаб қолган эди.  
Шоҳ узокдан у мурғак (бола)га назари тушди,  
Назарида күш деб хаёл қилди,  
Учида нишли куйдирувчи ўқни узганда,  
куйган хирмонга худди яшиндек бориб санчилди.  
Фитна балодан эҳтиёт қилмади,  
Хато қилди, валекин (мўлжалда) хато қилмади.  
Хукмдор отини у томон чоптирди,

(Гүё) шункор каклик сари ўзини ургандек.  
 (Етиб бориб) жигари кабоб бўлган дилхастани кўрди -  
 Ҳалок этувчи ўқ ерга қапиштирган (гўдакни) кўрди...  
 Бундан бағри дили куйган она хабар топди,  
 Ўз жигаргўшаси куюгидан сув бўлиб оқди,  
 Ул тупроқ ва қонига йўғрилган (боласи) устига ўзини ташлади.  
 Бошидан тупроқ сочиб, куюндеқ чарх урди,  
 Шундай оҳ урди-ки, бутун дала-даштга ўт туташди,  
 Ким агар қўнглидан (унга ачинса) унинг ҳам  
 дилига ўт туташди).

Юқоридаги даҳшатли икки сатрнинг ҳам, келтирилган ҳикоятнинг ҳам ўзига хос жиҳати шунда-ки, улар ёвуз подшоҳ (яъни ёмон инсон) ҳақида эмас, балки ҳукмдорлик, салтанат тузумининг моҳиятан меҳнаткашлар манфаатига зидлиги ҳақида. Бошка ҳикоятларга мурожаат қиласли.

Йигирманчи мақолат шоирнинг ўз қизи Мастирага насиҳатидир. Унда Амир Хусрав аёлнинг ўз номуси поклигини ҳарканча қурбонлар эвазига бўлса ҳам сақлаши лозимлигини таъкидлар экан, бунга мисол сифатида боб охирида куйидаги ҳикоятни келтиради:

تاجوري از قصر بلند پیش و پس شهر می افکند  
 دید بتی در ته دیوار قصر زهره شکاف همه خوبان عصر  
 شاه که آن دید فرارش نمایند قاعده صبر بکارش نمایند گرم فرستاد پیامی  
 برو تا فکند دست بکامی درو

کرد بت از پاکی دامان خویش دامن خودپرده سامان خویش  
 رفت پس پرده بس گفتگوی کام نیامد بسوی کامجوی  
 شه که شدش پرده دل چاک چاک پرده برانداخت ز بیم هلاک  
 گفت نجادم که شد از بارگاه برده کشانش بشبستان شاه  
 گفت صنم کای ملک دوزگار تاجران را بگدیان چه کار  
 چیست درین تن که بخشت نکو است کز کشش سینه گرفتیش دوست کرد  
 ملک دیده حسرت پر آب گفت دو چشم تو ز من برد خواب  
 رفت پری چهره بکنجی درون کرد با گشت دو دیده برون داد بخدم که بگو  
 با امر کانچ زمن دوست گرفتن بگیر  
 خادم از آن حال که شهرا نمود گشت ز سوزش سر شه پر زدود از عمل  
 خود بخجالت نشست کرد رها دامن پامش ز دست

(Бир тождор баланд қаср тепасидан  
Шаҳарнинг баланд-пастига назар ташлаб турарди.  
Қаср деворлари остида бир санамни кўрди,  
У санам замонанинг барча гўзаллари рашкини  
кўзғатиш даражасида эди.  
Шоҳ уни кўриб карорини йўқотди,  
Сабр-тоқат қоидасини унутди.  
Висол орзусини баён қилиб,  
Тезда унга бир мактуб жўнатди.  
Санам ўз покдомонлиги сабабли,  
Ўз номус-орини пок этаги билан пардалади.  
Парда ортида кўп савол-жавоб бўлиб ўтди,  
Орзу мўлжали орзу этганинг ёнига етиб келабермади.  
Дил пардаси (яъни сабр-тоқат) чок-чокидан сўкилгач,  
Шоҳ зўравоник йўлига ўтди.  
Бир ходимига буюрди, қасрдан чиқиб бориб,  
Зўрлик билан судраб шоҳ ётогита келтирди.  
Гўзал айтди: - Эй, замона султони,  
Тождорларга гадолардан не лозим?  
Ушбу танда нима сенинг кўзингга чиройли кўринди-ки,  
Сен унга кўнгил боғлаб, ёқтириб қолдинг?  
Хукмдор ҳасрат ёшини тўкиб айтди:  
«Менинг уйқумни ўғирлаган икки кўзингдир».  
Паричехра бир бурчакка четланди,  
Кўзларини бармоқлари билан ўйиб олиб ходимга берди ва деди:  
«Амирга айтгин, мендан ёқтирган нарсаси шу бўлса, олсин!»  
Ходим шоҳга аҳволни маълум қилгач,  
Шоҳ куйганидан бошидан тутун ўрлаб,  
Қилмишидан хижолатда донг қотиб қолди  
Ва гўзалнинг пок этагидан қўлини узди».

Мана кўраяпмиз-ки, шоҳ ҳечқандай алоҳида ёвузикни кўзла-  
ган эмас, у факат мутлоқ ҳукмдорларнинг ижтимоий табиатига  
мос ҳаракат қилган, яъни ўзига ёқиб колган аёлни қўлга кирит-  
моқчи, кўнгилхушлик қилмоқчи бўлган, натижада яна фожеа!  
Амир Хусрав буткул бошқа мавзулардан баҳс этганда ҳам у акс  
эттирган кичик сюжетлардаги ҳукмдорлар, султонлар, шоҳлар  
ўзгаларнинг азобланишига, ҳалокатига билвосита сабаб бўларди-

лар. Масалан, ишқ таърифдаги саккизинчи мақолат сюжетига күра бир бечора гўлаҳи гулхан ёнида исиниб жон сақларди. Ноғади ўша ердан шоҳ ўтади ва бечора гўлаҳи шоҳга мафтун бўлиб колади. Шоҳ оловга яқинлашуви билан гўлаҳи унга таъзим қилади ва йиглаб юборади. Шоҳ унинг ҳолига ичиди кулиб узоқлашади, бироқ бечоранинг аҳволи унинг кўнглига ҳам ғулу ташлайди. Бир куни яна шоҳ унинг тақдирига қизиқиб йўлга отланади. Гўлаҳи яна шоҳни кўриши билан ўзини унутиб унга тикилади ва этағига чўғ илашиб ёнабошлаганини ҳам сезмайди. Шоҳ бу ҳолни кўриб ортга чекинмоқчи бўлади, бироқ бечора гўлаҳи бу орада унга кўз тиккан ҳолда куйиб жизғанак бўлган эди.

Ҳикоят албатта мажозий маънога эга бўлган анъанавий “шоҳ ва дарвеш” мотивидан бир намунадир, бироқ шундай бўлса ҳам ундаги реал воқелик инъикоси, яъни шоҳ ҳашамати ва бечора гўлаҳи аҳволи орасидаги масофа нақадар олис ва тождорларга меҳр кўймоқ оқибати бечора дарвеш учун нақадар хатарли эканлиги шундай ёрқин ва қабариқ тасвир этилган-ки, бу мажозий саҳна бир пайтнинг ўзида реал тарихий-социал воқелик моҳиятини жуда теран инъикосига айлана олган.

Шоир мулоҳазалари қачон-ки ҳукмдорларга таъриф беришга кўчар экан, у ниҳоятда теран ҳақиқатларни очади:

*Хуни касон меҳурад он бедаранг  
Май ки хурад шоҳ ба овози чанг.*

(Шоҳ чанг садолари остида май ичар экан,  
Ҳеч парво қилмай у одамлар қонини ичаётир).

Халқ молини текин ўзлаштириш йўлида ҳаракат қилувчилар ҳақида гапирав экан, шоир қилич (тиғ)ни ушбу йўлдаги юзлаб усууллардан бири эканини эслаб ўтади. У жамиятдаги тури гурухларни таърифлаб ўтар экан, уларнинг энг бадкирдорларидан бири сифатида “ҳокими таҳририй”ни - яъни, “озод этилган қулдан чиққан ҳукмдор”ни тилга олади. Маълумки, Дехи сultonлигининг асосчиларидан кўпчилиги озод этилган қулдан, яъни ёшлигига қул сифатида сотиб олиниб маҳсус тарбияланган шоҳ гвардияси сафдан етишиб чиққан лашкарбошилардан эди. Ҳукмдорларнинг “ҳиммати” ва “саҳовати” кўпинча талончилик ва зўрлик натииаси эканини ҳам шоир ҳис қилиб туради. “Зулм билан тортиб олинган тилла тузоқдир, уни бировга берганингда ҳам

*бадномлиқдан ўзга нарса келтирмайда. Ситам келтирувчининг саховатидан наф йўқ”, - дейди Амир Хусрав. Иккинчи томондан, шоир ҳукмдорларнинг алоҳида ажралиб турувчи шахслар эмаслигини, келиб чиқиш моҳиятида ўзга инсонлардан афзаллиги йўқ эканлигига ҳам комил ишонч билан қарайди:*

آنkeh لقب خسرو و شاهش کنند  
زانست که دور نگاهش کنند

*(Баъзиларнинг “Хусрав” ва “шоҳ” деб улугланишилари сабаби Уларга узоқдан нигоҳ ташланиши туфайлидир).*

Шоир энди шоҳ ва фуқаро орасидаги фарқни чўпон ва қўйлар орасидаги каби абсолютлаштиrmайди:

قدر من از قدر تو گراند کیست خون من و تو بجراهت یکی است گر تو  
شوی رنجه ز آسیب خار چشم و دل بروپین مخار هرچه تو بر خویش نداری  
روا برگردی درد نباشد دوا  
در گفته غیر کرم پیش گیر در محل تیغ سر از خویش گیر

*(Агар сенинг ва менинг қадримиз орасида андек фарқ бўлса,  
Кесилган жойдан (оққанда кўрсанг) менинг ва  
сенинг қонимиз бир хилдир.*

*Агар ўзинг тикан кирганда ранж тортар экансан,  
Ўзганинг кўз ва кўнглини икки тиғли найза билан яралама.  
Ўзингга раво кўрмаган ҳар нарсани  
Ўзга дардига даво бўлади, деб ўйлама.  
Ўзгалар гуноҳига нисбатан карамли бўл,  
Тиф уриш маҳали келганда \ (ўзга бош ўрнига)  
ўз бошингни кўйиб кўр.*

*(Тиф тортиш маҳали келганда ўзингдан бошла!)*

Бу қатъий талаб ва ўз қадрини подшоҳ қадридан кам билмаслик - ҳақиқий мумтоз адабиёт намояндасига хос журъат эди!

Шоҳлар, султонлар, уларнинг аслзода хотинлари шоирнинг бошка асарларидағи эпизодик образлар орқали ҳам узлуксиз фош этилади. Айниқеа, “Ҳашт-бехишт”да уларнинг хилма-хил қилмишларидан кенг панорама тикланган. Шоҳ Баҳром, бешинчи қиссадаги таъмагир ва аҳмок подшоҳ каби мукаммал характерлардан ташқари эпизодик персонажлар - иккинчи қиссадаги меҳмоннавоз шоҳнинг онаси, еттинчи беҳиштдаги Яман шаҳзодаси

Ромнинг ўгай онаси, охирги қисса қаҳрамонининг аслзода хотнлари - барча маликалар - бекорчилик ва мақсадсиз тўкин турмуш натижасида фаҳш ва разолатга бериладилар, ўз эрларига хиёнат қилиш билан бирга сирларини билиб олганларга қарши жиноятга боришдан ҳам қайтмайдилар.

Бундай шоҳ ва малика типлари умри турли ҳукмдорлар саройида ўтган шоириңг объектив воқелик фактларига таяниб яратган реалистик йўнаишдаги умумлашма характерларидир. Ушбу умумлашма типлар моҳият жиҳатидан Муизиддин, Хусрав, Алоуддин Хилжи, Баҳром Гўр, Хусравхон – Тўғлукнома қаҳрамони) каби индивидуал ижтимоий характерлардан моҳиятига кўра фарқ қилмайди ва улар маълум маънода бир-бирини тўлдиради.

“Матлаъ ул-анвор”да кенг ўрин олган иккинчи умумлашма ижтимоий тип - тасаввуф шайхлари, зоҳид-суфийлар, уламолар, авлиёлар, пайғамбарлар ва уларнинг яқин саҳобалари бўлиб, буларга нисбатан шоир позицияси анча мураккабдир. Маълумки, саройга нисбатан оппозицияда Амир Хусрав асосан Низомиддин Авлиё ва унинг даврасига таянар эди. Шундай экан, айниқса, “Маҳзан ул-асрор”даги машҳур бир қатор ҳикоятларда пайғамбарлар, авлиёлар тасаввуф шайхлари ҳаётидан ибратли эпизодлар (афсоналар) келтирилиб, улар ахлоқий намуна сифатида берилади. Масалан, Мусо алайҳиссаломнинг баланд ҳимматлилиги, Иброҳим Адҳамнинг камсуханлиги, авлиё Шиблининг “тарк” сўзига муносабати, ҳазрат Алиниң мажусий баҳодир билан жанги, Исо алайҳиссалом ва бадхулқ киши ҳикоятлари шулар жумласидандир. Бунда ушбу тарихий ва афсонавий дин арбобларининг тури ижобий хислатлари тегишли мақолатдаги ахлоқ-одоб қоидалари ва анъаналарига мисол сифатида берилади. Албатта, ўша давр учун мутлақ обрў соҳиби ҳисобланган бу шахслар ҳақида ҳеч бир кипи танқидий мулоҳаза билдиришига ўзи имкон мавжуд эмас эда. Аммо Дехлавий ўз бадиий тафаккур принципига имкон дараҷасида содик қолиб ҳазрат Али билан курашга киришган мажусий баҳодирнинг ҳам киёфасини объектив акс эттириб, унинг мард ва магруригини кўрсатувчи фактни келтиради. Ҳикоя қилинишича, ҳазрат Алидан енгила бошлаб ушнг тагига тушиб қолган мажусий паҳлавон тап тортмай, душманининг юзига туфлаб юборади. Шу мардлиги уни Али билан тенглаштириб қўйган.

Булардан ташқари яна бир қатор ҳикоятлар мавжудки, уларда зоҳидлар ва суфий шайхларининг умумлашма қиёфалари бирор тарихий шахс билан боғиқ бўлмаган ҳолда гавдалантирилади.

Бундай ҳикоятлар шоирнинг бошка асарларида ҳам (масалан, "Тўққиз осмон қабати"да) учрайди. Бу хилдаги ҳикоятларда энди шоир ўзини эркинроқ ҳис қиласи. Уларнинг баъзилари асосан ижобий (масалан, суфий шайхи ва тиканак ҳикояти) талқин қилиниши мумкин бўлса, баъзилари нейтрал характерга эга (масалан, зоҳид ва Хизр сұхбатидаги каби), баъзиларида шоир истехзоси шундок билиниб туради (масалан, қария ва лоларух соҳибжамол, Лайлутулқадрда ухлаб колган зоҳид ҳақидаги ҳикоят, "Нұх сипеҳр" достонидаги зиёратчи чол ҳикояти ва бошқалар). Аммо шоирнинг таркидунёчи дарвешларга муносабати "Матлаъ уланвор"нинг 19-мақолати сўнггида берилган аллегорик ҳикояти – "Хирқа кийган тулкилар сұхбати"да яққол аён бўлиб қолган; 19-мақолат мавзуи фалак гардишидан шикоят ва ҳаётдан кўз юмган дўст-кариндошларни йўқлаш борасидадир. Унда шоир хаёли ўз ёшлиқ чоғларини, у ширин дамларни бирга ўтказган дўстлар хотирасини йўқлади. Ёшлиқдаги дўстлар билан серзавқ сұхбатлар энди унга "боқий умр" бўлиб туюлади, энди висол кунлари ўтди, хиирон туни тобора якинлашмокда, "боқий умр" ("рўзибақо") поёнига етмоқда, деб афсус чекади шоир. Гарчи у вафот этган дўстларига етишиш учун ўлимига рози бўлса-да, "нариги дунёда" улар билан юз кўришишига унчалик ишонавермайди. "Тирик тирик билан кўришиши даргумону, кетганлар кўришадими? Улар тамом жудолик саҳросига чодир қурганлар. Фақат агар тупрогимиз тупрогимизга қоришиб кетишини айтмаса".

Боб охиридаги ҳикоят ҳам нариги дунёдаги висолга истехзо руҳида ёзилган. Икки қопқонга тушган тулки ўз чиройи терилари касофатидан • балога дучор бўлганларини гапириб туришганда, сув ичишга кетган овчи қайтиб қолади. Хирқа кийган тулкилар абадий жудолик олдидан хайрлашар экан, бирининг энди висол бизга насиб бўлармикан, деган орзусига иккинчиси –

رفت چو صحبت ز ولايت برون  
ما و فرافقى ز نهايىت برون  
ور هوس وصل بود سينه سوز  
و عده بدکانچه موئينه دوز

(Агар сұхбат 0у диёрдан ташқари чиқар экан,  
(Яньи, “нариги дунё” ҳақида гагшрсак)  
Бизу ниҳояси йўқ фироқ (олдимиздадир).

Агар висол ҳаваси кўксингни куйдирса,  
Мўйнадўзнинг дўкончасида (учрашамиз деб)  
ваъдалашсак бўлади) –  
деб жавоб қиласди.

Бу ҳикоят сюжети Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ уттайр” достонидаги бир ҳикоят билан мос келади

### ҲҚАЙИТ МҚАЛМЕ ДО РОВАҲ БА ЙКДИГ҆Р

Ан до рове چон بهм һембр шднд бен بعضىت جفت یکديگر شдند  
خسروی در دست شد یا یوزوباز این دو روبه را رصم افکند باز  
ماده پرسید ز نر کی رخنه جوی ما کجا با هم رسیم آخر بگوی  
گفت اگر مارا بود از عمر بھر در دکان پوستین دوز آن شهر

(Ул икки тулки бир-бирини билан қушишиб,  
Ишратда бир-бирига жуфт бўлишиб туришганди.  
Бир ҳукмдор даштга ўз ов итлари ва қушлари билан келиб қолди,  
Бу икки тулкини домга илинтириди,  
Тулкиларнинг модаси эркагига савол қилиб деди=ки,  
Эй раҳна қидиувчи,  
Биз энди қаерда бир-бириизга етишамиз, жавоб бер.  
Айтди=ки, агар бизнинг умримиздан наф бўлса,  
Энди шаҳар пўстиндўзининг дўконида кўришсак керак.)

Бу икки ҳикоятни солиштириш шуни кўрсатади=ки, Амир Хусрав  
Деҳлавий тулкилар аллегорияси орқали ўзининг нариги дунё, ўлим-  
дан сўнгги “боқий висол” ҳақидаги тушунчаларга истеҳзоли муносабатини билдирган ва бунда худди “ҳақиқат тариқи”нинг етакчи  
намояндаси Аттор ижодига мурожаат қилиб, ундаги ҳикоятни янги-  
ча маъно бериб жаранглашга мажбур этган. Буни ҳикоят номидан  
(яньи “Хирқа кийган тулкилар”) ҳам билса бўлади. Аммо шоирнинг  
энг нафратига учраган тоифалар бу “олими тазвирий” (риёкор ула-  
мо) ва “ҳокими таҳририй” (озод қилинган қулдан чиқсан ҳукмдор)-  
дир. “Олими тазвирий” ва “ҳокими таҳририй” - шу икки тоифа бар-  
ча тоифалардан ҳам кўра бадкирдорроқ, хиёнаткорроқ, деб ҳисоб-  
лайди Амир Хусрав. Илм ташвиқига бағишлиланган иккинчи маколат-  
да шоир бу икки тоифани жуда шафқатсиз танқид қиласди.

Илмни эзгуликка, савоб ишларга қўллаш кераклигини қаттиқ таъкидлаб, ўз билим ва тажрибасини золимларни оқлаш, улар қилиб турган манфур ишларга фатво топиш учун сарф этган уламоларга бутун заҳрини сочади. Бундайлар бойлик ва шох инъомларига умид боғлаб -

(Бир ситамгар амир фойдаси учун  
Юз дарвеш ҳаққига хиёнат қиласидилар,  
Золимлар зулмини хаспўшлаб,  
Пайғамбарларга иснод, зулмкорга масхара бўладилар.  
Шоҳнинг бетаъсир гапларини Нўймон нафаси деб  
таърифлайдилар,  
Хукмдор куфрининг номини "имон" қўядилар.  
Ва шоҳнинг барча қилган тутуруқсиз ишлари  
Уларнинг (яъни, ҳайбаркаллачи уламоларнинг) фатвоси  
билингандир.  
У халқ молини хазинасига жойлайди,  
Улар барчаси (бир оғиздан) (бу ғасб этилган молларни)  
ҳалол ва пок деб эълон қиласидилар,  
Бу жаҳл (яъни "жаҳолат") фанида улар барчаси яктандирлар.  
Улар "нифоқ" (ўзаро низо, адоват) номини  
Умар адолати ("халифа Умарнинг адолатпарварлиги")  
деб атайдилар.)

Ҳақиқий илм кишиси шоҳни тўғри йўлга - адолат ва инсоф йўлига бошламоги лозим, дейди шоир. Мақолат охирида келтирилган шоҳ саройида хизмат қилган аллома ҳақидаги ҳикоят ҳам шоирнинг юқоридаги сўзларини қувватлашга мўлжалланган. Шоҳ ўлимидан кейин “нариги дунёда” роҳат-фароғатда, аллома эса дўзах ўтларида куяди. Сабаби - шоҳ алломани саройида иззат қилиб сақлагани савобига қолган, аллома эса шоҳга хизмат қилгани учун азоб тортмоқда.

Шоир суфийлар ва суфийлик тариқатининг шарт-шароити ҳақида баҳс этувчи олтинчи мақолатида ҳам асосий диққатни суфийлик хирқасини таъма ва текин бойлик орттириш мақсадида кийгувчиларни фоп этишга қаратади. Сен зоҳид бўлсанг, бунинг эвазига одамлардан бирор нарса умидвор бўлма, дейди у. Ушбу бобдаги шоир мулоҳаза ва ташбеҳлари руҳидан риёкор суфий шайхларининг икки умумлашма типи ёрқин намоён бўлади. Буларнинг биринчиси

"майхўр сүфий"лар. Шоир бир кўлида тасбиҳ ва бир кўлида май тутувчи риёкорларга ўзининг бутун нафратини изҳор қилиб, майхўр сүфий агар ҳар сўзи мўъжиза бўлганда ҳам унинг илоҳий важду ҳоли пуч хаёлдан ўзга нарса эмасдир, дейди. Май тиник ва чараклаб тургани билан чехрамни пок қилади деб ўйлама. Шайтон ойнасида имон кўринармиди, деб хитоб қилади Амир Хусрав.

Иккитчи тип "зарпараст шайхлар" типи бўлиб - бу тип шоир ўтиборини, айниқса, каттиқ жалб қилади. У заҳарли истеҳзо билан шундай хитоб қилади:

"Эвоҳ, ушбу риёкор тоифа дастидан! Уларнинг этаклари қисқа ва кўллари узундир (яъни шарм-ҳаёлари йўқ ва таъмагирликлари ортиқдир). Даъволари фақр (яъни дунё лаззатларидан кечиб фақирликда яшаш), аммо килмишилари зар кетидан қувшидир. Агар фақр қоидаси шу бўлса, савдогарчилик қандай бўлади. Бундай хирсу таъмага берилган "савдогар" тақвадорлардан, ҳалол ўйновчи қиморвоз "ринд" минг марта афзал. Бу каби "зарпараст шайхлар" ўзларини яна иккшозламачиқ билан (وئى) худопараст қилиб кўрсатмоқчи бўладилар".

Шундай қилиб, шоирнинг тасаввуф шайхларига муносабати бир хил эмас. Унинг асарларида бу ижтимоий тоифанинг турли типлари гавдаланади. Уларнинг салбий кутбидаги саройда обрў-эътибор ва зар эвазига "хукмдор куфрини "имон" атагувчи" зарпараст шайхлар жой олгац бўлса, ижобий кутбидаги ўз ҳалол меҳнати билан топган бир бурда арпа нонини шоҳга қуллук қилиш эвазига ундирилган беҳисоб инъомлардан ошиқ кўргувчи маънавий баркамол мутасаввуфлар туради. Шоир шундайларни кўзда тутиб

مرد به پشمینه درون کم مدان  
کوست جهانی ته موئی نهان

(Жун жанда ёпинган эр кишини кам билма

Бу жун (жанда) остида бутун бир жаҳон яшириндир) –

дейди. Уларнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо бериш керак эмас, инсоннинг буюклиги у билан сухбатга киришганда билинади. Юлдузлар ҳам (узокдан) кўзингга кичик кўринади, ўз жойида ҳар бири бир (алоҳида) оламдир. Қаноат ҳақидаги еттинчи мақолат охирида берилган ҳикоятда шоир ана шу типдаги ҳақиқий эътиқодли донишманд қиёфасини чизади.

Гүшанишинликни ихтиёр қилиб, төгү-тошларда гиёхлар билан тамадди қилиб юрган ушбу қаноатли қарияга ўз аёнлари билан шу атрофда ов қилиб юрган шоҳ дуч келиб ундан ҳол сўрайди. Шоҳ аёнларидан бири чолга ўзича “акл ўргатмоқчи” бўлиб айтадики, агар сен шоҳ камарига қўл узатсанг (шоҳ камарида овда отилган қуш ва ҳайвонлар осилган бўлади, бу ўринда “шоҳ саҳоватига сигинсанг” деган маъно бор), бу гиёхлар билан кун кечиришдан қутулган бўлардинг.

Донишманд чол унинг сўзларига истеҳзоли кулиб, жавоб қиласиди:

...کای شده بازیچه دست نیاز  
گر تو قناعت بگیا کرده بندگی شاه چرا کرده  
هر که بسهی ز جهان شاد گشت همچو من از بندگی آزاد گشت  
وانک طلب کرد حلاوت بکام ماند چو تو همچو خودیرا غلام

(- Эй ўзга саховатига кўз тикиб қўғирчоққа айланган!

Агар сен гиёҳ билан қаноат қилганингда эди,

Шоҳга мутеъ бўлиб қолмаган бўлардинг.

Ҳар ким осонлик билан жаҳондан шод бўлар экан,

Мен каби (шоҳга) мутеъликдан озоддир.

Ва ҳар кимки ҳузур-ҳаловат талабида бўлса,

Сен каби ўз тенгига кул бўлиб қолади.)

Бу жавобдан маълум бўладики, шоирнинг мақсади гўшанишинликни (Оллоҳга таваккал қилиб осмондан ўз ризқини кутиб ўтиришни) ташвиқ қилиш эмас, балки мустақил ҳалол меҳнатни золимлар хизматини қилиб бойлик ва шон-шуҳрат орттиришга қарши кўйишидир.

Шоир ҳукмдорларнинг умумлашма реалистик типини гавдалантирасар экан, уларни воқеликда мавжуд жамиятдан ажralган ҳолдаги танҳо ёвуз шахслар сифатида олмайди, балки бутун бир поғанадор таянч тизимиға эга бўлган ижтимоий кудрат сифатида кўрсатади. Амир Хусрав айтадики, аввало шоҳнинг ўзи узоқдан олам покиги бўиб кўрингани билан атрофдагилар учун бало-қазодир. Аммо агар тождор мабодо оқил ва доно бўлганда ҳам унинг иш юритувчи амалдорлари ноинсоф бўлса, унинг яхшилигини ҳам ёмоникка айлантирадилар. Шоир тасвирига кўра, сарой аҳли ва давлат амалдорларининг фикри-зикри пул йиғиши, бойлик орттиришидир, бу йўлда

улар ҳарқандай жиноятдан ҳам қайтмайдилар. Шоир заҳарли сўз ўйини қилиб “девон” - яъни шоҳ канцеляриясини “девлар макони” деб атайди. Мана шоирнинг ўз сатрлари:

خواجه که دامن به کنایت کشد پیرهن از ولايت کشد  
گربه که شد عطسه شیر ژيان زو نر هد طوطی الحمد خوان  
تا کف دستور در انگيزش است نوک قلم نشر خونريزش است  
اشکره را از پی چرز و کلنگ هست چو آويزش قصاب چنگ  
آنک مرادش درم الفختن است پیشه او سوختن و سوختن است  
شغل سليمان چو بدیوان رسد ز آدمیان ناله به کیوان رسد

(Хожа агар инсоф билан иш юритганда ҳам  
Вилоятдаги мўйсафиднинг кўйлагини ечиб олади.  
Мушук ваҳший шернинг акса уришидан дунёга келгани (учун),  
Ундан “алҳамду” ўқийдиган тўти (ҳам) қочиб кутила олмайди.  
Токи вазирнинг қўли қимирлаб турар экан,  
Қаламининг учи қон тўкувчи тиғдир.  
Шикор қушининг ўрдак ва турна овлаш учун  
Қассоб илгагидек чангллари бор.  
Кимники мақсади пул йиғиш бўлса,  
Унинг иши ўт қўйишу, азоблаш бўлади.  
Сулаймоннинг машғулоти девлар (“девон”)  
кўлига тушиб қолгандан кейин,  
Одамларнинг ноласи кўкка ўрлайди-да).

Амаддорлар кетидан шоир сарой мирзаларига ҳажв тигини санчади. Уларнинг бирор сатри росту-равшан ёзилмайди, ҳатто тўғри чизган чизиклари остида ҳам қанча қингирликлар ётади. Улар ҳакни ноҳак ва ўғрини тўғри қилиб кўрсатадилар. Бечора ҳалиқнинг уйини хароб қилган кимса улар тилида “қобииятлик” ва “шиҷан” аталади, агар бирор киши ҳақ тарафга бир қадам юрса номини ахмокқа чиқариб, устидан очиқ куладилар. Қаламни улар хиёнатта байроқ қилиб олишган, барчасининг ўғридек қўли кесиб ташланса, улар бу жазога тўлиқ сазовордирлар. Миршаб-посбонларни шикорчи кушларга ўхшатган шоир афсус билан “қанча пок қушиларнинг сийнаси улар чангалида ҳашакка айланди” дейди.

Ўн иккинчи мақолотдаги ғазот баҳонасида горатгарлик билан шуғулланувчи мақтанчоқ ва босқинчи саркардалар ҳам ушбу сил-силага мансубдир. Шоир дин йўлида жанг ниқоби остида босқин-

чиик сиёсатини ўтказиш, мазлумлар қонини тўкишни қатъяян қоралаб, давр ҳукмдорларининг ушбу сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланувчи “ғозий”ларга сатира тигини санчид олади:

غازى رسمى كە بغارت دود  
ھست چو حاجى كە تجارت رود  
چون ز حج آنسوست تجار تگەش  
كعبە طفيلي بود اندر رەش

(Талончиик учун йўлга чиққан ғозий (газовотчи) нимаю,  
Савдогарчиик мақсадида ҳажга отланган ҳожи - нима!  
Агар савдо қилиш жойи ҳаждан нарида бўлса,  
Каъба унинг йўлида ортиқчалик қилиб қолади.)

Шоир عوان (яъни “мишаблар”, “юрт қўриқчилари”нинг)  
қиёфасини ҳам бир штрих билан аниқ чизиб боради:

گر نبود کن مکن خسروان  
خانه مظلوم بگیرد عوان

(Агар нима қилиш ва нима қилмаслик ҳақида ҳукмдорнинг  
(аниқ) кўрсатмаси бўлмаса,  
“Юрт қўриқчилари” мазлумларнинг уй-жойигача эгаллаб  
оладилар).

Ҳатто шоҳнинг мамлакат ичкарисидаги айғоқчилар тизими  
ҳам шоир назаридан четда қолмайди:

تا بسلیمان نرسد دور مور  
منهی کر باید و جاسوس کور

(Чумолининг (ҳар бир) ҳаракати (ҳақида хабар)  
Сулаймонга етиб бормаслиги учун,  
Хабарчи кар бўлмоғи керак ва воқеанавис кўр.)

Шундай қилиб, “Матлаъ ул-анвор” саҳифаларида шоҳлик салтанати бутун бир ҳукмронлик тизими сифатида намоён бўлади. Бу асосан зулм ва талончиикка қурилган тизимнинг зидди сифатида эса ҳалол ва озод меҳнат билан кун кўришга интилевчи меҳнаткашнинг умумлашма типи гавдаланади. Бу ҳақиқий инсон қиёфаси достоннинг деярли ҳар бир мақолатида яққол кўриниб туради. У нафақат ўзи ва оиласи ҳақида, балки бутун инсоният ҳақида амалий ғамхўрлик қиласи.

багишлиңган биринчи бобдаёқ фақат ўзини ўйловчи, ўз гунохларини ташқи ҳашамат билан хаспўшлашга уринувчи дунёпараст ва худбинларни кескин қоралаб, шундай хитоб қиласди:

چند چو طاؤس پر آراستن و رجل زربفت خر آراستن  
کار نه پوشیدن حال خودست پوشش بیگانه جمال خود است  
آنک دلش راست ز همت لباس شد سرنش خلق پست

(Товус каби ўз патига оро бериш қачонгача?  
Эшакни зарбоф тўқим билан ясатиш қачонгача?..  
Ўз ҳолини (зарбоф либос билан) хаспўшлаш иш эмас,  
Ўзгани кийинтириш инсон учун (ҳақиқий) ҳусндири.  
Кимники дили ҳиммат либосига чулғанган экан,  
Ўзи кигиз ёпинса ҳам ўзгага кимхоб ато этади.  
Барча зебу зийнатни ўз елкасига илиб олган зиқна инсон,  
Халқ сазойисидан (нафратидан) боши ҳамдир.)

Шоир ҳақиқий моддий бойлик яратувчиларнинг қиёфаси ҳақида аниқ тасаввур бериш учун пилла қуртини мисол келтиради:

آدمی است از پی کاری بزرگ  
گر نکند اینست حماری بزرگ

(Гиёҳ баргини еб кун кечиравчи пилла қурти  
Кўр-ки, ўзи яланғоч қолиб, бутун иқлимини кийинтиради.)  
Шоир инсонга шундай муайян таъриф беради:

*Одами аст аз пайи кори бузург,  
Гар накунад ин-ст ҳимори бузург.*

(Инсон бирор меҳнат билан машғул бўлгани учун улуғдир,  
Агар (меҳнат) қилмас экан, у катта бир ёввойи эшакдир.)

Шу билан бирга Амир Хусрав меҳнатни абстракт тушунмайди. У таъкидлаб айтадики, ҳар бир хунар эгаси ўз ишига моҳир бўлмоғи керак. “*Агар табиб қўли ниши урганда қалтираса, бу эҳтиётсизлиги билан у бемор умрига зомин бўлади, агар дорбоз арқон устида оёғи маҳкам турмаса, у жар устидан қай юрак билан ўта олади?*”

Биринчи мақолатда меҳнаткаш ва ҳимматли инсонни улуғлаган шоир иккинчи мақолатда уни илм олишга ташвиқ қиласди:

چون نبود مرد بداش عزيز

## گاو بود خр مگس گاو و نیز

(Инсон илми билан агар азиз бўлмаса,  
У - мол, балки мол пашшаси билан тенгдир).

Шоир инсонни ҳаракатсизликка эмас, фаолликка чорлайди, аммо бу фаоллик инсонларга яхшилик келтириш йўлида турли худбинона ғаразлардан пок бўлмоғи керак:

Мардех не даст بکارى بىزنى در منگر بسته تو بارى بىزنى...

در عملى کوش که پاکى بود کوشش ناپاک هلاکى بود...

نيکونئى آموز بېھى ناكسى زانك بدى هست خود ارا بسى

(Мурда эмассан-ку, тур, бир ишга қўл ур!

Эшик берк экан деб ўтирма, яна бир марта тақиллат!..

Шундай фаолиятга ўзингни бағишлаки, поклик келтирсин,

Нопок интилишлар ҳалокатга олиб боради...

Ҳар ёмонга яхшилиқдан таълим бер,

Бор ёмонлиги ўзи унга етарлидир.)

Шоир еттинчи мақолатда қаноат ҳақида мулоҳаза юритар акан, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бойлик орттириш йўлида ўзини ўтга-чўқقا урувчиларни қаттиқ қоралайди. Аммо у таъкид этадики, тек ўтирган билан ҳам нонинг ҳалол бўлмайди, ранж тортиб эришилган нон ҳалолдир:

پاک نیابد آسوده حال  
رنج کشانر است مسلم حلال  
تیره تر آن خانه که گنجش فزون  
پاکتر آن لقمه که رنجش فزون

(Тинч ўтириб покликка эришиб бўлмайди,  
Захмат чекканларнинг (топганигина) тўла-тўқис ҳалолдир.  
Ҳарқанча хазина билан тўлган бўлса хона шунча қоронғудир,  
Луқма қанча кўп заҳмат тортиб етишилган бўлса,  
шунчалик ҳалолроқдир.)

Шоир ҳақиқий меҳнаткашнинг иш қуролини шоҳнинг бос-қинчилик воситаси бўлмиш қиличига қарши кўяди:

سوزن درزى بدو دانگ سیاه  
هست به از تیغ درم گیر شاه

(Ямоқчининг икки қора чақага арзигулик игнаси  
Шоҳнинг хазина ундирувчи шамиширидан аълодир).

Шоир учун идеал инсон образи меҳнаткаш образидан айру эмасдир. Унинг эътиқодича, инсоннинг инсонлигини белгиловчи асосий аломатлардан бири кўнгилдир, кўнгил эса фақат унда ишқ олови ловуллаб тургандагина ҳаётдир. Ишқ бамисоли инсон қалбидаги нурли чироқдир.

زندگی دل چه بود سوز و داغ  
مرده بود هر که نسوزد چراخ

(Куюниш ва дард чекиш дилнинг ҳаёт (усулидар),  
Агар чироқ ёнмас (куймас) экан, у ўчган (яъни ўлик)дир.

Тил учида “*ишиқ*”ни ҳар ким ҳам даъво қиласди, сен уни ҳақиқий дард чекканлардан сўра, улар кўнгли юмшоқ ва ўзга дардини тушунувчан бўладилар, ёниқ қалбли кишилар меҳр сочувчи бўладилар (“*мардуми пурсўз бувад меҳрпош*”), дейди шоир. Жумладан, гўзал чехраларга пок назар билан қараш ва ундан завқланиш ҳақиқий инсонларга хос нарсадир, инсон кўзи очиқ экан, нега энда гўзаликдан баҳраманд бўлмасин, деб хитоб қиласди шоир. Дўстик одобини ёд олиш, чин дўстлар орттириб, уларга абадий содик бўлиш ҳам ҳақиқий инсонга хос хусусиятдир. Дўстларга яхшиик қилганда ҳам, энг бечорасига кўпроқ ўзни яқин тутиш керак. Ҳақиқий инсон фарзандларини тарбиялашга ҳам катта аҳамият беради, у биринчи навбатда ўз фарзандини текинттомоқлика ӯргатмаслиги, ҳаёт қийинчиликларини англаб тушуниб бориш ва уларни сабр-матонат билан енгиб бориш руҳида тарбияламоғи керак. Шоир саҳоват ҳақида гапирганда ҳам бу тушунчани кенг маънода, умумгуманистик йўналишда шарҳлайди. Унинг назарида асл саховат, ҳозирги тил билан айтганда, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишдир.

Шоир кўнгилозорикни қоралар экан, таъкидлаб кўрсатадики, олийжаноб кишилар ғазабнок бўлмайдилар. Инсон гўзалиги унинг ташки хуснида эмас, яхши хулқидадир, усти басавлат ва ичи қингир кишилардан кўра, қора танли ва оқ кўнгилли инсонлар аъло. Асл ҳунар аҳли ўз кучига яраша ўзгаларга фойда етказишга ҳаракат қиласди, деб қайта-қайта таъкидлайди Амир Хусрав.

Бу кўхна дунёда сен ўз фойдангни эмас, ўзга инсонлар фойдасини кўзла, агар нафсинг бунга монеълик қилмоқчи бўлса, сен унинг ўзига манъ эт. Олийианоб одам ҳарқанча зулм чекса ҳам ўзгаларга яхшилик килишни ўйлайди, дейди шоир.

Демак, Амир Хусрав Дехлавий ўрта асрларда урф бўлган ва ўша давр ижтимоий воқелиги хусусиятларидан келиб чикувчи ахлоқ-одоб қоидаларини қайта талқин қилиб, улардан мажозий фойдаланишга уринади, ишқ ҳам саҳоват ҳам, қаноат ҳам унинг талқинида ахлоқий тушунчалардан ижтимоий тушунчаларга айланниб кетади ва шоир орзу қилган ҳақиқий инсон қиёфасини мукаммал тасаввур этишга ёрдам беради.

Кейинги мақолатлардаги баҳор айёми ва ёшлиқ, дўстлар даврасидаги ширин сұхбатлар - бу шоир орзусидаги ҳақиқий инсонларнинг яшаш услубидан дарак берувчи тасвиirlардир. Инсон ўз умрининг ҳар фаслида ўз ёшига мос ҳолда ҳаёт кечириш тартибини ташкил этиши лозим. Аммо ҳеч бир даврда ғафлатга берилмаслик лозим. Бу беш кунлик дунёда умрини бекорчилик билан ёки фақат ўз қорнини тўлдириш ташвиши билан, ёки қуруқ савлат тўкиб юриш билан ўtkазиб юбормаслик керак:

ما نه بد هزار پی مال آمدیم کز پی تحصیل کمال آمدیم  
هر که ازین شهر کمالی نبود غره شدش سلح و جمالی نبرد...

(Биз бу дунёга мол-дунё (йигиш) учун келмадик,  
Камолот касб этиш учун келдик,  
Ҳар кимки, бу диёрдан (бирор соҳада) камолотга  
эришмай кетар экан,  
Ой бошидаги кемтиклиги ой охиридаги кемтиклигига  
алмашади-ю,  
Тўлин ойга айланмаганича ўтиб кетаберади...)

Шоир ўзи ҳам баъзан камолот йўлини сўфийлик тариқати тарзида талқин этишга мойиллик кўрсатади. Аммо мажоз тариқи намояндалари учун суфийлик тариқатининг ўзи мажозий маънога эга эди. Унинг асл мазмуни эса инсонни ҳаракатчанликка, атрофдаги инсонлар оғирини енгил қилиш, дилида барча инсониятга меҳр ёлқинини сўндиrmай тутишга тарғиб қилишдан иборат эди.

Агар инсон ишга тезфаҳмлик билан киришса, ҳар сирни очишга минг бир йўл топади, агар сустмижоз бўлса, аввало унинг шу дардига даъво топиш керак, дейди шоир. Мард киши меҳнатда кўл қабартади, Кимки доим ўз қорни парваришини ўйлар экан, қорни ичига назар солсин-чи, унинг топинган худоси нимадан иборат экан, заҳарханда қиласи Амир Хусрав.

Демак, шоирнинг ҳақиқий комил инсон ҳақидаги тасаввури меҳнаткаш, факат ўз манфаатини ўйламай, ўзга инсонларга реал наф етказувчи, ижтимоий яратувчилик фаолияти билан астойдил шугулланувчи, доимо билимларини ошириб боришга ҳаракат қилувчи, кўнглида жами инсонларга меҳр алангаси уфуриб турган, доимо ҳар томонлама камолотга эришиш учун ҳаракат қилувчи, бу дунё гўзаликларидан завқланиш ва ҳайратланишга қобил, оқ кўнгилли, ростгуй, иккиюзламачиликни билмайдиган, замон ҳукмдорларига таъма билан қуллук қилишдан хазар қилувчи инсон, ўз фарзандларини ҳалол ва меҳнаткаш қилиб тарбиялагувчи, ҳалол меҳнат билан топилган луқма билан боқувчи ота, вафодор ёр, садоқатли дўст, ҳимматли эр киши экан. Аммо реал воқелик тазйики остида, шоирнинг фаолият имкони, таянч кучлари, муайян ижтимоий, сиёсий, маънавий муҳит таъсирида бу орзу, биринчидан, қисман адабий-гоявий анъанага суюниш заруратидан, қисман юқоридаги объектив реаллик тақозосидан келиб чиқиб маъкозий йўсинда - эски тушунчаларга янгича маъно бериш воситасида яралган бўлса, иккинчи жиҳатдан, давр имкониятларининг чекланганлиги шоир дунёқарашига ҳам таъсир ўтказиб, қобиқ қолдиқлари ҳам юқоридаги идеал инсон қиёфасини ёрқин тасаввур этишга бирмунча халақит беради. Содда қилиб айтганда, шоир ижодида биз англаб олган янги тизим мукаммал эмас ва ҳануз эски тизимнинг парча-пурча қолдиқлари тозалаб олинмагани учун оёқ остида ўралашиб китобхон нигоҳини чалғитиб туради.

Шунинг учун Алишер Навоий каби зукко китобхон ва издошлиаргина Амир Хусрав қаҳрамонининг ҳақиқий қиёфасини мукаммал тасаввур қила олди ва ундан янги холосалар чиқариб, уни янада баркамол даражада бадиий акс эттириб берди.

“Матлаъ ул-анвор”да ҳақиқий инсон умумлашма характеристига ўзид яна бир тип борки, у ҳақида ҳам бироз тасаввур бериб ўтмоқ позим туюлади. Бу тип кўпинча савдогар қиёфасида, баъзан судхўр, баъзан саройда ҳукмдорларга ялтоқланиб кун ўтказувчи аён сифатида намоён бўлади. Аммо ҳали бу қиёфанинг ижтимоий статуси ҳаётда унчалик муайян бўлмагани учун, шоир сатрларида ҳам кўшинча муайянлик касб этмайди. Бу характеристикинг асосий хусусиятларидан биринчиси дангасаликдир, аникроғи маънавий дангасаликдир. “Эй гўлаҳ пашиаси, қачонгача гафлатга ботиб ётасан... Тур ўрнингдан!..” деб “дастури иноят” шоирнинг ўзига

мурожаат этар экан, биз биринчи бор ушбу қиёфани тасаввур эта бошлаймиз. Дунё моҳиятини сезмагувчи калтабинлардан узоқроқ юриш маслаҳати яна бизга шу қиёфани эслатади. “Кўз қисқалиги” (яъни калтабинлик) ва “қулоқ узунлиги” (яъни эшак сингари бефаҳмлик) бир нарсадир, дейди шоир. “Пашша кўзи узоқни кўраолмаганигидан иширинликни ахлатдан фарқ қила олмайди”. Бундай кишилар ўта худбин ва манфаатпараст бўладилар. “Эй, дили чумоли кўзидан ҳам тор бўлган киши, шу тор кўзинга ҳирс бир шўр денгиз каби жойлашибдир”, дейди шоир. Бундаи кишилар фақат ўзини ўйлайди, ўз гуноҳларини ташки ҳашамат билан хаспўшлашга уринади. Иккинчи бобни шоир –

ای زخرد خیمه فراتر زده مهر جهالت بدھان برزده  
فارغ از آن فن که ره مردم است گم شده در بادیه کان گم است  
از مدد علم فراغیت نه در شب تاریک چراغیت نه ...

(“Эй ҳаёт чодирини ақлдан олис қурган,  
Лабларига жаҳолатдан муҳр босган бетавфикс!  
Инсонийлик тариқи — билим олишдан нари,  
Гумроҳлик сахросида ўзлигини йўқотган.  
Кўнглида осойиш йўқ илмнинг мададидан,  
Чирогсиз тентираған қоронғу кечаларда...”)

деб бошлар экан, яна ўша умумлашма салбий инсон типи кўз олдимизга келади. “Кимки йўлга чиқаёттиб, чироқ олмаса, у тунда чоҳга қулаши тайин”, дейди шоир ва илмсиз кишининг йўлини кўр каламушнинг ғалвир устидаги тентирашига қиёс қиласди. Шоир билим ва бойликни қиёслаб, билимсиз ва жоҳил киши юз хум тилласи босилиб ётганда ҳам гадо, балки гадодан ҳам паст ҳисобланмоғи керак, деб хулоса қиласди. Илм ва бойлик – ҳар иккиси бир кишида камдан-кам бўлади. Лекин олим одам егани овқати бўлмаса ҳам – олим, нодон агар Рум ва Шом сultonи бўлса ҳам – нодон.

Шоир илмни инсонни Инсонга айлантирувчи энг асосий восита ҳисоблайди (“фан-ки раҳи мардум аст”). Илмнинг асосий фазилатларидан бири – одамни кибр ва амалпарастликдан қутқаришидир. Илм агар ўз-ўзини улуғлаш ва баланд мартабаларга поғона ҳисобланар экан, бу олим учун ўз имонини йўқотишнинг бошланишидир.

Шоир, айниқса, риёкорликни, илм олиб, амал қилмасликни, сұнда бир гапириб, амалда бошқа ишлар билан шуғулланишни айблайды. Буқаламунликни, түғри йүлни билиб туриб, нотүғри йүлға қадам босувчиларни ниҳоятда нафрат билан тилга олади.

У илмігә амал қилиш масаласига катта эътибор беради. Илмнің ғыгулиқса, савоб ишларга құллаш кераклигини қаттық таъкидлаб, үз билим ва тажрибасини золимларни оқлаш, улар қилиб турған манфур ишларга фатво бериш учун сарф этган уламоларга бутун қаҳрини сочади.

*“Илм нурдир, -дейди шоир, - уни зулматга буркاما Илмни фойда оламан деб ахтараётган бұлсанг, ундан аввал бошданоқ құл ювиб құяқол”*. Бундай инсонларнинг энг асосий күнгилхушланш усули май ва шаҳватта берилишидір. Май ичиш ҳар ёмонникнинг бошидір, дейди шоир, агар ёмон үзи май ичса ундан бешбаттар. Ичкилик ва шаҳватпаратстлик онгни хирадаштиради, май ва шаҳват одамни оёқдан қолдиради, ифлослик ботқоғига енрек этади, деб огоҳлантиради шоир.

*“Бу қандай замонки, оҳ уради шоир, жаҳон аҳли бузуклик (“фисқ”) билан шараф топса! Эвоҳ, ушбу мусулмон қиёфали мажусустандардан бир эмас, юз бор, эвоҳ!”* Шоирнинг бу афсуси майхұр ва шаҳватпаратларнинг ижтимоий мавқеи юқори эканлигини яққол күрсатыб турипти. Шоир бойлик ва мол-дунёни, олтин-кумушларни “жийфа” (ҳаром қотган ва чириган ҳайвон мурдаси) ва “мазбала” (ахлатхона, халажкой) каби ифлос ва мурдор нарсаларга үшшатади. У бу дунё күнгил хушликларидан воз кечишга чакирғанда ҳам асосан майпаратстик ва бузукликни, мол-дунёга, зарга ҳирс күйишни құзда тутади, аслы инсоний түйғулар, оила, бола-чақа, дүст-биродар меҳридан юз үгиришни, ҳалол меҳнат, оддий тирикчиик эхтиёжларидан күнгил узишни тарғиб этмайды. Бу “Матлаъ ул-анвор” достонининг ҳар бир мақолати мазмунидан сезилиб туради. Қаноат деганда ҳалол меҳнатни тушунған шоир бадавлат кишининг, зар талабгорининг (“толиби зар”) бойлик орттириш йўлидаги сабр-тоқати қаноатта кирмайды, деб тушунтиради. Айниқса, бундайларнинг нафс йўлида ўзидан юқори мартабали хукмдорлар хузурида ёлтоқланиши шоирнинг қаттық ғазабини қўзғатади.

Бунинг сабабини ҳам у түғри изоҳлайды: “Кимки енгил кун ўтказишга ўрганиб қолган бўлса, ундаи кишиидан иззат-нафс узоқлашиши турған гап”,

Шоир “*тақдир ҳұкми*”, “*ризқ*” ҳақида гашрганда ҳам ундан пассивликка үндөс сифатида эмас, очқұзлик, хирс ва таъма, ортиқ-ча мол-дунё йиғиши дарди ва бахилликни қоралаш воситаси сифатида фойдаланади: “*Сенга ризқу рұзни яратувчи беришини билсанку, нега яна бекарор күнгилнинг гатига кириб хазина үтігасан!*” - деб таъна қиласы шоир. У бундай баҳил ва хасис мол-дунё кетидан кувгучиларга бутун нафратини түқади. Пуч хирсу ҳавас билан ташнақол бўлган бундай шахслар икки уммон мол-дунё билан ҳам тўймайди. “*Нақди туғуқлик ва оиқозони бўш, насия орқасидан югуриши – мана гирт аҳмоклик! Ошиқча мол устига яна ошиқча тўплаш ғамида намунча куюнасан! Сут ва майинг бўла туриб нега қон ютасан!*” (бу ўринда шоир нозик ва тиғдор сўз ўйини қишиб “*қон ютмоқ*” иборасини аввал бир маънода – “*ич-этини ейни*”, “*гам-ташивини чекиши*” маъноларида, сўнг иккинчи сўзма-сўз “*қон ичмоқ*”, “*қон сўрмоқ*” маъносида ишлатиб юборади). “*Сигир сонида ўрмалаган кана каби елинда сут туриб нега қон сўрасан?*” деб ўз ташбеҳларини қаҳрли хитоб билан тугатади шоир. Шоир кузатишлиари шу нарсани муайян этганки, бундай хасис ва дунёпараст тоифанинг саҳовати ҳам риёкорикдан ўзга нарса эмасдир. “*Ушибу замонда, – оҳ чекади шоир, – бирор күнгилга хурсандчик етказилини ниятидаги одамнинг ўзи йўқдир. Хасис ва золимлар, ҳаёт йўли афсус ва надоматга олиб келувчилар бу кунда эътиборлидирлар. Улар саҳоват пайти бир кулча нон учун паст кетадилар, кибру ҳаволари эса дунёга сизмайди. Кошки бирор парранда улардан зарра донга умид боғласа?!*”

Шоир инсонларни ўзгалар мулкига кўз олайтирмасикка, покликка тарғиб қиласы. У тушунтиради, ўзга моли аввал ширин тулюса ҳам, асли куйдирувчи оловдир, Мард киши ҳаромдан пархез қиласы. Олтин бу пашшанинг қаноти кабидир, ялтирагани билан хушҳазм нарса эмас. Аммо шу билан бирга мулкчилик табиатини умуминсоний нуқтаи назаридан Амир Хусрав гайри шуурий тўғри ҳис қиласы. “*Қачон очқұз молпараст қўлига тушган хазинани қайтариб берипти*” таъкидлайди у. Зарни у чирик мурдага, зарпарастларни мурдахўр қашқирларга қиёс қиласы. “*Эшаклар назидда, – заҳарли истехжо қиласы шоир, – устига энг кўп юк ортилган эшак энг баобрусида*”. “*Дили мол-дунё хирси билан кўр бўлган одам ҳаром қайси-ю, ҳалол қайси, еуришишириб ўтирамиди? Мокиён товук шитаха билан чўқишига тушганда олдида дон ҳам бир,*

иелит ҳам, – қайд этади нафрат билан Амир Хусрав.-Бундайлар халқ молини текин ўзлаштириши учун не ҳийлаларни ўйлаб топмайдилар, қынч ушибу усуллардан фақат биргинасиdir”.

Мана шундай ўринларда шоир бадиий тасаввурида биз таъриф этаёттган зардўст ва жоҳил инсонларнинг умумлашма типи юкорида тилга олинган ҳукмдор шоҳ ва сultonлар типи билан моҳияттан бирлашиб кетади ва асосий тазод яна сояпарвар сulton ва мол-дунё эгалари билан камбағал ва меҳнаткашлар ўртасида бўлиб қолади:

آنkeh بده توی کнд جبه ساز بفسرد از سردى خود چون پیاز  
وانکه برهنه است چو سیر از محن بگذردش هم بیکی پیرهن  
گل که بیر جامه به صد تو نهاد لرزه کند با تن نازک ز باد  
خار مغیلان که نه برگی دروست بس بودش جامه همان توی پوست  
شقه سلطان منگر زرناب جبه درویش نگر ز آفتاب

(Ўнта тўнни ичма-ич кийиб олган (киши)

Пиёз каби ўз совуқлигидан эти увишади.

Меҳнат-укубатдан тўйган ялангоч киши эса,

Бир кўйлак билан ҳам (саримсоқ каби) умрини ўтказа беради.

Устига қатма-қат юз либос кийган гул,

Сал шабадага ҳам тани нозиклигидан чайқалади.

Бироқ саҳро тиканаги устида барги йўқ бўлса-да,

Ўз (бир қават) пўсти ўзига етарлидир.

Сulton хильъатининг тоза кимхобдан (тўқилганига) қарама,

Дарвешнинг офтоб (нурларидан тўқилган) тўнини тамошо қил.)

Шоир зарпарастлар ва сultonларнинг бойлиги қаердан келганини яхши тушунади: “Амир буткул дехқоннинг буздойини ейди, экин-тикин етказувчи эса яна арпа кулчасига куни қолади”. У ўз панд-насиҳатларига ҳам ошиқча баҳо бермайди. “Зулм қачон панд-насиҳат билан барҳам топти? Сояни ердан ҳанжар билан қириб тозалаб бўлармиди? Кўзи тўймас золимлар дайди им каби гингшиб шегари чопгани чопган. Агар бирдам кўпроқ ўлимтик гажисалар тишлашга тайёр вахший бўрига айланадилар”.

Лекин шоир мардлик ва некбинликка ундаиди: “Ситамкор олдида белингни букма ва билки қутурган от узоқ яшамайди!”

Шоир ҳатто диний масалалардан сўз юритганда ҳам ижтимоий танқиддан чекинмайди:

دزد به محراب که تنها رود  
 از پی قدیل و مصلارود  
 گربه اگر خود حج اکبر کند  
 هم بحرم صید کبوتر کند  
 گر غرضت چربی خوشیست و بسی  
 آب خوش از تو نخورد هیچکس

(Үғри танҳо ўзи меҳроб сари юрган пайтида,  
 Қандил ва жойнамозни (үғирлаш) дардида боради.  
 Мушук агар “кatta ҳаж” (Каъбага ҳаж қилиш) сафариға  
 чиқса ҳам,  
 (Каъба) ҳарамида кабутар овлашни қўймайди).  
 Агар мақсадинг ўзингни семиртириш бўлса,  
 Сенинг қўлингдан бирор одам мазали сув ичмайди.)

Шоир турли касб ва тоифага оид кишиларни алоҳида ҳам таъриф этади. Савдогар, судхўр, солиқ йиғувчи ушбу умумий типнинг хусусий тоифаларидир. “Косибнинг қинғир ишига камбагачилик сабаб бўлиши мумкин, - дейди шоир, - лекин савдогарнинг хасислигига-чи?” У айниқса судхўрларни ўта нафрат билан тилга олади: “Албатта, ҳеч кимнинг пулсиз иши битмайди, аммо судхўрдан пасткаироқ инсон дунёда йўқ. Агар ким-ки, таъмагирлиги ошиб судхўрликкача борса, энди унинг умри зиён, фойда - харом қотгани”. Шоир ғоратгарлар учун ҳалқ дод-фарёди бир пул экани, ҳечқандай гап-сўз уларни ўз йўлидан қайтара олмаслигини қайта-қайта таъкидлайди: “Пок худованд олдида қўрқмаган киши одамларнинг сўзига парво қиласиди? Камҳосиларнинг дарду фарёди солиқ йиғувчи қулогига чанг назмасидек эшишилади. Кимки харомга юз тутган бўлса, у ўз қалби поклиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирумайди. Уларга ҳеч қандай чора таъсир қиласиди, олтин-кумуши занжисирига дили боғланган нокас, танасидаги занжисир оғирлигига парво қиласиди? Одам бўлса у бандга тушганига қайгуради-да, итни занжисирга боғласанг, у қайта сендан умидовор бўлади”.

Шоир чизган умумлашма салбий типнинг энг асосий хислатларидан бири ҳийлагарлик. Аммо шоир ҳийлагарлик оқибати “вой” бўлишига ишонади. Уларнинг одамгарчилиги ҳам вақтинчалик бўлиб иш охирида мақсади фитна экани маълум бўлади. Яна бир ушбу типга оид хусусият енгилтаклик ва ҳовлиқмалик.

Нундайлар доим ўзи билан ўзи овора бўлади, сал ғуборга ҳам осмонга кўтарилиб кета беради. Маълумки, бадавлат кишилар кўнлиб кул ва хизматкорларга эга эдилар. Ушбу қулларга муно-сабат ҳам шоир назаридан четда қолмайди. Хожаларга ўз қул ва хизматкорларига раҳм қилиш, бекорга уларга озор бермасликка, кулиниг ҳам одам жавҳаридан эканлигини унутмасликка чақиришдан бошлиган шоир сатрлари борган сари шиддат касб этади:

چند دوال ستم انداختن هندوی خودرا حبشی ساختن  
سوخته در گریه و تو سرزنى سخت نشیند چو گره تر زنى  
سوز بدلهای مشوش بود دود بجائیست که آتش بود  
عجز کسان منگر و با روی خویش خاک میفکن بترازوی خویش  
گر ملکی چون ستم آمد بکار بشه ز نمرود بر آرد دمارا  
کوزه کز و هست زمین دیرپای آه ضعیفانش ربا ید زپای

(Ситам қамчисини урмоқ қачонгача,  
Үз ҳиндуйингни ҳабашга айлантироқлик қачонгача?  
Үзин йиги билан куйиб турибти-ку, сен яна танбеҳ берасан,  
Тутунни ҳам агар ҳўллигига тутсанг қаттиқ тугилиб  
қолади (кейин ечиш қийин бўлади).  
Үзгалар ожизлиги ва ўз билак кучингга ошиқча ишонма,  
Хукмронман деб зулмни ҳаддан ошириб юбормагинки,  
Пашша Намруддан интиқом олиши ҳам мумкин!  
Тог ер юзида қанча устивор бўлмасин  
Заифлар оҳи уни ҳам жойидан қўзғота олади.)

Олдин ҳам учратганимиз заифлар оҳи билан хукмдорларни қўрқитиш халқ кучининг мажозий, билвосита ифодаси эди, мазлумлар оҳи осмонга, ўрлаб Оллоҳга етиб борса, тақдир золимни жазолаши мумкинлигига ишора эди. Аммо шоир ушбу сатрлар битилган боб охирида тўғридан-тўғри золимларни мазлумларнинг қуролли қаршилиги эҳтимоли (яъни қўзғолон) билан қўрқитади:

ای که همه تخم جفا کاشتی به که بماند محل آشتی  
تبیغ که بی ریزش خون کم بود بی سپرانرا سپری هم بود  
سوزن اگر در خله دارد رهی خار ز گا هم کشد آخر گھی

(Эй, буткул жафо тухмини экувчи,  
Ярашишга ҳам жой қолдирсанг маъкул бўларди.  
Килич, албатта, қон тўқмаслиги кам бўлади,

Бироқ баъзан қалқони йўқларга қалқон вазифасини баиариши ҳам мумкин.

Игна асосан тикиш учун яраса-да,  
Баъзан оёқдан тиканни чиқариш учун ҳам яраб қолади).

Игна ташбехи жуда чукур маъно ташиб келмоқда: меҳнаткашнинг меҳнат қуроли зарур ўринда золимга қарши яроғ хизматини ҳам ўташи мумкин.

Мардумозорлик ва хусумат яхши инсонларга хос хислат эмас, иттифоқлик ва ярашув ҳақиқий инсонлар мукосабатига хосдир. Кимки яхшиик йўлини тутса, одамларнинг ичида энг одамийси ўша, ким доим зўрлик ва яна зўрлик пайида бўлса, у инсонлар даврасидан узоқдир. Аммо реалист шоир айтади-ки, ёмон ўз ёмонлигини ҳам яхшилик тасаввур қиласди:

گرگ که نوش دل میش خون  
رنج دل میش چه داند که چون

(Қўйнинг кўксини (ёриб) қонини сўраётган бўри,  
Қўй дилининг азобини қаердан билади, қаердан?)

Бу сатрлар шоир ижтимоий тафаккурининг энг олий нуқтларидир.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Хусрав Дехлавий эпик ижодида икки типдаги характерларни – индивидуал ва умумлашма характерларни кузатиш мумкин. Буларнинг биринчи типи яхлит сюжетли достон ва қиссаларда учраса, иккинчи типи аввало ижтимоий-ахлоқий мавзудаги дидактик характерли достонларда гавдаланади ва биз юқорида “Матлаъ ул-анвор” асосида шоир яратган умумлашма характерларнинг асосий типларига тўхталиб ўтдик. Унинг яхлит сюжетли ёки “Ҳашит беҳишит” каби бир неча қиссадан иборат бошқа достонлари, “Нуҳ сипеҳр” каби тарихий маснавийларида ҳам бунга мисоллар йўқ эмас.

## 5. Мумтоз форс шеъриятида бадиий ижод тариқи муаммоси

Бугунги кунда “жсаҳон илми” деганда назарий жиҳатдан кўпроқ Европа минтақасида шаклланган илмий андазалар тасаввур этилмоқда. Аслида Ер юзининг турли минтақаларида минг йиллар давомида шаклланган турли минтақа маданиятлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро турли даражада ҳамкорликка киришган мустақил ва зал-

форин маданият тизимларини ҳосил қилган ва шунга яраша ўз мустакил илмий индазаларига эга бўлган. Масалан, бизнинг диёрда ёнишан қомусий алломаларимизнинг деярли барчалари шеърият билан ошно бўлиб, ё шеърий асарлар битганлар, ё шеърият назарияни оид рисолалар яратганлар. Буюк аждодларимиз ўз даврида адабиётшунослик фанини мустақил назарий тизим даражасига кўтарганинилари бугунги кунда энди ҳаммамизга аён бўлиб турипти.

Майлумки, адабиёт назариясига оид илмлар асосан **икки йўналишда** бўлиб, улардан биринчиси адабиётнинг шакли, яъни бадиий тасвир воситаларига оидdir. Жумладан, аruz илми, қофия илми, бадиий санъатлар назарияси (илми бадеъ), илми баён, илми маъоний ва ҳ.к. Мусулмон миңтақасида арабий, форсий ва туркий тилларда яратилган бадииятшуносликка оид асарларнинг аксарияти ушбу йўналишга оидdir. Адабиёт назариясининг **иккинчи муҳим йўналиши** бадиий адабиётнинг мазмуний жиҳати, яъни бадиий тафаккур қонун-қоидаларига алокадор бўлиб, **бадиий ижод тарниғи** (“метод”и) масаласи ушбу йўналишнинг бош мавзусидир. Бу йўналишда қимматли фикр билдирганлардан биринчиси муаллими соний Абу Наср Форобий бўлиб, унинг бадииятшунослик илми ривожига кўшган баракали ҳиссаси ҳақида “*Бадиий адабиёт спецификаси хусусида*”ги фаслда батафсил гапириб ўтилди. Ундан кейин Ибн Сино, Беруний, Мухаммад Авфий, Низомий Арузий Самарқандий ва бошқа қомусий алломаларимиз ўзларининг турли асарларида бу масалаларни ривожлантириб боришган. Айниқса, буюк ҳамсанавислар Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийларнинг бу борадаги хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир. Бу масалалар тожик олимлари X.Шарипов<sup>142</sup>, А.Саттаров<sup>143</sup>, С.Вохидов<sup>144</sup>, Р.Мусулмонкуловларнинг<sup>145</sup> тадқиқотларида батафсил таҳдил қилинган.

<sup>142</sup> Шарипов X. Формирование таджикской литературно-теоретической мысли в X - XI вв.: Автореф. дис. канд. филол. наук. –Душанбе, 1970; его же: Теоретические вопросы прозы в таджикско-персидских памятниках классического периода: Дис. докт. филол. наук. –Душанбе, 1987.

<sup>143</sup> Саттаров А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль (IX - XУ вв.): Дис. докт. филол. наук. –Душанбе, 1985.

<sup>144</sup> С.Вохидов. Жизнь и творческое наследие Мухаммада Ауфи. –Душанбе: “Лониш”, 1989.

<sup>145</sup> Мусульманкулов Р. Атауллохи Махмуди Хусайнини и вопросы таджикско-персидской классической поэтики: Дис. докт. филол. наук. –Душанбе, 1980, его же: Асрори сухан. –Душанбе, 1980; его же: Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: “Наука” ГРВЛ, 1989.

Асл маънодаги бадий асар мазмуни биринчи навбатда ёзувчи-санъткорнинг ўз асарини яратишдан олдига қўйган мақсади билан белгиланади. Масаланинг яна бир нозик жиҳати шундаки, бадий асарнинг мазмун кўлами нафақат муаллифнинг муайян асарни ёзаётган пайтида ўз олдига онгли равишда қўйган аниқ мақсади, балки унинг дунёни идрок этиш даражаси, бадий салоҳияти, билим доираси, танланган мавзуга муносабати ва ҳоказолар билан боғлиқ равишда яратилган асарни қабул қилувчи китобхонлар онгидаги шаклланган тасаввурлар ва талқинларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу тасаввур ва талқинлар эса ўз навбатида нафақат китобхон яшаб турган турли замон ва маконга, балки турли китобхонларнинг маънавий ҳолати ва даражаси билан боғлиқ ички меёrlарига қараб турли ўзгаришларга учраши, мазмун кўламининг кенгайиши ёки торайиши, ўз йўналишини муайян даражада ўзгартириши ҳам мумкин.

Маълумки, исломгача минтаقا маънавиятида асотир тафаккур ҳукмронлиги сақланиб келганлиги туфайли соф маънодаги бадий адабиёт куртаклари фақат сосонийлар даврининг охирларига келиб пайдо бўла бошлади. Мусулмон минтаقا маданиятининг шаклланиш даври бўлган VIII-IX асрларда бутун минтақада асосан араб тилидаги шеърият кенг урф бўлиб, бу даврга оид янги форс ва туркий тилларда яратилган шеърлардан жуда кам намуналар бизгача етиб келган. IX аср охирларидан бошлаб янги форс (“*дари*”) тилида алоҳида адабий мактаблар шаклдан бошланди. X-XV асрлар форс мумтоз шеъриятининг такомил босқичлар ҳақида юқорида сўзлаб ўтилди. Унинг “*дунёвий адабиёт*” аталмиш биринчи босқичидаги тамойиллар ҳақида тоҷик олими Р.Мусульмонқулов “*Асрори сухан*” китобининг иккинчи бобида муфассал таҳлиллар келтирган<sup>146</sup>. Унинг ёзишича, XI асрда яшаб ижод этган бадииятшунос олимлар Абдулқоҳир Журжонийнинг араб тилидаги “*Асрор ул-балога*” ва Муҳаммад ибн Умар Родуёнийнинг форс тилида ёзилган “*Таржумон ул-балога*” асарларида ўша давр шеъриятига хос икки тур ёндошув “*аш-шеъри акзабуху - аъзабуху*” (энг яхши шеър – энг ёлғон шеърдир) ва “*хайр-уши-шеъри асдақуху*” (энг яхши шеър – энг рост шеърдир) деган икки хил бадиий ижод тарикӣ хусусида мулоҳазалар билдирилган. Дарҳақиқат, ушбу мулоҳа-

<sup>146</sup> Р.Мусульмонқулов. Асрори сухан. –С. 121-127.

жарни ўша давр форс мумтоз шоирлари ижодига татбиқ этилганда, аксарият сарой шоирларининг мадхиявий қасидалари биринчи йўналинига мос келса, Фирдавсий ва Унсурий каби улуғ ижодкорлар кўпроқ искринчи йўналишни танлаганликлари маълум бўлади. Р.Мусулмонқулов ўз китобида ушбу икки йўналишни янги давр Европа адабиётидаги романтизм (“*кизбий*”) ва реализм (“*сиёзий*”) методлари билан қиёслайди ва Ўрта асрлар Шарқ адабиёти учун ижодий маънодаги реалистик йўналиш имкони бўлмагани туфайли ижодкорлар асосан романтизм йўналишида асарлар яратишган деб кулоев қиласди<sup>147</sup>. М.-Н. Османов ушбу икки йўналишни бадиий ижоднинг икки тури (“*тип творчества*”) сифатида талқин қиласди ва уларнинг бирини “**ҳаётни аслига мувофиқ тасвирилаш**” (“*вос-создаюший*”) ва иккинчисини “**ҳаётни ўз тасаввуринг мувофиқ тасвирилаш**” (“*пересоздаюший*”) деб номлайди<sup>148</sup>. Бизнинг назаримизда, бу талқинлар ўз даври мафкуравий шароитининг маҳсулни бўлиб, ўзга замон ва макон ҳодисаларига янги давр Европа адабиётшунослиги андазалари асосида ёндошув билан изоҳланади<sup>149</sup>.

XI асрлар иккинчи ярмидан фалсафий қасидалар ва тасаввурний гоялар ифодаланган асарлар яратила бошланган бўлса ҳам ҳануза бу йўналишлар етакчи мақомга эга бўлмай, аксарият шеърият маснавибонлари соф дунёвий йўналишни сақлаб келар эдилар. Фиқат XII аср бошларида буюк аллома Абу Ҳомид Газзолийнинг оқириги асари “*Кимёйи саодат*” муқаддимасида “**Инсон вужу-динда қўнгил – подшоҳ, ақл унинг вазиридир**” деган қарашни олға сургач, форс тилидаги шеърият мазмунида ҳам кескин ўзгаришлар даври бошланди.

XII–XIII асрлар **тасаввурний-ирфоний адабиётнинг юксалини** босқичи бўлиб, бу даврда нафақат Ибн ал-Арабий ва Ибн ал-Фарид, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий, Аҳмад Йесавий ва Сулаймон Боқирғоний сингари жаҳон миқёсида шуҳрат таратган тасаввур шоирлари ижод қиласди, балки Саноий ва Аиварий, Хоқоний ва Низомий каби забардаст шоирлар ижодига ҳам тасаввурний-ирфоний мавзулар кириб келди.

<sup>147</sup> Р.Мусулмонқулов. Асрори сухан, с. 147-149.

<sup>148</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии, стр. 22-35.

<sup>149</sup> Ҳакиқатан ҳам ҳар икки олим тадқиқотларининг назарий-методологик асоси сифатида В.Г.Белинский, В.В.Виноградов, Л.И.Тимофеев, А.Н.Соколов каби рус адабиётшунос-ларининг асарларига мурожаат қилинади.

Биз бу давр шеъриятини “*тасаввүфий-ирфоний адабиёт*” деб қўшалоқ ном берганимизнинг жиддий сабаблари бор. Давр ижодкорлари асарларининг Алишер Навоий таснифлари билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, “*ирфоний адабиёт*” ва “*тасаввүфий адабиёт*” тушунчалари бир нарса эмас экан. Агар Аттор ва Румий шеъриятини соғ “*тасаввүфий адабиёт*” аташ мумкин бўлса (Навоий уларни “*ҳақиқат тариқининг суханварлари*” деб улуғлайди), айни шу давр, яъни XII–XIII асрларда яшаб ижод этган Саноий, Анварий, Хоқоний, Низомий, Саъдий каби улуғ шоирларни, агарчи улар ижодида тасаввүфий-ирфоний мавзулар кенг микёсда ўз аксини топган бўлса-да, барибир том маънода суфий шоирлар деб бўлмайди (Навоий Саноий ва Саъдийни “*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут қилган*”лар қаторида тилга олса, Анварий ва Хоқонийни “*мажоз тариқи адоси алар назмига голиб ва алар бу шевага кўтрак рогиб*” бўлган шоирлар қаторида санайди).

Мумтоз адабиётнинг мумтозлиги шундаки, ҳақиқий адаб ва шоир бекорчиликдан, ё ўзини кўрсатиш учун, ё бирор таъма илинжида ижод қилмайди. У ҳаёт ҳақида, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси ҳақида, Борлик ҳақиқати ва моҳияти ҳақида жиддий фикр юритади. Бу хусусияти билан у файласуфга ўхшаб кетади, аммо файласуф ўз саволларига мантиқий тафаккур орқали жавоб изласа, адабиёт ва санъат аҳли бадиий тафаккурга мурожаат қиласи. Шу йўл билан инсонлар қалбига таъсир ўтказишига интилади. Форс мумтоз адабиётида бу муаммо илк даврлардан ижод аҳли диққатини тортган бўлиб, замонлар оша унга ёндошув борган сари теранлашиб борган. XII–XIII асрлар минтақа адабиётида шоир маънавий рисолатининг талқини масаласига академик Е.Э.Бертельс махсус тўхталиб ўтган. Низомийнинг “*Махзан ул-асрор*” достони мазмунини таҳлил қилишдан олдин аллома Шарқда тарқалган бир ривоятни келтиради<sup>150</sup>. Унга кўра Муҳаммад (сав) меъроjга чиқиш пайтида Аллоҳ таоло аршига этиш олдидан бир бинога дуч келади. Бино эшиги қулф эди. Пайғамбар (сав) саволига жавоб бериб, ҳазрати Жабраил айтадики: “*Бу бино Аллоҳнинг сирлар хазинасиdir, унинг қулфи эса умматларингдан этишиган шоирлар тилидан очилади.*” Бу ривоят аслида

<sup>150</sup> Олим бу ривоятни Мавлавий Оқо Аҳмаднинг “Ҳафт осмон” асарига таяниб келтиради.

куйидаги ҳадиснинг шарҳидир: “*Ва-плоҳу таҳт ал-ъарши канзун миғотиҳу алсинаату-ш-шуаро*” (“Ва Аллоҳ арши остида бир қанна бор, унинг қалити шоирларнинг тиллариридир.”)<sup>151</sup> Низомининг биринчи достони номида айни шу ҳадисга ишора бор. Достон матни давомида бу ғоя яна маҳсус таъкидланади<sup>152</sup>. Шундай килиб, шеърият **Борлик ҳақиқатини** (“*илюҳий сирларни*”,<sup>153</sup>) анлаб етишининг мустақил йўли эканлиги форс тилидаги мумтоҳ шеъриятда XII асрда ёқ аниқ ифодалаб берилган эди.

Навоий форсий “Шоҳнома”ни яхши билса-да, бадиий ижод тарни ҳақида мулоҳаза юритганда Фирдавсийни эсламайди, балки синоқни форс мумтоз шеърияти вакиллари ичидан биринчилардан бўлиб саройни ва мадҳиягуйликни тарк этиб, шеъриятга жиҳдий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган Абдулмажд Саноий (ваф. 1141)дан бошлайди. Чунки унинг “*Сиёрул-ибод илал-маод*” (“Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари”) ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги “*Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа*” (“Ҳақиқат боғлари”) достонлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солган эди. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида анлаб ижод этган Абдулвосиъ Жабалий (вафоти 1160), Анварий (вафоти 1191), Асириддин Ахсикатий (1108-1196), Ҳоқоний (1120-1199), Захир Фарёбий (вафоти (1202) каби қатор таниқли шоирлар ҳам сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришдилар.

Саноий ва Анварийлар бошлаб берган **шеъриятта янгича ёндоғинув уларнинг яқин издошлари** - XII аср охирги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърият осмонида порлаган икки ёрқин юлдуз **Низомий Ганжавий** (1141-1202) ва **Фаридиддин Аттор** (1147-1229) сиймолари мисолида икки алоҳида йўналиш бўйича ривож олди.

<sup>151</sup> Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Низами и Фузули. –М.: Изд. восточной лит. 1962. –С. 184.

<sup>152</sup> Низомий Ганжавий. Куллиёт. Жилд 5. –Душанбе: “Ирфон”, 1984. –С. 285-286.

<sup>153</sup> Алишер Навоий шундай (“асори илоҳий” деб) номлайди. Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-жилд. –Т.: “Фан”, 1998. –С.24. “*Асори илоҳий*”ни тўғри тушунишда қуйидаги ҳадисни ёдда тутган маъкул: “Ла тафаккару фи затуллоҳ ва тафаккару фи алаиҳи” (“Аллоҳ зоти ҳақида тафаккур қилманг, балки унинг иноятлари ҳақида тафаккур қилинг”). Қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –С. 119.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади:

**бири - инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борликнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи;**

**иккинчиси инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятта муносабати.**

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан сұхбатта чакиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади.

**Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига қўпроқ эътибор қаратилади.**

Кейинчалик Жалолиддин Румий ёзган эди:

*Аттор руҳ буду Саноий ду чаими ў,  
Мо аз пай Саноию Аттор омадем.<sup>154</sup>*

(Аттор руҳ эди, Саноий унинг икки кўзи,  
Биз Саноий ва Аттор изидан келдик.)

Саноий “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса “руҳ” - унинг назмдан мақсади “асори илоҳий адоси” (“илоҳий сирларни баён этиш”) - инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. “Маснавийи маънавий” дек буюк ирфоний қомусни яратган Жалолиддин Румий ҳам айни шу йўлдан борди. Тасаввуф шеъриятининг моҳияти аслида шу.

Саноий, Низомий, Саъдий сингари кенг маънодаги ирфоний шеърият намояндалари эса ўз асарларида руҳиятнинг ички теран қатламларига назар ташлаш, инсоннинг Ҳаққа, махлуқнинг Холиққа нисбати масаласига эътибор қаратиш билан чегараланиб қолмай, ҳар бир инсоннинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятта муносабати, яъни ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топдилар. Аммо бу даврда ушбу йўналиш вакиллари ўз йўлини соф тасаввуфий адабиётдан

<sup>154</sup> Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. –М.: “Наука”, 1962. – С.174.

онгли равишда фарқлаб, алоҳида ажратиб олиб қарамадилар. Ўндиш онгли ёндошув фақат ҳинд форсизабон шоири Амир Ҳусравнинг Низомий “Хамса”сига жавобидан (яъни XIII аср интидоси - XIV аср ибтидосидан) бошланди. Шу сабабли биз ушбу улуг шоирнинг адабиёт назариясига оид қарашларини жиддийроқ кўриб чиқамиз.

Амир Ҳусрав Дехлавийнинг учинчи девони “*Fуррат ул-камол*” дебонасида диққатта сазовор мулоҳазалар билдирилади. Ҳинд шоирин айтидики, “*шоирни ҳаким деб атаси мумкин, аммо ҳакимни шоир деб ениб бўлмайди*”<sup>155</sup>. Бу фикрда ўша давр традицияси ёркин акс этган. Унга кўра “ҳаким”, яъни, донишманд, файласуф, ҳаётнинг туб масалаларидан баҳс этувчи олим шоир бўлиши асло шарт эмас, аммо шоир бу масалалардан чуқур хабардор бўлмоғи ва ўз муайян муносабатига эга бўлмоғи шарт. У шеър нафосатини таъминловчи турли воситаларни шундай тизимга солиб кўрсатади:

1) “*абжади лафз*” - тасҳиф, тажнис, иштиқоқ каби шаклий тасвир воситалари, 2) “*сурати маъни*” - сўз маъносига оид (хаёл, ийҳом, муболигат каби) поэтик санъатлар, 3) “*завқ ҷошнийси ва шавқ шароби*” бу поғонада энди Амир Ҳусрав таъбирича шоир “*бутун умр саъй-ҳаракат билан дилини қон этади ва жигарини кабоб*”..., Шеърни камолот даражалари бўйича қуидагича турларга ажратиш мумкин: 1) “*ёбис*” – (“куруқ”) - бунда лафзий санъатлардан фойдаланиш устун туради, 2) “*мўътадил*” – бу турни Амир Ҳусрав “*тарзи шоирона*” деб баҳолайди, 3) “*ратб*” – (“ширали”) – бу турда зеболик ва фасоҳат ғолиб бўлади, уни кўшиқ қилиб қуялаганда, шоир таъкидлашича, шундай равон интилади-ки, худди тўғри ўқиса ҳам қуялагандек ва буни “*саҳли мумтанеъ*” – (“мумкин бўлмаган осон”) дейилади, 4) “*муҳрик*” – (“куйдирувчи”, “алангали”) – Амир Ҳусрав бу турни шундай таърифлайди: “*куйган қалблардан айтувчининг иродасидаи ташқари манъум вақт ва ҳолатда алангаланиб кўтарилиб келади ва кўнгилларни юмшатиб уларни шуълалантиради. Бу руҳий шаробдир ва шоирнинг бош косасига сигадиган нарса эмас...*”<sup>156</sup>.

<sup>155</sup> Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Ҳусрави Дехлавий. –Душанбе: “Дониш”, 1975, –С.247.

<sup>156</sup> Шу китоб. –С. 252.

Бу муроҳазалардаи маълум бўладики, 1-3 тур шеърлар шеърий салоҳиятнинг турли даражалари билан боғлиқ ва биринчиси деярли сунъий безакдор назмбозликдир, иккинчи ва учинчиси ижодкорнинг шеър салоҳияти бор эканлигини кўрсатади, жумладан “саҳли мумтане” даражасида шеър айтабилиш ҳам юксак шоирлик қобилиятига алоқадордир (масалан, Рудакийнинг машхур “Бўйи жўйи мўлиён ояд ҳаме...” деб бошланувчи қасидаси каби), аммо, бу турлардаги бадиий бақувват шеърлар ҳам маълум тор ва чекли мақсадлар билан ёзилганлиги жиҳатидан мумтоз форс шеърияти ривожининг учинчи (энг юқори) босқичига мансуб бўлган Амир Хусрав ўзи энг юксак деб билган шеърият туридан пастда қолдиради. Асл шеърият бу “куйдирувчи”, “алангали” шеъриятдир. Уни шоир маълум тор, чекланган, (“утилитар”) мақсадлар билан ёза олмайди, фақат юраги куйиб кетганидан, бу ички аланга түғенига тоқат қилиб бўлмаганлигидан, шоир ихтиёридан ташқари куйилиб келадиган, тўхтатиб бўлдмайдиган сатрларгина ушбу ҳақиқий шеъриятга алоқадордир. Бундай сатрлар китобхонга ҳам жуда қаттиқ таъсир килади, унинг ҳам юрагига аланга солади. Низомий ва Атторлар шеърияти ана шундай намуна эдилар. Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий ва Навоий назмлари шундай ёлқинлидир. Саъдий ва Убайд Зоконийларнинг асарларига ҳам диққат килинса, ушбу аланга яширин эканлиги сезилади. Шунинг учун бу босқич шеъриятининг эиг юксак намуналари жаҳон адабиётига бемисл таъсир кўрсатдилар ва боқий асарлар силсиласига мансуб бўлдилар. Амир Хусрав ҳақида унинг пири Низомиддин Авлиё айтган ва Навоий қайта-қайта таъкид этган шоир “кўксининг куюки” худди шу алангадир.

Амир Хусрав шеър айтишга табиий салоҳияти бор бўлган кишиларни беш табақага ажратади: “Демак, шеърда донолик 5 турлидир; фозилона ва ҳакимона ва некутабъона (хуштабъли) ва ошиқона ва шоирона. Аммо фозилонаси шундайки бири... лафзий санъатларга ишиқибоз ва арабий ибораларни форсий шеърга кўп киритишга мойил бўлади ва шуни ёқтиради... Иккинчиси ҳакимона бўлиб, бири Саноий ва Носир Хусравлар ва ўзга ҳакимлар услугини хуши кўради ва илҳом қозонини ушбу лафзда қайнатади... Учинчиси - хуштабъли (шеърият) бўлиб, бири зилол сувдек пок ва равон, ширали газаллар сўйлайди ва девонлар тузади ва ундан илгари ўта олмайди... Тўртинчиси – ошиқона бўлиб, шундайки,

бүрнинг ичи алангаланиб туради. Унинг табъида доимо ишқең майнилик бўлади, гоҳи вақтда эмас... шу сабабли (дили) доимо ёғинни ва тузёни бўлади... бундай кишининг ҳар байти қулоққа чониса, ҳам шаклан, ҳам маънавий жиҳатидан, хоҳ ширали, хоҳ қуруқ (бўлсин) таъсир кўрсатади, гўё бу маъшуқ бир оташдирки, ҳар нарса (учкуни) тушса, уни аланга қоплайди. Бу ошиқона биланмайдир. Аммо бешинчи билим - шоиронадир ва у шундайки, турлар (услублар, йўналишлар) жумласида билим энг олий нишонисига етади ва фозилона, ҳакимона, хуштабъона ва ошиқонанинг барчасини камраб олади. Ҳамма шундай англайдики, у - даққадир. Ушибу билим - шоиронадир. Агар ушибу неча шартдан бирини экалламаган бўлса, доно уни доно деб билмайди”<sup>157</sup>.

Мана энди аниқ маълум бўладики, Амир Хусрав илгари алоқида-алоҳида олинган сифатларни умумлаштиради ва ҳақиқий классик шоирнинг яхлит ва пухта таърифини беради, Бу таъриф ҳали мусулмон маърифатчилиги даври бадииятшунослигида яхлит ҳис қилинган эмас эди. Низомий Арузий ва Ватвот дунёвий адабиёт босқичи таржибасига таяниб, ўз бадииятшунослик тизимларини яратган бўлсалар, улар билан бир даврда яшаган Низомий ва Атторлар ижодида буткул янгича қарашлар ўз аксини тонган эди. Амир Хусрав таъкид этган янги ёндошувларнинг кўп жиҳатлари Низомий ва Саъдий сингари ирфоний адабиётнинг юқсанлиши босқичи намояндалари ижодида ёрқин кўзга ташлансада, юқорида қайд этилганидек, XII-XIII асрларда ҳали янги босқичнинг бу хусусиятлари назарий жиҳатдан тиник англашилган ва таърифланган эмасди.

Низомийда ҳакимлик хислатлари кучли кўзга ташланади, иммо ундаги табиий салоҳият кучи ва юракдаги дард ғайри шуурий равишда юксак поэтик уйғунлик ташкил қилган. Амир Хусрав биринчи бўлиб буни англаб етганлардан ва шунинг учун биринчи бўлиб Низомийга татаббу-жавоб битган, Атторда “муҳрик” – (“ёлқинли”) шеърият жуда аён юзага тепган, аммо унинг тушкун қарашлари Амир Хусравлар руҳида эмас. Шу билан бирга булар ҳеч қайсиси Фирдавсий каби унча-мунча қолипга сигмовчи ниҳоятда улкан эпик тасвир даҳоси ҳам эмаслар.

<sup>157</sup> Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Дехлавий. –С. 253.

Амир Хусрав шеърда устоз ва шогирдлик масалаларига ҳам тўхталади. Аввало назм битиш қобилияти бўлмаган шахс юз йил ҳаётининг ҳар йил 12 ойини шеър заргарлари дўконида таълим билан ўтказганда ҳам ҳеч нарса чиқмайди. Шунинг учун фақат маълум табиий салоҳият эгалари ҳақидагина гапириш мумкин, Ҳарбир устод шоир ўз тарзига (услубига – “слог”ига) эга бўлиши лозим. Ҳинд шоири устодлар қаторида Санойи, Анварий, Низомий, Заҳир Форёбий ва байзи бошқаларни тилга олиб ўтади. Шундай қилиб, “устод шундай кишики, унинг ўз услуби бор ва унинг услубига эргашган шогирддир...”<sup>158</sup>.

Амир Хусрав “асл устод” бўлишнинг 4 шартини таклиф қилади: 1) ўз хос услубига (тарз – “слог”ига) эга бўлсин; 2) сўзининг маъно ва айтилиш тарзида, сабк ва услубда шоирлар тариқасида (йўлида) бўлсин, суфийлар ва музаккирлар, яъни муаллимлар (тарбиячилар) йўналишида эмас; 3) шеърида хато ва янглишлар учрамасин; 4) маъно ва мазмунда бошқа шоирлар ижодидан фойдаланмасин.

Амир Хусрав ўзини устод шоирлар қаторига қўшмайди, чунки маҳсус услугуб эгаси бўлиш ва сўзда хато ва янглишларга йўл қўймасликда ўзини комил ҳисобламайди.<sup>159</sup> Аммо таъкид этиш керакки, ушбу мулоҳазалар шоир учинчи девонининг дебочасига тааллукли бўлиб, бу давр Амир Хусрав ижодида биринчи босқичнинг якунланишига тўғри келарди. Унинг энг асосий эпик асарлари шундан кейин шоир ижодининг иккинчи босқичида яратилди. “Fуррат ул-камол” дебочасини ёзган 41 ёшли шоир ўзини ҳали “устоди нимтамом” (“яrim етук устод”) ҳисоблайди<sup>160</sup>.

Демак, ҳинд шоирининг Низомий “Хамса”сига жавоб ёзишдан илгари юритган мулоҳазаларидаёқ янги адабий босқичнинг моҳиятига оид кўп жиҳатлар очиб берилган эди. Биринчидан, мумтоз шоир (устод шоир) тушунчасининг мукаммал таърифи ва назмбозликнинг турли кўринишларидан моҳиятан фарқланиши. Иккинчидан, фалсафий шеърият, тасаввуф адабиёти, сарой мадхиявий шеърияти ва бошқа турли тармоқ йўналишларидан асл мумтоз шеъриятни аниқ ажратиб олиш. Учинчидан, бадиий тасвирнинг (ифоданинг) бадиий тафаккур билан уйғунлигини чуқур

<sup>158</sup> Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Дехлавий. –С. 255.

<sup>159</sup> Шу китоб. –С. 256.

<sup>160</sup> Шу китоб, шу сахифа.

жне қилиш ва тўғри баҳолаш. Бунда энди шеърдаги мазмун ва ишт шеър моҳиятидаи, бадий ижод моҳиятидан ташқарида эмас, балки унинг замиридадир. Шоир мальум фикрни бадий салоҳият кучи билан муайян тимсоллар орқали ифода этмайди, балки ўзи дунёни бадий тафаккури қудрати билан қандай идрок этса шундай акс эттириб беради, асл шоирлик шу. Тимсолийлик адабиётнинг шаклига, ифода усулига эмас, унинг моҳиятига оид эканини бу давр шоирлари энди англаб етган ва шу принциплар яосинда ижод қилабошлаган эдилар. Бу хусусият ушбу босқич адабиётига хос умумий ва асосий хусусият бўлиб, бу давр ижодкорлари меросини мумтоз адабиётнинг энг юксак босқичи деб ҳисоблашга асос беради. Бу босқич Ўрта асрлар даври адабиётнинг энг олий погонаси ва янги давр адабиётига муқаддима эди.

XIII аср охири - XIV аср бошларида Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) Низомий достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзди ва бу асарда “*ишиқ мажозий*”ни куйлашни ўзига мақсад қилиб қўйғанлигини очиқ намойиш қилди. Масалан, “Ширин ва Хусрав” достонининг кириш бобларида шундай сатрлар бор:

*Фидойи ишиқ шав, гар худ мажозист,  
Ки давлатро дар-у пўшида розист,  
Ҳақиқат дар мажоз инак падид аст,  
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст<sup>161</sup>.*

(Ўзингни ишқка баҳш эт, агар у мажозий бўлса ҳам,

Чунки унда саодат сирлари яшириндир.

Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоён этадики,

Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.)

Шоир “*мажозий ишиқ*” қа таъриф бериш билан чекланиб қолмай, ўз давридаги баъзи “*ишиқ ҳақиқий*”дан лофт урувчиларга дашиб беришни ҳам лозим топади:

*Ту к-аз “ишиқ ҳақиқий” лофий, эй дўст,  
Хароши сўзане бенмой дар пуст,  
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,  
Надори шарм аз-ин имони бедард.<sup>162</sup>*

<sup>161</sup>Дихлави Амир Хусрау. Ширин и Хусрау. Крит. текст. -М.: “Наука”, ГРВЛ, 1979. -С. 40.

(Эй, сен “ишиқ ҳақиқий” дан лоф урувчи дўст,  
Баданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.  
Ногаҳон ит “вов” деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,  
Яна бундай “дардсиз имон” ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?)

Амир Хусрав “Хамса”дан кейин ёзилган тарихий-ишқий дос-  
тони “Дувалроний ва Хизрхон“ қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам  
мажозий эканлигини алоҳида таъкидлаб, достондаги икки ошиқ-  
нинг висол онлари тасвириланган боб сўнггида шундай ёзади:

*Чу ишиқ андар мажозаш жиславагаҳ дод,  
Мажозаш бар тули таҳқиқ раҳ дод<sup>162</sup>.*

(Ишқ мажозида намоён бўлгани сабабли,  
Бу мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк бўлди.)<sup>164</sup>

Шундай қилиб, Саноий ва Сайдийлардан фарқли равиша Амир Хусрав Деҳлавий ўз ижодининг авж палласига келиб, “ишиқ ҳақиқий” ва “ишиқи мажозий”ни бир-биридан фарқини аниқ ҳис қилган ҳолда ўзи ижодда “ишиқи мажозий”ни куйлашни мақсад қилиб олганлигини очиқ баён қилди ва Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларига таянган ҳолда “ишиқи мажозий”ни Борлик-нинг Олий ҳақиқатини англаб етишининг мустақил йўли эканлигини эътироф этди.

Адабий йўналишлар билан бадиий принциплар мажмуи (*метод*)нинг бирлашуви ва унинг илк англаб етилиши ҳам шу давр хулосаларидан бўлиб, Алишер Навоий ижодида айниқса кўзга жуда ёрқин намоён бўлди. Навоий бевосита Амир Хусрав Деҳлавий ва у мансуб бўлмиш адабий йўналиш хусусида аниқ фикрлар билдирганлиги ҳам алоҳида дикқатга сазовордир.

Навоий ўзининг хулосавий асарларидан бўлмиш “Маҳбуб ул-қулуб” нинг биринчи қисм 16-бобини “Назм гулистонининг хушинағма қушлари”га бағишлийди ва уларни бирнечча гуруҳга ажратади: Биринчи гуруҳ – “нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин га-

<sup>162</sup> Шу китоб, шу саҳифа.

<sup>163</sup> Деҳлавий Амир Хусрав. Дувалрони ва Хизрхон. (Матни интиқоди). – Душанбе, 1975. –С. 224.

<sup>164</sup> Бу мисралар бевосита Муҳаммад(сав)нинг “Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа” (“Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир”) деган ҳадиси шарифларига ишорадир.

шарифат ва халқ таърифидин мустағнилардур”<sup>165</sup> – (“илоҳий маърифат қазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқ таърифиға эттиёж сезмаганлардир”), Бу гуруҳ намояндаларига мисол қилиб Шайх Фариддин Аттор ва “Маснавийи маънавий” муаллифи мавзуно Жалолиддин Румийларни келтиради ва “мақсадлари назмдин икори шоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлосидиши ўзга шўқтур” (“Буларнинг шеър ёзишидан мақсади шоҳий сирларни баён қилимоқ ва чексиз маърифати тарқатмоқдир” – таржимада андак ишанинглик бор – “маърифати номутаноҳий” иборасидаги чексиз инфати “маърифат”га тааллуқлидир, “тарқатмоқ”қа эмаски, таржимада икки хил маъно англаш мумкин бўлиб қолган). Маълум бўлиб туриптики, бу ерда соф тасаввуп адабиёти кўзда тутилмоқда.

Иккинчи гурухни Навоий “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут қилибдурлар”<sup>166</sup> (“ҳақикат сирларига мажоз йўлини арантирибдурлар”) деб таъриф килади ва бунга Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Заҳириддин Саноий, Шайх Авҳадиддин ва Хожа Шамсуддин Муҳаммад Ҳофизни мансуб этади. Бу гуруҳ ҳақида маҳсус мулоҳаза юритишига тўғри келади ва айтиш лозимки, бу гурухни кейингисидан ажратиб алоҳида ҳисоблаш Навоий бадиий тафаккури такомилининг зинг кейинги босқичига оидdir.

Учинчи гурух – Анварий Абивардий, Захир Форёбий, Абдулвосеъ Жабалий, Хоқоний Ширвоний, Асириддин Аҳсикатий, Камол Исфаҳоний, Салмон Соважий, Хожуйи Кирмоний, Носир Бухорий, Котибий Нишопурий, Шоҳий Сабзаворий ва бошқалардан иборат бўлиб “мажоз тариқи адоси алар назмига голиб ва алар бу шеваға кўпрак рогибдурлар”<sup>167</sup>.

Абдураҳмон Жомийни шоир “аввалги табака равиши ва қаломида ҳам шарифмақол ва сўнгги табақанинг ҳам адоси лато-инфида соҳибкамол” деб таърифлайди. Бу жумлалар яна бир марта иккинчи гуруҳ шоирларини Навоий сўнгти пайтда ажратиб чиқарганлигини тасдиқлайди.

<sup>165</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. (А.Н.Кононов тайёрлаган йигма мати.). –М.-Л., 1948. –С. 26.

<sup>166</sup> Шу китоб. –С. 27.

<sup>167</sup> Шу китоб. –С. 28.

Тўртинчи гурухга “адно табақаси” деб умумий таъриф берилади ва улар “фақат назм (яъни қофия ва вазнга тушган мисралар) била кўнгиллари хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз мاشақват била бир байтким боғлаштургайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошургайлар, Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидан ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат...”<sup>168</sup>. Шундай қилиб, биринчи ва тўртинчи гурухнинг таърифи анча равshan ва муайян бўлиб, биринчи гурух – соф мутасаввуф шоирлар, охирги гурух – қобилиятсиз ва юрагида дарди йўқ назмбозлар.

Иккинчи ва учинчи тоифани ажратиш қийинроқ, чунки биз Саноийни тасаввуф адабиётига алоқадор шоир деб ўрганганмиз, шайх Авҳадуддин эса машхур суфий сифатида танилган. “Насоийим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” китобида мазкур шайх ҳақидаги маълумотлар қаторида Шиҳобиддин Суҳравардий “анинг отин менинг қошимда тутмангизки, ул мубтадиъ /еретик, шаккок/ дур” деганлиги келтирилади ва бу айб шундай изохланади: “Бўла олурки, Шайх Шиҳобиддиннинг муроди анинг ибтидоидин ул бўлгайки, дерларки, ул ҳакиқат шуҳудида мазоҳир суратига тавассул қилгон экандур ва мутлақ жамолидин муқайядот суварида мушиҳада қилур эрмииш”<sup>169</sup>. Кейинидан шу мазмунни янада очувчи бир рубоий ҳам келтирилади:

З-он менигарам ба чаим сар дар сурат,  
Зероки зи маънест асар дар сурат.  
Ин олами суратесту мо дар сувarem,  
Маъний натвон дид магар дар сурат<sup>170</sup>.

(Шу жиҳатдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,  
Суратда маънодан асар бордир,  
Бу олам суратdir ва биз ҳам суратлар ичидамиз,  
Маънони суратдан ташқарида кўриб бўлмайди.)

Бу келтирилган таърифлар Шайх Авҳадиддинни нега иккинчи гурухга мансуб саналганининг сабабини очиб беради. Саноий-

<sup>168</sup> Шу китоб, с. 29.

<sup>169</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17-жилд. –Т.: “Фан”, 2001. –С. 454.

<sup>170</sup> Шу китоб, шу саҳифа.

ининг ҳам тасаввув шоири сифатида талқин қилиниши жуда баҳсанлар. Сўз бу билан туганмайди. Навоий ўзининг мутлақо бошқа асари – “Ҳолати Паҳлавон Мұхаммад”да машҳур эпизод келтирған ким, ундан кичик бир парчани эсламоқ хайрлидир:

Навоий ўспиринлик чоғи Машҳадда бетоб ётганида Паҳлавон Мұхаммад унинг ҳолидан хабар олмоқ ва муолижасига ёрдам бермоқ ниятида хузурига келар экан, бир дафъа шоир хотирини маштүл қылмоқ учун савол берадики: “Түркігүй шуародин улча шеърлериң рұғор сағұасыда сабттур, қайси яхшироқ айтбұлурлар?” Навоий жавобида Мавлоно Лутфийни тилга олади. Унга Паҳлавон шынороз Йұсинида айтадики, “Нечук Сайид Насимий демадинг?”

Навоий: “Хотирға келмади ва ба тақдир келмоқ, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир ахли шуаросидек шын айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенисе ғаразинг мажсоз тариқида айттур эл эрди.”<sup>171</sup>

Мана шу баҳсдан ҳам маълум бўладики, Навоий ёшлик чоғидағы “ҳақиқат тариқи” ва “мажсоз тариқи” иборалари иккى алоқида адабий йўналишларни билдирган ва булар ҳар иккиси ҳам ҳозирги замон истилоҳидаги “дунёвий адабиёт” тушунчасидан фарқ қилувчи ирфоний адабиётнинг ривожида шаклланган икки ўзига хос ижод тариқига (методига) алоқадордир. Агар дикқат килинса, Амир Хусрав Дехлавий истилоҳидаги “муҳриқ” назм ва “тиңқона” услуг кўпроқ Аттор каби мутасаввув шоирлар ижодига, шонронда услуг эса “мажсоз тариқи” намояндадарига хос бўлиб келиши ҳақиқатга яқиндир.

Навоий Амир Хусрав Дехлавийни ҳардоим “дард бешасининг изанфари ва ишқ оташгоҳиң самандари” (“Бадоеъ ул-бидор”)<sup>172</sup>, “анга ишқ ва мұхаббат машрабиди шоиний тамом борзини” (“Насоим ул- мұхаббат...”)<sup>173</sup> “ишқ ва дард ахлишинг раҳбар ва пешрави” (“Мұхокамат ул-лугатайн”)<sup>174</sup> деб эслайди.

<sup>171</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 15-жилд. –Т.: “Фан”, 1999. –С.115-116.

<sup>172</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 1-том. –Т.: “Фан”, 1987. –С.14.

<sup>173</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: “Фан”, 2001. –С.472.

<sup>174</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-том. –Т.: “Фан”, 2000. –С.27.

Шу боисдан Навоийншг ишқ концепциясига ҳам қисман тўхталиб ўтишга тўғри келади. Шоир “Маҳбубул-қулуб” рисоласининг 2-қисм, 10-бобида ишқ ҳақида мулоҳазалар юритиб, уни уч қисмга бўлади:

1) “авом ишқидурки.., бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдур”,<sup>175</sup> ..,

2) “хавос ишқидурким, пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин қўзголмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ”. Навоий биринчи навбатда “ишқ аҳлининг покбозлари... мутақаддиминдин” деб Амир Хусравни ёд этади<sup>177</sup>.

3) “сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажсаллиёти жамолига мазоҳир воситасидан айру вола ва маглубдорлар ва ул мушоҳада беҳудлигида алардин шуур маслуб...”<sup>178</sup>

Ана шу фарқлашдан ҳам маълум бўлиб туритики, Амир Хусрав Дехлавийнинг йўналиши дунёвий адабиёт вакилларидан ҳам, тасаввуфий шеърият устозлари ижодидан ҳам фарқ қилас экан. Аммо нега уни “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут” этганлигига келсак, худди шу масала “мажоз тариқи”нинг асосий фалсафий-гоявий заминига боғлиқ бўлиб, ушбу методнинг тарихий конкрет характерининг энг асосий қирраларидан бирини очишига ёрдам беради. Бу масалага кейинроқ қайтиш шарти билан, ҳозирча бир баҳсли ўринга китобхон диққатини жалб этамиз.

А.Хайитметов “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” китобининг маҳсус бобида “мажоз” тушунчасини аллегория сифатида талқин этган ва “мажозий услугуб” деб аллегорик тасвир принципларини атаган<sup>179</sup>. Тадқиқотчи ўрта асрлар одами дунёқарашининг характеристи, суфизм ва ислом орасидаги муносабат, суфизм мистикаси ва оппозицияси, Фаззолий, Абдуллоҳ Анзорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аттор, Румийлар ижоди ҳақида йўл-йўлакай мулоҳазалар юритади, тасаввуф терминологияси ва

<sup>175</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. –Т.: “Фан”, 1998. –С.67.

<sup>176</sup> Шу китоб. –С. 68.

<sup>177</sup> Шу китоб, шу саҳифа.

<sup>178</sup> Шу китоб. –С.70.

<sup>179</sup> А.Хайитметов. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Т.: “Фан”, 1970. –С.157.

жинларни, Навоийнинг “Лисонут-тайр” достони ҳақида сұхбат шынб боради, ҳатто орада “ишиқи ҳақиқий” ва “ишиқи мажсозий” айнда ҳам гапириб, биз эслаб ўтган Машҳаддаги Паҳлавон Мұхаммад билан боғлиқ сұхбатни ҳам келтиради, аммо негадир Навоийнинг “тири йүқ әрди” деб Навоий ёзған сўзларни ижобий шыноди шарҳлаб бобни мутлақо якунсиз тугатади. Китобнинг 188-189 саҳифаларидағы мулоҳазалардан ва бобиңг умумий курилишидан “мажсоз тариқи” ҳам, “ҳақиқат тариқи” ҳам бирдей тасаввуф шоирлари ижодига тааллукли деган холоса келиб никади. “Лирикада суфизм гояларини Яссавий, Бокирғонийлар ингари тұғридан-тұғри аллегориясиз, ёки Аттор, Румийлар каби пантеистик услуг билан күйлаш ҳам бўлган”, дейди олим. Ваҳоданки, худди Аттор ва Румийлар Навоий томонидан “мажсоз тариқи”га эмас, “ҳақиқат тариқи”га мансуб этилгандир, Яна “тасаввуф поэзиясининг тадқиқотчилари ўтмишида ишиқни икки турса - ишиқи ҳақиқий ва ишиқи мажсозийга бўлганлар”<sup>180</sup> деб Навоий тасаввуф поэзиясининг тадқиқотчисига айлантирилади. Ваҳоданки, Навоий тасаввуф поэзиясига факат бир марта, ўзининг “Минтиқ ут-тайр”га жавоби билан асосли мурожаат қилған, колес. Қолган асарларида (“Насоим ул муҳаббат...” дан ташқари) ишсан “мажсоз тариқи” намояндадарига эргашган.

Хўш, бу чалкашлик ниманинг оқибати? Биринчидан, оддийгина масала – бадиий ижод **услуби** ва бадиий ижод **тариқини** фарқламаслик оқибати. Услуб – бир ғоявий йўналиш вакилларининг тасвиrlаш тарзидаги ўзига хос йўлини англатади. Масалан, Аҳмад Яссавий – пири муршид, Сулаймон Бокирғоний – мурид, яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакили, уларнинг дунёқарашни, ҳаётга муносабати бир хил, аммо шоир сифатида Яссавий ҳикматлари ваъз-насиҳат услубида ёзилган бўлса, Бокирғонийда зик тасвир, яъни воқеанавислик услуби ёрқин кўзга ташланади. Олим ишлатган “пантеистик услуг” истилохи мазмунан ғализ, چуниси “пантеизм” услуг эмас, дунёқарашдир. Асли бу ўринда “мажсозий услуг” дейилмоқчи, дарҳақиқат, нафақат Аттор ва Румийлар, балки аксарият тасаввуф йўналиши намояндалари (жумладан, Жомий ҳам) ўз ирфоний ғояларини мажсозий тасвиrlар орқали ифодалашга ҳаракат қилғанлар. Аммо бу асарлар “мажсоз

<sup>180</sup> А.Ҳайитметов. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –С.186.

*тариқи*"да эмас, "мажозий услуг"да ёзилган. Навоий очиқ-ойдин "*ҳақиқат тариқининг суханварлари*" деб атаган шоирларни тасвир услубидан келиб чиқиб "мажоз тариқи"га мансуб деб талқин қилиш ижодий услуг ("творческий стиль") ва ижод тариқи ("творческий метод") бошқа-бошқа моҳиятларни англатишини фарқига бормасликни билдиради. Афсуски, бу ҳолат бугун ҳам илмда тўлиқ барҳам топган эмас<sup>181</sup>.

Аммо ўтган асрнинг йирик навоийшунос олимни тадқиқотларидаги бундай чалкашлик сабаблари жуда ҳам жўн эмас. Бугун очиқ эътироф этадиган бўлсак, бу чалкашликлар илдизи чукур. Аввало, асосий сабаб – қарамлик оқибати, мафкуравий тазийқ оқибати. Профессор Абдуқодир Ҳайитметов ўз китобини ёзиб нашр эттирган даврда ўзбек олимлари учун тасаввуф илмини ўрганиш, ҳатто танқидий нуқтаи назардан қараб жиддий таҳлил қилиш ҳам ёзилмаган "қонунлар"га биноан қатағон қилинган эди. Агар бирор ёш тадқиқотчи ушбу мавзуга қизиқиш билдирган тақдирда ҳам унга илмий раҳбарликни бўйнига оладиган "мард" топилмас эди. Чунки катта олимларимиз аллақачон бу масалада "огзи куйган" эди. Фақат Воҳид Зоҳидов сингари партияning "ишиончини қозонган" бир-икки академик юрагини ҳовучлаб минг истиҳола билан ҳукмрон мафкура талблари доирасидан четга чиқмаган ҳолда бир-икки оғиз сўз айтишга имкон топарди. Бу мавзуга оид холис тадқиқотлар фақат Ватан мустақиллиги туфайли ривож ола бошлади.

Қарамлик оқибатларининг яна бир жиддий фалокати ўша даврда миллат зиёлилари ўз миллий маънавий меросини тўлақонли ва мукаммал, турли чекловларсиз ўрганиш имкониятига мутлақо эга эмас эди. Бу камчилик ҳанузгача маънавиятга оид фанлар соҳасининг тўла-тўқис миллий заминда ривожланишига тўсқинлик қилиб келаётганлигини рўйи-рост тан олишга тўғри келади. Тўғри, бугун бу соҳада ҳечқандай сиёсий-мафкуравий чекловлар умуман йўқ. Аммо ижтимоий-инсоний илмлар йўналишида бугунги шогирдлар кечаги устозлардан таълим олишмокда. Кечади.

<sup>181</sup> Масалан, Маликушшуаро Баҳорнинг форс насли ривожидаги уч услуг (форсчада "сабк") ҳақида айтган мулоҳазалари рус олимлари А.Н Ардашникова ва М.Л.Рейснерларнинг 2010 йилда Москвада нашр этилган "Ўрта асрлар Эрон адабиёти (IX-XVII асрлар)" китобида мумтоз форс шеърияти такомил босқичларига татбиқан шу маънода талқин қилинган.

ғи уетозлар эса қарамлик даврида таълим олишган. Табиий ва аник фанлар, техника фанлари масаласида бу муаммо кўп мураккаблик тутдирмайди. Бу соҳаларда ўта ривожланган бугунги Европа илмидан кўп нарса ўрганса бўлади. Аммо ижтимоий-инсоний илмлар йўналишида, очиқ тан олиш керак, Европа ўзи буни (Шарққа) юкуниб турипти. Исломий илмларга, тасаввуфга визионистичек бутун дунёда борган сари ортиб бормоқда. Бизнинг хурматни устозларимиз эса бу соҳаларда яна Европа олимларининг аварларига мурожаат қилишдан нари ўтишлари қийин кечмоқда. Чунки бунинг учун тил билиш керак. Ваҳоланки, она тили араб ва форс бўлган жаҳон илми даражасидаги тадқиқотчилар ҳам аждодлар меросини тўғри талқин қилишга қийналиб қолишмоқда. Бунинг сабаблари янада чукурроқдир. Биз турли мураккаб тарижий-ижтимоий ҳолатлар оқибатида ўз аждодларимизнинг улуғвор манъиавий меросидан камида 500 йил узоқлашиб қолганмиз. Бундай узоқлашувни енгиб ўтиш ўзи бўладиган иш эмас.

Рудакий ва Фирдавсий, Фаррухий ва Манучехрийларни тушуниш учун “Авесто” ва қадим Эрон тарихини яхши билиш керак, бунга ота-ўғил академик Е.Э.Бертельс ва А.Е.Бертельс тадқиқотлари, профессорлар М.-Н. Османов ва М.Л.Рейснер изланишлари ёрқин мисол бўлаолади<sup>182</sup>. Аммо Унсурий ва Носир Хусрав қасидаларининг мазмуний моҳиятини чукур ҳис қилиш учун бу билим мутлақо етарли эмас. Айниқса Носир Хусравнинг фалсафий қасидалари қадим юонон файласуфларининг қарашлари,

<sup>182</sup> Е.Э.Бертельс. История персидско-таджикской литературы. –М.: ИВЛ, 1960. –С.31-65, 193-232. М.-Н. Османов. Своды иранского героического эпоса. ( “Худайнаме” и «Шахнаме») как источники «Шахнаме» Фирдоуси. // Ученые записки Института Востоковедения. Том XIX. Вопросы истории и филологии народов Востока. –М., 1958. –С.153-189. А.Е.Бертельс. Художественный образ в искусстве Ирана IX – XV вв. (Слово, изображение). – М.: «Восточная литература» РАН, 1997. М.Л.Рейснер. Птицы в мистико-символических касыдах Санай и Хакани (ХII в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касиде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. –М., 1997; Она же. Истолкование доисламских календарных праздников в персидской классической лирике X – XI вв. (на примере ноуруза). // Фольклор и мифология Востока в сравнительно-типологическом освещении. –М., 1999. –С. 259. Она же. Аллегорические мотивы в касиде Санай (XI в.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM.

мусулмон маърифатчилиги даври турли мазҳабий оқимлар, “Ихвон ус-сафо” рисолалари ва ҳ.к.лар билан жиддий танишувни тақозо қиласи. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина А.Е.Бертельснинг маҳсус мақоласи билан танишув етарлидир.<sup>183</sup> Саноий ва Анварий, Хоқоний ва Низомий асарлари моҳиятига етиб бориш учун эса барча юқорида айтилғанлардан ташқари тасаввуф таълимотининг бутун икир-чикирлари билан яқиндан танишув ҳамда IX-XII асрлар форс мумтоз адабиётининг бадиий кашфиётларини мукаммал билиш талаб қилинади. Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарлари мазмуни бу билан ҳам чекланмайди. Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомий ижодини ўрганиш учун эса нафақат диний ва ирфоний билимлар, балки дунёвий билимлар соҳасида ҳам, ижтимоий-инсоний назариялар бўйича ҳам фақат мусулмон минтақаси эмас, балки ўша давр жаҳон илми даражасида мукаммаллик шарт бўлади. Айниқса, Амир Хусрав Дехлавий ижодини тўғри англаб етиш учун қадим Ҳиндистоннинг бутун маънавий меросидан хабардорлик ва Ўрта асрлардаги бу ўлкада мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятдан тўлиқ огоҳлик лозим бўлади. Буларга қўшимча турк элининг икки минг йиллик таржибасини қўшинг-да ана энди Алишер Навоийни тўғри тушуниш учун қанча билим кералигини тасаввур қилиб олаберинг. Шарқнинг буюк шоирлари ҳечқачон факат шеърбоз бўлган эмаслар, улар барчаси дунёвий ва ирфоний билимларни тёран англаб етган, ҳаёт ва инсоният тақдирни ҳақида жиддий мулоҳаза юритган улуғ мутафаккир ва ҳақиқий ҳикмат эгалари бўлганлар. Демак, шарқшунос-адабиётшунос бўлиш барча касбу ҳунарлардан залворлироқ ва мушкулроқдир.

Бугунги тасаввуфшуносларимиз ўз даврида бу йўналишда ёзилган назарий асарлар билан танишиб шулар асосида ирфоний шеъриятни таҳлил қилишга уринмоқдалар. Ҳечким бугун XII ёки XV асрга қайтиб ўша давр ижтимоий-маънавий мухитини ўша замон ва маконда яшаган инсондек тасаввур қила олмайди. Биз XXI асрда яшамоқдамиз ва бугунги тушунчаларимиз кечаги кун тушунчаларидан фарқ қиласи. Бундан ташқари ижтимоий-инсоний фанлар мавзуси (“объекти”) воқеликда ниҳоятда мураккаб. Шу

<sup>183</sup> А.Е.Бертельс. Поэтический комментарий Шаха Ни'матуллаха Вали на философскую касыду Насир-Хусрау. // Сад одного цветка. –М., 1991. –С.7-30.

набайлан үз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам ҳар ким бир иш билан шуттуланишидан олдин бу ҳаракатдан мақсад нима эканлигини ўзига иник белгилаб олмаса, тайинли бир натижага эришиши даргум. Шундай экан, биз аввал тасаввуф адабиётини ўрганишдан үз мөнадимиз нима эканлиги ҳақида аниқ бир холосага келиб кейин инга киришишмогимиз керак бўлади. Чунки тасаввуфнинг назарий масалалари бўладими, Аттор, Румий ёки Ҳофиз асарларининг шарди бўладими, қайси даврда ким нима ёзган бўлса, үз тушунчалари, билими, дунёқараши, кўзлаган мақсадидан келиб чиқиб фикр билдириган. Ҷемак, биз ҳам кимгадир кўр-кўронга эргашмай, үз мустақил ёндешувимизни ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Атторнинг тасаввуфий-ирфоний шеърияти масаласида биринчи навбатда бир нарсани аниқ қайд этиб ўтиш лозимки, “*тасаввуф адабиёти*” деб аталувчи ҳодиса ўз ичига камида икки турга бўлинади: 1) тасаввуфий руҳдаги бадиий асарлар, 2) тасаввуф тарихи ва назариясига оид илмий ёки илмий-оммавий йўналишдаги асарлар. Иккинчи турдаги асарлар минтақада IX асрдаёқ пайдо бўла бошлаган (масалан, Ҳаким Термизийнинг тасаввуф назариясига оид рисолалари). Соғ бадиий асарлар эса XI иккинчи ярминдан пайдо бўла бошлаган ва XII аср охири – X XIII аср бошларида Фаридиддин Аттор изходида ўзининг юксак поғонасига кўтарилиган. Академик Е.Э.Бертельс ёзадики, тасаввуф адабиётти намуналари шаклан, яъни тасвирий воситаларига кўра бир-биридан фарқ қиласди, аммо барчасининг ниҳойи мазмуни бигта, яъни илоҳий ишқни куйлаш<sup>184</sup>. Бу мулоҳазада ҳақиқий бадиий адабиётнинг асосий бир хусусияти – шакл ва мазмун бирлиги - фаромуш этилган, яъни бадиий асарнинг шакли, яъни тасвирий воситалари икки асарда икки турли бўлгач, уларнинг гоявий мазмуни ҳам ўзаро аниқ фарқ қиласди, ўзгача бўлиши мумкин эмас. Адабиётшуноснинг тасаввуфшуносдан фарқи шундаки, на Яссавий ва Бокирғоний бадиий меросини, на Аттор ёки Румий асарлари мазмунини ўз даврида уларга ёзилган шарҳлар воситасида очиб беришга уринмайди. Чунки ҳар бир шарҳловчининг ўз дарди, ўз қарашлари, ўз билим доираси, ўз замон ва макони шароитидан келиб чиқувчи ўз мақсади бўлади ва унинг шарҳлари асар-

<sup>184</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М.: “Наука”, ГРВЛ, 1965. –С.109.

ни биринчи навбатда шулар билан боғлиқ равища талқин қила-ди. Албатта, адабиётшунос ушбу шарҳлар билан танишиб чиң-ши ва уларни ҳисобга олиши керак, аммо ўз хulosаларида уларга боғланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас.

Аттор шеърияти тасаввуфий шеърият, аммо у шоир, шоир бўлганда ҳам жуда талантли ва ҳассос шоир. Унинг асарлари тўлақонли ва юксак савиядаги ҳақиқий бадиий асарлар. Улардаги етакчи ғоя тасаввуфий ғоя, шу билан бирга бу асарларда замо-насининг жуда чукур ижтимоий-маънавий, ахлоқий-тарбиявий, онтологик ва гносеологик муаммолари рўйи-рост ўз аксини тош-ган. Аттор шеъриятининг ижтимоий-эстетик қиймати ҳам шунда. Шоир бу муаммоларни тўғри ҳал қилиб бераоладими, йўқми, бу бошқа масала, Аммо ҳассос ва изланувчи калб эгаси сифатида у оғир саволларни ўртага ташлайди. Гап шу саволларда.

Навоийни ўзига жалб этган ҳам худди шу мураккаб саволлар. Навоий ўз мақсадлари йўлида изланар экан шу саволларни янгича тарихий вазиятда янгича талқинда ўртага қўяди ва бунинг учун Аттор асари яхши бар замин вазифасини ўтайди<sup>185</sup>.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб – ирфоний шеъриятнинг икки йўналишида Низомий ва Аттор ўрнига яна икки буюк мута-факир шоир - Саъдий ва Румий шеърият осмонида ёрқин юлдуз бўлиб чараклади. Навоий уларнинг бирини “мажоз тариқи”га, иккинчисини “ҳақиқат тариқи”га мансуб деб билади. Румий та-саввуф шоири, унинг б дафтардан иборат “Маснавий маънавий” достони тасаввуф маънавиятининг олий такомил босқичини ўзи-да ифодалаган қомусий асардир. Саъдийнинг “Гулистан” ва “Бўс-тон”лари эса ўз даври ижтимоий-ахлоқий ҳаётининг кенг пано-рамасши бутун мураккабликлари билан акс эттирувчи сеҳрли қўзгудир. Аммо бу икки шоирнинг хulosалари моҳияттан бир-би-рига жуда яқин. Фақат Румий асарининг бошланишида ирфоний оҳанг ҳукмрон бўлса, Саъдий ижтимоий мазмунни очиқ ҳаётий ташбиҳлар орқали ифодалайди.

«Маснавий»нинг дастлабки мисраларини эслайлик:

*Бешнав аз най чун ҳикойат микунад,  
Аз жудойиҳо шекойат микунад.*

<sup>185</sup> Бу икки шоир асарларининг қиёсий таҳлили алоҳида мавзу бўлиб, музайян даражада “Навоийшуносликка кириши” китобининг таркибига кирган.

*К-аз найистон то маро бебуриде анд,  
Аз нафирам марду зан нолиде анд.  
Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,  
То бегўям шарҳи дарди иштиёқ...<sup>186</sup>*

(Тинглагил най, не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай.  
Ким қамишзордан мени то кесдилар,  
Нолишимдан барча фарёд этдилар.  
Сийна истармен фироқдин поралар,  
Токи муштоқликни куйлай боралар...<sup>187</sup>)

Бу сатрлар тасаввуфий руҳда шундай шарҳ этилади: “Най” шинлоҳидан муддао, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган мақсад ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган инсони комилдир... “Айрилиқлардан шикоят айлагай” мисраси-нига мағмуни қўйидагича: ориф ёхуд комил инсон руҳоний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фоний оламга инмаган чоғдаги маконидан) жудо бўлгандан сўнг, шунит ва ёзулар тўла заминга тушганидан аччиқ шикоят қила-ди. Бу шикоят - порозилик, маҳзунликнинг бирдан-бир сабаби асл ватанидан айришишидир..<sup>188</sup> (с.22) Бу ҳолатни нақшбандия пирлари «Сафар дар Ватан» деб атаган, яъни ҳақиқий соликнинг руҳи баданда турган ҳолида бетиним ўз аслига интилишда эканлигини таъкидлаган эдилар. Ушбу шарҳни “нотўғри” деб бўлмайди. Аммо “нотўлиқ”, дейишга тўғри келади. Чунки Румий шеърида “айрилиқ”дан эмас, “айрилиқлардан (“аз жудойиҳо”) шикоят” ёкида сўз бормоқда. Алишер Навоийга мурожаат қиласиз: “Мавлоно Сирожиддин Кунявий - ул вақтнинг бузурги эрмиши. Аммо алар (яъни Румий) била хуши эмас эрмиши. Онинг қошида ободурларки, мен етмииш уч мазҳаб била бирдурман. Тиладики, аларни ранжисда қилгай ва беҳурмат этгай. Бирорни ўз яқинла-риданки, донишманд эрди ва сафиҳ эрди йибордики, жамъ ора-

<sup>186</sup> Румий Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Куллиёти “Маснавий”. (Бо тасҳиҳи комил). –Техрон, 1379 ҳижрий. –С. 1.

<sup>187</sup> Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи китоб. (Таржима шарҳи билан. Таржимон - Асқар Маҳкам). –Т.: “Шарқ”, 1999. –С. 22, 29-30. (Муаллиф ислоҳлари билан).

<sup>188</sup> Маънавий маснавий. Биринчи китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси). –С.22.

*сида Мавлонодин сүрэилки, сен мундоқ дебсен, агар иқрор қылса, сафоҳат қыл ва оғзингдин келгунча сүк ва ранжида қыл. Ул киши келди. Савол қылди, алар дедиларки, айтибмен. Ул киши муқаррапар қылғон дастур била бекоңда айтиб сафоҳат қила киришти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. Ул киши бағоят хисил бўлди ва қайтти.*<sup>189</sup>

“Най” қамишдан ясалади. Форс тилида қамиш ҳам “най” аталади. (Масалан, шакарқамиш “найшакар” дейилади.) Қамиш эса бўғин-бўғин бўлади. Ана шу бўғин-бўғинларни ҳам “жудойиҳо” дейиш мумкин. Қисқаси, шоир айтган “айрилиқлар” бирмаъноли эмас, кўпмаънолидир. Инсон руҳининг руҳоний дунёдан айру тушганлиги, ҳар бир инсоннинг турли сабаб-баҳоналар билан ўзга инсонлардан ажralиб қолганлиги, яъни ҳар бир инсон ўзини умуминсониятнинг узвий бир қисми эканлигини унутганлиги, инсоннинг турли ҳою-ҳаваслар пардасига ўралашиб қолиб ўз моҳиятидан узоқлашгани, табиат ва инсон аро уйғунликнинг бузилиши - булар барчаси шоирни қийноққа solaётган жудоликлар эмасми? “Маснавий маънавий” асари ана шундай чексиз маънавий муаммоларга жавоб қидиришга бағишлиланган асардир.

Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний адабиёт XIII аср иккичи ярмида Жалолиддин Румий ижоди мисолида ўзининг олий босқичига эришди. Саъдий Шерозий буюк тасаввуф шоирининг замондоши. Аммо унинг бадиий ижод тариқи Аттор ва Румийлар йўлидан фарқ қиласи. У мўғул босқинидан олдин туғилди. Нисбатан тинч даврда диний ва ирфоний билимларнинг энг улуғ устозларидан таълим олиб улгурди. Ва туғилишдан инсонсевар бўлган шоиртабиат йигит инсонлар ҳаётини ўрганиш мақсадида ўз саёҳатларини бошлади. У фикри тўлишиб, ҳаётга қайноқ йигит қони билан эмас, балки тафаккур кўзи билан қарайдиган бўлиб етишган бир пайтда минтақага мўғуллар тўфони ёпирилиб келди. Энди инсонсеварлик ижтиҳод ва жасорат майдонига айланди. Энди ирфоний ғоялар ҳам, эътиқод устиворлиги ҳам, халқ донишмандлиги дурлари ҳам фақат бир нарсага - инсонларнинг инсонийлигини сақлаб қолиш, ваҳшиёналик хукмрон бўлган бир замонада уларни бир-бирига оға-ини, биродар эканлигини ҳар қадамда эслатиб туриш виждан талабига айланган эди.

<sup>189</sup> Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: “Фан”, 2001. –С. 327.

*Бани одам аъзойи йекдигаранд,  
Ки дар офаринии зи йек гавҳаранд,  
Чу узве ба дард оварад рӯзгор,  
Дигар узвҳоро намонад қарор.  
Тӯ қ-аз меҳнати дигарон бигами,  
Нашояд, ки номат ниҳанд одами!*<sup>190</sup>

(Бир-бирин аъзоси одамлар асли,  
Бир гавҳардин эрур инсоннинг насли.  
Дард чекса бир аъзо баданда агар,  
Ўзга аъзолари бирдек зиркирар,  
Сен-чи, ўзга ғамин ҳеч ғам демассан,  
Инсон дегай номга лойиқ эмассан.)

Демак, саволларни ҳаёт, тарихий воқелик, конкрет ижтимоий вазият ўртага қўймоқда, жавоблар эса икки хил. Навоий ҳам ўз даврида бир пайтнинг ўзида ҳам бутун Ўрта асрлар мусулмон жамиятига, ҳам конкрет тарихий вокеликка боғлиқ саволларга ўзича жавоб беришга интилар экан, ҳар икки йўналиш эришган натижаларни ҳам кўздан қочирмасликка ҳаракат қиласди. Аммо шоир сифатида “ҳақиқат тариқи” яъни соф тасаввуфий шеърият йўналишини эмас, балки “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳлут” қилган, яъни ирфоний ва ижтимоий масалаларни уйғун ҳолда олиб қарашга итилган Саъдий ва Амир Хисрав Дехлавийлар йўлини танлади ва уни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан камолига етказди.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида илк марта “мажоз ишиқи”ни инсонни “ишиқи ҳақиқий”га элтувчи бирдан-бир йўл сифатида таърифлайди. “Мажоз ишиқи” эса - шоир тушунчасида - инсоннинг инсонга пок ва беғараз меҳри, муҳаббатидир. Бу меҳр фақат эркак ва аёл орасидагина эмас, барча инсонлар орасида ҳам бўлмоғи мумкин ва лозим. Навоий “мажоз ишиқи”, яъни, инсоний меҳрни ижтимоий муносабатлар асосига қўймоқчи бўлади. Фарҳоднинг Ширинга муҳаббати унинг элга, меҳнаткаш инсониятга муҳаббатининг мажозий ифодаси сифатида таърифланади.

Навоий Фарҳодга “мажозий ишиқ” ҳақида Сукрот тилидан насиҳат қиласди - бу нақадар тўғри ва чукур ҳис қилинган кузатиш. Қадим юонон фалсафаси инсониятнинг маънавий тараққиё-

<sup>190</sup> Саъдий Шерози. Мунтаҳаби куллиёт. –С. 60.

тида Зардушт таълимотидан кейинги бир янги босқич. Фарҳод Сукрот хузурига Ахриманинг енгачгина етишади. Аммо на Афлотун, на Арасту асарлари юонон маданияти гармониясини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди, фақат Сукрот - уларнинг улуг устозигиша ҳеч сўз айтмай (унинг ёзма асарлари йўқ) келгуси босқич намояндаси Фарҳодни кутиб ўтирипти. Сукрот ҳақиқий ишқида эришиш мушкуллигини тушунтиради ва унинг бирдан-бир йўли “мажозий ишқ” эканлигини айтади. “Мажозий ишқ” эса реал ҳаётда учратса бўладиган, ўша даврнинг оддий меҳнаткаш кишиси тасаввур қила оладиган йигит ва қиз орасидаги пок ва эҳтиросли муҳаббат эди, Ушбу босқични босиб ўтган инсонгина “ҳақиқий ишқ” нима экани ҳақида тасаввур ҳосил қила олиши мумкин.

Навоийнинг охирги достони “Лисонут-тайр”да инсониятнинг минг йиллар интилиб келган олий “Ҳақиқати” нима эканлиги етарли даражада, давр имкон берган даражада баён қилинган ва ҳам ижтимоий, ҳам Борлик моҳиятига оид муаммо уйғунликда ҳал қилинган. Булар ҳаммаси - Навоийдек инсон ва жамият маънавий камолоти йўлида фидоий курашувни ўз ҳаётий аъмоли деб билган ижодкорни жуда узоқ келажакка мўлжалланган ва шу сабабли ўз даври учун хаёлий орзу бўлиб туюловчи ижтимоий-ирфоний таълимотни олға суришга ва уни ҳам жуда пардали ифодалашга мажбур этади. Шундай қилиб, Амир Хусрав Дехлавий ижодида онгли равишда аниқ-тиник кўзга ташланган ижтимоий-маънавий бадиий таҳлил жараёни аслида Низомийдан бошлиниб Навоийда мукаммал ечимини топди.

Тадқиқотдан асосий хулоса шуки, форс мумтоз адабиётининг 6 асрлик такомили натижасида адабиётнинг инсон ва жамият ҳаётидаги мустақил маънавий моҳияти ҳам ижодий амалиётда, ҳам назарияда (Амир Хусрав ва Навоийнинг назарий қарашла-рида) мукаммал шаклланди. Агар X–XI асрларда дунёвий адабиёт моддий дунё неъматларини таърифлаш, мамдуҳни мадҳ этишдан аста-секин ватан ва миллат қайғуси, авлодлар аро муносабат, адолат орзуси ва Борлик ҳақиқатини излаш сари юксалиб борган бўлса, XII–XIII асрларга келиб, тасаввуфий-ирфоний адабиётда инсон руҳининг парвози ғайб олами сирларини кашф этиш мақомига интилиш мобайнида ўзлигини янгидан, ботинан англаб ета бошлади. Ва, ниҳоят, “мажоз тариқи” адабиётида инсоннинг ботиний ва зоҳирий, дунёвий ва руҳоний эҳтиёжларини уйғунла-

шувингә эришиш, инсон ва инсоният муносабатларининг теран иллининни бадиий таҳлил қилиш, яъни инсон руҳий олами мураккабликларини ижтимоий муаммолар билан уйғун ҳолда олиб қарашиб юмайили форс мумтоз шеъриятининг етакчи йўналишига айланди. Бу пўнвалиш кейинчалик Алишер Навоий ва Мирзо Абдулқодир йўнил сингари минтақа адабиётининг забардаст намояндалари ишодида бор бўйи-басти билан намоён бўлди.

Шарқ мумтоз адабиёти ривожида **мажоз** атамасининг турли шынолардаги талқинини учратамиз. Жумладан, “**мажоз**” усули дунйвий адабиёт вакиллари учун воқеликдаги бирор оддий ҳодисани бадиийлаштириб **тасвирлаш воситаси** сифатида кўлланилган бўлеа (масалан, Рудакийнинг “*Модари май*” қасидаси, ёки Мануздрийнинг шу мавзудаги мусаммати), тасаввуф шоирлари (Масалан, Аттор ва Жомий достонларида) ундан ирфоний ғояларнинг **аллегорик ифодаси** сифатида фойдаландилар. “**Мажоз тариқи**” босқичида энди бу шунчаки бадиий тасвир воситаси эмас, балки йорлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатишнинг алоҳида йўналиши, бадиий ижод тариқи (методи) сифатида талқин қилинди.

Сўз охирида таъкидлаб ўтиш жоизки, форс мумтоз адабиётининг босқичдан-босқичга мазмунан мукаммаллашиб бориши оидинги босқичларда яратилган мумтоз шеърият намуналарининг инсон маънавий тарбиясидаги мустақил аҳамиятини асло камайтирмайди, бунинг ёрқин намунасини биз Фирдавсий “*Шоҳнома*”-нинг минг йиллик шуҳрати мисолида яққол кўришимиз мумкин.

### **З-ҚИСМ.**

## **АДАБИЙ АСАР ТАДҚИҚИДА ТИЛШУНОС ВА АДАБИЁТШУНОС ҲАМКОРЛИГИ. МУМТОЗ ФОРС ШЕЪРИЯТИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

### **1. Тил ва адабиёт. Бадий асар тилини ўрганишда тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишиларининг ўзига хос жиҳатлари**

Адабий асарнинг тили тилшуноснинг ҳам, адабиётшуноснинг ҳам мавзу доирасига кириши мумкин. Шу билан бирга ҳар иккни соҳа одами ушбу ягона манбага турли томондан ёндошувлари ҳам табиийдир. Бугунги кунда филология илмига оид янги соҳа – лингвопоэтика илми шаклланиб келмоқда. Ушбу янги йўналишида тилшунос ва адабиётшунослар яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Аммо бу масаланинг икки жиҳатини назардан қочирмаслик зарур. Биринчидан, ҳамкорлик самарали бўлиши учун, ҳар икки тараф бир-бирининг соҳасини яхши билиши лозим. Иккинчидан, ҳар икки тараф ўз йўналишининг хусусий жиҳатларини яхши англаб, шунга яраша иш олиб бориши керак бўлади. Тилчи киму адабиётчи ким? Аввало, эслаб ўтадиган бўлсак, ҳар иккиси ҳам филолог. Унда филолог сифатида уларнинг умумий томони нимада-ю фарқи нимада? Масалан, бугунги кунда профессор Аҳмаджон Куронбеков форс мумтоз шеъриятининг улуг'устозлари Ҳофиз Шерозий ва Жалолиддин Румий шеъриятининг лексик-семантик хусусиятлари устида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда. Тадқиқотчининг “Маснавий маънавий”да тасаввубуф тимсоллари” китобида “инсон”, “ишқ”, “май”, “гул”, “руҳ”, “ақл”, “дил” сингари қатор сўз-тимсолларни басафсил лингвосемантиқ таҳлилини келтириб тегишли хулосалар чиқарилган. Биз бадий асар тилини ўрганишда тилшунослик йўналишининг ўзига хос жиҳатларига намуна сифатида ушбу асарнинг “дил” тимсолига оид мақоласидан баъзи парчалар келтириб ўтамиз:

“... Мавлоно Жалолиддин Румий ўз замонасининг етук орифи аҳли дилларидан бўлган. Шунинг учун “Маснавий маънавий” да “дил” ни айнан орифлар нуқтаи назаридан, тасаввубуф ғояларига йўғрилган тарзда ифодалаган.

Тасаввуф алломалари ва файласуфларнинг “дил” рамзининг шундайлар тизимида қарашлари ҳам бир-биридан кескин фарқ билди. Бу ҳакда “Форс адабиётидаги рамз ва рамзий ҳикоялар” ёндоғида тасаввуф гояларининг етук дарғаси бўлган имом Фаззолийнинг фикрларини келтириб ёзади:

“Дил” дан гапирганимизда шуни билгинки, одамларнинг шундай ҳақиқатини назарда тутмазки, уни гоҳо “руҳ”, гоҳо “нифә” деб аташади. Кўкракнинг чап томонида жойлашган бир тарҷиҳи “дил” деб назарда тутмайдилар, унинг қадри йўқ, у хичирларда ҳам, мурдаларда ҳам бўлади. Уни кўз билан кўрса бўлади, кўз билан кўрса бўладиган нарсалар, шу оламдандир. Уни шаҳудат (сувоҳлик) олами дейшишади. “Дил” нинг ҳақиқати бу оламдан эмас, бу оламга бегонадир...

Аммо биз “руҳ” деб атайдиганимиз, худоий таолонинг маърифат жойидир, бу ҳайвонларда бўлмайди ва бу на жисм, на араз (акциденция) ва фарипиталар гавҳаридан (моҳият) бўлган гавҳардир. Уни ҳақиқатини билиши қийиндир ва уни шарҳлаш мушкулдир...”<sup>191</sup>.

Юқорида келтирилган Фаззолийнинг қарашларидан маълум бўлалики “дил” бу тана аъзоси ёки бирон тана аъзосининг фаолиги натижаси эмас, бу инсонга берилган илоҳий неъматdir. Уни на кўз билан кўриб бўлади, на кўл билан тутиб бўлади. “Дил”ни бавъзан “руҳ” ёки “нафс” деб аташади.

Имом Фаззолий “дил” нинг фаолият тарзига тўхталиб, уни шундай таърифлайди: “... Дил ҳовуз каби, илм сув ва беши ҳис ариқлар қийиндир. Ҳислар ариги ва кўз кўрган нарсалар эътибори ила илм дилга то тўлгунча қуйилиши мумкин. Хилват, узлат ва кўзни юмиши билот бу ариқчаларни тўсиши ва дил қаърини поклаш ва ундан парда қатларини кўтариши мумкин, токи илм булоги оқа бошласин”<sup>192</sup>.

Шу айтгилган фикрлардан келиб чиқиб, дилда ҳосил бўладиган билимларнинг иккита манбаси бор: биринчиси инсон танасидаги бешта ҳис-кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш, там билиш аъзолари билан ҳосил бўладиган билимлар, иккинчиси бу ҳиссиятни тўсиб, “дил” даги ботиний манбани очиш йўли билан ҳосил қилинадиган илмлардир. Бу илмлар фақат риёзат ва сайд-у сулук йўли билан ҳосил қилинади...

<sup>191</sup> Ш.к. 41, б

<sup>192</sup> Ш.к. 47 б

Доктор Сажжодий С.Ж. “Farhang-e estelāhāt va ta’birāt-e erfāni” лугатида “дил” га шундай таъриф беради:

“Дил” термин сифатида турли маънога эга: жумладан “нафси хотиқа” (онгли мавжудот), маънолар тафсилотининг жойи ва ҳақ асрорининг маҳзани маънолари дурким, ўша қалбининг ўзгинаси дидир.<sup>193</sup>

Тасаввуф адабиётида “дил”ни онгли мавжудотнинг илоҳий ҳақиқатларни англаш манбаи деб биладилар, лекин “дил”нинг ўзи қаерда жойлашган, қай тарзда фаолият кўрсатади, ақл билан дилнинг бир-бирига қандай муносабати бор, буни аниқлаштирумайдилар ва уни аниқ билиш керак, деб ҳисобламайдилар.

“Mirsād ul-ibād” (бандалар катта йўли) китобида “дил” га шундай таъриф беришади:

“Инсон нафсининг моҳияти “дил” дир. “Дил” ойна ва ҳар икки жаҳон ойнанинг гилоғидир. Илоҳиятнинг барча жамол ва жалоли сифатлари мана шу ойна орқали юзага чиқади.”

سَنَرِيْهِمُ آيَاتِبَا فِي آلَآفَاقِيْ وَ أَنْفَسِهِمْ.  
(سوره ۳، آیت ۴۱)

“Яқинда ўз қудратимиз белгисини (оят) ўзларининг уфқлари ва нафсларида уларга ошкор ва ойдин қултурмиз.”

Инсоннинг ойналика мойил бўлган нафси тарбия топса ва ўз камолига эришса, Ҳақнинг барча сифатларининг кўринишини ўзида мушоҳада қиласди ва нафсини танийди (билади) ва уни нима мақсадда яратилганини англайди. Ўшанда “ким ўз нафсини билса, у ўз раббисини танийди” нинг ҳақиқати рӯёбга чиқади.

...Ва лекин, инсон нафси ойна сафолиги камоли мартабасига етишигунча кўп йўларни ва хавф-хатарни босиб ўтиши керак ва шариат, тариқат ва ҳақиқат йўлини босиб ўтмай буни имкони йўқ<sup>194</sup>.

Нажмиддин Розийнинг айтиши бўйича “дил” бу Ҳақ асрорининг ойнаси, яъни Оллоҳнинг ҳақиқатларини англаш “дил” орқали юзага чиқади. Бунинг учун инсон шариат ва тариқат, яъни риёзат йўлини босиб ўтиши керак, шундагина илоҳий ҳақиқатлар унга аён бўлади.

Худди шунга яқин фикр “Farhang-e ešārāt-e adabiyāt-e fārsī” (Форсабабиётининг ишоралари лугати) да келтирилади:

<sup>193</sup> سجادی، فرنگ استلاحات و تریفات ارفانی ۳۸۷

<sup>194</sup> راضی ن. میرсад عباد، تهران، ۱۳۷۱، ۳

“Орифлар назарида “дил” руҳоний нафосат ва раббоний нағиб түрки, барча маънавий қувват, эътиқод ва завқ манбаси ўшан-дан бошланади. Дилни илоҳий сирлар машриқи (келиб чиқши жойи) шаҳархона ойна, деб биллашади ва ойнаи жаҳон маъносидаги “дил” бинт бир парча гўшт маъносидаги “дил” ни фарқлашади.

Тасаввуф аҳли юзаки кўрувчи ақл йўли билан илм орттириши-ни инсонмасдилар ва дилни пок тутиши ва дил ойнасини губордан шоилини йўли билан барча илмлар ва сирларни акс эттириши мумкин, деб биладилар.

Суфийлар асарларида дил (ишқ манбаи) нинг ақлдан юксак-лини тўгрисида кўплаб фикрлар айтилган”.<sup>195</sup>

Тасаввуф гояларига биноан “дил” Оллоҳнинг инсонлар қал-бига уғурган нафаси, инсон уни губордан покласа, унга борлик Оллоҳнинг сифатлари ва ҳақиқатлари аён бўлади. Инсоннинг ақл билан орттирган билимлари бу зоҳирий билимлар, ҳақиқий би-дими эса фақат дилни поклаш орқали қўлга киритиш мумкин...

Ўрта асрлардаги, Мавлоно Румий яшаган даврлардаги ва ундан ондан “дил” га нисбатан бўлган қарашларни якунлаб шуни айтиш бераки, тасаввуф аҳли “дил” ни Оллоҳнинг инсонга берган омонат неъмати ва у Оллоҳ маърифатининг ойнаси, жилвагоҳи, деб тушунинан. Файласуфлар эса “дил” ни инсон ташқи ва ички ҳиссиётларини ўзида жойловчи, сақловчи ва таҳлил қилувчи мия фаолияти ўзинингни таъкидлаганлар. Шоирлар наздида “дил” инсон руҳий олонининг ички ва ташқи таъсир орқали вужудга келган ҳиссиёт ва фикрий оламниг рамзий ифодаси, деб билганлар.

Энди эса мана шу баён этилган “дил” нинг маъно талқинларини ҳисобга олган ҳолда бевосита Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” асарида учраган “дил” нинг маъно қирраларини таҳлилига киришамиз.

“Маснавий”<sup>196</sup> да “дил” сўзи биринчи марта 11 саҳифада шундай байтда учрайди:

پ ۱۱/۱ دست بگشاد و کنار انش گرفت  
همچو عشق اندر دل و جانش گرفت

<sup>195</sup> فرنگ اشارات ادبیات فارسی. تهران. ۱۳۷۷، ۱۷۴، ۴۷۵

<sup>196</sup> مثنوی معنوی مولوی مقدمه و شرح حال استاد بدیع الزمان فروزانفر حواشی و تعلیقات از: م. درویش. ۱۳۷۱

\* Барча шеърларнинг сўзма-сўз таржимаси мақола муаллифиники ۱۳۷۱.

*Күл очиб олди ани огушига  
Ишқ каби олди дилу жонига*

Бу байтда “дил” нинг “ишқ манбаи” маъно белгиси намоён бўлган. “Ишқ” сўзи ҳам рамзий маънога эга бўлиб, “ҳақиқий ишқ” ва “мажозий ишқ” ва “ишқи мубтазил” яъни “эркак билан аёлнинг бир-бираига бўлган табиий интилиши”, деб қаралган. Бу ўринда инсоннинг бор вужудини эгаллаб олувчи “жозиба ҳисси” англашмокда. Ирфоний маънода “дил” “илоҳий шавқ манба” йи деб талқин қилинади.

Шу саҳифадаги кейинги байтда “дил” шундай маънони ифодалайди:

پ ۱۲/۷ ترجمان هر چه مارا در دل است  
دست گیری هر که پایش در گل است

*Дилда неки таржимони сен ўзинг  
лойга ботгандар ҳалоскори сен ўзинг*

Бу байтда “дил” сўзи мажозий “tarjomati” (таржимонсан) сўзида ифодаланган бўлиб “дил” нинг “яширин фикр”, “ӯй”, “хаёл” маъно белгисини ифодалаб келган.

۱۲/۱۰ دید از زاریش کوزار دل است  
تن خوش است و اوگرفتار دل است

*Зорлигидан кўрдики у дил зоридир  
Тани хушхол, у дил гирифтторидир*

Бу байтдаги “дил” нинг маъно белгиси “зор” сўзига боғлиқдир, яъни “у бошқа бир дил эгасига зор”, бунда “дил” шахс маъносини ифодалаб “ўзга бир шахсга зор” маъноси англашилади. Лекин бунинг замирида ботиний маъно ётади, яъни у дил эгаси қўнгил истаган “маъшуқ ўз ошигига зор” маъно белгиси ифодаланган.

Иккінчи мисрадаги “дил” “тан” сўзига қарама-қарши қўйиляпти, яъни “тан” инсоннинг табиий вужуди бўлса “дил” бу табиий жисм эмас, балки ножисмоний тушунча “руҳий ҳолат” демокчи. “Руҳий ҳолат” нинг яширин маъноси эса “ички дард” дир.

Яна шу саҳифада “дил” нинг қўйидагича ифодасини ўқиймиз:

۱۲/۱۱ عاشقی پیداست از زاری دل  
نیست بیماری چو بیماری دل

*Ошиқлик аёндир дил зорлигидан  
Дард йўқ оғирроқ дил беморлигидан.*

Биринчи байтдаги “дил” нинг маъносидан далолат берувчи белги “zārī” (зорлик) бўлиб, “дил”нинг “түшкун руҳий ҳолат” мажозий маъноси ифодаланган. Яъни “дил”нинг эмотив маъно белгиси намоён бўлган.

Иккинчи мисрада “дил”нинг маъносига ишора қилувчи “bitārī” (беморлик, касаллик) сўзи мавжуд. “Касаллик” табиий тана аъзоси-нинг маъно белгиси бўлиб, зоҳиран “дил”нинг “тана аъзоларидан бўлган юрак” маъно белгиси намоён бўлган. Аслида бу ташки маъно бўлиб, замирида ирфоний “руҳий касаллик” деган маъно яширган. Кейинги байтда “дил” сўзи турғун ибора таркибида келган.

١٥/٦ خار در پا شد چنین دشوار یاب

خار در دل چون بود واده جواب

*Шунча қийин топилса оёқда тикон,  
Жавоб бер нечук бўлгай дилдаги тикон?*

Бу байтдаги “xār dar deP”(дилдаги тикон) фразеологик бирикма бўлиб, “тинҳоний дард” маъно белгисини ифодалаган. Бу байтдаги “дил” сўзи ҳам унинг денотатив маъноси борлигига ишора қиласи, чунки “тикон” фақат ашёвий кўринишдаги нарсага санчилади. Ирфоний маъноси “фироқ дарди” бўлиб, бу ошиқ қалбидаги “ўз маъшуқининг висоли”га етишиш дардидир. Шунга биноан “дил”-нинг “маънавий дард манбаи” маъно белгиси ифодаланган.

Кейинги байтда “дил”нинг янги бир маъно қирраси намоён бўлган:

١٧/١١ چون که اسرارت نهان در دل شود

آن مرادت زودتر حاصل شود

*Чунки асроринг дилда бўлса ниҳон,  
Муродинг тезроқ ҳосил бўлгай бегумон.*

Бу байтда ирфоний жиҳатдан “ҳақиқат сири” (سر الحقيقة) ҳақида гап кетмоқда. “Farhang-e estelāhāt”<sup>197</sup> да буни шундай таърифлайди. “Ҳар бир иш (нарса) да Ҳақ ҳақиқатини ошкор қил-

<sup>197</sup> Ш.К. 463 б

маслик". Ирфоний нұқтаи назаридан "дил"нинг бу байтдаги маъноси "ҳақ асрорининг маҳзани" бўлади.

Бу байтдаги "дил" нинг маънавий-ахлоқий маъноси "маънавий бойлик маҳзани" деб талқин қиласа бўлади. Чунки инсон ўзининг энг эзгу орзу-ниятларини "дил"ида яширин сақлайди. Уни инкор қилмайди, уни ошкор қилиши билан қадрини йўқотади. Мурод ҳосил бўлмайди. Шунинг учун Мавлавий "Ул муродинг тезроқ ҳосил бўлгай" деяпти.

Бу байтдаги "дил" нинг маъносидан далолат берувчи белги "асрор" бўлиб, "дил" нинг яна денотатив маъноси, яъни "хотира манбаи" маъноси юзага чиққан. Чунки инсон яширин сир-асрори, ниятларини хотирасида сақлайди. Кейинги байт:

١٨/١ چون که زشت و ناخوش و رخ زرد شد

اندک اندک در دل او سرد شد

Чу бўлди хунук, bemor, ранг сариг,  
Оздан-оздан дил совиб, бўлди фориг.

Бу байтда "дил"нинг маъно белгиси "sard şod" (совиди) феълида яширинган. бу ўринда "дил"нинг "эҳтирос манбаи" маъноси ошкор бўлади. Биринчи мисрадаги тасвир: хунук, bemor, сарғайган юз мана шу маънога аниқлик киритади. Гўзаллик "дил"даги эҳтиросни кўзгайди, хунук юз, касаллик эҳтиросини сўндиради. Кейинги байт:

٢٥/٢ چون غرض آمد هنر پوشیده شد

صد حجاب از دل به سوی دیده شد

Чун гараз келди, ҳунар бекилди  
Юз ҳижоб дилдан кўзга тутилди.

Бу байтда "дил" нинг маъносини аниқловчи белги "yaraz" (манфаат, тама) сўзи бўлиб, "дил" нинг "табиий эҳтиёж манбаи" маъно белгисини ифодалайди. Инсон руҳида "табиий эҳтиёжлар" ва "маънавий эҳтиёжлар" ёнма-ён яшайди. Табиий эҳтиёжлар (инстинкт) кўпинча "маънавий эҳтиёжлар"ни босиб кетади. "Юз ҳижоб" ана шу табиий эҳтиёжлар ҳижоби бўлиб, у маънавий эҳтиёжни тўсади. Кейинги байт:

٢٥/٣ چون دهد قاضی به دل رشوت قرار

کی شناسد ظالم از مظلوم زار

Чу қози берур, кўнгилда порага жой  
Золимни зорли мазлумдан ажраттур қалай?

Бу байтда “дил”нинг маъносига иккинчи мисрада ишора бор: бу “адолат манбаи” маъносини ифодалайди. “Адолат” дилдаги маънавий бойликнинг бир кўринишидир. Кимда тами устун бўлса, ундаadolat маънавий қудрати бўлмайди. Кимни қалбida маънавий қудрат кучли бўлса, у ўз нафсини, яъни тамагирликдан устун келади. Кейинги байт:

۲۶/۶ گفت گفت تو چو در نان سوزن است  
از دل من تا دل تو روزن است

*Деди, сенинг айтганинг нон ичинда нинадур,  
Менинг дилим сенинг дилингга ойнадур.*

Бу байтдаги “дил”нинг маъноси “ravzan”(дарча) сўзида яширин. Бу ўринда дилнинг мажозий маъноси, яъни “ички нигоҳ” маъноси ифодаланган. Суфийлар ақидаси бўйича “ташқи кўз” дан ташқари “ички кўз” бор. Бу байтдаги ички кўз дилни зоҳирий таъсирлардан поклагач очилади. Кейинги байтда “дил”нинг ҳам мажозий, ҳам ирфоний маъноси намоён бўлган:

۲۸/۴ بس ستاره آتش از آهن جهيد  
وین دل سوزیده پذرفت و کشید

*Кўп олов юлдузи темирдан учди,  
Ba bu куйган дил олди-ю қучди.*

Бу байтдаги дилнинг маъноси ташбиҳ орқали берилган. “Setāre” (юлдуз) “оташин нутқ”ка ташбиҳ қилингапти, “del-e suzide”(куйган дил) оловда куйган (гўштга) ўхшатиляпти. “Куйган дил” мажозий маънода “нийт-мақсадига етолмаган ҳолат” ни англатади.

Бу байтдаги “дил”нинг ирфоний маъноси эса “аҳли дард” дилидир, яъни “ҳақ висолига ошиқ” лар дили.

Кейинги байтда “дил”нинг маънавий-ахлоқий маъносига ишора бор:

۳۱/۴ چون کنى باي حسد مکر و حسد  
زان حسد دل را سیاهی هارسد

*Гар айласанг ҳасадсизга макр-у ҳасад,  
Қароликлар келтирур дилга ул ҳасад.*

Бу байтдаги “дил” нинг мажозий маъноси “siyāhi”(қоралик), яъни “зулмат”, “жасолат”, “ёвузлик” ранги билан белгиланади. “Ичи қора” яъни “базритош, бераҳм” одам. Шоир бундан ирфоний маънода фойдаланган: “Ҳасад яъни тамагирлик манбаи”.

Ҳасад бирорнинг омадига тана қилмоқ. Бу байтдаги “дил”нинг машиий, мажозий, ирфоний-маъносидан ташқари ижтимоий-маънавий маъноси бўлиб, бу маънода “дил”, “ўткинчи эҳтирослар манбаи” ни ифодалайди. Чунки “ҳасад”, “рашик”, “кибр”, “риё” бу маънавий тубан шахснинг хислатлариридир. Маънавий бой, яни мангуликка дахлдор ғоя ва амалларга банд шахс, бундай ўткинчи ҳирс ва ҳиссиятлардан устун бўлади. Яна бир байтда “дил”нинг ижтимоий-маънавий қирраси очилган:

٣٢ دین و دل را کل بد و بسپرد خلق  
پیش امر و نهی او میرد خلق

*Дин-у дилин топширишиди унга ҳалқ,  
Үл деса ўлуб, қол деса қолишиди ҳалқ.*

Бу байтда ирфоний маъно кузатилмайди. Бу ерда дилнинг ижтимоий муносабатлардаги маъно белгиси рўёбга чиққан ва бунинг далили иккинчи мисрадаги “унинг амр-у нахийси олдида жон берарди ҳалқ” сўзлариридир. Шундан келиб чиқиб “дил”нинг маъноси “иродат манбай” дейиш мумкин. Кейинги байтда “дил”-нинг маънавий-ахлоқий маъноси очилган:

٣٤ در یکی گفته مسیر آن بود  
که حیات دل غذای جان بود

*Бирорга дедики ийл шудир,  
Ким дил ҳаёти жон озигидир.*

Бу байтда соф мажозий маъно кузатилади ва бу “hayāt-e del” бирикмасида яширинган. “Ҳаёт” бу ўринда кўчма маънода ишлатилган, яни “дилдаги кечайтган ўй-фикрлар” демоқчи. Маънавий жиҳатдан бу ўй-хаёллар икки хил бўлиши мумкин-эзгуликка хизмат қиласидиган ўй-хаёллар ва қабиҳликка етаклайдиган ўй-хаёллар. Бу мисрадаги “жон озиги” белгиси бу ўй-хаёлларнинг жисмоний талабларни қондирадиган ўй-хаёллар эканлигидан дарак беради. Демак бу ерда “дил”-“орзу-ҳавас” маъносини ифодалаган...

Хулоса қилиб айтилса, “дил” сўзи “Маснавий маънавий” асарида мингдан ортиқ байтда учрайди. Бу байтларнинг ҳаммасида ҳам дилнинг янги маъно белгилари кузатилмайди. Асарда учраган “дил” сўзи ҳамма байтларда кўриб чиқилди ва улардан фақат янгича маъно ифодалаганлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

**"Дэлт" нийгээн саналтад тархсан**

№	Байг сахифа ва катор	Денотатив маъноси	Мажозий маъноси	Ирфоний маъноси	Окказионал маъноси
1	1п/91	-	Жозиба манбай	Илохий ишк манбай	-
2	7п/12	-	Яширин ўй, хаёл	-	Яширин дард
3	10/12	-	Шахс (ошик ё магъшук)	Рухий безохалик	-
4	11/12	-	Ошиклик	Рухий дард	-
5	6/15	Юрак	Мальавий дард	Фирок дарди	-
6	11/17	Хотира	Мальавий бойлик	Хак астрорининг маҳзани	-
7	9/8	-	Эхтирос	Илохий шавк манбай	-
8	2/25	Эхтирос манбай	Табиий эхтиёж	Парда	-
9	3/25	-	Адолат манбай	-	-
10	6/26	-	Ички нигоҳ	Ойна	-
11	4/28	-	Ахли дард	Хак висолига ошик	-
12	4/31	-	Жахолат, ёвузлик	Үткинчи эхтирос	-
13	9/32	-	Иродат манбай	-	-
14	3/34	-	Орзу-хавас манбай	-	-
15	4п/35	-	Галаён манбай	Хайрат манбай	-
16	5п/36	-	Улкан, юксаклик манбай	Ботиний олам	-

17	8/38	-	Маънавий озука	-	-
18	9/38	Юрак	Фам-кайғу манбай	Илоҳий ҳакиқат ишқи	-
19	10п/38	-	Огоҳлик манбай	Басират манбай	-
20	1/39	-	Ботин	Моҳият манбай	-
21	9п/39	Истак	Маънавий озука манбай	-	-
22	4/40	Идрок	Илм-у маърифат манбай	-	-
23	4п/42	Чин иштиёқ манбай	-	-	-
24	4п/46	Гавҳар	-	Моҳият манбай	-
25	3п/46	Ичи қоралик	Бераҳмлик, ҳасадчилик	Нопоклик манбай	-
26	3/47	Юрак	Маънавият манбай	Маърифат манбай	-
27	4/47	-	Билим манбай	Илми даросат манбай	-
28	4п/49	Ўрта	-	-	Балою оғат манбай
29	3п/50	-	-	Суст имон манбай	-
30	6/52	Юрак	Шаккоклик манбай	Нопоклик манбай	-
31	3п/55	Рух	-	Рахмоний нафас манбай	-
32	1п/62	Ҳирс	-	Покланиш манбай	-
33	1/63	-	-	Кибру ҳаво манбай	-
34	3/63	Рух	-	Илоҳий нур манбай	-
35	4/63	-	-	Ботиний нигоҳ манбай	-
36	5/63	-	-	Илоҳий ҳакиқатлар манбай	-

37	2/65	Гавҳар	Онг манбай	Нафси нотика	-
38	2п/65	-	-	-	Ахлоқий хислат манбай
39	10п/69	Юрак	Менлик манбай	-	-
40	8,9/71	Ақл-у ҳис манбай	-	Илоҳий ҳақиқат манбай	-
41	7п/75	Яширин сир манбай	Ички кечинмалар манбай	Илоҳий мўъжиза манбай	-
42	1п/78	Юрак	Кўркинч ё кувонч манбай	Вараъ-(хавф) манбай	-
43	6/79	Рухий кечинма	Мехр манбай	Илоҳий меҳр манбай	-
44	6/81	-	Софлик манбай	“дил” ни поклаш	-
45	7/85	Нур манбай		Илоҳий ҳикмат манбай	-
46	4,5/87	Дил кўзи		Идрок манбай	-
47	11/113	Дил нағмаси	Бахт-саодат манбай	Комил инсон дили	-
48	10/121	Дил денгизи	-	Борлиқ уммони	-
49	4/122	Дил куши	-	Рух манбай	-
50	16/127	Равшандил	-	Огоҳлик манбай	-
51	10/128	Ўлик дил	-	Маърифатдан маҳрумлик	-
52	12/136	Тамаъ манбай	-	Риёкорлик манбай	-
53	4п/139	-	Учқун, чақмок	Меҳр-шафқат манбай	-
54	5/145	Гавҳар	Қимматбаҳо хосият	Моҳият манбай	-
55	10/152	-	Парвардигор	Худо маскани	-

56	7п/153	Сами-мийлик манбай	-	Яширин сир манбай	-
57	10/171	Фикр манбай	-	Заковат манбай	-
58	3/177	Гумон манбай	-	Шак-шубха манбай	-
59	10п/193	Күнтил	-	Комил имон манбай	-
60	3п/193	Гавхар	Билим манбай	Марьрафт манбай	-
61	8/197	Дил амри	Ирода манбай	Солик дили	-
62	13/254	Жамол манбай	-	Комиллик манбай	-
63	11/272	Илт манбай	-	Такомиллик манбай	-
64	13/275	-	Гам-ташвиш манбай	Оллох меҳри манбай	-
65	3/284	Юмшоклик манбай	-	Тальим-тарбия манбай	-
66	9/278	Соғломлик манбай	Мальгавий кудрат манбай	-	-
67	8/1196	Ишк манбай	-	Мажозий ишк манбай	-
68	10/9	Юлук	Кильмай	Гуджарети барийлик	-
69	11/5	Мадди	Харид-жон манбай	Гулдот	-
70	11/5	Чөмбайи	Сабз	Каджар	-
71	8/601	Чола	Баджадж	Гулоори ташкилчилар	-
72	10/493	Ходж	Ляланк	Гурбон	-
73	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
74	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
75	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
76	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
77	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
78	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-
79	10/493	Ходж	Ляланк	Гулбекир	-

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва жадвалдаги маънолар тизимидан кўриниб турибиди, “Маснавий” да ишлатилаги “дил” сўзи адабий рамз бўлиб Жалолиддин Румий ўз умумбашарий ижтимоий-маънавий қадриятлар, фалсафий ва ирфоний қарашларини ва дилидаги қўйноқ бераётган ҳақиқатларни баён қилиш учун “дил” нинг ҳам луғавий тўғри маъноси (денотатив), ҳам мажозий маънолар (коннотатив), ҳам диний-ирфоний маънолар тизимидан фойдаланган. Агар бу маънолар силсиласини киёсий таҳлил қиласиган бўлсак “дил” нинг денотатив маъноси камрок, асосан мажозий ва ирфоний маънолари кўпроқ кўринади. Бу албатта, табиий ҳодиса, чунки “Маснавий-маънавий” асари кўпроқ ирфоний характерга эга бўлиб, Жалолиддин Румийнинг юксак истеъдоди уларни умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан баён қилишга ва бу асарнинг ўлмас ҳақиқатлар уммонига айлантиришга муваффақ бўлган.”<sup>198</sup>

Китобда мақола жами 42 саҳифани эгаллаган. Жумладан, “дил” сўзининг “Маснавий маънавий”да янгича маъно ифодалаган ўринлари таҳлилига 26 саҳифа ажратилган. Биз шундан намуна сифатида фақат б 6 саҳифасини келтирдик. Чунки мақсад А.Куронбеков мақоласини танқидий таҳлил қилиш ёки Румий асаридаги алоҳида бир сўз-тимсолнинг манолар тизимини мукаммал ёритиш эмас, балки тилшунослик нуқтаи назаридан бадиий асар тилини ўрганишнинг бъязи хусусий жиҳатларига эътибор қаратишидир.

Аввало шуни қайд этиб ўтиш керакки, тилшуносликнинг соҳалари кўп – фонология, морфология, синтаксис, лексикология, семасиология ва ҳоказо. Юқорида биз келтирган мисол бадиий асар лексикасини ўрганишга алоқадор бўлиб, айни А.Куронбеков бу соҳада олиб бораётган изланишларнинг ниҳойи мақсади муаллиф лугати тузишdir<sup>199</sup>. Бу йўналишда рус лексикологлари томонидан ниҳоясига етказилган икки иш кўпчилик мутахассисларга маълум. Улардан биринчиси 1956 йилдан нашр этила бошлаган “Пушкин

<sup>198</sup> А.Куронбеков. “Маснавий маънавий”да тасаввуф тимсоллари. –Т.: ТДШИ, 2011. –С. 58-99.

<sup>199</sup> Бу мавзууда илк изланишлар 70-йилларда эълон қилинган. Қаранг: М.Имомназаров. Опыт составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.458, 1975. –С. 124-138. Шу муаллиф. Из опыта составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.575, 1978. –С. 42-56.

*тили лугати*<sup>200</sup> бўлиб, иккинчиси 1974 йилдан Ленинградда нашр этиш бошланган “М.Горький автобиографик трилогиясининг лугати”<sup>201</sup> дир. Бу йўналишда форс тилидаги адабиёт бўйича камина 1975 йилда филолоғия фанлари доктори Муҳаммад-Нури Османов раҳбарлигига номзодлик диссертацияси ёзиб ёқлаган бўлса<sup>202</sup>, дўстимиз Аҳмаджон Куронбеков 1988 йилда номзодлик<sup>203</sup>, 1995 йили докторлик<sup>204</sup> диссертацияларини тайёрлаб ҳимоя қилди. Кеъинроқ А.Куронбеков изланишларини давом эттириб, Ҳофиз ғазалиётида кўп учрайдиган қатор сўз-тимсолларнинг батафсил семантик таҳлилини алоҳида китоб сифатида чоп эттириди<sup>205</sup>. Бу тадқиқотларда “дил” сўзининг таҳлили алоҳида ўрин тутади<sup>206</sup>.

Ушбу таҳлилларнинг барчаси шуни кўрсатадики, бадий асар тилини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишнинг ўзига хос асосий хусусияти **хусусийликдан умумийликка йўналганлигидадир**, яъни бир сўзнинг бир асарда қандай маъноларда ишлатилганлиги умумадабий тил заминида текширилади ва умумадабий тилнинг семантик имкониятлари нуқтаи назаридан хulosалар чиқарилади. Бунда юқорида тилга олиб ўтилган рус тилидаги икки луғатнинг ўзаро моҳияттан фарқланишига эътибор қаратадиган бўлсак, Г.О.Винокур ва В.В.Виноградовлар раҳбарлигига ишлаб чиқилган Пушкин тили луғатида “*асосий*

<sup>200</sup> Словарь языка Пушкина. (В 4-х томах) Т. 1. А-Ж. –М., 1956. –С.808.

<sup>201</sup> Словарь автобиографической трилогии М.Горького. (В 6-ти выпусках) Выпуск 1. А-Всевидящий. Изд. ЛГУ, 1974. –С.316.

<sup>202</sup> Имомназаров М. Статистико-семантическое исследование лексики поэмы «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дисс. –М., 1975.

<sup>203</sup> Куронбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Аинаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дисс. –М., 1988.

<sup>204</sup> Куронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. –Т.: “Фан”, 1994. 208 сах.

<sup>205</sup> Куронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. –Т.: ТДШИ, 2009. 116 сах.

<sup>206</sup> Имомназаров М. Статистико-семантическое исследование..., с. 24-25. Имомназаров М. Семантика слов “дил” и “жон” в поэме «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви // Лексикология и грамматика восточных языков. Сб. статей. –М., 1975. –С. 39-48. Куронбеков А. Статистико-семантический анализ..., –С. 13-16. Куронбеков А. Парадигматический анализ семантической структуры “дил” и “жон” в поэме «Аинаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви // Амир Хосров Дехлеви. Сб. науч. трудов. –Т., Ташгу, 1987. –С. 43-52. Куронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. –С. 76-84.

мақсад – умуммиллий рус адабий тили ва унинг лугат бойлигининг А.С.Пушкин асарларида ўз аксини топган ва қўлланган қисмига оид маълумотларнинг тўлиқ тавсифини бериш” бўлган. (“основная цель Словаря – описать факты общенационального литературного русского языка, его словарного состава, нашедшие отражение и применение в произведениях А.С.Пушкина”)<sup>207</sup> Аммо профессор Борис Александрович Ларин ташаббуси ва раҳбарлигида ҳозирги Санкт-Петербург университети илмий жамоаси томонидан асос солинган 6 жузли “М.Горькийнинг автобиографик трилогияси лугати” бошқача тамойиллар асосида яратилди. Бу ҳақда луғатнинг кириш қисмида шундай изоҳ берилади: “трилогия лугати – бу муаллиф лугати. Унда М.Горький тилининг ўзига хос услуби ёритиб берилиши керак.”<sup>208</sup> Бу турдаги луғатнинг энг асосий хусусияти ҳам аниқ айтилган: “... муаллиф лугатида турли ўринларда қўлланган бир сўзнинг асосий туб маъносини аниқлаш эмас, балки бадиий матннинг ҳар бир жумласидаги ҳар бир сўзнинг яхлит (ўзига хос) маънолар мажмуини англаб этиши ва очиб бериш талаб этилади.” (“... в словаре писателя необходимо уловить не сквозной семантический стержень множества словоупотреблений, а каждый единственный семантический комплекс слова в каждом абзаце поэтического текста”)<sup>209</sup> Профессор Аҳмаджон Куронбеков изланишлари айни шу иккинчи йўналишдаги луғат мақолаларига мувофиқ келади.

Энди бадиий асардаги алоҳида бир сўз-тимсолни адабиётшунослик йўналишида тадқиқ этишга хос бир мисол сифатида “Навоийшуносликка кириши” китоби учун маҳсус ёзилган “Кўнгил ҳақида тўрт достон шарҳи” мақоласидан фақат Низомийга оид қисмини кўриб чиқайлик:

“Маълумки, VIII-IX асрлардан шакллана бошлаган мусулмон минтақа маданияти маънавий жиҳатдан ўз ривожида бирқатор такомил босқичларини босиб ўтди. Улардан биринчиси Сунна босқичи бўлиб, дастлабки икки асрни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Мухаммад (сав) ҳадислари йигилди ва Имом Бухорий бошлаб берган ҳадисшунослик илми ўзининг олтин даврини

<sup>207</sup> Словарь языка Пушкина. Т. 1., –С. 10.

<sup>208</sup> Словарь автобиографической трилогии. –С. 9.

<sup>209</sup> Ўша ерда.

бошдан кечирди. Ундан кейин X-XI асрларни “Мусулмон маърифатчилиги” босқичи деб аташ мумкин. Бу даврда калом илми, фалсафа, ботиния йўналишлари оламшумул натижаларни қўлга киритиб, тасаввуф йўналишида ҳам дастлабки назарий асарлар яратила бошланди. **Ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш ушбу даврнинг етакчи тамойили бўлиб, нафакат Форобий, Мотуридий, Ибн Сино ва Беруний сингари илму-фалсафа намояндалари, балки Рудакий, Абу Шукур Балхий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб сингари таниқли бадиий сўз санъаткорлари томонидан ҳам эътироф этилди.**

Аммо ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёт ўзгариб борарди. Буюк маърифатчиларимиз умид қилган адолатли жамият ҳануз орзу-армонлигича қолиб келарди...

Кучли мутакаллим ва фиқҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг эътиборига тушиб, Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. Аммо аср охирларида кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва факиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф сулукига бош уриб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва таркидунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари - «Эҳёйи улум ад-дин»ни ёзиб тугатди...

Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари мусулмон минтаقا маънавиятининг маълум бир босқичи якунланиб, янги босқич бошлангаётганидан ёрқин бир нишона эди. Унинг энг буюк ихтироси ўз курдатини қўлдан бой берган ақлга таяниш тамойили ўрнига **кўнгилни поклаш** тамойилини жорий қила билганлигидадир. Бу тамойилнинг олға сурилиши минтаقا маънавий такомилида янги босқич – **Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичининг бошланганини билдирап** эди. Улуғ алломанинг «Эҳёйи улум ад-дин» асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «*Кимёйи саодат*» номи билан форс тилида баён қилинган бўлиб, бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида **кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир, деган гоя олға сурилади...**

Аллома ёзади: “*Билгилки, танинг мисоли шаҳарга ўхшайдир... Дил - бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридир.*” Дарҳақиқат, инсон ҳар доим ҳам ақл йўриғи билан иш юритабермайди. Кўпинча, ақл кўрсатмаси эмас, кўнгил хоҳиши инсонни бошқаради. Кўнгил истаклари не кўйларга солмайди,

деган ибора бежиз эмас. Демак, ишни **кўнгилни поклашдан** бошламоқ керак, деб хулоса қиласи аллома. Кўнгилни поклаш эса риёзат билан бўлади. Тасаввуф йўли айни риёзат йўлидир...

XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган **Низомий Ганжавий** (1141-1203) ўзининг биринчи достони “*Махзан-ул-асор*”-нинг муқаддима бобларида анъанавий “*Тавҳид*”, икки “*Муножот*”, Пайғамбар (сав) мадҳидаги тўрт “*Наъм*”, Малик Фахриддин Баҳромшоҳ мадҳи, Китобнинг ёзилиш сабаби, Сўз фазилати, Назмнинг насрдан афзаллиги ҳақидаги боблар сўнггида **Кўнгил** ҳақида алоҳида беш боб киритади. Улардан биринчиси “*Кечавасфи ва кўнгилни таниши ҳақида*” (“*Дар тавсифи шаб ва шинохтани дил*.”) деб номланган. Боб 12 байт давомида қуёш ботиши ва қоронгу тушишининг рамзий тавсифи билан бошланади. Шоир “чирогсиз қоронгу тунда сўзни жигари қони билан қориб”, энди бирнеча сўз айтган пайтида гайбдан (“ҳотифи хилват” деб атайди шоир) шундай овоз келади: “*Қарз олсанг, кейин узаоладиган миқдорда олган. Бу пок оловга сув сепиш не керак? Тупроқни шамолда чангитишдан не маъни?* Ўлимга маҳкум танани тобутга бағишила, ёлқинли оловни ёқутга бағишила. Ўқ отма, нишон ўз ниятингдир, Қамчига куч берма, улов ўз оёгингдир. Бундан буёғига гофилликни ташла, ҳар не кўз ёшинг бўлса, кўнгил қошида тўк. Ушбу кўк тоқ остида **кўнгил қиссасини** сўйлаки, қулоқча ёқадиган нағма шудир. Йўлдан оздирувчи ҳою ҳавасларни нари сур, сенга ҳақ йўлни кўнгил кўрсатади, сен кўнгилни таниб ол. Тана кишанларини тарк этиб, ариши аълога иштилганлар кўнглига Жаброил қанотлари баҳши этилур. Жиловини икки оламдан терс ўғирганлар кўнгил эҳсонидан қувват топурлар. Сен дилни лойдан яралган мунҷоқ деб ўйлама, ундаи дил (яъни юрак) эшакда ҳам бор<sup>210</sup>, барча жонзорлар жон билан тирик, сен кўнгил билан тирик бўлки, асл умр шудир...”

“Хилват хабарчиси”нинг хитоби 34 байт давомида келтирилади. Унинг айтишига кўра, инсон 40 ёшга етганда балогат дара-

<sup>210</sup> Биз ўзбек тилида “кўнгил” деб атаётган тушунча форс тилида “дил” сўзи билан берилган. Аммо бу сўз иккимаъноли бўлиб, тилимиздаги “кўнгил” сўзи ҳам, “юрак” сўзи ҳам шу биргина сўз билан (араб тилида “қалб”сўзи ҳам шундай) ифодаланади. Натижада, шоир учун юқоридаги сўз ўйини ҳосил қилиш имкони пайдо бўлган.

жасига кўтарилади, шунда инсонга бир ғамхўр ёр керак, агар ёр (дўст) бўлса, ғам емаса ҳам бўлади. Дўстнинг яқинлиги жуда мустаҳкам таянчдир, агар икки киши яқин бўлса, бир-бирининг нафаси билан илиқ муҳит пайдо бўлади ва ҳар қандай ғам бир нафасда йўқ бўлади. Сендан ўзлигинг билан ҳеч иш чиқмайди, ёр талаб қил, чунки ҳар иш ёр-дўст билан битади.

Дил нимадан пайдо бўлади? Жон ва сурат (ташқи қиёфа) бирга кўшилиб, иккиси бир-бирини кучогига олгандан дил юзага келади, деб тушунтиради “хилват ҳабарчиси” сўзининг охирида. Боб давомида шоирнинг хаёлан ўз ички оламига кириб бориши тасвирланади. Бу қисқача натурфилософик сайр “етти халифа”, яъни инсон ички аъзоларининг ҳар бирини – ўпка, қораталоқ, жигар, ўт пуфаги, буйрак ва ҳ.к.ларни бирма-бир мажозий сифатлаш билан бошланиб, якунида “дил” таърифланади:

*Ин ҳама парвонаву дил шамъ буд,  
Жумла парокандаву дил жамъ буд.*

(Булар барчаси парвона, дил эса шамъ эди,  
Барчаси қовушмаган, фақат дил қовуштирувчи эди.)

“Мен қаноат ҳосил қилиб, дил меҳмони бўлдим”, дейди шоир ва шу билан “дил”нинг шоирга хитоби бошланади. “Мен хазинаман, - дейди у, - аммо Қоруннинг киссасида эмасман, сен билан эмасман, аммо сендан ташқарида ҳам эмасман.”

Кейинги боб “Кўнгил тарбияти хусусида биринчи хилват” (“Хилвати аввал дар парвариши дил”) деб номланган. Боб шундай бошланади:

*Ройизи ман чун адаб оғоз кард,  
Аз гиреҳи нўҳ фалакам боз кард.  
Гарчи гиреҳ дар гиреҳаш буд жсой,  
Бар ногирифт аз сари ин ришта пой.  
То сари ин ришта ба жсое расид,  
К-он гиреҳ аз ришта бихоҳад бурид.  
Хожса маалқисса, ки дар банди мост,  
Гарчи худо нест, худованди мост.  
Шаҳнаи роҳу ду жсаҳони ман аст,  
Гар на чаро дар ғами жсони ман аст?  
Гарчи басе соз надорад зи ман,  
Шафқати худ боз надорад зи ман.*

*Гашт чу ман беадаберо гулом,  
Он адабомуз маро кард ром...*

(Тарбиячим<sup>211</sup> менинг асов табиатимни жиловлашга киришгач,  
Ундаги тўққиз фалак тугунини ечиб юборди.  
Гарчи унда тугун устига тугун қалашиб кетган бўлса-да,  
Чилвир бошини маҳкам босиб туришдан толиқмади.  
Токи чилвир боши маълум нуктага етишмагунча,  
Тугунларини қирқиб ташлашга шошилмади.  
Хуллас, хожа /яъни кўнгил/ ўзи бизга банда бўлса-да,  
Худо бўлмаса ҳам, бизнинг соҳибимиздир<sup>212</sup>.  
Юрган йўлим ва икки жаҳоним унинг назоратида,  
Бўлмаса, нечун менинг жоним қайғусини қиласди?  
Мендан тузук бир эътибор кўрмаса ҳам,  
Ўз шафқатини асло дариг тутмайди.  
Мендек одобсизга тобеъ бўлган ҳолда,  
Ул адаб ўргатувчи мени ўзига ром қилди...)

Низомий танани “Мисри Зулайхопаноҳ” (Зулайҳо макон тутган Миср) ва кўнгилни Юсуфга ўхшатади. Кўнгил шоирни кўлидан етаклаб бир хаёлий боғ сари бошлайди. Шу билан 42 байт давомида ушбу мажозий боғнинг жозибали васфи бошланади. “Биринчи хилват самараси” деб номланган фаслда “хожа” яъни кўнгилнинг бир “гул нафасли”га ошиқ бўлиши воқеасини тасвирлайди. Ул хаёлий гўзал васфи 17 байтни эгаллайди. атиргул нафасли гўзалининг таърифи келтирилади. Холосада маълум бўладики, батафсил тасвирланган боғ ҳам, гўзал ҳам шоир ботиний кечинмаларининг ифодаси экан. Низомий ўз мажозий тасвирларини шарҳлаб “сабза” “фалак” эди ва “боғ” “сўз” эди, ундаги зилол сувлар шоирнинг кўз ёшлари эди, деб изоҳ беради.

Иккинчи хилват мажозий тунги базм ҳакида бўлиб, кўнгил (хожа) икки-уч ўзи сингариларни йиғиб базм беришидан бошланади. Базм анжумани (“мажслис”) “навбаҳор каби” чароғон эди, дейди шоир. “Навбаҳор” сўзи бу тасвирда кўпроқ мангу олов ёниб турувчи зардуштийлар ибодатхонаси (“оташкада”) эмасми-

<sup>211</sup> Аслиятдаги “ройиз” сўзи асов отларни кўлга ўргатувчи маъносини билдиради.

<sup>212</sup> Бу ўринда шоир “худо” ва “худованд” (хўжмдор маъносида) тушунчалари асосида сўз ўйини қиласди.

кан деган таассурот қолдиради. Боб тўлиқ мажозий ишрат базми ҳакида, унда жуда гўзал ва эҳтиросли рамзлар кўп учрайди.

Масалан:

*Боз шуда куйи гиребони ҳур,  
Хатти сахар ёфта тугрои нур.*

(Хурнинг ёқаси эшиги очилар экан,  
Сахар номаси нурли тугрога эга бўлди)

Низомийнинг маҳорати шунда-ки, у ҳарбир байтига бирнеча маъно ишоралари сингита олади ва уларнинг барчаси ҳам самимийдир. Кўнгил аслида ишқ ва имон маконидир. Шу нуқтаи на зардан ушбу боблар ботиний мазмунида шоирга бир пайтлар каниз сифатида совға қилинган ва кейинча унинг маънавий тарбиячисига айланган севимли хотини - қипчоқ қизи Офоқ ҳақидаги хотиралар яширинган эмасмикин, деган тасаввур туғилади. Бу тасаввуримиз бежиз эмаслиги “иккинчи хилват самараси”даги қуидаги байтлар билан янада аниқлашади:

*Турки қасабпўши ман он жо чу моҳ  
Карда диламро чу қасаб раҳнагоҳ.*

(Менинг нозик либосли турк гўзалим ой каби ўша жойда,  
Дилимга қамишдек раҳналар солди),

Шоир севгилиси билан ўтказилган фараҳли тунларни эслайди ва тонг отишини фалокат сифатида қабул қиласи, бундай ташбеҳлар бехуда бўлмаслиги керак, тасаввуф истилоҳотида “субҳ” - яъни “тонг”, “кундуз” – “нариги”, “боқий дунё”ни гайбий “ёр” юзини, “тун”, “зулмат” эса “бу дунё”, “фоний дунё”ни, фаол моддий ҳаётни эслатган, шеърда ушбу тимсолларга ишора бор, бироқ шоирнинг маҳзун рухи “тун”ни қўмсайди, “тонг”ни рад қилгуси келади. “Тонг” унинг назарида “жаллод”:

*...Тегзанон субҳ дар омад зи дар.  
Оташи хуршед зи мижгони ман  
Оби равон кард ба айвони ман.*

(...Эшиқдан тиф ўйнатиб тонг кириб келди.  
Куёш олови менинг киприкларимдан  
Айвонимга кўз ёшларини оқизди).

Низомийдаги бу каби мураккаб маъно товланишлари ва акс ёндолар унинг даврига мос эди. Мусулмон маърифатчилиги даври хур фикрининг ҳали тирик анъаналари ва Газзолий реформацияси, Ганжга шаҳри “футувва” жамоаларининг ҳаётчан пантеизми, ва кучайиб келаётган диний таассуб, шоирнинг оташин муҳаббати ва абадий айрилиқ алами - булар барчаси Низомий шеъриятидаги қатма-қат ва кўп қиррали мажозий маънолар хазинасининг зиддиятли манбаълари эди, “Куёш чашмаси” - шоир сингариларнинг кўпини сопол кўзадек синдириган:

*Ҳавзай ин чашма, ки хуршид баст,  
Чун ману ту, чанд сабуро шикаст.  
(Куёш яратган бу чашманинг доираси  
Мен ва сен каби қанча кўзаларни синдириган).  
Шоир оҳ чекади, “тонг”ни очиқ айблайди:  
Дар пай жонам саҳар аз жўй жаст,  
Ташнакуши карду бар у пул шикаст.  
Бонг бар омад зи хароботи ман,  
К-эй саҳар, ин аст мукофоти ман?  
(Тонг жоним қасдида ариқдан сакраб ўтди  
Ташналарга зомин бўлди ва кўприкни синдириди.  
Менинг вайронамдан наъра келди,  
Эй, тонг, менинг мукофотим шу бўлдими?).*

“Илгарироқ тунларнин ёритувчи шамъ каби кишим бор эди, эди менда на ўшал тунлар колди, на шамъ” деб нола қиласи шоир. Бундай автобиографик ишоралар шоир тасвиридаги ирфоний мажозлар билан мураккаб уйғунлик ҳосил қиласи, ширин хотиротларнинг аччиқ алами ва юксак умумбашарий дардлар бирлашиб, Низомий назмининг мазмуний чексизлигини таъминлайди. Боб охиридаги шарҳлар ҳам кўпмайноли:

*Ман, ки аз ин шаб сифате кардаам,  
Он сифат аз маърифате кардаам.  
Шаб сифати пардаи танҳои аст,  
Шамъ дар у гавҳари бинои аст...  
Кўш, к-аз он шамъ ба дөгे раси,  
То чу Низомий ба чароге раси.*

(Мен бу тунни васф этар эканман,  
Маърифат васфидан сўзладим.  
Тун - танҳолик пардасининг сифатидир,  
Ундағи шамъ /дил/ кўзини кўрадиган этувчи гавҳардир...  
Сен урингин-ки, шу каби шамдан дилингга доғ тушсин,  
Токи Низомий сингари чироққа етишгин/.

Бу сатрларни ирфоний мазмунда ҳам, воқеъ хотиралар сифатида ҳам шарҳлаш мумкин. Яъни Офоқ ишқи шоир кўзини очувчи гавҳар бўлган, висол ва айрилик тунлари унинг учун маърифат мактаби бўлган, ўзгалар ҳам Низомий сингари кўнгилларига ҳақиқий ишқ ўтидан доғ тушса, улар ўз йўлларини ёритувчи чироққа эга бўладилар. Бу холосалар аслида факат уч хилват “самараси” эмас, балки шоирнинг бутун ижод йўлини белгиловчи холосалардир, десак, янглишмасмиз...

Биз мақоланинг бошидан охиригача “кўнгил” сўзини ишлатаяпмиз. Аммо аслида форс тилида бу сўз йўқ. Шундай экан, Низомийдан Жомийгача барчалари (жумладан, «Кимёйи саодат»да Фаззолий ҳам) “дил” сўзини ишлатишган. Бу сўз, олдинроқ ҳам айтиб ўтганимиздек, кўпмаъноли бўлиб, турли луғатларда б тадан 12 тагача маънолари қайд этилган<sup>213</sup>. Жумладан, “юрак” (инсон ва ҳайвонларнинг тана аъзоси), “кўнгил”, бирор нарсанинг ботини (масалан, “дили дарё” - денгиз қаъри, “дили хоро” - харсангтош бағри, “дили шаб” - тун қоронғуси, “дили хок” - ер қаъри ва

<sup>213</sup> Дил – 1. Узви хунгардони... 2. Дарун, дохил, миёни чизе. 3. Ботин, хотир, жон, рух. 4. Фикр, андеша. 5. Майл, хоҳиш, ҳавас. 6. Дилбар, ёр, маҳбуба, дўст. 7. Далери, шижаат, журъат. (Бирикмалар – с. 370-374) // *Фарҳанги забони тоҷики*. (дар 2 жилд). –М., 1969. –с. 370 - 374.

Дел – 1. Узви дохилийи бадан..., қалб. 2. шикам. 3. хотир, замир. 4. жон, равон. 5. мағзи сар. 6. мағзи дарахт ва монанди ои. 7. Миён, васат, дарун, дохил. 8. Марказ. 9. шижаат, Журъат, шижаат. 10. (тасаввуфий) Латифайи раббоний ва руҳоний ва он ҳақиқати инсон аст ва мадраку олиму орифу ошиқ аст. 11. (тасаввуфий) Маҳалли тафсили маоний, нафси нотика. 12. Маҳзани асрори Ҳаққ, қалб. // *Доктор Муҳаммад Муин. Фарҳанги форси (Мутавассит)*. Жилди 2. Техрон, 1357. –С. 1546.

Дэл – 1) *анат*. Сердце, 2) сердце, душа, 3) желудок, живот, чрево, 4) храбрость, отвага, мужество, доблесть, сила духа, 5) редко середина (дэли шаб - полночь) 6) карт. Черви. (Остальное - фразеология). // *Персидско-русский словарь в двух томах. Том 1.* –М., 1970,. –С. 648-651.

ж.к.)<sup>214</sup> маънолари асосийларидан ҳисобланади. Шу сабабли харбир шоир “дил” сўзини “кўнгил” маъносига ишлатганда бу ҳайвонларда ҳам бўладиган оддий тана аъзоси эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топишган. Албатта, мумтоз шеъриятда бу сўз кўпроқ айни “кўнгил” маъносига ишлатилган ва умуман шоирлар тилида шу маънода энг кўп учрайдиган сўзлардан ҳисобланади. Масалан, Амир Хусрав Дехлавийнинг “Ширин и Хосров” достонида 370 марта<sup>215</sup>, “Ойинайи Искандарий”да 259 марта<sup>216</sup> “дил” сўзи учрайди...

Низомий ХП аср иккинчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда тасаввуф тариқатлари энди шаклланиб келаётган пайт бўлиб, узлатга чекиниш масаласи ҳануз кун тартибидан тушиб қолган эмас эди. Бу даврда тасаввуф арконлари мукаммал шаклланган эмас, тасаввуф ва ирфон фарқланган эмас эди. Фақат шоир наздига узлатга чекиниш бу дунё ҳою ҳавасларидан юз ўгириш (ва гаму ташвишларидан қочиш) эмас, балки бир нафас хилватда кўнгил билан роз айтишиш орзуси эди. Маълумки, кўнгил туйғулар ошиёни. Уни турли ҳою ҳаваслардан поклаш керак. Покланган кўнгилда энди фақат имон қолади, ишқ қолади...”

Мана энди тилшунослик ва адабиётшунослик мавзулари орасидаги фарқ аниқ кўринди. Тилшунос бадиий асарни тадқиқ килишда ундаги тилга оид жиҳатларни ўрганади, адабиётшунос эса ундаги адабиётга оид, асарнинг бадиий унсурларига оид жиҳатларини ўрганади. Тил учун “дил” – бу сўз, сўз эса шакл ва мазмундан, яъни товушлар (харфлар) ва маънолар мажмуудан иборат. Бадиий асардаги асосий бирлик эса бадиий тимсол бўлиб, адабиётшунос “дил”ни унинг энг кичик яхлит шакли – сўз-тимсол (“словесный образ”) сифатида олиб қарайди. Аммо ҳарқандай сўз сўз-тимсолга айланишининг аниқ бир шарти бор – шоир ушбу сўзга ургу бериши, алоҳида эътибор қаратиши зарур. Масалан, Ҳофизнинг “Агар он турки шерозий ба даст орад дили

<sup>214</sup> Қаранг: Семантика слов “дил” и “жон” в поэме “Ширин и Хосров” Амира Хосрова Дехлави // Лексикология и грамматика восточных языков. (Сборник статей). –М.: “Наука”, ГРВЛ, 1975. –С. 42.

<sup>215</sup> Шу китоб. –С. 40.

<sup>216</sup> А.Куранбеков. Парадигматический анализ семантической структуры “жон” ва “дил” в поэме “Ойинайи Искандарий” Амира Хосрова Дехлави. // Амир Хосров Дехлави. /Сб. Науч. Трудов ТашГУ/. –Т., 1987. –С. 43-44.

*моро*” сатрида шоир “турк” сўзига алоҳида эътибор қаратмоқда, шу билан “турки шерозий” бадий тимсолга айланмоқда, аммо шу сатрдаги “дил” сўзи ҳақида бундай дея олмаймиз. Биз ҳам юқоридаги парчада Низомий асаридаги “дил” сўзини шоирнинг алоҳида эътибори қаратилган ўринларда, яъни бадий тимсолтушунча сифатида намоён бўлган ўринлардаги ҳолатини ўрганишга ва шарҳлашга уриндик.

## 2. Адабий асар тадқиқида тилшунос ва адабиётшунос ҳамкорлиги

Ушбу масалада охирги йилларда амалга оширилган энг са-марали тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институтида марҳум профессор Баҳодир Назаров раҳбарлигига давлат гран-ти асосида бажарилган “*Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси*” мавзуси бўлиб, унинг натижаси сифатида тилшунос ва адабиёт-шунослар ҳамкорлигидаги кичик илмий жамоа 2011 йили 386 саҳифали ўкув қўлланма тайёрлаб нашр эттирган эди<sup>217</sup>.

Бу қўлланмани тайёрлашда профессорлар А.Куронбеков, М.И момназаров, Н.Комилов, доцентлар А.Воҳидов, Г.Рихсиева, тадқиқотчи М.Қаландаровлар иштирок этиб, тасаввуф тарихи ва адабиётининг шаклланиши босқичлари, тасаввуф терминологияси, сўфий адиблари ва шоирларининг ўзига хос рамзий тилини тадқиқ этиш, тасаввуф адабиётининг машҳур вакиллари ижодини ўрганиш ҳамда қўлга киритилган натижаларни филологик таълим тизимиға татбиқ этиш масалалари кўриб чиқилган.

Сўфийлар хос тилининг чукур рамзийликка эгалиги ҳамда унда тимсоллар олами ва фалсафий мушоҳадаларнинг қоришиб кетганлиги мазкур тилга хизмат қилувчи лугавий қатлам, яъни тасаввуф терминологиясини англашда ўзига хос мураккабликлар келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида тасаввуф терминларига тўғри ёндашув кўникма ва малакаларни шакллантиришга филологик таълимнинг тадрижий характердаги узвий қисми сифатида қаралиши зарурлигини кўрсатади.

Тасаввуф адабиёти ва унинг терминологияси Ўзбекистонда фақатгина мустақиллик давридан бошлаб жиддий ўрганила бош-

<sup>217</sup> Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. –Т.: ТДШИ, 2011. 386 сах.

ланганига қарамай, бу соҳада эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Тасаввуф илми ва амалиётининг асоси бутун китобларнинг онаси бўлган умми китоб – Куръони каримга ва Пайгамбар (с.а.в.) ҳадисларига бориб тақалар экан, юртимизда исломшунослик илмининг тараққиёт йўлига чиқиши тасаввуф адабиёти тадқиқотлари доираси кенгайиши ва ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Тасаввуф адабиётининг назарий асослари рисола, манқаба, мақомот, тазкира сингари жанрлар воситасида шаклланган. Демак, энг аввал бундай назарий манбаларда тасаввуф терминларининг мақомини ўрганишга эҳтиёж туғилади. Зеро, тасаввуф терминологиясини кенг қамровли таҳлил этмай туриб, тасаввуф адабиётини ҳам, бу адабиёт яратилган мумтоз тил хусусиятларини ҳам тўла ўрганиб бўлмайди. Марказий Осиёда яратилган тасаввуф адабиётидаги терминологизация жараёни ўзига хос тарихий-лисоний хусусиятларга эга бўлганлиги ҳам тадқиқотчи томонидан доимо ёдда тутилиши зарур.

Қўлланма профессор Баҳодир Назаровнинг кириш мақоласи билан бошланиб, унда дастлаб профессорлар М.И момназаров ва Н.Комиловларнинг тасаввуф адабиётининг тарихий такомилига оид умумий мушоҳадалари, бирнеча йиллардан бери тасаввуф терминологияси бўйича тадқиқот олиб бораётган филология фанлари номзоди Авазхон Воҳидовнинг илк тасаввуфий терминларнинг пайдо бўлиши, тасаввуф терминологиясининг тартибга солиниши, тариқатлар ва улардаги терминологиянинг ўзига хосликлари, Марказий Осиёда тасаввуф терминларининг шаклланишининг босқичлари, тасаввуф терминологиясининг тасаввуф адабиётидаги ўрни ва аҳамияти каби мавзулар юзасидан бирмунча батафсил изланишлари баён этилган. Ушбу тадқиқотчининг тасаввуф лексикасининг ўзига хослиги, ундаги хос атамаларни таснифлашга оид мулоҳазалари ҳам диққатга молик.

*“Тасаввуф адабиётидаги шиоралар ва рамзларни сўзма-сўз тушуниши аҳли сунна уламоларини баъзан суфийларни куфрда айблашгача олиб келиши мумкин”* – деб ёзади тадқиқотчи. Шу нуқтаи назардан тасаввуфий атамаларни шарҳлаш ва таснифлаш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Мақолада *صوف* - مريد , хирқа - خرقه , бақо - بقا , васл - وصل , зоҳид - ذاہد , муҳаббат - محبت ,

**سابر - صبر** - *тавба* - توبه , *تريقت* - خرقه , *хирқа* - فرقه , *фано* - فنا , **فقر - فقير** яқийн - یقین , *қурб* - قرب , *ҳақиқат* - حقیقت каби қатор тасаввуфий ва рамзий атамалар Алишер Навоийнинг “Насоим улмұхаббат” асарига таянган ҳолда шарҳлаб ва таснифлаб берилган. Масалан, лексик терминлар:

“*Сўфий* - صوف - тасаввуф йўлига кирган, тариқат одобарконларига риоя қилган, фоний дунёнинг ғам ва муаммоларидан устун, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбидан маънолар булоги қайнаб турган комил инсон, халқ эъзозлаган азиз авлиё, илоҳий нафасли киши...” Мисол: “*Киши мурәққаъ ва сажжода била сўфий бўлмагай*”<sup>218</sup>.

**Зоҳид - ذاہد** - дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шахс.

“*Зоҳидлар суратида, эгнида хирқа ва кифтида сажжода ва бир гўшада ўлтирур*”<sup>219</sup>.

**Хирқа - خرقه** - шайх ва дарвишларнинг маҳсус устки кийими. Тасаввуфий истилоҳда муршид билан мурид ўртасида алоқа ўрнатилиши, муриднинг нафси билан ўзи орасидаги муршиднинг ҳукмронлигини қабул айлашидир. Тариқатга янги кирганлар қора хирқа кийганлар. Маълум бир даражага эришгай солик мовий ранг, сулукни охирига етказганлар оқ рангли хирқа кийганлар.

“*Бири хирқа била, иккинчи, зикр талқини била ва учунчи, хизмат ва суҳбат ва аниңг одоби била*”<sup>220</sup>.

#### Контекстуал терминлар:

**Фано - فنا** - фонийлик, йўқ бўлиш. Бақо сифатининг инъикоси, бақо ўзиди барча яхши сифатларни мужассам этиши бўлса, фано - ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиши йўли билан Аллоҳга яқинлашишидир.

“*Бу ҳақиқи факр тариқида ва фано жоддасида алардек та мом қиши оз кўрибмен*”<sup>221</sup>.

**Васл - وصل** - бирикиш, боғланиш, етишиш. Қалбга Аллоҳ нурининг кишини, етишини, эришини, восил бўлиши. Фано мақомидан

<sup>218</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. –С.110.

<sup>219</sup> Шу китоб. –С. 125.

<sup>220</sup> Шу китоб. –С. 152.

<sup>221</sup> Шу китоб. –С. 161.

кейинги мартаба. Бунда валий Аллоҳдан ўзга барча мавжудотлардан руҳан ажралиб, Аллоҳ васлига етишиган бўлади.

**Мұхаббат** – севги, меҳр, яқинлик, садоқат ҳисси. Диңий, маънавий, руҳоний ҳаётниш уруги, илдизи, ишқнинг марта-баларидан бири. Мұхаммад (с.а.в.)га эргашии ва маҳбубни барча нарсадан устун қўйишадир. Мұхаббатнинг ибтидоси ёлгиз Ҳақ билан бўлиш учун нафсни поклашидир. Аллоҳнинг бандасига бўлган мұхаббати уни балолар билан синаши, банданинг Аллоҳга бўлган мұхаббати унга таслим ва таъзим қилишидир. Мұхаббатнинг ростлиги маҳбубга итоат қилишиликдадир. Мұхаббат –маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кучли түгённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талленишидир. Мұхаббат - қалбнинг истаги, яъни қалбнинг ҳеч бир тақаллуғсиз Аллоҳга ва унга тегишли нарсаларга мойил бўлишидир. Мұхаббатнинг камоли бутун қалб билан ишққа асир бўлиш, маҳбубни барча нарсадан афзал кўришидир<sup>222</sup>.

Б.Назаровнинг тасаввуф тариқатларидағи мақомот ва ҳол тушунчалари, суфийнинг руҳий сафари хусусидаги қизиқарли кузатишиларидан кейин М.Имомназаровнинг “Тасаввуф ва бадиий адабиёт” мақоласи келади. Унда бадиий адабиётнинг моҳияти, форс мумтоз шеърияти доирасида дунёвий адабиёт ва тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг ўзаро фарқланиши, ирфоний ададбиётнинг икки тури ҳақида Алишер Навоийнинг қарашлари таҳлил қилинади.

Китобнинг асосий мавзусига кириш филология фанлари номзоди Гулчехра Рихсиеvанинг “Тасаввуф адабиёти ва лингвопоэтик таҳлил” деб номланган мақоласидан бошланади.

“Бадиий матн, насрый ёки шеърий бўлишидан қатъи назар, тилнинг поэтик имкониятларини намоён этади. Демак, бундай матнни таҳлил қилиш бадиийлик мезонларини ҳисобга олишини, тил воситаларининг қўлланиши ҳолатига эътибор қаратишни тақозо этади. Филологияда бадиий тилнинг тадқиқи бўйича турли усул ва ёндашувлар мавжуд. Бугунги кунда фанимизда бу ёндашувларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини ўрганувчи, филологиянинг тилишунослик ҳамда адабиётшунослик тармоқларини бирлаштирувчи соҳа – лингвопоэтика мұхим ўрин эгал-

<sup>222</sup> دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلاحات و نغییرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰.

ламоқда” – деб ёзади олима. Мақолада таъкидланишича, “лингво-поэтик тадқиқотлар аслида 2 хил йўналишида олиб борилади. Биринчиси, бадиий тил воситалари (приёмлар) тадқиқи бўлса, иккинчиси бадиий матнинг лингвопоэтик таҳлилидир.<sup>223</sup> Бадиий асар матни филология фанининг ҳар икки тармоги бўйича тадқиқ объекти сифатида олинишини эътиборга олсан, биринчи йўналиши кўпроқ адабиётшунослик бўйича бажарилган шилар учун асос ҳисобланади. Чунки ижодкорнинг ўзига хос услуби, матнда қандай тасвир воситаларидан фойдалангани, уларнинг асар гоявий жиҳатларининг намоён бўлишдаги хизмати каби масалаларни тадқиқ этиши адабиётшунослик ва адабий услубишунослик ёндашувлари асосида олиб борилади. Лингвопоэтик таҳлилинг иккинчи йўналиши эса бадиий матнда фойдаланилган тил бирликларининг намоён бўлиш шаклларини тилишунослик нуқтаси назаридан олиб борилишини тақозо этади. Айнан мана шу ёндашув тилнинг турли янги имкониятларини ҳам синхрон, ҳам диахрон аспектда очиб бериш учун асос бўла олади. Демак, тил бирликларининг бадиий матнда нутқий жиҳоланиши асарни поэтик жиҳатдан бойитишга қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг нафақат индивидуал ифода шакллари, балки даврий тараққиёт асносидаги ўзгаришлари ва имкониятлари ҳақида ҳам холосалар чиқарии мумкин бўлади.

Лингвопоэтика бадиий матнга бир томонлама эмас, балки комплекс ёндашувни талаб этадиган, асарнинг бадиий қимматини тўлигича очиб беришга йўналтирилган, ҳам адабиётшунос, ҳам тилишунос фикрларини мужассам этишига қаратилган соҳадир. **Лингвопоэтик таҳлилда асарга бадиийлик багишлаган барча шаклий ва мазмуний унсурлар эътибордан четда қолмаслиги, шоирнинг бадиият дунёсига кириш ва уни тўғри талқин этишига қаратилган барча воситаларни тўлиқ очиб бериш талаб қилинади.”**

Мақолада “лингвопоэтик таҳлил тамошлари”, “тасаввуф адабиёти таҳлилига лингвопоэтик ёндашув” каби бугунги кун бадииятшунослигининг муҳим мавзулари ҳақида жиддий муроҳазалар билдирилган.

<sup>223</sup> Бу ҳақда қаранг: А.А.Липгарт «Методы лингвопоэтического исследования». –М., 1997. –С.3; А.А.Липгарт «Основы лингвопоэтики». –М., 2006. –С. 8.

Б.Назаровнинг тасаввуф тариқатларидаги мақомот ва ҳол тушунчалари, суфийнинг руҳий сафари хусусидаги қизиқарли кузатишларидан кейин М.Имомназаровнинг “*Тасаввуф ва бадиий адабиёт*” мақоласи келади. Унда бадиий адабиётнинг моҳияти, форс мумтоз шеърияти доирасида дунёвий адабиёт ва тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг ўзаро фарқланиши, ирфоний адабиётнинг икки тури ҳақида Алишер Навоийнинг қарашлари таҳлил қилинади.

Китобнинг асосий мавзусига кириш филология фанлари номзоди Гулчехра Рихсиеванинг “*Тасаввуф адабиёти ва лингвопоэтик таҳлил*” деб номланган мақоласидан бошланади.

“*Бадиий матн, насрий ёки шеърий бўлишидан қатъи назар, тилнинг поэтик имкониятларини намоён этади. Демак, бундай матнни таҳлил қилиши бадиийлик мезонларини ҳисобга олишини, тил воситаларининг қўлланини ҳолатига эътибор қаратишни тақозо этади. Филологияда бадиий тилнинг тадқиқи бўйича турли усул ва ёндашувлар мавжуд. Бугунги кунда фанимизда бу ёндашувларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини ўрганувчи, филологиянинг тилишунослик ҳамда адабиётшунослик тармоқларини бирлаштирувчи соҳа – лингвопоэтика муҳим ўрин эгалламоқда*” – деб ёзади олим. Мақолада таъкидланишича, “*лингвопоэтик тадқиқотлар аслида 2 хил йўналишида олиб борилади. Биринчиси, бадиий тил воситалари (приёмлар) тадқиқи бўлса, иккинчиси бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилидир.*<sup>224</sup> *Бадиий асар матни филология фанининг ҳар икки тармоги бўйича тадқиқ обьекти сифатида олиншини эътиборга олсак, биринчи йўналиши кўпроқ адабиётшунослик бўйича бажарилган ишлар учун асос ҳисобланади. Чунки ижодкорнинг ўзига хос услуби, матнда қандай тасвир воситаларидан фойдалангани, уларнинг асар гоявий жиҳатларининг намоён бўлишидаги хизмати каби масалаларни тадқиқ этиши адабиётшунослик ва адабий услубшунослик ёндашувлари асосида олиб борилади. Лингвопоэтик таҳлилнинг иккинчи йўналиши эса бадиий матнда фойдаланилган тил бирликларининг намоён бўлиши шаклларини тилишунослик нуқтаи назаридан олиб борилишини тақозо этади. Айнан мана шу ёндашув тилнинг турли янги имкониятларини ҳам синхрон, ҳам диах-*

<sup>224</sup> Бу ҳақда қаранг: А.А.Липгарт «Методы лингвопоэтического исследования». –М., 1997. –С.3; А.А.Липгарт «Основы лингвопоэтики». –М., 2006. –С.8.

рон аспектда очиб берши учун асос бўла олади. Демак, тил бирликларининг бадиий матнда нутқий жисоланиши асарни поэтик жиҳатдан бойитишга қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг нафақат индивидуал ифода шакллари, балки даврий тараққиёт асносидаги ўзгаришлари ва имкониятлари ҳақида ҳам холосалар чиқарши мумкин бўлади.

Лингвопоэтика бадиий матнга бир томонлама эмас, балки комплекс ёндашувни талаб этадиган, асарнинг бадиий қимматини тўлигича очиб бершига йўналтирилган, ҳам адабиётишунос, ҳам тилишунос фикрларини мужассам этишига қаратилган соҳадир. **Лингвопоэтик таҳлилда асарга бадиийлик багишлаган барча шаклий ва мазмуний унсурлар эътибордан четда қолмаслиги, шоирнинг бадиият дунёсига кириши ва уни тўғри талқин этишига қаратилган барча воситаларни тўлиқ очиб берши талаб қилинади.”**

Мақолада “лингвопоэтик таҳлил тамошлари”, “тасаввуф адабиёти таҳлилига лингвопоэтик ёндашув” каби бугунги кун бадииятшунослигининг муҳим мавзулар ҳақида жиддий мулоҳазалар билдирилган.

Кейинги мақола бадииятшунослик мавзусига бевосита алоқадор бўлганлиги сабабли тўлиқ келтиришни мақсадга мувофиқ ҳисобладик.

## Тасаввуф адабиётида поэтик маъно қатламлари

### 1. Лингвопоэтика ва бадиий матн

Бадиий асар таҳлили ўта мураккаб жараён бўлиб, агар бу асар мумтоз адабиётга мансуб бўлса, масала янада жиддий тус олади. Биз одатда бадиий адабиётни сўз санъати деб атаемиз. Бу иборани умуман олганда нотўғри деб бўлмайди. Аммо уни жуда жўн тушуниш ҳам яхши натижа бермаслигини ёдда тутмоқ лозим бўлади. Ҳалқ тилида “сўзламок” ва “гапирмоқ” феъллари одатан бир маънода ишлатилади. Асли тилшунослик терминлари сифатида “сўз”, “гап”, “нутқ” турли тушунчаларни ифодалайди. “Сўз санъати” ибораси ҳам ўзининг аниқ маъносида муайян тил имкониятларидан фойдаланиб бадиий мазмун яратишга асосланган санъат тури ҳақида гап бораётганлигини англатади.

Агар мантиқий тафаккур ҳар бир нарса-ҳодисани қисмларга ажратиб илмий тушунчалар ёрдамида таҳлил қилишга уринса, бадий тафаккур воқеликни яхлит уйғунликда идрок этишга уринади. Бунинг учун турли рамзлар, тимсоллар, ишора ва ташбек (үхшатиш)лардан фойдаланади. Бадий тил рамзу ишоралар ти-лидир. Агар илм тилини мутахассисларгина тушунса, бадий ижод маҳсули кўпчиликка тақдим этилади. Илмда сўзлар муайян тушунчаларни ифодаласа, адабиётда улар кўпинча бадий тимсолларга айланади. Бадий тимсол эса ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди, фақат унга ишора қиласди.

Шу сабабли ҳарбир тил унсурига тилшунос билан адабиётшуноснинг ёндошувлари кўпинча бир-биридан кескин фарқ қиласди. Тилшунос инсон нутқига ахборот алмашув воситаси сифатида ёндошади. Унинг нуқтаи назаридан тил муайян **шартли белгилар тизими** бўлиб, унда ҳар бир сўзниң фонетик ёки график ифодаси, яъни **шакли** бор ва ушбу сўзниң турли маънолари, яъни мазмуни бор. Ҳар бир инсон ўз фаолиятида ўзи яхши билган тилдаги сўзларнинг шакл ва мазмунларидан хабардор бўлган ҳолда ўзга инсонлар билан ахборот алмашув жараёнида улардан кераклича фойдаланади. Аммо шоир ёки адаб **санъаткор** сифатида сўзга буткул бошқача ёндошади. Унинг учун сўзниң шакли ҳам, маъноси ҳам мақсад эмас, балки **восита**. Том маънода олганда, бадий адабиёт мазмуни сўзлар воситасида эмас, **тимсоллар** воситасида англашилади. Бизнинг назаримизда, **лингвопоэтика** бадий адабиётдаги айни шу муайян тилга оид **сўзларнинг бадий тимсолларга айланиш жараёнини таҳлил этишга қаратилгандир**. Бу мураккаб муаммони мақсадга мувофиқ ҳал қилиш учун эса тадқиқотчи ҳам тилшуносликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг ўзига хос масалаларидан чукур ва атрофлича хабардор бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга **лингвопоэтика** соҳаси мутахассиси на тилшунослик фанининг ва на адабиётшунослик фанининг мураккаб муаммоларини тўлиқ қамраб олишни назарда тутмайди.

**Демак, бадий матннинг илмий матндан асосий фарқи сўзга турлича муносабатда бўлиб, биринчисида ҳар бир сўз асосан тушунчани ифодалаш учун ишлатилса, иккинчисида ҳар бир сўз иложи борича бадий тимсол вазифасини бажаради. Сўз муайян тушунчани аниқ англатиши учун у фақат аниқ бир маънода ишлатилиши ва тушунилиши керак.** Аммо ҳар бир сўз тим-

**солга айланиши учун айни шунинг акси, яъни бир пайтнинг ўзида бадий матнда бир сўзнинг имкон даражасида турли маънолари бирваракай рўёбга чиқиши талаб қилинади.**

## **2. Бадий асарда маъно қатламлари**

Агар умумхалқ тилида шакл ва мазмун нисбати, юқорида қайд этилганидек, бирмунча содда бўлса, бадий адабиётда унда эмас. Бадий асарда баъзан чексиз маъно қатламлари ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Аввало, унда сўзнинг шакли бўлмиш **фонетик** (баъзан ҳатто **график**, айниқса, ислом минтақаси шеъриятида) ифода босқичида қатор бадий ифода усуллари кенг қўлланилади. Мумтоз адабиётшунослигимиздаги илми аруз, илми қоғия, шаклий санъатлар, жумладан, тажнис, тарсөй, иштиқоқ, сажъ, ташриъ ва ҳ.к.лар шу қатламга оид бўлиб, уларнинг бадий мазмунга нақадар жиддий таъсири мумтоз шарқ лирик шеъриятига оид тадқиқотларда батафсил ўрганилган<sup>225</sup>. Бадий матнданги **иккинчи қатлам** энди сўзларнинг маъно жилвалари асосига куриладики, бу мавзу ҳам шарқ анъанавий адабиётшунослигимизда батафсил ишлаб чиқилган. Бу қатламдаги бадий санъатлар одатда **маънавий гўзалликлар** деб аталиб, улар ҳам анъанавий илми бадеъда батафсил ишланган. Мисол тариқасида ташбих, тавжих, таълиқ, истиора, ийҳом, киноя ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин<sup>226</sup>. Бу икки қатлам кўпроқ лирик жанрлар таҳлилига оид бўлиб, ҳозирги замон лингвопоэтика илми ҳам асосан Б.Кроче, Ш.Балли, Р.Якобсон, Р.Барт, Ю.Н.Тинянов, Б.А.Ларин, Ю.М.Лотман, В.М.Жирмунский, П.Хартман, М.Хэллидей, Р.Харвег, К.Фосслер, Б.Кёпеци, В.Шковский, Б.Эйхенбаум, В.В.Виноградов, Д.Н.Шмелев, Г.В.Степанов. Ж.Фарибэр, С.Дениз каби ҳозирги замон Фарб ва

<sup>225</sup> Карап: Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. Манба ва талқинлар. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2006. –С.234-239,241-242, 259, 263. Атоуллоҳ Хусайнний. Бадойиъ ус-санойиъ. –Т.:Faafur Fулом нашриёти, 1981. –С.122-131,212-222.

<sup>226</sup> Карап: Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. Манба ва талқинлар. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2006. –С.182-225, 239-240, 247-248, 257-258, 261-262, 279-319. Атоуллоҳ Хусайнний. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1981. –С.35-121.

Шарқ олимларининг қараашларига таянган ҳолда кўпроқ шу икки қатламга эътибор қаратмоқда<sup>227</sup>.

Аммо эпик тасвирда **воқеа қатлами** биринчи ўринга ўтади, юди бадий адабиётнинг яна бир хусусияти **сўз орқали тасвир иратиш** санъати юзага чиқиб, бунинг учун ҳар бир сўз маънодарининг воқелик билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларидан унумли фойдаланилади. Масалан, от (исм) туркумига тегишли сўзлар мөддий ёки номоддий борлиқдаги алоҳида нарса-ҳодисалар ёки уларнинг муайян белгиларига ишора қилса, феъл туркумидаги сўзлар иш-ҳаракатни билдириб, тасвирни жонлантиришга хизмат қиласди. Бу қатламда турли сўз ўйинига курилган поэтик тимсоллар ўрнини замон ва маконда ҳаракат қилувчи жонли сиймолар эгаллайди. Масалан, “Лисон ут-тайр”дан бир кичик ҳикоят:

*Дашт аро Мажсунни кўрди бир киши,*

*Ким ҳамиша сўз демак эрди иши.*

*Сўрди: “Ким бирла сурарсен бу мақол?”*

*Деди: “Лайли бирла эй фархунда фол.”*

*Деди: “Ондин то сангадур хейли йўл!”*

*Деди: “Эй гофил, эрур жонимда ул.*

*Улки онинг зикридур жонимда қут,*

*Йўл йироқ бўлғондин ўлвойму унум!”<sup>228</sup>...*

Бу мўъжаз парчада икки инсоннинг сухбати берилган ва учинчи шахс – Лайли сиймоси ҳам сиртдан тилга олинган. Ундағи “дашт аро”, “кўрди”, “деди”, “сўрди” каби сўзлар ва сўз бирикмалар воқеани деталлаштириш ва жонлантиришга хизмат қиласди. Воқеа қатламида баъзан реал шахслар тасвири ва тавсифи берилса, баъзан адабий сиймолар, қушлар ва жониворларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирланиши, баъзида ҳатто турли нарса-ҳодисалар ҳам жонлантирилиши мумкин.

Бадий асар мазмуний қурилиши аслида бу қатламда ҳам тугалланмайди. Масалан, юқоридаги ҳикоят охирида яна икки байт мавжуд бўлиб, унинг насрый баёни қуйидагича:

*“Кимки ишқда камолот касб этса, унинг вужудида маъшуқ  
ди мужассамлашган бўлади. Агар сиз ҳам ишқ борасида лоф*

<sup>227</sup> Маъруфжон Йўлдошев. Бадий матн лингвопоэтикаси. –Т.: “Фан”, 2008. 160 сах.

<sup>228</sup> Алишер Навоий. Лисонут тайр. –Т.:Faafur Gulom нашриёти, 1991. –C.235.

урмоқчи бўлсангиз. Ундан сизга дард келса ҳам шодлик ўрнида қабул этинг!”,<sup>229</sup>

Ҳикоят мазмунидан келтириб чиқарилган бу холоса-ўгит Ҳудхуд томонидан ноумидликка берилган қушларга қаратада айтилмоқда. Бу ўринда воқеа ичидаги воқеа усули қўлланган бўлиб, келтирилган ҳикоят достон воқеалари ривожида Ҳудхуднинг қушларга насиҳатларини мисол билан тасдиқловчи бир деталь вазифасини бажармоқда.

### 3. Тасаввуфий эпик шеърият таҳлилиниң ўзига хос жиҳатлари

Тасаввуф адабиёти кўп маъноли тушунча эканлиги, унга ўз навбатида тасаввуф назариясига оид илмий-фалсафий асарлар, агиографик адабиёт, ҳамда асосан мумтоз шеърият намуналари ҳисобланган тасаввуфий-ирфоний лирик ва эпик асарлар хос бўлиб, биз бу маърузада кўпроқ тасаввуфий-ирфоний мазмундаги эпик поэзия ҳакида сўз юритамиз. Аввало таъкидлаш лозимки, ушбу жанрдаги асарларнинг умумий томонлари билан бир қаторда деярли ҳар бир асарнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Мисол тариқасида айни тасаввуфий-ирфоний мавзудаги уч эпик асарни қиёслаб кўрайлик. Булар **Фаридидин Атторнинг “Мантиқ уттаир”**, **Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”**, **Абдураҳмон Жомийнинг “Субҳат ал-аброр”** асарлари бўлиб, ҳар уч асар ҳам соғ тасаввуфий-ирфоний руҳда ёзилган мумтоз эпик шеърият намуналариданadir. Уларнинг композицион қурилишида умумий томонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, уларнинг барчасида тасаввуфий-диний, тасаввуфий-ирфоний, тасаввуфий-ахлоқий ваъзлар ва катта-кичик ибратли ҳикоятлар бир-бирини қувватлаб келади. Аммо бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар ҳам ёрқин намоён бўлган. Аттор асари яхлит сюжет асосига қурилган бўлиб, унинг қаҳрамонлари (айниқса, Ҳудхуд) ўз мулоҳазаларини исботлаш асносида катта-кичик турли ҳикоятлар келтиради. Абдураҳмон Жомийнинг “Субҳат ал-аброр” достони 40 боб (“икд”)дан иборат бўлиб, ҳар бир боб муайян тасаввуфий-ирфоний ва тасав-

<sup>229</sup> Шу китоб. –С.425.

иуфий-ахлоқий мавзулар шарҳига багишиланган ва ҳар боб охирида мавзуга мувофиқ бир ҳикоят келтирилди.

**Жалолиддин Румийнинг** асари эса ўз ички қурилишига кўра тилга олинган ҳар икки асардан жиддий фарқ қиласди. Биринчидан, унда бутун асарни қамраб олган яхлит эпик сюжет мавжуд эмас. Иккинчидан, асар композицияси **Жомий** достонидагидек қатъий бир ташқи низомга бўйсундирилмаган, балки эркин бир тартибда филбадиҳа янглиғ ижод этилган. Хуллас, румийшунос олимлар ҳақли таъкидлаганидек, 14 йил давомида мавлононинг содиқ муриди Ҳисомуддин Чалабий жонбозлиги ва кўмаги билан яратилган 6 дафтардан иборат бу улкан маснавий мазмун-моҳиятини тўғри англаб етиш ўта мушкул ва мураккаб ишдир. Унга ёзилган шарҳларнинг кўплиги ҳам шунга ишора қиласди. Ундаги композицион ва мазмуний мураккабликларни ҳис этиш учун асар аввалидан бир қисмини юза бир таҳлил этиб кўрайлик.

“Маснавий маънавий” эпик асар, аммо эпик, яъни воқеабанд асарлар ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, **Фаридидин Атторнинг “Илоҳийнома”** асарини оладиган бўлсак, унда ислом минтақа адабиётининг аксарият йирик эпик асарларига хос анъана га тўлиқ риоя қилинган, яъни достон ягона Аллоҳ ҳамидан бошланиб, Расули акрам (сав) наъти, унинг меърожи тасвири, чаҳорёrlар васфи берилади, шундан сўнггина “Руҳга хитоб” келади<sup>230</sup>. “Маснавий”да, маълумки, бундай тартиб мутлақо кузатилмайди. Аттор достонида бир қисса бошлангач, воқеалар изчил баён этилади, қисса қаҳрамонларининг сухбати орасида ибрат тарзида келтирилган ҳикоятлар ҳам шу тарзда изчил давом этирилди. Мавлавийда эса мутлақо бошқача ҳолат. “Найнома”-дан бошланган ирфоний ваъз яна қатор байтларда давом этади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, бу қисм таржимага жалб этилган матнларда 34 байт бўлса, қўлимиздаги Техрон нашрида 52 байтдир<sup>231</sup>. Таржима матн ва Техрон нашри орасида то 14-байтгача фарқ йўқ. Аммо 14-байтдан бошлаб Техрон нашрида янги 4 байт қўшилган ва натижада “Найнома” хulosаси унда 18-байт эмас, 23-байтга тўғри келиб қолган. Кейинги қўшимча байтлар ҳам ора-

<sup>230</sup> Шайх Фаридидин Аттор. Илоҳийнома. –Т.: “Мусиқа”, 2007. –С.18-50.

<sup>231</sup> Куллиёти Маснавийи Мавлоно Жалолиддин Мухаммад Балхий Румий. (Бо тасхихи комил). –Техрон, 1379 қамарий. Саҳ. 1-2.

орага шундай аралашиб келаберади. Бу фарқларни баён қилишдан мақсадимиз матншунослик муаммолариға эътибор қаратиш эмас. “Найнома”нинг 18-байт экани машхур гап. Аммо оддий китобхон учун орада қўшилган байтларни бегона санаб ажратиб олиш ўта мушкул масала, чунки баён тарзида сезиларли фарқ йўқ.

“Маснавий”даги биринчи қисса “Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида” бўлиб, ўзбекча таржималар асосидаги матнда 36-247 байтларни ўз ичига олади. Жами 212 байтдан иборат ушбу парча таркибини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, тоза воқеабанд тасвир унинг ярмидан ҳам озроғини ташкил қилганлиги маълум бўлади. Қолгани эса турли мавзулардаги ваъз ва шарҳлардан иборат. Батафсилоқ кўриб чиқайлик: Воқеа бошланишидан 5 байт соғ тасвир берилади, сўнг икки байт шарҳ:

Эшаги бор эрса, жабдуқ йўқ эди,  
Топди жабдуқ, эшагин бўри еди.  
Кўза бор эрканда сув йўқ эди, бас,  
Сув тотилди – кўзага етди шикаст<sup>232</sup>.

Бу шарҳлар канизакнинг касалланиши билан боғлиқ бўлиб, оддий ўҳшатишларга қурилган, ирфоний маънолардаги ваъз эмас. Кейин яна тасвир давом этади – подшоҳ табибларга мурожаат килади. Табиблар мақтанишга берилиб, “Иншооллоҳ” дейишни унудишишади. Шу баҳонада яна икки байт шарҳ киритилади. Яна тасвир давом этиб, сирли табибнинг шоҳга кўриниши баҳонасида 71-байтда куйидаги ирфоний шарҳ келтирилади:

Сулҳу жсанглар ҳам хаёл эрса не тонг,  
Фахру нанглар ҳам хаёл эрса не тонг.

Қисқаси, то 77-байтгача воқеабандлик (42 байт давомида) кескин бузилмаган. Аммо 78-байтдан бошлаб “Худованди валий ут-тавфиқдин ҳамиша тавфиқ ва адаб риояти сўралгани ҳамда беадабликнинг касофатию зарарлари баёни” сарлавҳаси остида 15 байт давомида диний-ирфоний ваъз берилган. Кейин яна воқеа давом этади. Шоҳ меҳмон табибни бемор каниз ёнига бошлаб келади, табиб bemор аҳволидан хабар топади. Канизнинг касаллиги тана оғриғидан эмас, балки ошиклиқдан эканлиги аниқланади. Шу жойдан бошлаб шоир “дарди ишқ” изхорига ўтади.

<sup>232</sup> Мисоллар асосан Жамол Камол таржимасида келтирилди.

Орада Шамс Табризий ҳам эслаб ўтилади. Бу мавзудаги “шарҳу баён” 34 байт (109-142 байтлар) давом этади. Фақат 143-байтдан Мавлавий воқеа баёнига қайтади. Илоҳий ҳакимнинг канизак дардини аниқлаш ҳаракатлари 144-байтдан бошланиб, орада яна 7 байт (150-156 байтлар) тикан ҳақидаги, 4 байт (175-178 байтлар) сирни сақлаш фойдаси ҳақидаги, 2 байт (180-181 байтлар) ваъдалар ҳақидаги шарҳлар билан 205-байтгача (49 байт) давом этади. 206-байтдан яна воқеанинг шарҳи бошланиб, 210-байтдан заргарнинг ўз ахволига муносабати баён этилади (210-216 байтлар), аммо заргар тилидан айтилган мисралар ҳам шоир тилидан берилган шарҳнинг давомидай таассурот қолдиради. Яна бир байтда воқеа хулосаси берилади, қолгани яна ваъз (218-222 байтлар). Кейинги боб (223-247=25 байт) тўлигича “Заргарнинг заҳар бериб ўлдирилиши ҳавои нафс ёхуд ёмон бир ниятнинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги баёни”га бағишланган. Демак, “Подиоҳ ва унинг канизаги ҳақида”ги қиссага бағишланган 212 байтнинг 108и турли мавзудаги шарҳ ва ваъзлардан иборат бўлиб, фақат 104 байтигина воқеа тасвирига бағишланган. Албатта, воқеабанд тасвир орасида ваъзга ўтиб кетиш ҳусусияти Аттор асарларида ҳам учрайди, аммо “Илоҳийнома”да ота ва ўғил сұхбати, “Мантиқ ут-тайр”да күшлар воқеаси асар композициясини яхлитлаб тургани учун бу нарса асарнинг умумий руҳига катта таъсир қилмайди<sup>233</sup>.

#### 4. Эпик шеъриятда бадиий матн яратиш усуллари

Энди муаммонинг асосий жиҳати – мазмуний томонига эътибор қаратайлик. Эпик асар мазмуний мундарижасида тасвир, васф ва шарҳ, ваъз каби турли қисмлар ўзаро ўрин алмашиб келар экан, буларнинг ҳар бирида тил воситаларидан бадиий матн яратишнинг ўзига хос усуллари қўлланилади<sup>234</sup>. **Воқеабанд тасвирда, юқорида қайд этилганидек, от сўз туркумига оид сўзлар кўпроқ денотатив маънода, турли замон ва щахс-сон қўшимчалари олиб келган феъллар ҳаракатни ифодалаб келса, васфда**

<sup>233</sup> Ваъз, яъни дидактика тасаввуф адабиётига кўп жиҳатдан хос бўлиб, туркий тилдаги суфиёна адабиётда бу ҳолат айниқса кучли намоён бўлган.

<sup>234</sup> Хозирги замон адабиётида бадиий матннинг мазмуний турлари ҳақида қаранг: М. Йўлдошев. Бадиий матн лингвопоэтикаси, сах.104.

муайян шахс ёки нарса-ҳодисалар турли ташбих ва истиоралар воситасида сифатланади. Масалан:

Кўрди ул ногоҳ келарди бир киши,  
Чехрасида нури офтоб тобииши.  
Ул келар эрди мисоли бир ҳилол,  
Борлигу йўқлик унинг олдида лол<sup>235</sup>.

Ушбу парчанинг биринчи мисраси воқеабанд тасвир бўлиб, қолган уч мисраси бадиий тавсифdir. Шархга мисол:

Тарки истисно дейшиликтан мурод,  
Ул кўнгил ботилигидир, бенажомт.  
Ушбу истиснони бир зикр айламай,  
Жонни истиснога берганлар талай.

Келтирилган парча қисқа бир шарҳ намунаси бўлса, Подшоҳ ва канизак ҳақидаги қиссанинг таркибида келган “Тавфиқ ва адаб риояти ҳамда беадабликнинг касофатию заарлари баёни”, “Заргарнинг заҳар бериб ўлдирилиши ҳавоий нафс ёхуд ёмон бир ниятнинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги баёни” деб номланган боблар тўлигича тилга олинган мавзуларнинг ваъз йўсинидаги шарҳидан иборатdir.

Ваъзнинг оддий шарҳдан фарқи асосан унинг китобхонга қаратилган маълум мавзудаги эҳтиросли нутқ эканлигидir. Масалан:

Этса сенга зулмату андуҳ зухур,  
Боиси бебоку густоҳлик эрур...<sup>236</sup>  
Сен гумон этдинг-ки ифлос қилмиши,  
Қилмишида тозалик эрди иши...<sup>237</sup>  
Сен ўзингдин гар қиёс этдинг, бироқ,  
Кўп иироқ тушдинг, назар сол яшироқ<sup>238</sup>.

Биз “сен” деб аниқ кўрсатилган жойларини мисол келтирдик. Баъзан бундай аниқлик очиқ ифодаланмаса ҳам шеърнинг умумий руҳидан ваъз услуби сезилиб туради.

<sup>235</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – С.22. Масалани мураккаблаштирмаслик учун фақат таржима матни берилди.

<sup>236</sup> Шу китоб. –С.24.

<sup>237</sup> Шу китоб. –С.36.

<sup>238</sup> Шу китоб. –С.37.

Эҳтиросли нутқнинг яна бир намунаси “*дарди ишқ*” изҳори, ёки шоирнинг кўнгил дардлари баёни бўлиб, бунинг мисолини, юқорида ҳам эслаб ўтганимиздек, табиб канизакнинг bemорлиги ошиқлик, ҳижрон дарди эканлигини билгандан кейин бошланган 34 байтли лирик чекиниша кўриб ўтдик. Румийнинг ирфоний туйгулари айни шу парчада ўзини ёрқин намоён этади:

*Дарди ошиқ ўзгадир олам аро,*

*Ишқ – устурлоби асрори Худо.*

*Ул тараф ё бул тарафдинму келур.*

*Ишқ бизга ул сари раҳбар эрур...*<sup>239</sup>

Мумтоз адабиётимиздаги шеърий достонлар лиро-эпик жанрга оид ҳисобланади. Улардаги айни шу “изҳори дил” ўринлари, улар хоҳ шоир тилидан бўлсин, хоҳ у ёки бу асар қахрамонлари тилидан бўлсин, эпик тасвирга лирик руҳни пайвандлайди. **Воқеабанд тасвир, васф**, ошиқ ва маъшуқаларнинг “изҳори дил”-лари ўзаро уйғунлашиб лиро-эпик асар бунёдга келади. Аммо тасаввуф адабиётида буларга қўшимча ирфоний **шарҳ** ва **ваъз**-лар ҳам асар мазмуний мундарижасини мураккаблашишига сабаб бўлган. Буларнинг барчасини назарда тутмай туриб тасаввуфий адабиётнинг лингвопоэтикаси билан шуғулланиб бўлмайди.

Юқорида тилга олинган хусусиятлар барчаси асар матни ичидаги омиллардир. Аммо тасаввуф адабиётининг мақсад-мазмунини тўлиқ намоён бўлиши учун булар ҳануз етарли эмас. Тасаввуфий асар мазмунини тўлиқ англаб этиш учун мавжуд матн чегарасидан ташқари чиқиши, **экстраграфистик омилларни** ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Ўз навбатида, мавжуд матн чегарасидан ташқаридаги таъсиrlар ҳам икки турли бўлади. **Биринчи**-си, мавжуд асар матnidан ташқаридаги **адабий-лингвистик омиллар**. Маълумки, мумтоз шарқ адабиёти анъанавий адабиёт ҳисобланади, яъни унда мавжуд **адабий анъананинг таъсири** ўта кучли. Румий асаридаги ҳар бир поэтик тимсол, ирфоний **ишора**, **мажоз** ва **ташибхларни** тўғри идрок этиш учун Куръони карим матнини, Расулиллоҳ (сав) ҳадисларини, араб, ҳинд, форс мумтоз адабиёти анъаналарини, ҳалқ оғзаки ижоди, жумладан, араб, форс, турк мақол ва маталларигача яхши билиш керак. Ай-

<sup>239</sup> Шу китоб. –С.26.

ниңса, “Маснавий маънавий”да улар асосидаги очиқ ва яширин тазминлар ҳар қадамда учрайди.

**Иккинчиси**, том маънодаги экстраглигистик омиллар бўлиб, уларни тўғри топиш учун ўша давр тарихий-ижтимоий ахволини яхши билиш, турли диний, илмий, тарихий мерос ва манбалардан чуқур хабардор бўлиш, ўша давр кишилар онгидағи диний, ижтимоий ва ирфоний тасаввурлар билан таниш бўлиш, тасаввуфий талқинлар, мақомотлар, маноқиб ва тафсирларни, ҳатто турли урф-одат ва хурофотларни ҳам яхши билиш талаб этилади. Масалан, шахсан мен очиги “Подиоҳ ва унинг канизаги ҳақида”ги қиссани Жамол Камол таржимасида ўқиб, қониқиши ҳосил қилмадим. Айниңса, сирли “ҳозиқ ҳаким” томонидан заргарнинг захарлаб ўлдирилиши шоирнинг барча шарҳларидан кейин ҳам мендек ҳозирги замон кишисининг назарида ниҳоят даражадаги адолатсизлик бўлиб туюла берди. Чунки мен шоҳни ҳам, канизакни ҳам, заргар ва табибни ҳам оддий инсонлар сифатида қабул қилган эдим. Қалбимни шубҳа тарк этмагач, Асқар Маҳкам таржимасини очдим ва унда шундай шарҳни ўқидим:

“Ушибу ҳикоятда шоҳ – ақл ва руҳдир. Канизак – нафси аммора. Унинг заргарга майли – дунёвий лаззатга гирифтторлик. Гайбий табиб нафснинг дардини англайди ва уни шифолайди. Ақлни шаҳват домидан қутқаради...”<sup>240</sup>

Мен Обиддин Пошибо шархи айни Мавлавий кўзда тутган маънони билдиради, деб даъво қила олмайман. Чунки шоир матнда буни очиқ айтмаган. Унда фақат табибининг иши илоҳий қазо ва қадар билан боғлиқ эканлиги таъкидланган, халос. Шунга қарамай мен шуни тушуниб етдимки, “Маснавий”ни англаб етиш учун мавжуд матннинг оддийгина таржимаси етарли эмас экан.

Биз юқорида 1) сўзнинг шаклига таянувчи ифода босқичи, 2) маънодаги сўзларнинг маъно жилвалари асосига куриладиган иккинчи қатлам, 3) эпик тасвирга хос сўз орқали тасвир яратиш санъатини намоён этувчи воқеа қатлами ва унга мувозий келувчи васф ва шарҳ, ватъ ва “изҳори дил” усуслари ҳақида қисқа бир шаклда изоҳлар бериб ўтган эдик. Мана энди сухбатимиз маънолар майдонига хос 4) ғоявий қатлам масаласига кўчди. Бунда энди

<sup>240</sup> Жалолиддин Румий. Ма’навий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб, с.58.

асар мазмун-моҳиятини матнадаги сўз шакли ёки маънолари даражасида эмас, ҳатто улар асосига қурилган бадиий тасвир даражасида ҳам эмас, балки **Борлик ҳақиқатини идрок этиш** даражасида таҳлил қилиш талаб этилади. Асарга бу қатлам даражасида баҳо бериш учун энди **лингвопоэтик таҳлил** натижалари мутлақо кифоя қилмайди, балки юқорида санаб ўтилган экстрагравиистик омиллар ҳам тўлиқ инобатга олиниши талаб этилади. “*Маснавий маънавий*” сингари ўта мураккаб ирфоний адабиёт намуналари учун бундай ёндошув инчунон лозимдир.

Афсуски, ижтимоий фанларнинг кўпида, айниқса, адабиётшуносликда, маънавият назарияси соҳаларида, жиддий ёндошув этишмаётири. Тўғри келган одам ўзи яхши билмаган соҳада бемалол фикр билдириб, буни яна илм деб тасаввур қилиши оддий ҳол бўлиб қолди. Жумладан, масалага жиддий ёндошув асли биз - мумтоз адабиёт тадқиқотчиларининг ўзида ҳам этишмаслигини англаб қолдим. Сабаби, собиқ қарамлик даври асоратларидан ҳали ўзимиз ҳам астойдил чиқиб кета олганимиз йўқ, шекилли. Ёзилаётган китобларда янги фактлар, батафсил таҳлиллар учрайди. Аммо хулосалар яна ўша-ўша, энг умумий гаплардан нари ўтиш йўқ.

И.Кант айтадики, ҳақиқий мавжуд воқелик – “нарса ўзида”, биз уни билолмаймиз, факат ўз онгимиздаги қолипларга таяниб хулосалар чиқарамамиз. Айни шундай. Онгимиздаги қолипларимиз эса жуда жўнлашиб кетган. Қадимда хитой аёлларининг оёқларига болалигидан ёғоч ковушлар кийдириб қўйилар экан. Шундан уларнинг оёқлари табиий равишда ўсишига йўл қўйилмай, боланинг оёғидек кичкина бўлиб қолар экан. Бизнинг онгимизни исканжага олган қолипларга шундай ўрганиб қолганмизки, уларни аллақачон ечиб ташлаш кераклиги хаёлимизга ҳам келмайди. Чунки асл ҳақиқатни излаш учун вактимиз ҳам, ҳавсаламиз ҳам, қунтимиз ҳам йўқ. Асл ҳақиқатни излаб топиш эса ҳечқачон осон иш бўлган эмас.

Аммо бугунги кунда ҳақиқий илм қиласман деган одам бу мashaққатли, шу билан бирга ҳалол меҳнатни бўйнига олмаса, охир-натижада уятли бўлиб қолиши турган гап. Ўзбек илми филология соҳасида ҳам рўйи-рост жаҳон илми даражасида ўзини кўрсатиши учун жиддий изланишдан қочмаслигимиз керак.

Бундан кейин профессор А.Куронбековнинг бевосита бадиий асар лингвопоэтикасига оид бир қатор мақолалари (“*Адабий маҷоз, ирфоний рамз ва тимсоллар*”, “*Суфиёна рамз ва тимсол-*

лар:ишиқ”, “Дил” тимсоли”, “Май” тимсоли”, “Хофиз газалари-нинг лингвопоэтик талқини”) берилган бўлиб, улар асосан Жалолиддин Румий ва Хофиз Шерозий шеъриятидаги рамз ва тимсоллар таҳдилига бағишлиланган. Олдинги фаслда бундай мақолалардан бирининг қисқартирилган варианти келтирилгани учун бу ўринда улар ҳақида махсус тўхталиб ўтирмаймиз. Ёш тадқиқотчи М.Қаландаровнинг “Хофиз газаларида “гул” рамзи” номли мақоласи ҳам ушбу йўналишни давом эттиради. Орада М.Имомназаровнинг “Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиётида мажозий тасвир ва талқин” мақоласи киритилган бўлиб, ундан ҳам мавзуға оид кичик бир парча келтириб ўтишни лозим деб биламиз.

### Шеърият тили ва ирфоний тил: умумий ва фарқли жиҳатлар

Суфийлик файласуфлик эмас. Тасаввуф тили мантиқий тафаккур тили эмас. Шу сабабдан “тасаввуф фалсафаси” ёки “фалсафий тасаввуф” деган тушунчалар тасаввуфнинг моҳиятидан узок одамларнинг хаёлидагина шаклланиши мумкин. Тасаввуф ғайб олами билан иш кўради. Ғайб олами ҳақида эса илм ва мантиқ тили билан эмас, балки фақат рамз ва ишоралар тили билан гапириш мумкин. Шу сабабли тасаввуф тилини шоирлар ва шеърият тилини суфийлар тушуниши осонроқ. Чунки уларнинг тилга ёндошувлари деярли бир хил. Уларнинг ҳар иккиси учун ҳам сўзлар оддий ҳарфлар ёки товушлар йигинидисидан иборат эмас, балки ҳар бир сўз ўзи чексиз бир олам, маънолар, рамз ва ишоралар олами. Шу маънода ҳар бир сўз шоир ёки суфий дилидаги рангин туйғулар түғёнини ифодаловчи рамзий бир тимсол. Шу маънода шеъриятни сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган туйғуларни сўз билан ифодалаш санъати деб таърифлаш мумкин.

Суфий ҳам аслида бир шоир. Унинг қалбидаги сирли түғёнларни на илм ва фалсафа тили, на оддий сўзлашув тили билан тушунтириб ёки баён қилиб бўлмайди. Фақат шоир дилидаги туйғулар ўзгарувчан, суфийнинг дил түғёнлари эса изчил ва бир мақсад сари йўналгандир.

Суфий зуҳду ибодатта бериладими, зикру самоъ билан банд бўладими, важду ҳол даражасида бўладими - доим дилида бир мақсад билан яшайди. Алишер Навоий ҳақиқий суфийлар қал-

бининг бу доимий ҳолатини “Маҳбуб ул-қулуб” асари иккинчи қисм “Ишқ зикрида” деб аталган 10-бобида шундай таърифлайди: “Учинчи қисм - сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиёти жамолига мазоҳир воситасидин айру вола ва маглубдурлар ва ул мушиқада бехудлигига алардин шуур маслуб. Шуҳудлари истигроққа етган ва ул истигроқдин истихлоқ мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроқин учурса, аларга андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса, аларга андин асар йўқ. Ҳавосслари нокор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавқлари номиқдор ишқ ҳужсуми ғалаботидин. Анбиёйи мурсалин етгандин назарларин мақсуддин олмай ва малоика муқаррибин ўтгандин назарларин ул сари солмай...”<sup>241</sup>

(Насрий баён: "Учинчи қисм - сиддиқлар ишқидурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш бехушлигига идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул ғарқ этган ва улар ғарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса - улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиқсан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...")<sup>242</sup>

Демак, шеърият тили ва ирфоний тил бир нарсада умумийликка эга экан – улар ҳар иккиси ҳам рамзу ишоралар, тимсоллар тили билан сўзлайдилар. Шу нуқтаи назардан дунёвий адабиётнинг тасаввуф адабиётига жуда катта ёрдами ва таъсири ҳакида

<sup>241</sup> Алишер Навои. Возлюбленный сердец. (Сводный текст). – М.-Л., 1948. – С.97. (Ушбу учинчи ишқ таърифи мустабид қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдирилган ва фақат араб ёзувидаги босилган йиғма нусхадагина мавжуд бўлган. Шу сабабга кўра асарнинг насрий баёнига ҳам кирмай қолган.)

<sup>242</sup> Бу мақолада бизнинг мақсадимиз тасаввуфнинг мазмун-моҳиятини батафсил тушунириш бўлмагани учун Навоий таърифларини юкоридаги насрий баёндан ортиқ изоҳлаб ўтирмаймиз. Аслида аллома ишлатган ҳар бир атама моҳиятини очиш учун қанча-қанча сахифаларни қоралаш зарур бўлар эди.

гапириш мумкин<sup>243</sup>. Айтиш мумкинки, мумтоз шеърият кўмаги-сиз тасаввуф ўз моҳиятига мувофиқ тилни шакллантириши қийин бўларди. Аммо шу билан бирга шеърият мазмунининг теранла-шувида унинг ирфоний ғоялар билан бойитилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу масаланинг иккинчи томони эди.

Ушбу ўкув кўлланмани шакллантиришда яна бир муаллифнинг катта ҳиссаси бўлди. Мархум таржимашунос ва тасаввуфшунос олим профессор Нажмиддин Комилов ўзининг қатор мақолалари билан ушбу китоб мундарижасини мазмунан янги жиҳатлар билан бойитди. Айниқса унинг “Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асаридан ҳикоятлар (таржима ва талқин)”, “Тимсоллар тимсоли”, “Ахтарин ашқ эттию совуқ нафасни оҳ субҳ”, “Ишқни оловлантирган сув ёхуд “Қаро кўзим” каби мақолалари олим ўзи ёд этиб ўтганидек “энг кучли лаззат” яъни “сўз лаззати, сўз санътидан ҳузурланиши” қандай бўлишига ёрқин мисоллар сифатида китобни безаб турганлигини алоҳида қайд этиб ўтсак арзиди. Китобда яна ушбу тадқиқотлар мажмуининг яратилишига бош сабабчи ва раҳбар бўлган, ўкув кўлланманинг мастьул муҳаррири бу дунёни эрта тарк этган дўстимиз, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Назаровнинг “Маснавийи маънавий” ва унинг шарҳлари” мақоласи ҳам жой олган бўлиб, ушбу китоб доирасида тасаввуф адабиёти манбашунослиги йўналишидаги ягона тадқиқот сифатида дикқатга сазовордир.

Хуллас, камтарона “ўқув қўлланма” деб ном берилган бу ил-мий мажмуа филологиянинг турли соҳалари мутахассисларини бир мавзу устида яқин ҳамкорлигининг унумли ва ҳозирча ягона намунаси бўлганлиги билан қимматлидир.

<sup>243</sup> Тасаввуф адабиёти кенг маънодаги тушунча бўлиб, унинг турлари Б.Н.Назаровнинг “Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари” китобида (Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. –С.11-26) батафсил таснифланган бўлиб, биз ўз ишимизда асосан эпик шеъриятга эътибор қаратдик.

### 3. Мумтоз форс шеърияти тараққиёти ва тарихий лингвопоэтика муаммолари

Мусулмон минтақа маданияти доирасида яратилган бадииятшуносликка оид асарлар асосан икки йўналишда бўлган. Биринчиси, умумназарий йўналишдаги асарлар, масалан, Ибн Мўттазз, Родуёний, Ватвот, Шамс Қайс Розий, Атоуллоҳ Хусайнинй ва бошқаларнинг илми бадеъга оид рисолалари, аруз ва қофия илмига оид рисолалар. Иккинчиси, муайян асарларга шарҳлар, яъни хусусий бадииятшуносликка оид изланишлар бўлиб, дастлаб араб тилидаги Куръони карим мўжизаларига оид Абдулқоҳир Жўржонийнинг “Асрор ул-балога” ва “Далоил ул-эъжоз” асарлари каби китоблар ёзилган бўлса, кейинчалик Аттор, Румий, Ҳофиз асарларига кўплаб шарҳлар яратилди. Бу соҳада алоҳида эътиборга сазовор жиҳат шуки, шарҳлар асосан дунёвий адабиёт намуналарига эмас, балки тасаввуфий-ирфоний йўналишдаги улуғ асарларга бағишланди.

Янги даврда форс мумтоз шеърияти тарихи ва манбашунослиги йўналишида Эронда ва ўзга юртларда (Хиндистон, Европа, Россия) кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо бадииятшунослик йўналишидаги батафсил таҳлиллар уччалик кўп эмас. Бу соҳада XX асрда рус тилида нашр этилган китоблардан искитасини юқорида эслаб ўтган эдик. Улардан бири – тожик олими Раҳим Мусулмонкуловнинг “Форс-тожик мумтоз бадииятшунос-лиги” асари умумназарий йўналишда бўлса, иккинчиси – устозимиз ўз соҳасида жаҳонга таникли олим М.-Н. Османовнинг “Форс-тожик шеърияти услуги (IX-X асрлар)” китоби<sup>244</sup> хусусий бадииятшунослик йўналишидаги энг мукаммал тадқиқотлардан биридир. Бу китобда форс мумтоз шеъриятининг илк шаклланиш давридан бизгача етиб келган ноёб намуналар тўлиқ қамраб олинган ва адабиётшунос нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинган. 562 саҳифалик бу улкан асарнинг 295 саҳифасида Рудакий ва унинг замондошларидан бугунги кунгача етиб келган шеърий парчаларнинг тўлиқ таҳлили асосида тузилган бадиий тимсоллар ва тасвирий воситаларнинг форс тилидаги

<sup>244</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). –М.: «Наука» ГРВЛ, 1974. –С.268+296.

мукаммал рўйхати (“каталоги”) келтирилган. Агар биз адашмаётган бўлсак, то шу кунгача бундай мукаммал тадқиқотнинг бошка давомчилари бўлмади<sup>245</sup>. Бу асар ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлиши учун унинг умумий мундарижаси билан таништириб, баъзи боблардан намуналар келтириб ўтамиз.

Тадқиқот 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчиси “IX-X асрлар Форс-тожик шеъриятининг типи, методи, услуби” деб номланган бўлиб, китобнинг 69 саҳифасини (22-90 саҳифалар) ташкил қиласди. Иккинчи қисм – “Тасвирий воситалар” деб аталади ва китобнинг 169 саҳифасини (91-259 саҳифалар) қамраб олган. Бу қисм 7 боб ва Хулосадан иборат бўлиб, қуйида ушбу боблардан қисқача иқтибосларни кўриб чиқамиз.

1-боб. *Ташбиҳлар* (с. 91- 146) уч фаслга бўлинган. “Ташбиҳлардаги ўзига хослик” (“Характер сравнения” с.91-119) деб номланган биринчи фаслда аввало IX-X асрлар шеъриятида учраган барча ташбиҳлар икки турга ажратилади: 1) фаолиятга оид (“функциональные”) ўхшатишлар, 2) аниқ ҳис этилувчи (“конкретно-чувственные”) ўхшатишлар<sup>246</sup>. Кейин давр шеъриядаги ўхшатилаётган асосий мавзулар 9 гурӯхга бўлиб чиқилган: 1) Сиймолар (“Персонажи”), 2) Лирик қаҳрамон қиёфаси (“Облик лирического героя”), 3) Маъшуқанинг ташқи қиёфаси (“Внешний облик возлюбленной”), 4) Май (“Вино”), 5) Қурол-яроғ (“Оружие и снаряжение”), 6) Табиат ҳодисалари (“Явления природы”), 7) Ўсимлик ва чечаклар (“Цветы и растения”), 8) Осмон жисмлари (“Небесные светила”), 9) Рухий дунё ҳодисалари (“Явления духовного мира”). Буларнинг ҳар бири яна аниқланади, масалан, “сиймолар” - 1) Маъшуқа, 2) Мамдух, 3) Лирик қаҳрамон, 4) Рақиб, 5) Ҳажв қилинувчи<sup>247</sup>.

Шундан сўнг санаб ўтилган мавзуларнинг ҳар бири бўйича ўхшатишлар рўйхати келтирилади.

1.1. Маъшуқа учун ўхшатишлар: об, офтоб, оҳан, бут, бало, паланг, булбул, баҳор, ҳур ул-айн, Ҳусрав, дармон, дўзд, роҳат,

<sup>245</sup> Шу йўналишдаги биз билган биргина истисно - филология фанлари доктори, профессор Анвар Ҳожиахмедовнинг “Навоий арузи нафосати”(Т., “Фан”, 2006, 288саҳ.) китоби бўлиб, Навоийнинг барча шеърий асарлари вазнлари тўлиқ таҳдил қилинган.

<sup>246</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. –С.92.

<sup>247</sup> Шу китоб. –С.93.

сарв, шоҳ, тӯти, гунча, ифрит, қатрайи борон, қамар, кабк, қудаки ҳӯрд, гавазн, моҳ, ҳуққайи марворид, нор, нақши Навбаҳор ва ҳ.к. жами – 46 ўхшатиш<sup>248</sup>.

1.2. Мамдуҳ учун ўхшатишлар: абр, оташ, офтоби замона, бози тезчангол, Баҳром, тил, тоҷи ғузургон, тарозу, чироғ, чавлон, Хотами Тоӣ, Ҳайдар, хуршид, дарё, ройиз, Рустам, Ризвон, Соми савор, сарв, Сукрот, Сулаймон, Сиёвуши, шоҳин, шоҳбоз, шакар, шамъ, уқоб, шер, шаҳд, Фариҷун, Фалотун, қазо, кештии ҷаррин, Нил, моҳ ва ҳ.к. жами – 42 ўхшатиш<sup>249</sup>.

1.3. Лирик қаҳрамон учун ўхшатишлар: абри найсон, аёзи ҷаррин, Иброҳим, браҳман, барги лола, булбули муқаййиди назм, Жарир, зарра, жуҳуди Ҳайбари, ситамрасидайи ҳирс, санг, сарв, себи пажмурда, шаккар андар об, шаҳд, саъва, ғул, кештзор, ғовони гирдомада, Мајсунун, нол, ҳезум, Юсуфи асири зиндон ва ҳ.к. жами – 58 ўхшатиш...<sup>250</sup>

2.1. Лирик қаҳрамон қалби учун ўхшатишлар: об, оташкада, арзан, пироҳани Юсуф чок аз тухмат, жароҳат, ҳисор, хотири Мајсунун аз турраи Лайли, ҳазонайи турганж, дасти занони мисриён, дили баддил ба рӯзи жадол, замин миёни фалак, сипар, сангига кафида, қиёр, мургвор гардано ба оташ, нори куфта ва ҳ.к. жами – 18 ўхшатиш...<sup>251</sup>

3.10. Маъшуқанинг лаблари учун ўхшатишлар: бода, себи беҳишти, шакар, шадд аз шингарф, ақиқ, гули нимкуфта, лола, ғӯт, мушаъбед – жами - 9 ўхшатиш...<sup>252</sup>

4.1. Май учун ўхшатишлар: абри баҳмани, оташ, офтоб, тиге пеши офтоб бар қашида, жомайи куништи, жони ошиқ, ҷашми зарир, хоб андар дидайи бехоб, хуршид, дида, рӯйи ҳосид, равон раво, зар, занг, шутури маст, шақойиқ, шири мом, анбар, абир, ақиқ, қатрайи саҳоб, курсайи қамар, гули сурх, гулоб, гавҳар, гавҳари сурх, лола, лаъл, моҳи обиста ба Мирриҳ, мушк, ғӯт – жами ўхшатиш – 31та...<sup>253</sup>

<sup>248</sup> Шу китоб. –С.94-95.

<sup>249</sup> Шу китоб. –С.95-96.

<sup>250</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. –С.96-97.

<sup>251</sup> Шу китоб. –С.98.

<sup>252</sup> Шу китоб. –С.102.

<sup>253</sup> Шу китоб. –С.103.

7.1. Гул (атргул) учун ўхшатишлар: ҳури беҳишти, рухсори Лайли, рўйи дилдор, ирони ба таббат, ораз чу дебо, нофи оҳу - жами - 6 ўхшатиш...<sup>254</sup>

9.8. “Бу дунё” (“фоний дунё” – моддий олам) учун ўхшатишлар: оби шўр, абр, олмос, омузгор, бод, боз, бозийи найранж, бут, байти пурнақши Озар, бедистон, пул, жаҳаннам, чашма, хур, хуки палид, Довуд, дарё, заҳр, шоҳин, уд, анбар, фасона, гов, гўрг, гўри тангу танҳо, модар, мор, моҳ, мушк, май, наварус ва ҳ.к. жами – 39 ўхшатиш...<sup>255</sup>

9.11. Сўз учун ўхшатишлар: олмос, позаҳр, тиг, дард, дармон, заҳр, асал, мор, ёқут ва ҳ.к. жами – 11 ўхшатиш...<sup>256</sup>

Маълумки, “ташибиҳ санъати 4 жузв орқали юзага келади: мушаббиҳ, мушаббиҳун биҳ, важҳи шабиҳ, воситаи ташбиҳ”,<sup>257</sup> Бунда мушаббиҳ – ўхшатилаётган нарса (“предмет сравнения”), мушаббиҳун биҳ - ўхшаётган нарса, яъни бадиий тимсол (“образ сравнения”), важҳи шабиҳ - ўхшатилиш сабаби (“признак сравнения”), воситаи ташбиҳ ёки одоти ташбиҳ – ўхшатиш воситаси (“средства сравнения”) бўлади.

Ушбу фаслда жами 82та мушаббиҳ – ўхшатилаётган нарсага 606та ўхшатишнинг (мушаббиҳун биҳ, яъни бадиий тимсолнинг) рўйхати берилган. Булардан баъзилари 2, 3, 4 то 7 мартағача қайтарилади, аммо асосий кўпчилиги 1 мартағдан учрайди. Фасл якунида мавзулар бўйича мукаммал статистик жадваллар келтирилган. Уларда юқоридаги икки тур ўхшатишларнинг аниқ ракамлар ва фойизлардаги қиёсий микдори ҳар бир мавзу (мушаббиҳ) бўйича батафсил ҳисоби қайд этилган. Натижада жами 286та фаолиятга оид ўхшатиш ва 320та аниқ ҳис этилувчи ўхшатишлар мавжудлиги аникланган<sup>258</sup>.

Биринчи бобнинг биринчи фаслида таянч нуқта мушаббиҳ бўлған бўлса, кейинги фаслида эътибор мушаббиҳун биҳ, яъни бадиий тимсолга, аникроғи сўз-тимсолга қаратилган. Бу фаслда IX-X асрлар форс шеъриятида ишлатилган сўз-тимсоллар турли

<sup>254</sup> Шу китоб. –С.108.

<sup>255</sup> Шу китоб. –С.113-114.

<sup>256</sup> Шу китоб. –С.114.

<sup>257</sup> Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик лӯғати, сах.321.

<sup>258</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. –С.116-118.

мазмуний гурухларга ажратилган бўлиб, биринчидан улар 2 катта туруга – 1) “адабий” (яъни адабий манбалардан олинган) ва “гайри адабий” (яъни ҳаётий нарса-ҳодисаларнинг номларидан олинган) сўз-тимсолларга бўлинган. Жумладан, адабий манбалардан олинган сўз-тимсоллар ўз навбатида асотир ва эпосдан олинган (12та), диний адабиётдан олинган (36та), тарихий адабиётдан олинган (22та), адабий асарлар ва ундаги бадиий сиймолар билан (7та), ёзув маданияти ва адабий ижод жараёни билан боғлиқ номлар (10та) каби кичик гурухларга, “гайри адабий” сўз-тимсоллар эса наботот дунёси (50та), ҳайвонот дунёси (66та), табиат ҳодисалари (51та), минераллар ва металлар (29та), осмон жисмлари (13та), инсон ҳаёт фаолиятига оид нарсалар (107та), ҳарбий фаолиятга оид (15та), ижтимоий ҳаёт, касби-кор ва турли тоифалар номланишига оид сўзлар (34та), диний ҳаётга оид тушунчалар (25та), инсон тана аъзолари (12та), мавхум тушунчалар (7та) каби гурухчаларга ажратиб таснифланган. Кўриниб туриптики, биринчи гурухга оид сўз-тимсоллар (88та) иккинчи гурухга нисбатан (409та) анча-мунча чекланган. Назаримизда, бунинг сабаби янги давр муҳитида ёзма адабиётнинг кенг миқёсда ривожланишга энди ўта бошлаганида бўлса керак. Яна бир мулоҳаза – аслида иккинчи гурухни ҳам икки қисмга ажратиб, табиат ва инсон билан боғлиқ тушунчаларни алоҳида туркумласа ҳам ёмон бўлмас эди. Фасл якунида давр шеъриятида кўп учрайдиган сўз-тимсолларнинг ишлатилиш даражасига кўра миқдорий рўйхати (частотали лугати) берилган: *моҳ* (21 марта), *оташ* (16 марта), *гул* (15 марта), *ёқут* (12), *сарв* (11), *абр* (10), *ақиқ* (9), *камон* (9), *бод* (8), *захр* (8), *хуршид* (7), *май* (7), *об* (6), *офтоб* (6), *парниён* (6), *дур* (6), *дебо* (6), *рўй* (6), *шаб* (6), *шакар* (6), *шер* (6), *боз* (5), *бешешт* (5), *тир* (5), *тиз* (5), *жон* (5), *даруна* (5), *дарё* (5), *зар* (5), *қиён* (5), *лола* (5), *баҳор* (4), *тишкор* (4), *чироз* (4), *ҳавро*, *ҳур улайин* (4), *каманд* (4), *гавҳар* (4), *мор* (4), *мурғ* (4) – жами 39 сўз-тимсол<sup>259</sup>. Маълум бўладики, биринчи гурух адабий манбалардан олинган сўз-тимсоллар бу рўйхатдан умуман жой олмаган экан, яъни улар давр шеъриятида жуда кам ишлатилган. Намуна сифатида улардан бир қисмини келтириб ўтамиз. Исломдан олдинги асотирлар ва тарихий-афсонавий ривоятлардан олинган ўхша-

<sup>259</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. – С. 134-135.

тишлар: *ајдахо, Бијан, Саъбон, пари, Рустам, Соми савор, Сиёвуши, симурғ, Тус, алами Ковиён, Фариудун, Навзар* – жами 12 сўз-тимсол.<sup>260</sup> Албатта, IX-X асрлар шеърияти бизгача тўлиқ етиб келмаганини ҳисобга олганда бу рўйхатлар асл воқеликни мукаммал акс эттираслиги маълум.

Бобнинг охирги фасли *важҳи шабиҳ*, яъни ўхшатилиш сабаби (“признак сравнения”) масаласига бағишлиган бўлиб, унда *мушаббиҳ*, яъни ўхшатилаётган нарса билан *мушаббиҳун биҳ*, яъни ўхшаётган нарсани ўзаро боғлаб турувчи хусусият ҳақида гап боради. Тадқиқотчи буларни рангига кўра (*қизил ё қўрмиз, пушти, оқ, ҳаворанг, қора, сариқ, ярқироқ*), кучли ва кучсизлигига кўра, гўзал ва ёқимсизлигига кўра, катта ва кичикилигига кўра ва ҳ.к.ларга ажратиб таснифлайди. Намуна учун баъзи мисоллар келтирамиз. Оқ ранг: *поганда, Парвин, парниён, панба, дур, сийм, шакар, шир, ож, кофур, кафи Мусо, моҳити шим* – жами 13та ўхшатиш-тимсол<sup>261</sup>. Гўзаллик белгиси: *об, офтоб, бути тотор, баҳор, беҳит, пари, ҳур ул-айн, дебо, руҳсори маъшуқа, рўйи маъшуқа, шоҳ, орази маъшуқа, гунча, фирдавс, фаг, қамар, кавсар, гул, маъшуқа, мурт, нақши Баҳор, Юсуф* – жами 23та ўхшатиш<sup>262</sup>.

Кейинги боб **истиораларга** (“Метафоры”) бағишлиган бўлиб, улар З турга ажратилган: 1) қаратғичли **истиора** (*гули рўй, оташи руҳсор, дарахти умр, занги ғам*), 2) аниқловчи шаклидаги **истиора** (*азми тезгом*), 3) феъл шаклидаги **истиора** (*бог ҳандад*).<sup>263</sup> Лекин боб давомида фақат биринчи турдаги, яъни қаратғичли истиоралар ташbihлар билан қиёсан таҳлил этиш билан чекланилган.Faқат боб охира иккинчи турдаги, яъни аниқловчи шаклидаги **истиоралар сифатлашлар** билан шаклан бир типда эканлиги қайд этиб ўтилган.

Учинчи боб **сифатлашлар** (“Эпитеты”) хусусида бўлиб, унда яна ҳудди ташbihлар таҳлилидаги каби **маъшуқа** учун **сифатлашлар**: *обдор, озодатабъ, ангабинлаб, барно, бутзод, бадхў, бўланд, бинафшаажаъд, бемеҳр, пўрнигор, хуррам, суманбар, симинбар, шаккаришикан, лоларух, нағз, айёр* ва ҳ.к. жами – 98 сифат-

<sup>260</sup> Шу китоб. –С.121.

<sup>261</sup> Шу китоб. –С.136-137.

<sup>262</sup> Шу китоб. –С.143-144.

<sup>263</sup> Шу китоб. –С.147-148.

лаш<sup>264</sup>; мамдух учун сифатлашлар: бадиъ, бузургвор, банданавоз, баҳромсаҳо, парвизтаҳт, жонбахши, далир, одил, кишваргир, набисийрат ва ҳ.к. жами – 31 сифатлаш<sup>265</sup>; 1.3. лирик қаҳрамон учун сифатлашлар: асир, бадомуз, паст, тавонгар дар гам, пашимон, бечора, хор, зор, девона, ху карда ба бус, ситорашиумор ба шаб, саргашта, суруд гүён, күж, гумиуда, латиф, майхор ва ҳ.к. жами – 59 сифатлаш<sup>266</sup>; бундан кейин яна “лирик қаҳрамон қиёфаси”, “маъшуқанинг ташқи қиёфаси” “қурол-яроғ”, “табиат ҳодисалари”, 7) “ўсимлик ва чечаклар” каби мавзулар бўйича сифатлашлар рўйхати келтирилади. Ҳар бир рўйхат охирида.

1) фаолиятга оид сифатлашлар, 2) аниқ ҳис этилувчи сифатлашлар ва 3) истиорали сифатлашлар адади бирма-бир ажратиб кўрсатилилади. Масалан, маъшуқа учун сифатлашларда 1) 52та, 2) 46та, 3) 37та; мамдух учун сифатлашларда 1) 30та, 2) 1та, 3) 10та; лирик қаҳрамон учун сифатлашларда 1) 54та, 2) 5та, 3) 7та<sup>267</sup> ва ҳоказо.

Кейинги боб рамзлар (“символы”) ҳақида бўлиб, тадқиқотчи рамз тушунчасини аниқ маънода, яъни қисқарган истиора маъносида талқин қиласиди. Натижада уч бадиий тимсол 1) ташбиҳ (рўй чу гул), 2) истиора (гули рўй), 3) рамз (гули у) орасида мустаҳкам боғланиш ҳосил қилинади<sup>268</sup>. Китобда мавжуд мисоллардан биргина намуна келтирамиз:

*Ду лаби ақиқу зери ақиқаш ду раста дур,  
Наргиси ду чашму зери ду нарғис гули тари*<sup>269</sup>

Боб давомида яна олдинги боблардаги сингари “маъшуқа учун рамзлар”, “маъшуқанинг лаблари учун рамзлар”, “маъшуқанинг ёноқлари учун рамзлар”, “лирик қаҳрамон учун рамзлар”, “лирик қаҳрамон кўз ёшлиари учун рамзлар” каби таснифлар берилади, фақат бу сафар қуруқ рўйхат эмас, балки ҳар бир рамз ўша

<sup>264</sup> Шу китоб. –С.159-161.

<sup>265</sup> Шу китоб. –С.161-162.

<sup>266</sup> Шу китоб. –С.162-163.

<sup>267</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. –С. 161, 162, 164. Истиорали сифатлашлар адади алоҳида (оддий сифатлашларга нисбатда) олинган.

<sup>268</sup> Шу асар. –С. 183.

<sup>269</sup> Шу асар. –С. 184.

рамз учраган байт мисолида тасдиқланади<sup>270</sup>, сабаби - рамз маъноси ташбих ва сифатдошдан фарқли равишда фақат яхлит матнадагина аён бўлиши мумкин.

Бешинчи боб тазодлар (“оппозиции”) деб аталади. Бунда мавзудан келиб чиқиб олдинги боблардаги таснифлаш қолипи бирмунча ўзгаришларга учраган. *Шоир* – маъшуқа, *висол* – ҳижрон, *шоир* - *тақдир*, *мамдуҳ* – душман, *мамдуҳ* – *тақдир*, *олим* – жоҳил, *билим* – бойлик, *шодлик* – гам, *кучли* – заиф, ёқимли – ёқимсиз – бу бобдаги таснифлар шу тартибда келади<sup>271</sup>.

Метонимия ва перифразаларга бағишлиланган боб жуда қисқа бўлиб, охирги, еттинчи боб поэтик майдонлар (“поэтические поля”) асосан олдинги бобларда турли тасвирий воситаларга тақсимлаб берилган бадиий тимсолларнинг қиёсий жадвалларидан иборат<sup>272</sup>. Бобнинг кириш қисмида семантик майдон (“семантическое поле”) ва поэтик майдон, фан тили ва бадиий тил қиёсланади: “Фан тили учун идеал семантик майдон марказида биргина сўз жой олиб, у билан муайян мазмуний боғланиш ҳам биргина сўз билан ифодалангани маъқул бўлади. Идеал поэтик майдон марказида эса иложи борича кўпроқ лафзий ифодалар жойлашиб, уларнинг бадиий маъно боғланишлари ҳам имкон борича кўпроқ сўз билан ифодаланиши талабга мувофиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, фан тилида атамалар мазмунининг қатъий аниқлиги талаб этилади, шеърият тилида эса оддий тилда мавжуд бўлмаган маъно боғланишларини шакллантиришга имкон берадиган мазмуний кўпқирралиликка эришиш мақбул кўрилади.”<sup>273</sup> Чунки фан тилидаги боғланишлар мантикий асосга курилса, шеърият тили бадиий тимсоллар тили сифатида биринчи навбатда мажозий боғланишларга асосланади.

Устознинг тадқиқотига бу даража муфассал эътибор қаратганимизнинг икки сабаби бор. Биринчидан, бу тадқиқот мумтоз форс адабиётининг муайян даври ҳақида яратилган бадииятшунослик йўналишидаги бизга маълум бўлган энг биринчи мукаммал изланишдир. Иккинчидан, бу тадқиқотда мумтоз форс ад-

<sup>270</sup> Шу асар. – С. 185-198.

<sup>271</sup> Шу асар. – С. 200-216.

<sup>272</sup> Шу асар. – С. 220-257.

<sup>273</sup> Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии. – С. 219.

биётининг илк шаклланиш босқичидаги бадий тасвир воситалари хусусида тўлиқ тасаввур берувчи тавсиф ва тасниф келтирилган бўлиб, афсуски, бу иш кейинчалик ушбу мавзу бўйича бирор бир тадқиқотда ўз давомчисини топмади. Албатта, қўлда бажарилган тўлиқ картотека асосида амалга оширилган бу машаққатли меҳнатга унча-мунча ҳафсалали одамнинг бардоши етиши мушкул эди. Аммо бугунги кунда компьютер хотирасига бутун мумтоз форс шоирлари ижодий мероси жойлаштирилган ва интернет орқали бу тенгсиз бойликдан барча бемалол фойдаланиши мумкин бўлган шароитда ушбу йўналишдаги ишлар бирнеча баробар енгиллашганини ҳисобга олиб, М.-Н.Османов асос соглан йўналишни чўчимасдан давом эттириш мумкин ва зарур.

Маълумки, IX -X асрлар янги форс тилида яратилган шеърият бизгача тўлиқ етиб келган эмас. Рудакий ва бошқа баъзи замондошларининг йирик эпик асарлар ёзганликлари ҳам маълум, бироқ Фирдавсий асари таркибига киритилган Дақиқий “Шоҳнома”сидан минг байт ва Абу Шукур Балхийнинг “Офариннома”-сидан етиб келган каттагина парчани айтмасак, бу даврда ёзилган йирик шеърий асарлардан яхлит қисмлар бугунги кунда тадқиқотчилар ихтиёрида мавжуд эмас. Шу сабабли бадииятшунослик таҳлилида М.-Н.Османов танлаган йўл мавжуд шеърий меросга жуда мос тушган. Аммо XI аср бошларига келиб нафақат Фирдавсий “Шоҳнома”си, балки Унсурий ва Айюқий достонлари, шу билан бирга Унсурий, Фаррухий, Манучехрий ва бошқаларнинг девонлари яратилди ва уларнинг асосий қисмлари бизгача етиб келган. Тўғри, Фирдавсий эпопеяси ҳақида балки юзлаб тадқиқотлар бор, Унсурий, Фаррухий, Манучехрийлар ҳақида ҳам Эронда ва ундан ташқарида бир эмас, биркандча тадқиқотлар яратилган<sup>274</sup>. Рудакий ижоди ҳам ҳар жиҳатдан ўрганилган<sup>275</sup>, аммо бу ишлар-

<sup>274</sup> Бертельс Е.Э. Хаким Унсурий из Балха. // Бертельс Е.Э Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1988, –С. 8-202. Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. Техрон, Чопи Сино. – 1335 х. –79+483 сах.

<sup>275</sup> Бертельс Е.Э. Литература на персидском языке в Средней Азии. // Бертельс Е.Э Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1988. –С. 261-301. Мирзоев А. Рудаки. Жизнь и творчество. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1968. –С.320. Брагинский И.С. О мастерстве Рудаки. Поэтический комментарий. // Рудаки. Стихи. –М.: «Наука», 1964, –С. 384-440.

нинг кўпчилиги манбашунослик ва матншунослик, адабиёт тарихи, асарларнинг мавзу мундарижлари ва ғоявий йўналишлари, сюжет ва композиция масалаларига бағишиланган бўлиб, бадииятшунослик соҳасидаги комплекс тадқиқотлар, айниқса, сўз-тимсол даражасида ги батафсил таҳлиллар деярли учрамайди.

XI аср иккинчи ярмидан бошлаб вазият ўзгаради. Умар Хайём рубоийлари, НосирХисравнинг фалсафий қасидалари тадқиқотчилар дикқатини кўпроқ жалб эта бошлайди. Айниқса, тасаввуфий-ирфоний адабиёт намуналарига (Саноий, Аттор, Румий) шарҳлар кенг ривож олади. Бу ҳолат ўз-ўзидан тушунарли, чунки ирфоний ибораларнинг маҳсус шарҳларисиз бу адабиёт мазмун-моҳиятини тушуниб етиш мушкул. Аммо бир нарсага эътибор қаратиш ниҳоятда муҳимки, ўз даврида кенг тарқалган тасаввуфий атамалар (аникроғи, рамзлар) шарҳига бағишиланган маҳсус луғатлардаги талқинлар билан тасаввуфий шеъриятдаги ушбу рамзларнинг контекстуал маънолари доим ҳам мос кела берган эмас<sup>276</sup>. Алоҳида асарларга ёзилган шарҳлар бундан мустасно. Масалан, Е.Э.Бертельс асарида келтирилган “Миръоти ушишоқ” луғати билан “Маснавийи маънавий” матнида учраган ушбу сўзлар контекстуал маънолари солиштириб кўрилса масала ойдинлашади. Ҳатто Обиддин Пошшонинг маҳсус шарҳлари<sup>277</sup> ҳам шоир байтлари мазмунини тўлиқ ёритиб бера олмаган дейиш мумкин. Сабаби бадиий матн доимо кўпмаъноли бўлади, унинг жозибаси ҳам шунда.

Саъдий ва Ҳофизлар ижоди эса тўлиқ тасаввуфий шеърият қолипига тушмаслиги сабабли янада мураккаб ирфоний-ижтимоий маъно товланишларини намоён этади. Бу шоирлар мансуб бўлган “мажоз тариқи” йўналиши ҳанузгача илмий доираларда расман тан олинмаганлигини назарда тутсак, масала янада мураккаблашади.

Тилшуносликка оид ишларда бадиий асар тилини ўрганиш ва умуман тилшунос ва адабиётшуноснинг бу соҳадаги ҳамкорлиги масаласида билдирилган мулоҳазаларга қараганда ушбу йўна-

<sup>276</sup> Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965. –С. 126-178.

<sup>277</sup> Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-китоб. (Ас-қар Маҳкам таржимаси – шарҳи билан). –Т.: “Шарқ”, 1999. –С. 22-365. Биринчи жилд. 2-китоб. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. –С. 11-272.

лишдаги тадқиқотлар ўз олдига қўйган мақсадига кўра 5 турга ажратилган. Улардан биринчи 4 тури тилшунослик соҳасига ва фақат охирги бир тури адабиётшунослик соҳасига алоқадор деб топилган. Жумладан, 1) муайян бадий асардаги тил унсурларининг ўзига хослигини умумадабий тилга қиёсан ўрганиш; 2) муайян муаллиф ёки адабий йўналиш, ёки жанр тилини ўзга ижодкорлар, йўналишлар, жанрлар тилидан услубий фарқланиши нуқтаи назаридан қиёсий тадқиқ этиш; 3) муайян асардаги турли тил бирликлари ва категорияларининг бадий матн умумий мазмунига боғлиқ ҳолда бадий тимсол яратиш имкониятларини аниқлаш, яъни тилни бадий услугуб нуқтай назаридан ўрганиш; 4) бадий асар тил воситаларининг давр ва ё адабий йўналиш доирасидаги адабий тил меёrlарига мувофиқлик даражасини баҳолаш; ва ниҳоят, 5) бадий асар тилини адабиётшунос томонидан ўрганилиши – бадий тимсоллар ва умуман асар мазмунининг шаклланишига унда ишлатилган тил воситалари ва уларнинг ўзаро таркибланишининг таъсирини таҳлил қилишдан иборатdir<sup>278</sup>.

Бадий асар тил бирликларининг таҳлилида ҳам ўзига яраша тартиб-қоидалари бор. Масалан, ҳар бир сўзнинг муайян матнда қўлланишидаги икки хил ҳолат: мазмуний фаоллашув ҳолати ва гайри фаол ҳолати. Ёки тилшунослик атамалари лугатида қайд этилган “коллигация” ва “коллокация” ҳодисалари.<sup>279</sup> Бу нозик масалаларга жиддий эътибор қаратилмаса, таҳлилда ноаникликтарга йўл қўйилиши ва натижада янглиш хулосалар вужудга келиши ҳеч гап эмас.

<sup>278</sup> Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. –М.: “Просвещение”, 1979. –С. 32-33.

<sup>279</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: «Сов. Энциклопедия», 1966. –С.199.

## 4-ҚИСМ

### МУМТОЗ ФОРС АДАБИЁТИДА ШЕЪРИЙ ТИЗИМЛАР ВА ЖАНРЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

#### 1. Мумтоз форс адабиётида лирик жанрлар

Бу мавзу мархум устозимиз профессор Ш.Шомуҳамедов томонидан ўкув қўлланма тарзида 2004 йилдаёқ чоп этилган бўлиб, унда қасида (с. 8-20), ғазал (с. 20-37), рубоий (с. 37-45), қитъа (с. 46-49), фардлар (с. 49-50), мусаммат (с. 51-53), таржеъбанд ва таркиббанд (с. 53-56), мустазод (с. 56-58), маснавий (с. 58-59), муаммо (с. 59-63), тарих (с. 63-70) каби шеърий жанрлар баъзиси батафсил, баъзиси қисқа шаклда изоҳлаб берилган эди. Бу китоб мундарижасини такрорлаб ўтирумай биз масалага бошқачароқ ёндошдик. Ушбу рисола ўкув қўлланма эмас, балки монографик тадқиқот сифатида тақдим этиаётгани боис, унда магистрларнинг келгусидаги илмий тадқиқот ишларига бир йўлланма бериш мақсадида биз илгари нашр этилган китоб таркибидан бирнечча яхлит мавзуни ажратиб олиб ушбу қисм мундарижасига мувофиқ тарзда қайта ишлаб тақдим этишни мақбул топдик.

#### А. Мумтоз форс шеъриятида қасида жанрининг мазмуний тараққиёти

Шеърнинг бу тури минтаقا адабиётида энг аввал араб оғзаки шеъриятида шаклланган бўлиб, форс мумтоз шеъриятининг илк босқичи – дунёвий адабиёт даври шоирлари ижодида ҳам етакчи жанр ҳисобланган. “*Қасида араб адабиётининг қадими шаклларидан бўлиб, араб бадавий адабиётининг исломгача бўлган жоҳилия давридаёқ мустақил шеърий жанр сифатида шаклланган ва кейинчалик ислом маданиятининг бир қатор мамлакатларда тарқалган, жумладан, у адабиётининг етакчи жанри сифатида форсий тилдаги адабиётга ҳам катта таъсир кўрсатган ва ўзи ривожланиб сайқал топган*”, деб ёзади устоз Ш.Шомуҳамедов<sup>280</sup>.

М.Л.Рейснер лиро-эпик тур сифатида тадқиқ қилган ушбу жанр ўз тарихий тараққиётида мазмуний мундарижасига кўра борган сари кенгроқ қамровга эга бўлиб, турли мавзу йўналиш-

<sup>280</sup> Ш.Шомуҳамедов. Форсий шеъриятнинг асосий шакллари. –Т.: ТДШИ, 2004. –С. 8.

ларида ривож олиб борди. Албатта, узоқ вақт унинг асосий мавзуу йўналиши мадҳия бўлиб, Рудакий давридан Анварийгача шेъриятнинг етакчи жанри сифатида давом этиб келди. Аммо мадҳиявий қасидалар ҳам ташбиб (насиб) қисми мундарижасига кўра бир неча мавзуу йўналишларига бўлинниб кетади. Масалан, Рудакийдан бизгача тўлиқ этиб келган икки мадҳиявий қасиданинг бири “Модари май” деб ном олган бўлса, иккинчиси “Қариллик қасидаси” дир. Биринчи қасиданинг ташбиб қисми тўлигича узумдан шароб тайёрлаш жараёнининг бадиий-мажозий тасвирига бағишлиланган. Шеър шундай бошланади:

Модари майро бикард бояд қурбон,  
Бачайи уро гирифту кард базиндон.  
Бачайи уро аз-у гирифт надони,  
То-иши накуби нухуст-у з-у накаши жсон.  
Гарчи набошаҳ ҳалол дур бикардан  
Бачайи кучак зи шири модару пистон,  
То нахўрад шир ҳафт маҳ ба тамоми  
Аз сари Ўрдабиҳшин то бўни Обон.  
Онгаҳ шояд зи рўйи дину раҳи дод  
Бача ба зиндони тангу модар - қурбон...<sup>281</sup>  
(Майнинг онасини қурбон қилмоқ зарур,  
Боласини ушлаб, зиндонбанд этмоқ зарур.  
Аммо уриб-эзғилаб, жонини олмагунингча,  
Ундан боласини ажратиб олиб бўлмас.  
Агарчи эрта баҳордан то куз фаслигача,  
Роса етти ой она сутига тўймагуничча,  
Мурғак болачани она кўксидан  
Ажратиб олинса, ҳалол бўлмайди.  
Ана ундан кейин онани – қурбон қилиб,  
Болани тор зиндонга ташланса,  
Ажаб эмас, дину адолатга мос келса...)

Бу қасида ва унинг мавзуси ўз даврида жуда шуҳрат қозониб, кейинги аср шоирлари ушбу мавзуни янада кенгроқ ва ёрқинроқ акс эттириш ҳаракатида бўлдилар. Жумладан, XI аср биринчи ярми Газнавийлар саройида таркиб топган форс тилидаги адабий мак-

<sup>281</sup> Посдорони сухан. –С. 28.

табнинг номдор шоирларидан Манучехрий Домғонийнинг айни шу мавзудаги машҳур мусаммат-қасидаси қуидагича бошланади:

*Оби ангур биёред, ки Обонмоҳ аст,  
Кор якруя ба коми дили шоҳанишоҳ аст,  
Вақти манзар шуду вақти назари хиргоҳ аст,  
Дасти тобистон аз рўйи замин кутроҳ аст,  
Оби ангури ҳазониро хўрдангоҳ аст,  
Ки кас имсол накардаст мар ўро талабе.*

(Узум шарбатини келтиринг-ки Обон ойи кирмокда,  
Ишлар шоҳаншоҳнинг кўнгил хоҳишига мос келмокда,  
Кўнгилочар давр келди, чодирга юзланадиган пайт келмокда  
Ёзниг куввати кетиб, кунлар қисқаришга бошламокда,  
Кузги узум шарбатидан ҳузурланиш навбати етмоқда  
Шу кунгача ҳали бирор ундан тотиб кўриб улгурмади.)

*Шоҳи ангури кўҳан духтаракон дод басе,  
Ки на аз дард бинолиду на бар зад нафасе,  
Ҳамаро зод ба як дафъа на пеше на пасе,  
На варо қобилае буд на фарёдрасе,  
Инчунин осон фарзанд назодаст касе,  
Ки на дарде бигирифташи мутавотир на табе.*

(Кекса ток занги қатор қизчаларни дунёга келтирди,  
Аммо на уни дард тутгани билинди, на овози чиқди,  
Барча гўдаклари бир йўла туғилди, олдин-кетини бўлмади,  
На унга бирор доялик қилди, на тепасида меҳрибони бўлди,  
Ҳали ҳеч ким бундай осонгина фарзанд кўрган эмас,  
На тайинли азоб чеккани, на иситмаси чиққани сезилмади.)

*Чун бизод он бачагонро сари ангушти дижам  
В-андар овехт ба рўда бачагонро ба шикам,  
Бачагон зод мудаввар ҳама беқадду қадам,  
Саду си баччаву андарзада ду даст ба ҳам.  
Ду сар андар шикам ҳар як на бешу на кам,  
На дар эшон ситухоне, на раге, на асабе.*

(Зарра қайгу чекмай ул гўдакларни туғиб ташлагач,  
Барчаси киндиги кесилмасдан қорнидан осилганича қолди,  
Болачалар юм-юмалоқ, на қадди бор, на оёғи,  
Бир юзу ўттиз болача, барчаси қўлинин қўлига берган,

Ҳар бирининг қорнида икки бошча на кўп эмас, на кам эмас,  
Хеч бирида на суяги бор, на томири, на асаб толалари.)

Чун нигаҳ кард бад-он духтаракон модари тир,  
Сабз буданд якояк чу сагиру чу кабир,  
Кардашон модар бистар ҳама аз сабзҳарир,  
На хурии дод мар он баччакаконрову на шир,  
На шагаб карданд мар он бачагонро, на нафир,  
Бачайи гурсина диди, ки надорад шагабе?...

(Ул қизчаларига қари онаси назар солса,  
Катта-ю кичик барчасининг ранги кўкимтири,  
Барчасига онаси яшил барглардан жой солиб берди,  
Ул мурғакларга на таом берди, на сут берди,  
Болачалар ҳам на тўпалон қилади, на дод солади,  
Хеч кўрганмисиз оч гўдакнинг дод солмай жим ётганини?..)

Шу жойдан воқеаларга боғбон (шоир “разбон”, яъни “узумзор эгаси” деб атайди) аралашади. “Бу гўдакларга онаси қарамаса, сут бермаса, булар барчаси очидан ўлиб кетади-ку, қандок қила-ман энди, ажаб иш бўлди-ку, мени девона қилади булар” – дейди у. Боғбон тезлик билан бориб сув очиб келади ва узумларни суго-ра бошлайди. “Агар буларга сут етказиб бера олмасам ҳам ҳеч бўлмаса эрта-кеч сувини бериб туриш кўлимдан келади-ку, Аллоҳ бир натижа қўрсатар,” – дейди у ўзига-ўзи. Болачалар роса сув ичиб семиришади, тебраниб-тебраниб қўйишади-ю, тўшакдан туришмайди, аста-секин чехраларига ранг кириб, тўлишади. Богбон туну кун тепаларидан кетмай шаробу шарбат билан зиё-фат қилишда давом этади. Рамзий тасвир шу тарзда эпик тус олиб, иштирокчилар сафига қуёш ва ой ҳам қўшилиб, кичикроқ бир достон даражасига етиб боради.

Рудакий қасидасидаги 35 байтли ташбибдан 18 байти (36 мисръ) май тайёрлаш жараёнининг тасвирига бағишлиланган бўлса, Манучехрийнинг мусамматида токда узумнинг ётилишидан то май солинган хум очилгунча бўлган даврнинг мажозий тас-вири 23 банд (ҳар бир бандда 6 мисраъдан, жаъми 138 мисръ) давомида батафсил ёритилади. Рудакийда асосий тимсоллар фа-қат май-бола ва унинг онаси - узум (ток занги эмас)дан иборат бўлса, Манучехрий тасвирида воқеа қатнашчилари сафи кенга-йиб, кекса она (ток занги), унинг қизчалари (узум доналари),

**боғбон (узумзор эгаси), куёш, ой ундаги тўлақонли рамзий тимсолларга айланади.**

Қасида мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, аслида ҳар икки шоир яратган мажозий тасвир ортида бир хил воқелик туради. Уларда одамни сархуш қилиб, унга кайфият бахш этувчи майнинг қандай ҳосил бўлиши гўзал бир рамзлар билан тавсиф этилмоқда. Келтирилган тасвирларда бадиий адабиётнинг эстетик завқ бериш хусусияти кучли бир тарзда намоён бўлмоқда, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – **инсоннинг маънавий камолотига ижобий тъсириш жиҳати** бугунги кун нуқтаи назаридан қониқарли даражада деб бўлмайди. Яъни шеърдаги зоҳирий гўзаллик мазмуний теранлик билан уйғунлашган эмас. Тасвирдаги май – оддий маънодаги маст қилувчи ичимлиқдан ўзга нарса эмас.

Маҳмуд Фазнавий саройида маликушшуаро лавозимида бўлган **Унсурӣ** ўз даври сиёсий шеъриятининг буюк вакили бўлган. Мана унинг машхур қасидалардан бирининг бошланиши:

*Тавонгарию бузургию коми дил ба жаҳон*

*Накард ҳосил кас жўз ба хидмати султон.*

*Йамини давлат к-айёми у шавад маймун,*

*Амини миллат к-имон аз у шавад тобон.*

*Ҳама инояти яздан ба жумла баҳрайи уст,*

*Че баҳра бошад беш аз инояти яздан.*

*Агар ба қавли фақиҳону аҳли илм рави*

*Гузидаш изаду бо у ба фазл кард эҳсон.*

*Баҳост изад к-у хусрави жаҳон бошад,*

*Аз он че изад хоҳад гўрихтан натвон.*

*Қазоий Ҳақ аст ин мулк-у подшоҳийи у,*

*Раво набошад андар қазо бувад нуқсон.*

*Бад-он каси ки бувад никҳоҳи у изад,*

*Агар каси бад хоҳад бад-у расад ҳазлон.*

*Бад-он ки ҳар че худойи жаҳон писандидаст*

*Агар каси натисандад аз-у бувад куфрон...*

(Кудрату ҳашамату кўнгил истакларига

Бу жаҳонда фақат султон хизматида эришиш мумкин.

Йамин уд-Даула, ки унинг айёми саодатли бўлсин,

Амин ул-Милла, ки миллат имонининг яшнаши у биландир.

Тангри инояти тўлиқ унинг насибасидир.

Тангри иноятидан ўзга қандай насиба бор?  
Агар факиҳлару илм аҳлига қулоқ солсанг,  
Тангри уни ёрлақаб, уни танлаганини англаб етасан.  
Тангри ирода этдики у жаҳон ҳукмдори бўлди,  
Тангри ирода этдими, ундан қочиб бўлмас.  
Ҳақ таоло қазосидир бу мулку унинг подшоҳлиги,  
Ҳақ таоло қазосига нуқсон номуносидир.  
Агар кимгаки худо яхшилик рано кўрса,  
Унга ёмонлик согинган ўзи забун бўлгай.  
Билки, жаҳон ҳукмдори мақбул топганини  
Кимки номақбул билса, бу унинг куфрга кетганидир...)

Унсурийнинг ушбу йўналишдаги шеърлари фақат ўз ҳукмдори сиёсий мавқеининг мустаҳкамланишидагина эмас, шўубия ҳаракатининг сиёсий қарашларини моҳиятан бекор қилиб, ислом даври легитимизмининг янги асосларини бино қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Ғазнавийлар саройига Унсурийдан кейин кириб келган икки улуғ қасиданавис шоирлар – **Фаррухий Сийистоний ва Манучхрий** Домғонийлар учун энди бу йўналиш ўз долзарблигини йўқотган эди. Бу икки забардаст шоири ижоди билан танишганда уларнинг нафақат бадиий маҳорати, балки инсон дилида хуш кайфият ва инжа туйғулар уйғота оладиган тасвиirlар яратади олиш туғма қобилиятига амин бўламиз. Мана **Фаррухийдан** бир мисол:

*Чун паранди нилгун бар рўй пўшад марғзор,  
Парниёни ҳафтранг андар сар орад куҳсор.  
Хокро чун нофи оҳу мушк зояд бекиёс,  
Бидро чун парри тўти барг рўяд бешумор.  
Дўш вақти субҳидам бўйи баҳор овард бод,  
Ҳабзайи боди шимол-у харбайи бўйи баҳор.  
Бод гўйи мушки суда дорад андар остин,  
Бог гўйи луъбатони жилва дорад бар канор.  
Настарин лўлўйи байза дорад андармарсала,  
Аргувон лаъли бадахшидорад андар гўшвор.  
То бар омад жомҳойи сурхи мул бар шохи гул,  
Панжсаҳойи дасти мардум сар фўру кард аз чинор.  
Боги буқламун либос-у шоҳ буқламун намой,  
Об марворидгун-у абр марворидбор.*

*Рост пиндори- ки хильятахойи рангин ёфтанд  
Боегхойи турнигор аз дөвгөхү шахриёр...*

(Үтлоқзор бурканган яшил шойига,  
Камалакранг қалпоқ кийипти тоғлар,  
Тупроқдан охудек мушк ҳиди келиб,  
Толлар барг ёзишган түти патидек,  
Тонгда баҳор сасин келтирди насим -  
Шаббода хүш келдинг! Яша навбаҳор!  
Шаббода енгіда мушкнинг ифори,  
Нозли қўғирчоқлар гулзор бағрида.  
Настарин маржони оқ марвариддан,  
Арғувон сирғаси - Бадахшон лаъли.  
Атргул шохіда май тўла жомлар,  
Панжасини чўзмиш ул тараф чинор.  
Товланар гулзор-у майсазор эгни,  
Дур каби шаффоғ сув, дур тўқар булут.  
Сен тасаввур қил-ки, боғлар алвонранг  
Хильялар олмиш шаҳ тамғагоҳидан...)

Фаррухий қасидаларидан яна бир мисол. Шоирнинг бизгача етиб келган илк қасидаси шоирлик меҳнатининг рамзий тавсифи билан бошланади:

*Бо корвони Ҳилла<sup>282</sup> барафтам зи Сийистон,  
Бо ҳуллайи танида зи дил, бофта зи жсон.  
Бо ҳуллайи барышими таркиби у - сухан,  
Бо ҳуллайи нигоргари нақш у - забон.  
Ҳар тори у ба ранж бар оварда аз замир,  
Ҳар пуди у ба жаҳд жудо карда аз равон...*

(Сийистондан кетдим Ҳилла карвони билан  
Бор либосим кўнгил дастгоҳида тўқилган,  
Ҳар чоклари жон игнаси билан тикилган,  
Ипаклари сўзлар эрур бу либосимнинг,  
Она тилим нақш-у нигор бахш этган унга.  
Арқоғлари юрагимнинг оғриқларидан,  
Ўришлари яралгандир жон-жаҳонимдан...)

<sup>282</sup> Ироқ тарафдаги бир шаҳар номи.

**Манучехрийнинг** энг ёқтирган мавзуси май васфидир. Юқорида унинг шу мавзудаги мусаммат-қасидаси билан қисман танишдик. Мана унинг “Жамишид қизи” номи билан шухрат қозонган, шўубия ғояларига нисбатан енгил киноя аралаш бир қасидасининг бошланиши:

*Чунин хондам имрӯз дар дафтаре  
Ки зиндаст Жамишидро духтаре.  
Бувад солиён ҳафтсад, ҳаштсад  
Ки то уст маҳбус дар манзаре...  
На бенишинад аз по, ва на йек замон  
Ниҳад паҳлуийи хии бар бастаре.  
Нагирад таому нагирад шароб  
Нагүяд сухан бо сухангўстаре...  
Бадон хонайи бостони шўдам,  
Ба ҳанжор чун озмойишгаре...  
Дар он хона дидам ба йек пой бар  
Аруси калон чун ҳаюни баре.  
Сафолин аруси ба мухри худой  
Бару бар на зарре ва на зеваре.  
Бабаста сафолин камар ҳафт, ҳашт  
Фиканда ба сар бар тунук маъжаре.  
Чу обистанон ишкам оварда пеш,  
Чу хурмобунон паҳн фарқи саре...  
  
(Мен бир дафтарда ўқиб қолдимки  
Жамшидинг қизи ҳануз ҳаёт эмиш.  
Мана 700-800 йил ўтса ҳамки  
У бир минорада асира эмиш...  
На оёғи толиб ўтирас эмиш,  
На бир ётоғига ёнбошлар эмиш...  
Мен ўша қадимий хонага бордим,  
Тўғри кириб бордим синамоқ учун...  
Хонада туради бир оёғида  
Маст тую қоматли баҳайбат келин.  
Сафолдан ясалган бикр бир келин,  
Эгнида на безак, на ясан-тусан.  
Белида қатма-қат сафолдан камар,  
Бошига ёпилган нафис бир рўмол.*

Корни ҳомиласи бордек қаппайган,  
Пешонаси хурмо шохидек ёйиқ...)

Шеър мазмунидан маълум бўладики, гап май хуми ҳақида кетмоқда. Аммо қадим асотирлардаги “Жамишид қизи”нинг бундай кулгили ҳолатда тасвиrlаниши шоир даврига келиб, шуубия ақидаларига муносабат қандай бўлғанлигини ҳам очик кўрсатиб турипти.

XI аср иккинчи ярми XII аср бошларида яшаган Ғазнавий мактаби номдор шоирларидан **Масъуд Саъд Салмон** узоқ муддатлик зиндонбанд этилиши давомида ўзининг машҳур ҳабсияларини (маҳбусликдаги шеърларини) яратди:

Чун маниро фалак беёзорад,  
Хирадаш бехираад нанигород.  
Ҳар замоне чу рег ташнатарам,  
Гарчи бар ман чу абр гам борад.  
Чун баяфсоядам чу мор гами,  
Бар дили ман чу мор багуморад.  
То танам хоки меҳнати нашавад,  
Ба дигар меҳнатияши баторад.  
Андар он тангиям ки ваҳшати у  
Жону дилро ҳами бафишорад...  
(Мендеқларга фалак берур озор,  
Ки ақл ҳеч тасаввур қилолмас.  
Ҳар нафасда саҳро қумидек ташна,  
Агарчи ғам ёмғири ҳеч тинмас.  
Илон киби афсунгар эрур қайфу,  
Қалбимни чақиш дардидча чоғланмиш.  
Қийнокда танам хоки туроб ўлмай,  
Яна янги азобга ўртангай.  
Маконим танглиги ваҳшатидин,  
Юрак-бағрим эзилиб қон қусгай...)

Масъуд Саъд Салмон ва Фалакий Шервонийлар асос соглан ҳабсия жанрини улардан кейин Хоқоний давом эттириди. Унинг машҳур ҳабсияларидан бири шундай бошланади:

Субҳидам чун кила бандад оҳи дудосои ман,  
Чун шафақ дар хун нишинад чаими шабпаймойи ман.

*Мажслиси ғам соҳта асту ман чу бийди сухта  
То ба ман ровуқ кунад мижгони майполойи ман.*

(Эрта тонг чодир қуаркан бош уза оҳим дуди,  
Қонга ботгай тун бўйи бедор кезган кўзларим.  
Қайғу базми бошланур, мен ўтда куйган новдадек  
Мунтазир, киприкларим то поклагай гулгун майин...)

Хоқоний бошқа давр одами. Шунга биноан қасиданинг давоми  
ҳам салафларидан фарқли ўлароқ мадхия эмас, фахрияга айланади:

*Нофайи мушкам ки гар бандам куни дар сад ҳисор,  
Суи жон парвоз жсўяд тайби жонафзойи ман...  
Каъбоворам муқтадойи сабзпӯшони фалак,  
К-аз витоий Исо ояд шиққайи дебоий ман.  
Дар мумаззаж бошаму мамзужи Кавсар хотирам,  
Дар муарраж галтаму меъроҷи ризвон жойи ман...  
Дояи ман - ақлу заққа – шаръу маҳд инсоф буд,  
Охиижон – уммиҳоту улвиён – обоий ман...  
Молик ул-мулки сухан Хоқониям к-аз ганжи нутқ,  
Даҳли сад хоқон бувад як нуктайи гарроий ман...*

(Мен эрурман мушк, агар юз хил тўсикдан ҳам ўтиб,  
Жон димогига етурман бўйи жонбахшим билан...  
Мисли Каъба пешводирман малаклар хайлига,  
Чунки Исо елкасидин парча дебоим маним.  
Иплари тилла либосим, оби Кавсарда хаёл,  
Тўшагим нақшин, дилим меъроҷи жаннат боғлари...  
Ақл - доям, шаръ - озуқам, бешигим – инсофдуур,  
Тўрт унсур - волидам, олий само - аждодларим...  
Сўз мулки молики – Хоқоний эрман, боқсангиз,  
Юзта хоқон мулкига тенг битта тенгсиз ташбиҳим...)

Масъуд Саъд Салмоннинг замондоши салжуқийлар сарой  
шоири Муиззий ижодида табиат тасвири:

*Мушку шингарф аст гўйи рихта бар кўҳсор,  
Нилу зангор аст гўйи рихта бар жсўйбор.  
Табли аттор аст гўйи дар миёни гулситон,  
Тахти бazzоз аст гўйи дар миёни лолазор.  
Аз замин гўйи бар оварданд ганжи шойигон,  
Бар чаман гўйи пароканданд дурри шоҳвор.*

(Тоғлар узра ранг бермиш мушқу шангарф мисли дөг,  
Мисли түкмиш нилу зангор сойлар узра шарқироқ.  
Хүш бүй анқир гулзор узра мисли аттор сандиги,  
Лолазорлар мисли баззоз растасидек товланур.  
Тупроқ остидан топилмиш мисли шоҳ ганжинаси,  
Мисли сочмишлар чаман узра марворид шодасин.)

Яна шу шоир ижодидан:

*Бенгар ин фирузагун дарёйи нотайдо канор,  
Бар сар овард зи қаъри хии дурри шоҳвор.  
Кештийи заррин дар у гоҳи баланду гоҳи паст,  
Заврақи симин дар у гоҳи ниҳон, гаҳ ошкор.  
Бенгар ин гавҳар аз тулоду санг омад бирүн,  
Олами торик аз он равшан шавад хуриидвор.  
Бенгар ин маркаб ки аз рафтан наёсояд ҳами,  
Гаҳ бувад саҳронаварду гаҳ бувад дарёгузор*

(Боқ, бу қирғоқсиз кўк уммон бағрида нелар ёнур,  
Қаъридан бир-бир чиқарган дурри шахвор товланур.  
Тўлқин узра гоҳи авжу, гоҳи паст олтин кема,  
Гаҳ кўрингай, гаҳ ниҳондир ундаги сиймин қайик.  
Боқ, пўлатни тошга урсанг ҳосил ўлгай жавҳаре,  
Бу қоронғу олам ундан ёришур мисли қуёш.  
Боқ, бу тойчоқ чарчамас, бир зум елишдан тўхтамас,  
Гоҳи чўл-саҳро кезар, гоҳи кечар дарёю-сой).

А.Е.Бертельс аниқлашига кўра **Носир Хусравнинг** бир фалсафий қасидасига XIV аср иккинчи ярми - XV аср бошларида яшаб ўтган эронлик машҳур суфий шоир **Шайх Нематуллоҳ Вали** (ваф. 1431) жавоб-шарҳ қасидасини ёзган. Унда ботиния фалсафаси руҳидаги саволларга тасаввуфий талқинда ҳар байтига бир байт билан жавоблар берилади. Мана ўша савол-жавобларнинг ибтидосидан бир намуна:

**Носир Хусрав:**

*Хирад паймонайи инсоф агар як бор бар дорад,  
Бапаймояд ҳар он чизи ки дехқон зери сар дорад.*

**Нематуллоҳ:**

*Хирад ақл асту паймона қаноат назди дарвишон,  
Барав мужмал муфассал кўн, хирад ин зери сар дорад.*

**Носир Хусрав:**

*Тўро маълум гардонад аз ин дарёйи зулмони,  
Ки у ин олами сифли чоро бар хушку тар дорад.*

**Неъматуллоҳ:**

*Адам - дарёйи зулмони, бадан – ин олами сифли,  
Ҳавоси зоҳиру ботин ба баҳру бар сафар дорад.*

**Носир Хусрав:**

*Чаро ин заврақи заррин ҳамидун номувофиқ шуд,  
Гаҳи симин салаб пўшад, гаҳи заррин сипар дорад.*

**Неъматуллоҳ:**

*Дилат он заврақи заррин муқаллаб гардад он ҳар дам,  
Гаҳи дар жисму гаҳ дар жон зи хайру шарр хабар дорад.*

**(Носир Хусрав:**

Агар ақл бир марта инсоф паймонасини қўлига олса,  
Дехқон дилидаги барча нарса унга аниқ маълум бўлади.

**Неъматуллоҳ:**

Хирад ақлдир, паймона – дарвишлар наздида - қаноат,  
Кел, ихчамни ёйилтиргин<sup>283</sup>, бунга ақл қудрати етади.

**Носир Хусрав:**

Сенга бу зулмат уммони аро маълум бўлсинким,  
Нечун у фоний оламни қуруқ-хўл узра тутгайдир.

**Неъматуллоҳ:**

Адамдир зулмат уммони, бадан бу фоний оламдир,  
Ички ва ташқи туйғулар қуруқ-хўл узра сайр этгай.

**Носир Хусрав:**

Нечун тилло қайиқча бунчалар ҳам ўзгарувчандир,  
Кумуш совут кияр гоҳи, гаҳи қалқон тутар олтин.

**Неъматуллоҳ:**

Кўнгилдир ул қайиқ, ҳар дамда ўзга бир тус олгайким,  
Гаҳи жисму гаҳи жонда хабар яхши ёмондандир... )

<sup>283</sup> А.Е.Бертельс талқинига кўра, шоир “олами суғро”, яъни инсон руҳини “олами кубро”, яъни коинот руҳи билан уйғуллаштиргин демоқчи. Давр фалсафий қарашларига биноан инсон моҳиятган коинотнинг ихчамлашган намунасиdir.

Носир Хусрав қасидаси жами 29 байт бўлиб, **Шайх Неъматуллоҳ Валининг** жавоби 32 байтдан иборат. Олимнинг аниқлашига кўра аслида ботиния шоирининг асари ҳам X аср бошларида араб тилида ижод қилган файласуф шоир Абулҳайсам Журжоний қасидасининг форсча эркин баёни экан. Бу қасида шарҳида **Носир Хусрав “Жомеъ ал-ҳикматайн”** номли муфассал насрий рисола ҳам яратган.

Муиззийдан кейин салжуқийлар саройида юқори мартабаларга эришган Анварий Абивардийнинг 1153 йилдаги ўгузлар босқинида Султон Санжар асирга тушиб, давлат пароканда бўлган бир пайтда султоннинг асранди ўғли Самарқанд ҳокими Руқниддин Қилич Тамгочондан Хуросон аҳлига кўмак сўраб ёзилган “Хуросоннинг кўз ёшлари” номи билан шуҳрат топган қасидаси шундай бошланади:

*Бар Самарқанд агар бугзари, эй боди сахар,  
Номайи аҳли Хуросон ба бари хоқон бар.  
Номае – матлаи он ранжи тану офати жон,  
Номае – мақтаи он дарди дилу хуни жигар.  
Номае – бар рақамаш оҳи азизон пайдо,  
Номае – дар шиканаи хуни шаҳидон музмар.  
Нақши таҳрираш аз синайи мазлумон хушк,  
Сатри унвонаш аз дийдайи маҳрумон тар...*

(Самарқандга йўлинг тушса агар, эй тонг шаббодаси,  
Хуросон аҳли мактубини етказ хоқон ҳузурига.  
Бир мактубки - бошланиши тан азоби, жон офати,  
Бир мактубки – интиҳоси дил дардию жигар қони.  
Бир мактубки – ёзувлари азизлар оҳидан нишон,  
Бир мактубки - нуқталари шаҳидлар сачраган қони.  
Нақшлари мазлумларнинг бағри каби куйиб кетган,  
Ўнвонлари маҳрумларнинг кўз ёшидан ювилиб кетган...)

Шеър бошидан охиригача шу оҳангда халқ дардининг изҳоридан иборат. Уни ўқир экансиз, вайрон бўлган шаҳру қишлоқ, масжиду мадрасалар, ситамдида халқу ғоратгар босқинчилар, бағриқон оналару қонига беланган мурғак болалар кўз олдингизда ёрқин намоён бўлади.

Шоҳ саройида “амир учи-шуаро” унвонига эришиб, гўзал санамлар васфини қилиб юрган шоир бирдан халқ ҳаётининг аччиқ лаҳза-

ларини кўзи билан кўргач, ўз касбига муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Бунинг устига улуғ ҳомийси вафотидан кейин шоирнинг шахсий ҳаётида ҳам кетма-кет кўнгилсиз воқеалар юз бера бошлайди<sup>284</sup>. Натижада шоирнинг ўз касбига муносабати тубдан ўзгарида. Бу мавзуда ёзилган алоҳида ёзилган қасида шундай бошланади:

*Эй биродар бишнави рамзе зи шеъру шоири,  
То зи мо мушти гадо касро ба мардум наимари  
Дон, ки аз канноси нокас дар мамолик чора нест,  
Хошалилоҳ, то надони ин суханро сар-сари.  
З-он ки гар ҳожат фитад то фазлаеро кам куни,  
Ноқиле бояд тӯ натвони, ки худ берун бари...  
Боз агар шоир набошад, ҳеч нуқсон уфтад,  
Дар низоми олам аз рӯйи хирад, гар бингари.  
Одамиро чун маунат шарти кори бандагист,  
Нон зи канноси хурод, беҳ з-он бувад, к-аз шоири...*

(Эй, биродар, шеъру шоирликка бир рамз айтайнин,  
То ки инсон деб адашма, биз - тиланчи зотини.  
Билки, бир фаррошу ахлаткаш зарур ҳар мулк учун,  
Тангри ҳаққи бу сўзимни шунчаки гапдир, дема.  
Ҳовлида ахлат кўпайса, бартараф этмоқ учун  
Сенга бир ёрдамчи лозим, битмас иш у бўлмаса...  
Лек агар шоир топилмай қолса, не нуқсон бўлур  
Оlam ичра, гар фикр қилсанг ақлни ишлатиб.  
Шундай эркан, бандалик-чун танласанг бир касб агар,  
Бўлсанг ахлаткаш дуруст, шоирлик этмоқдан кўра...)

## Б. Анварий қасидаларининг жанр типологиясига доир<sup>285</sup>

Анварийнинг ижодий мероси баракали бўлиб, Сайд Нафисий нашрга тайёрлаган девонида 250 қасида, 335 ғазал, 557 қитъя, 1 маснавий, 432 рубой – жами 14720 байт шеърий асарлар жой олган<sup>286</sup>. Тожик олими Т.Самадов бунга бошқа қўлёзмалардан ўзи топган яна 1 қасида ва 7 ғазални қўшиб, байтлар сонини 14805га етказган<sup>287</sup>.

<sup>284</sup> Т.Самадов. Анварий ва ғазалиёти у. –Душанбе: “Дониш”, 1988. –С.16-22.

<sup>285</sup> Ушбу мақола магистр У.А.Махмудов ёрдамида тайёрланган.

<sup>286</sup> Шу китоб. –С. 34.

<sup>287</sup> Анвари ва ғазалиёти у., –С. 39.

Биз ҳозирча интернет материалларига асосланиб, шоирнинг 100та қасидаси билан маълум даражада танишиб чиқишига улгурдик, шундан 57таси, дастлабки ҳисобимизга қараганда “маҳдуд ёки мұжассар ад қасидалар” (яъни ташбибсиз, бевосита мадҳ билан бошланувчи) бўлиб чиқди. Қолган 43 қасидадан биттаси **марсия** бўлиб, қолганларининг насиб қисми турли мавзуларга қуидагича тақсимланди:

- 1) Ишқий мавзудаги қасидалар - 9та  
(№№ 3,32, 68,71,72,79,81,85,86)
- 2) Ижтимоий-фалсафий мавзудаги қасидалар - 9та  
(№№ 5,18,33,35,63, 65,66,70,89)
- 3) Табиат васфи - 7та (№№ 6,8,21,37,62,74,80)
- 4) Шоирнинг эмоционал ҳолати тасвири - 6та  
(№№ 9,10,11,56,67,84)
- 5) Байрам кайфияти тасвири - 6та (№№ 29,36,43,75,78,82)
- 6) Иморат ва бинолар васфи - 4та (№№ 30,58,83,46)
- 7) Жой васфи (Бағдод атрофи) - 1та (№ 73)

Мавзуларнинг бундай тақсимланиши маълум даражада шартли бўлиб, масалан, байрам (асосан баҳор байрамлари, кўпроқ Наврӯз) кайфияти табиат васфи билан уйғун келади (№ 43) ёки навбаҳор васфи шоирнинг эмоционал ҳолати тасвирига ўтиб кетади (№ 84). С.В.Ожегова диссертациясида ишқий мавзу, табиат тасвири (пейзаж), байрамлар тасвири, шаҳар ва вилоятлар тасвири, қаср ва иморатлар васфи, илмий-фалсафий мавзулар билан бир қаторда базм тасвири, от васфи, май мадҳи, тонг отиши ва оқшом тушиши тасвири кабиларни ажратиб кўрсатади<sup>288</sup>. Аслида биз ҳам байрам тонги кайфияти (№ 82), байрам ойи васфи (№ 78), байрам муносабати билан осмон жисмлари васфи (75), ёки ишқий мавзу таркибида - ҳижрон тасвири (№№ 3, 85,86), ошиқ изтироблари (№ 68), висол онлари тасвири (№ 71), майшуқа ташрифи ва гинахонлиги (№ 72), ҳинд гўзали васфи (№ 81), ёки шоирнинг эмоционал ҳолати тасвирида - рўза (рамазон) ойининг тугалланиши кайфияти (№ 56) ва ҳ.к.ларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиш мумкин эди. Айниқса, “ижтимоий-фалсафий мавзудаги қасида-

<sup>288</sup> Биз кўришга мұяссар бўлган авторефератда қайси мавзуда нечта қасида учраши саноғи кўрсатилган бўлса-да, қасидалар тартиб рақами (яъни, девондаги ўрни) кўрсатилган эмас.

*лар*" деган умумий ном остида аслида жуда хилма-хил мавзулар жамланган. Жумладан, соф фалсафий (№№ 35,66,89) мавзудан ташқари ахлоқий мавзу – саҳоват ("жуд") ҳақида (№ 65), фалакдан шикоят (№ 33), фалсафий-диний мавзу (№ 63), тасаввуфий мавзу – таваккул ҳақида (№ 18), ижтимоий мавзунинг айрим шаҳар ва вилоятлар тасвири билан боғлиқ ҳолатда берилиш (№ 5 – Балх шаҳри ҳақида, № 70 - "Хуросоннинг кўз ёилари") ва бошқалар бу мулоҳазага асос бўла олади.

XV аср Ҳирот адабий мактабида Анварийнинг обрўйи жуда юқори бўлган. Жомий шоирнинг Султон Санжар саройига кириб келишидаги

*Гар дилу даст баҳру кон бошад,*

*Дилу дасти худоегон бошад*

(Агар кўнгил билан қўллар денгиз ва кон бўлса,

Албатта, улар ҳукмдорнинг кўнгли ва қўллари бўлур... )

деб бошланувчи илк қасидаси (№ 60)га қўйидаги матлаъ билан

*Ҳар киро дар даҳон забон бошад,*

*Дар санои шаҳи жаҳон бошад.*

(Кимнинг агар оғзида тили мавжуд бўлса,

Бу тил жаҳон ҳукмдорининг мадхи билан банддир.)

Жавоб-татаббуъ ёзиш билан кифояланиб қолмай<sup>289</sup>, ўзининг "Баҳористон" асарида Анварий ҳақида муболағали таърифлар қилиб, бошқа бир ўринда қўйидаги тўртликни келтирадики, Анварийнинг форс мумтоз адабиётидаги ўрнига берилган ўта юқори баҳо дейиш мумкин:

*Дар шеър се кас паямбаронанд,*

*Ҳар чанд ки ло набиу баъди.*

*Авсофу қасидаву газалро*

*Фирдавсию Анварию Саъдий<sup>290</sup>.*

(Агарчи Муҳаммад(сав)дан кейин

пайғамбар бўлмаслиги аниқ бўлса-да,

<sup>289</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 15-том. –Т.: "Фан", 1999. –С.27.

<sup>290</sup> Абдарраҳман Джами. Баҳаристан (Весенний сад). Крит.текст. –М., ГРВЛ, 1987. –С.145.

Шеъриятда уч шахсни пайғамбар дейиш мумкин:  
Булар – васфда, қасидада ва ғазалда  
Фирдавсий, Анварий ва Саъдий).

## В. Ирфоний қасидалар

Професор М.Л.Рейснернинг алоҳида эътиборига сазовор бўлган **Саноийнинг** машҳур “*Тасбих ат-муюр*” (Кушлар тасбихи) номли мажозий қасидаси<sup>291</sup> мазмуни сарой адабиёти анъаналари соф тасаввуфий шеърият руҳи билан уйғунлашиб бораётганинг кўрсатади.

**Саноий** қасидасидаги мавзуни ривожлантириб Хоқоний яратган “*Мантиқ ут-тайр*” (Кушлар тили) номли машҳур қасидаси шундай бошланади:

*Зад нафаси сард ба меҳр субҳи муламмаъ ниқоб,  
Хиймайи руҳониён гашт муанбар таноб.*

*Шуд гуҳар андар гуҳар сафҳайи тиги саҳар,  
Шуд гиреҳ андар гиреҳ ҳалқайи диръи саҳоб...*

(Оҳ урди офтобга рангин ниқобли тонг,  
Рух аҳли чодирин иплари тарқатар ифор.  
Тонг тиги тўқар бош уза шода-шода гуҳар,  
Сиймин булат - ҳалқа-ҳалқа зирҳли хубоб...)

Тонг тасвири Каъба таърифи билан алмашади. Куёш имон кутбига нур соча бошлайди. Шоир нигоҳи хилма-хил қушлар ва янги очилган гуллар ила безангандан чаманзорга ўтади. Кушлар мактаб болаларига ўхшатилади:

*Мурғон чун тифлакон абжади омухта,  
Булбули алҳамдиҳон гашта халифа китоб...*

(Қушчалар абжад ўқир, мисли кичик болалар,  
Булбул эрур ҳалфаси, ўргатур “алҳамди”ни...)

<sup>291</sup> Рейснер М.Л. Аллегорические мотивы в касыде Санай (ХІв.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM; Рейснер М.Л. Птицы в мистико-символических касыдах Санай и Хакани (ХІ в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. –М., 1997.

Күшлар орасида баҳс бошланади. Какку бодроқ гуллар билан қопланган дараҳт навдаларини олқишлийди. Чунки улардан боларилар бол йигади. Булбул унга эътиroz билдириб, атргулни аъло кўради. Кумри сарв дараҳтига ҳавас қилса, Чуғурчук дашту қирларни қоплаган лолазорларга мафтун бўлади. Бири нилуфарни ортиқ кўрса, бошқаси майсазорга маҳлиё. Қисқаси, қушлар бир қарорга кела олмай, афсонавий Анқо қуши олдига равона бўлишади. Уларнинг қушлар халифаси ва ҳукмдори Анқо ҳузуридаги ҳолатлари Ибн Синонинг “Күшлар рисоласи”даги (кейинчалик Аттор асарида тасвирилаган) ҳолатга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Ниҳоят Анқо қушлар баҳсини ҳал қилиб, атргулни барча гуллардан даражаси юқори эканлигини исботлайди:

*Ин ҳама наврастагон баччайи ҳуранд пок,  
Хўрда гаҳ аз жўйи шир, гоҳ зи жўйи шароб.  
Гар че ҳама дилкашанд, аз ҳама гул нағзтар,  
К-у арақи Мустафост, в-ин дигарон хоку об...*

(Бул ҳама гул-майсалар ҳур-пари фарзандлари,  
Жаннат ариғларидин сув ичиб улгайдилар.  
Барчаси дилкаш, бироқ авлотари - атргул,  
Мустафо теридан - ул, қолгани суву тупроқ...)

Демак, атргулнинг бошқалардан даражаси юқорилиги унинг Оллоҳ Расули терлаганда тўкилган тер томчисидан бунёд бўлганилиги экан<sup>292</sup>. Шу баҳонада шоир Муҳаммад (сав) мадҳи билан қасидани яқунлайди. Аттор достонидан камида 20-30 йил илгари ёзилган бу қасида Саноийнинг “Тасбиҳ ат-туюр” рамзий-ирфоний қасидаси таъсирида ёзилган бўлиб, унга қараганда янада янги тимсоллар билан бойитилган<sup>293</sup>.

### Г. Қасидада татаббуъ

“Девони Фоний”даги қатор форсий қасидаларнинг Анварий ва Хоқонийга татаббуъ эканлиги алоҳида қайд этилган. Жумладан -

*Жаҳонки марҳалайи танги шоҳроҳи фаност  
Дар у мажӯй иқомат, ки роҳи шоҳу гадост -*

<sup>292</sup> Буерда машхур ҳадисга ишора бор.

<sup>293</sup> Хоқоний қасидасини Саноийга том маънода татаббуъ-жавоб деб бўлмайди, чунки унда нафакат мазмун, балки вазн ва қофия ҳам ўзгарган.

сатрлари билан бошланадиган “Күт ул-қулуб” (Қалблар озиги) қасидаси девонда аниқ “татаббуъи Ҳаким Анварий” деб қайд этилган.

Анварий девонидаги Алишер Навоий татаббуъ боғлаган 18-рақамли насиби тасаввуфий мавзуидаги қасида жами 70 байт бўлиб, биринчи 22 байти (ташбиби) таваккул мавзусида, қолгани вазир Носириддин Абулфатҳ Тоҳир мадҳига бағишиланган. Шеър шундай бошланади:

*Агар муҳаввали ҳоли жаҳониён на қазост  
Чаро мажорийи аҳвол бар хилофи ризост  
Бале қазост ба ҳар неку бад инонкаши ҳалқ  
Бад-он далил ки тадбирҳойи жумла ҳатост.  
Ҳазор нақши бар орад замона ву набувад  
Яки чунон ки дар ойинайи тасаввuri мост,  
Каси зи чун у черо дам ҳами наёрад зад  
Ки нақшибанди ҳаводису ройи чун у черост.  
Агарчи нақши ҳама уммуҳот мибанданд,  
Дар ин сарой ки кавну фасоду нашуву намост.  
Тафовути ки дар ин нақшиҳо ҳами бини,  
Зи хомайист ки дар дасти жунбии обост.  
Ба дасти мо чу аз ин ҳаллу ақд чизи нист,  
Ба айши нохушу хуши гар ризо дехим сазост...<sup>294</sup>*

(Агар жаҳон ахлининг аҳволида ўзгариш қазою қадардан бўлмаса,  
Нега дунё ишларининг бориши биз хоҳлагандек эмас.  
Ҳа, инсонларни ҳар қандай яхшилигу ёмонликка етакловчи тақдирдир,  
Бунинг далили шуки, биз қандай тадбир қилмайлик барчаси хато бўлиб чиқади.  
Замона минг бир хунар кўрсатади, аммо бирортаси Бизнинг тасаввуримиз кўзгусида акс этгандек бўлиб чиқмайди.  
Бирор инсон “нима учун” деб сўрашга ҳадди сифмайди,  
Чунки “нима учун”лиги ҳам ҳодисалар тарҳини чизувчининг ўзига аён.  
Агарчи ҳаёт ва мамот, ўсиш ва ўзгариш юз берувчи

<sup>294</sup> Девони Анварий. Қасоид. Қасидайи шумора 18 – Дар мадҳи Носир ул-милла ва-д-дин Абулфатҳ Тоҳир (Интернет материали).

Бу оламда барча ҳолатлар замирида тўрт унсур ётса-да  
Улардаги кўриб турганинг ҳама фарқланишлар боиси  
Сайёralарнинг самодаги ҳаракатлари натижасидир.  
Бу ишларнинг тугуни ва ечими қўлимизда бўлмагач,  
Умримизнинг яхши-ёмон кунларини ризолик билан  
ўтказганимиз маъқул.)

Алишер Навоийнинг форсий девонидаги

*Зихи аз шамъи руят чаими мардум гашта нуроний,  
Жаҳонро мардуми чаим омади аз айни инсоний –*

матлаи билан бошланадиган “Миҳож ун-најсом” (Нажот йўли) қасидасига эса - “татаббуъи Анварий, Хоқоний” деб изоҳ берилган<sup>295</sup>.

Алишер Навоий Анварий ва Хоқонийни тенг кўради. Агар “Миҳож ун-најсом” қасидасини бир йўла ҳар икки шоирга татаббуъ қилган бўлса<sup>296</sup>, “Ситтайи заруря” туркумининг охирги, олтинчи қасидаси “Насим ул-хулд”(Жаннат шабадаси) асарига бевосита “татаббуъи Хоқоний” деб изоҳ беради. Аслида бу асар тарихи узунроқ. Хоқонийнинг -

*Дили ман пири таълим асту ман тифли забондонаи,  
Дами таслим – сар ашуру сари зону дабистонаи –*

деб бошланувчи қасидасига татаббуъ боғлаш XIII-XIV асрлар оралиғида яшаб ижод этган улуғ ҳинд форсинавис шоири Амир Хусрав Дехлавийдан улгу олиб, Жомийда давом этади:

**Амир Хусрав (Миръот ус-сафо):**

*Дилам тифл асту пири ишқустози забондонаи,  
Саводул-важҳ сабқу, масканат кунжси дабистонаи.*

**Жомий (Жило ур-руҳ):**

*Муаллим кист, ишқу кунжси хомуши дабистонаи,  
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабакхонаи.*

<sup>295</sup> Шу қофия билан Анварий девонида 3 қасида (№ 198, 199, 200) учрайди, аммо уларнинг ҳечқайсиси вазнига кўра Навоий қасидасига мос эмас.

<sup>296</sup> Навоийнинг ушбу қасидаси, Хоқонийнинг қўйидаги матлаъ билан бошланувчи қасидасига татаббуъдир:

*Нисори ашики ман ҳар шаб шакарризишт тинҳоний*

*Ки ҳимматро заношуист аз зону ва пишоний...*

(Девони Хоқоний Ширвоний. Техрон, 1375, С.285-288)

**Навоий (Насим ул-хулд):**

*Муаллим ишқу тири ақл шуд тифли дабистонаши,  
Фалак дон, баҳри таъдиби вай инак чари гардонаши.*

Шундай қилиб, аслида Навоий қасидаси ҳар уч шоирга татаббуъ-жавобдир<sup>297</sup>.

### **Д. Ҳофиз ғазали ва Навоий татаббуъси**

Бу жанрнинг тарихий ривожланиши ҳақида маҳсус тадқиқотлар мавжуд<sup>298</sup>. Шу сабабли биз бу мавзуга батафсил тўхталиб ўтирамай, фақат Ҳофизнинг биргина ғазалини байтма-байт шарҳлаб, айни шу ғазалга Фоний татаббуъсини қиёслаб кўриш билан чекланамиз. Бу ғазал Ҳофиз девонидаги биринчи шеър бўлиб, маълум маънода шоир ғазалиёти оламига олиб кирувчи очқич вазифасини ҳам бажаради, дейиш мумкин.

*Алоё айюҳас-соқий, адар қаъсон у навилҳо,  
Ки ишқ осон намуд аввал, vale ўфтод мушкилҳо.*

(Аё соқий, суниб жоминг қил эҳсон яшнасин диллар, Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар<sup>299</sup>.)

Ғазалнинг илк сатрларида ёқ бош қаҳрамон бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Шеър араб тилида анъанавий соқийга мурожаат билан бошланиб, келгуси форсий мисраъ инжа шеъриятнинг бош мавзуси - ишқ туйғусининг муаммоларига эътиборимизни қаратмоқда. Хўш, аввал осон туолиб, кейин мушкилотлари келиб чиқсан бу туйғу қайси оламга тегишли – гап ирфоний (илохий, тасаввуфий) ишқ ҳақидами, ёки ўзимиз билган инсоний (дунёвий, мажозий) муҳаббат ҳақидами? Навоий таъкид этган “мажоз тариқи” шеърияти учун ишқдаги бу икки йўналиш бир-биридан жудо эмас, унда илохий муҳаббат инсонга муҳаббат билан ўлчанди, инсонга меҳр эса илохий ишқ даражасида соф, боқий ва бега-

<sup>297</sup> Ушбу мавзу мархум устоз Нажмиддин Комиловнинг “Фақр нури порлаган қалб” рисоласи (Т., “Маънавият”, 2001, с.61-72) ва “Хизр чашмаси” (Т., “Маънавият”, 2005. –С.251-262) китобида муфассал таҳлил қилинган.

<sup>298</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). – М.: «Наука» ГРВЛ, 1989. –С.224. Мирзоев А.М. Рудаки. Жизнь и творчество. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1968. –С. 242-292.

<sup>299</sup> Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). –Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, сах. 23.

раздир. Ҳофизнинг қаҳрамони тилга олган муаммо ҳар икки ҳолат-  
га ҳам бегона эмасдир. Шеър таҳлилида давом этамиз:

*Ба бўйи нофайи к-охир сабо з-он турра бигшояд  
Зи тоби жаъди мушкинаш че хун уфтод дар дилҳо.*

(Сабо ечмоқчи бўлган сочининг ҳуш бўйига онт ким,  
Муанбар ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди бу диллар.)

“Сабо” - нима? “соч”(турра, зулф) – кимнинг сочи? унинг  
“ҳуши бўйи” (бўйи нофа) нимани англатади? Нега ҳушбўй жингала  
соchlардан диллар қонга тўлади? Агар бу сатрларни тариқат аҳли  
ўқиса, албаттa важду ҳолга тушади, чунки ундаги барча тимсол-  
лар тасаввуфий маънолардан холи эмас ва Ҳаққ ошиғининг ҳо-  
латини жуда баланд пардаларда ва мукаммал ифодалайди. Шу  
билан бирга айни шу байт мазмуни дунёвий шеърият ишқибозла-  
рини ҳам тўлигича ҳаяжонга солишга қодир.

*Маро дар манзили жонон че амни айши чун ҳар дам  
Жарас фарёд медорад ки бар бандид маҳфилҳо.*

(Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,  
Килуркан қўнғироқ фарёдки, боғланг юкни ғоғиллар.)

Бу мисралар ҳам ҳар икки тоифа учун тўлиқ тушунарли.  
Умар Хайём ҳам бу дунё фонийлигини таъкидлаган, аҳли тариқат  
ҳам шу сабабли бу ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига меҳр боғла-  
масликка чакиради.

*Ба май сажжода рангин кун гарат тири мугон гуяд,  
Ки солик бехабар набвад зи роҳу расми манзилҳо*

(Ботир сажжодани майга агар пири мўғон айтса,  
Йўловчига эрур маълум йўл ахволи ва манзиллар.)

Ана энди “антеклерикал” ёки “ҳурфикли” сатрларга дуч кел-  
дик. Май – маст қилувчи ичимлик сифатида “ҳаром” қилинган.  
Жойнамоз эса пок бўлиши керак. Унга шароб тўкилса нима бўла-  
ди? Аммо “тири мугон” (1) мажусийлар руҳонийси, 2) майхона  
заси 3) тариқатда пири муршид) жойнамозни май билан бўяшни  
буормоқда. Бу қандай буйруқ бўлди? Ривоятга кўра бир улуғ  
суфий намоз ўқимас экан. Бир куни ундан сабабини сўрашипти.  
Суфий таҳорат олиб жойнамозга турипти ва қулоқ қоқиб “Аллоҳу  
акбар” деган экан, бутун баданидаги ҳар тола мўйи остидан қон

тирқираб чиқипти. Шу билан таҳорати бузилиб, намоз ўқиш имкони бекор бўлипти. Ана сизга илоҳий ишқнинг жазаба қудрати ва жойнамознинг “ваҳдат майи” билан “бўялиши”.

*Шаби торику бими мавжсу гирдоби чунин ҳоил,  
Кужо донанд ҳоли мо сабукборони солилҳо.*

(Коронғидур кеча, кўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,  
На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар).

Одамлар кўзига “ринд” бепарво ва беғам, маству лоуболи (хеч нарсадан тап тортмас). Аслида унинг маънавий оламида гирдобу тўфонлар мавж уради, бу ёруғ дунёнинг, ундаги одам наслининг барча ғаму ташвишлари унинг қалбини ўртайди, изтиробга солади. Бу дунё ҳою ҳаваслари билан андармон бўлиб, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам ҳақиқий аҳволидан бехабар ғофил инсонлар ориф дилидаги ўртанишларни сезармиди?

*Ҳама корам зи худкоми ба бадноми кашид охир,  
Ниҳон кай монад он розе к-аз у созанд маҳфилҳо.*

(Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,  
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар).

Бу сатрлар Ҳофиз тилида Мансури Халлож тақдирини эслатади. Шоир Халлож эмас, аммо унга бегона ҳам эмас. Таржимон мазмунни юмшатган, “худкоми” оддий ўжарлик эмас, унда ўз истагини жиловлаб ола билмаслик, яъни худбинлик иллатидан тўлиқ кутила олмаганиликка ишора бор. Ринд ҳар қанча маънавий камолот касб этган бўлмасин, ўзи сезмаган ҳолда яна “мен”лиги унинг жиловига қўл узатиши мумкин. Тариқат аҳлининг давра олиб зикру само мажлиси қуриши ҳам “мен”ликка берилиш, дил сирини бегоналарга ифшо қилиш воситаси бўлиб қолмасмикин? Ана энди Жомийнинг “ҳар чанд маълум нест, ки дасти иродати тири гирифта ва дар тасаввух ба яке аз ин тоифа нисбат дуруст карда бошад” деган гапларининг мазмун-моҳияти бироз равшанлашди.

*Хузури гар ҳами хоҳи аз у гойиб машав, Ҳофиз,  
Мата ма талқ ман таҳви дуа дуня ва аҳлиҳа.*

(Агар васл истасанг ундан йироққа кетма, эй Ҳофиз,  
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар.)

Шўролар даврида қилинган таржимада араб тилидаги охирги сатр мазмуни яна бироз юмшатилган. Орзуга етаман десанг, дунё ва унинг аҳлини қўй, улар билан ишинг бўлмасин, демоқчи шоир. Хуллас, ушбу ғазал юқорида келтирилган Жомий ва Навоий тарьифларига тўлиқ мос келади. “Ҳофиз таъкидлашича, риндлар тариқи – Олий ҳақиқатни англаб етишининг ягона йўлидир” («Хофиз утверждает, что путь риндов – единственный путь к познанию Истины»)<sup>300</sup> деб ёзади М.Л.Рейснер. Хўш бу қандай йўл экан?

Шиблий Нуъмонийнинг: “газалнинг ҳақиқий ривожи тасаввуддан бошланади”, деган фикри беҳуда эмас. Аммо унинг Сайдий ва Ҳофиз ижодида юксак баркамоллик даражасига кўтарилиб, дунё ахлининг назарига тушиши айни “мажоз тариқи” босқичига тўғри келади. Чунки шеъриятда ирфоний ва ижтимоий мазмунлар уйғунлиги мусулмон минтақа адабиётида шу босқичдагина мукаммаллик касб этган эди.

Устоз Ш.Шомуҳамедов “Девони Фоний”даги ғазаллардан 250таси Ҳофизга татаббӯй деганда кўп янгишмаган. Дарҳақиқат, Навоий ўзининг ғазалдаги устозлари қаторида тилга олган Амир Хусравга 29 ва Жомийга 47та татаббӯй бағишлаган ҳолда Ҳожа Ҳофизга 233та ғазалда пайравлик қилган.

Шулардан намуна тариқасида Ҳофизнинг юқоридаги ғазалига Фоний татаббӯсини қиёслаб кўрамиз. Ҳофизнинг лейтмотив газалини сатрма-сатр кўриб чиқдик. Фоний девонидаги 4-ғазал айни шу ғазалга татаббӯй бўлиб, у ҳам арабий сатр билан бошланниб, арабий жумлада тугалланади. Татаббӯй қоидасига кўра, Фоний ғазали Ҳофиз шеъри билан бир хил вазнда ёзилиши, қофиялари ҳам мувофиқ бўлиши, мазмунида ҳам маълум даражада умумийлик бўлиши лозим. Шу билан бирга кейинги ғазалда муайян янгиликлар ҳам юз кўрсатиши шарт бўлади.

Фоний ғазалининг биринчи байти билан танишамиз:

Румузул-ишқ конат мушкилан, бил-каъс ҳаллиҳо,  
Ки он ёқути маҳлулат намояд ҳалли мушкилҳо.

(Ишқ сирлари қийин экан, уни май билан осон қил,  
Чунки эритилган ёқут (май) мушкилларни ҳал қиласди.)<sup>301</sup>

<sup>300</sup> Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси. –С. 204.

<sup>301</sup> Ғазал матни ва таржимаси ҳам юқоридаги китобдан олинди. –С. 14-15.

Хофиз сатрларида ҳам Фонийда ҳам мавзу муҳаббат ва май ҳақида. Шероз ринди соқийдан май сўрайди, чунки дилидаги ишқ туфайли бошига тушган мушкилотлар май нашъаси билан бироз енгиллашига умид қиласди, аммо бу фикр байтда очиқ ифодаланган эмас. Фоний ўз матлаида бу фикрни очиқ айтади, яъни араб тилида “ечувчи”, “ҳал қилувчи”, “эритувчи” маъноларида келадиган “ҳалл” феъли асосидаги қатор сўзлардан моҳирона фойдаланиб, эритилган ёқут каби қирмизи май мушкилларни ҳал қилучи энг таъсирли воситадир деб лутф қиласди. Агар Хофизда биринчи сатр май ҳақида, иккинчи сатр муҳаббат мушкилотлари тўғрисида бўлса, Фоний аксинча ишқ сирларининг мушкиллиги ҳақида гап бошлаб, кейин уларни ҳал қилиш йўлини баён қиласди.

Иккинчи байтда Хофиз ўз одатига кўра бошқа мавзуга ўтиб кетади. Аммо Фоний мушкилларни ҳал қилувчи май мавзусини давом эттиради:

*Сўи дайри мугон бихром то бини ду сад маҳфил,  
Саросар з-офтоби май фуруzon шамъи маҳфилҳо.*

(Сен майхонага бор, ул ерда икки юзча даврани кўрасанки,  
Бу давралар шамъи тамомила май офтобидан қувват олиб,  
ёруғлик таратади.)

Фоний матлаъида яна бир нозик фарқ бор эди, агар Хофиз ғазалида умуман “ишқ” ҳақида фикр билдирилган бўлса, татаббуъда “румуз ул-ишқ” яъни “ишқ сирлари” ҳақида сухбат очилган эди. Демак, бу сирларни ифшо қилишда давом этиш имкони пайдо бўлади ва шоир бундан унумли фойдалана бошлайди. Дилни ишқ олови қиздирмоқда, майнинг ҳам қиздириш хусусияти бор, энди булар орасида баҳс бошланди:

*Дилу май ҳар ду равшан шуд, намедонам ки тоби май,  
Зад оташҳо ба дил, ё тоби май шуд з-оташи дилҳо.*

(Дил билан майнинг ҳар иккови равшан бўлди; билмайманки,  
Майнинг тоби дилни ёритдими, ёки дил оташи майними?)

Дилдаги ишқ олови устига қиздирувчи май қуйилди, мақсад йўли узоқ эди, энди янада аланталанган кўнгил чақмоқ каби бир ҳамла билан манзилга этиши мумкин:

*Ба мақсад гарчи раҳ дур аст, агар оташ расад аз ишқ,*

*Чу барқ осон тавон кардан ба гоме қатъи манзилҳо.*

(Максадга етмоқ йўли узокдир, лекин агар сенга ишқ ўти тушса,  
Бир қадам ташлаб яшин каби манзилга етмоқ мумкинdir.)

Кўрдикки, Фоний ғазали мазмунан Ҳофиздан анча узоклашиб кетди. Аммо шоир хушёр - татаббуъ байтлари салафи қофиялари ни (*маҳфилҳо, дилҳо, манзилҳо*) бехато такрорлаб турипти. Шундай қилиб, ғазалнинг биринчи 4 байтида татаббуъ қоидаларига изчил амал қилинмоқда, аммо кейинги 3 байтда қофиялар ҳам қисман янгилана бошланди:

*Ману беҳосили, к-аз илму зуҳдам, ончи шуд ҳосил,  
Яко-як дар сари маъшуқу май шуд чумла ҳосилҳо.*

(Мен илм ва тақводорликдан бебаҳраман, (аммо) нимадан  
Бахраманд бўлган бўлсам, у ҳам маъшуқ ва майга курбон бўлди.)

Ҳофиз ўжарлик, ўзбилармонликдан (“худкоми”) шикоят қилган бўлса, Фоний илму тақводан бебаҳралигини эътироф этмоқда, борини ҳам ишқу май барбод қилган.

*Бувад чун бар асири ноқаи Лайли, ки дар водий  
Фигон аз чоки дил Мажнун кашад, не занги маҳмилҳо.*

(Лайлининг туялари сахрода булутдек сайр қилганида эшитиладиган овоз

Бу туялар қўнғироғининг овози эмас, балки Мажнун дилининг фифонидир.)

Бу байтда яна татаббуъ қоидасига биноан нафақат қофия (*маҳмилҳо*), балки қўнғироқ овози ҳам Ҳофизни эслатмоқда (фақат “жарас” эмас, “занг”, “фарёд” эмас, “фигон”).

*Чу дар даشتни фано манзил куни як рӯз, эй Фоний,  
Зи ман он жонғизо атлолро фасжуд ва қаббилҳо.*

(Эй Фоний, бир куни фано даشتida майзил қилсанг, менинг томонимдан

Жонга рух бахш этувчи қўхна биноларга сажда қилиб, улардан бўса ол!)

Охирги сатр яна араб тилида тугалланган, фақат тўлиқ мисраш эмас, гап форсча бошланиб, сўнгги икки сўзи арабча ифодага

ўтиб кетган. Бундан ташқари жумла мазмуни араб шоирларининг қасидаларини эслатади (“аттол” – ташлаб кетилган манзилгоҳ харобалари). Шундай қилиб, Фоний татаббуъи ўз шаклий ва мазмуний муңдарижаси билан шоирнинг нафақат форс, балки бутун ислом минтақа адабиёти анъаналари билан яхши таниш эканлигини намойиш этмоқда.

Агар шу қисқа қиёсий таҳлилимииздан хulosса чиқарадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Навоий-Фоний “ринди Шероз”ни ниҳоятда яхши кўради, газалнависликда биринчи навбатда унга эргашади, аммо шу билан бирга рўйи-рост кўриниб туриптики, шеъриятда, ҳаётга ёндошувда форс шоирининг ўз йўли бор, ўзбек Навоийнинг ўз қарашлари, ўз йўналиши бор. Ҳофиз ҳаётчан шоир, ҳаётни, оддий инсоннинг ўй-хаёлларини яхши биладиган шоир, аммо унинг шеъриятида хоҳ ирфоний бўлсин, хоҳ инсоний, туйғу биринчи ўринда туради. Ҳофиз шеърияти кайфият ҳосил қиласди, ҳаётчан ва некбин кайфият. Навоий-Фонийнинг хоҳ туркий, хоҳ форсий ғазалини олиб қараманг, фақат ҳаётчан ва некбин кайфият билан чекланмайди, унда ҳаётий тасвир ва ҳаётга фаол муносабат жуда кучли. Навоий-Фоний оддий шоир эмас, аллома шоир. Унда кузатувчанлик ва ҳаётдаги ҳар бир кичик тафсилот, ҳар бир кўзга зўрга илинадиган нуқтада улугъ моҳиятни кўра билиш зукколиги мавжуд. Бу хислат унинг ҳар бир мисраъида, ҳар бир байтида ёрқин намоён бўлиб туради. Яна Навоий фақат хulosса чиқариб қўя қолмайди, балки шеърхонни олға ундейди, ҳаётга фаол муносабатга чақиради, унинг шеърларида уфқка, нурга, зиёга интилиш руҳи мавжуд.

## 2. Мумтоз форс шеъриятида эпик жанрлар типологияси

Аввало эпик асар деганда нимани тушуниш керак? Достонларни одатда лиро-эпик аралаш турга мансуб санашади. Аммо X-XV аср Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётида бадиий прозанинг классик индивидуал тури унчалик тараққий этмаганини назарда тутиб, ғазал, қасида, рубоий, мухаммас каби ўнлаб алоҳида лирик жанрлар кенг тарқалгани ва улар алоҳида лирик тўпламлар-девонларга йигилганини эслаб, биз мумтоз адабиётдаги барча достонларни шартли равища эпик ижод намунаси сифатида олиб қарадик. Албатта “Маҳзан-ул асрор”, “Бўстон”, “Матла-ул-анвор” каби

дидактик асарларни том маънода эпик асар дейиш қийин. Аммо Белинский изидан бориб биз барча достон //“поэма”//ларни эпос-нинг маҳсус бир хили деб оламиз ва кейинги бўлинишлар шу умумий тур ичида бўлади.

## Эпик тасвир турлари ва Амир Хусрав Дехлавий ижодида уларнинг ривожи

Амир Хусрав достонларини икки принцип асосида таснифлаш мумкин.

1. Шоир яшаган конкрет тарихий даврга достон мавзуининг нисбати жиҳатидан: *a)* тарихий-замонавий достонлар *b)* ўтмиш-афсонавий достонлар.

2. Мазмуний структура жиҳатидан: *a)* яхлит сюжетта эга бўлмаган мураккаб структурали достонлар *b)* яхлит бир ёки бирнеча тулаш сюжетни ўз ичига олган достонлар.

Биринчи принцип асосида таснифлаганда “Хамса” достонлари “*b*” группага, колган достонлар “*a*” группага тааллуқли бўлади. Иккинчи принцип асосида эса “Матлаъ ул-анвор”, “Нуҳ сипеҳр” “*a*” группага, колган достонлар “*b*” группага мансуб бўлади.

Том маънодаги эпик достонлар сирасига “Хамса”нинг 4 достони ва 3 тарихий достон, яъни иккинчи принцип асосида бўлганда “*b*” группага кирган барча достон тааллуқли бўлади. “Нуҳ сипеҳр”-ни том маънода яхлит достон аташ ҳам кийин. У умуман мураккаб структурали асар бўлиб таркибида соф мунозара жанрига тааллуқли қисмлар ҳам (бешинчи ва саккизинчи “осмон қабатлари”), “панднома” -дидактик фасл ҳам (тўртинчи “осмон қабати”), турли васфлар мажмуаси ва поэтик трактат типидаги фасл ҳам (учинчи “сипеҳр”), тарихий жангнома типидаги қисмлар (биринчи, иккинчи, учунчи “осмон қабатлари”нинг айrim боблари), мадҳиявий-тарихий васф характерига эга бўлган қисмлар (олтинчи, еттинчи “сипеҳр”лар) ва бошқа баъзи турдаги қисмлар мавжуд. “Матлаъ ул-анвор” ижтимоий-дидактик характердаги кенг қамровли фалсафий-ахлоқий асардир. “Ширин ва Хусрав” “Мажнун ва Лайли”, “Дўвалроний ва Хизрхон”, “Туглуқнома” достонлари том маънодаги яхлит сюжетли эпик достонлардир. “Қирон ус-сайдайн” достони алоҳида васфларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ва ғазаллар туфайли жанр маъносида лиро-эпик характер касб этган. “Искандар кўзгуси” достони-

нинг структураси мураккаб бўлиб, эпик-дидактик тус олган. "Ҳашт беҳинит" гарчи шаклан яхлит қолипловчи сюжетта эга бўлса ҳам амалда кўп сюжетли "Дашакумарачарита", "Тўтинома", "Декамерон" сингари асарларга ўхшаб кетади ва колипловчи Баҳром Гўр қиссаси ҳам саккиз қиссанинг бири даражасига келтирилиб қисқартирилган.

Маълум-ки, ўрта асрлар эпик адабиёти намуналари структураси янги даврнинг шу турдаги типик прозаик асарлари структураси даражасида синтетик бирликка эришган деб бўлмайди. Шу жумладан, Амир Хусрав достонларида ҳам эпик тасвирининг турли элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин-ки, уларнинг кўплари одатда алоҳида жанрлар сифатида давр шоирлари ва поэтика тадқиқотчилари томонидан ҳис қилинади ва ажратиб кўрсатилади.

### I) "Васф"

Амир Хусрав лирик девонлари таркибида алоҳида маснавийлар сифатида учрайди. Масалан, "Фуррат ул-камол"да Хотамхон уйи ва айвонининг васфи, Жалолиддин Ҳилжий айвон ва қабулхонасининг васфи, "Нуҳоят ул-камол"да "Туглуқобод" қальясининг васфи ва бошқалар. Аммо бу жанрнинг шоир ижодида энг барқ урган кези "Қирон ус-саъдайн" достонини ёзилиш давридир. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек бу илк достондан элликдан ортиқ алоҳида номланган васфлар учрайди. Кейинги достонлар таркиби ҳам васфларга бой, аммо "Нуҳ сипехр"дан ўзгасида бу васфлар умумий сюжетнинг таркибий қисмига айланган.

"Васф" нима? Рус тилига сўзма-сўз таржима қилинганда "описание" дейилса тўғри бўлади. Ўзбекчада қисқача қилиб "ҳолат тасвири" деб аталса асл мазмун яққолроқ ифодаланади. Яъни, "васф"нинг асосий хусусияти унинг статик характеридир. "Васф" ва динамик мазмун бир-бирига зид. Ҳозирги замон адабиётида "васф"- "портрет" "пейзаж", "статик экспозиция", буюмлар, жонзотлар, ҳолатлар, табиат ҳодисалари ва ўзга нарсаларнинг статик бадиий тасвирига тўғри келади. Албатта бундай тасвиirlарсиз катта эпик асарни киши кўз олдига келтириши қийин (агар алоҳида формалистик мақсад қўйилмаган бўлса). Ваасфлар бадиий асарда турли функцияларни бажариб келиши мумкин. Масалан, "Қирон ус-саъдайн"да хазон фаслининг висфи кейинги мўғуллар босқини ва унинг оқибатлари тасвири

билин параллел ҳосил қилиб ажойиб бадий таъсир воситасига айланган. Ёки қиши фасли васфининг шоҳ базми билан муқоясаси ва х.к. Аммо агар шоир учун зарурий бадий восита бўлмиш бу элемент ўз-ўзлигича мақсадга айланса ва меёр ҳисси бузилса, "васф" яхлит асарда ошиқча безак бўлиб китобхонни толиктира бошлайди, Бу ҳолат "*Қирон ус-саъдайн*"да жуда сезиларли юз берганини шоир ўзи ҳам тан олган.

## 2) "Мунозара"

Алоҳида жанр сифатида "*Нуҳ сипехр*"нинг бешинчи ва сак-кизинчи фаслларидан жой олган (ўқёй ва камон мунозараси, тўп ва чавгон мунозараси). Аммо "*Ширин ва Хусрав*" таркибидаги Хусрав ва Ширин, Борбад ва Накисо мунозаралари ҳам, агарчи сюжетнинг узвий қисми сифатида келтирилса-да, ўзга диалогларга нисбатан яққол ажралиб туради. "*Мунозара*" бу ўзига ҳос давомли диалог орқали шоир ниятларини ифодалаш бадий воситасидир. Унда диалог албатта баҳс формасида кечади ва икки томон бир-бирини рад қилишга, баҳсда енгишга ҳаракат қиласидилар. Нома орқали диалог-баҳс олиб бориш ҳам мунозарага ўхшаб кетади, аммо номалар алмасиши чекланган микдорда, кўпинча бир тарафдан жўнатилган нома ва унинг жавоби шаклида (2 номадан иборат) бўлади, яъни баҳс узоқ давом этмайди. "*Мунозара*" жанри персонаж нутқига сайқал бериш, у орқали қаҳрамоннинг ички дунёси, унинг ўзга қаҳрамонга ва теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларга субъектив муносабати чуқур очилишига катта хизмат қилиши мумкин. Аммо бу элементдан ҳам меёрдан ташқари ва чуқур бадий мақсадсиз фойдаданиш уни бекорчи сўз ўйини-софистик баҳсга айлантиради. Юқорида эслаб ўтилган мунозара намуналарида ушбу тамойил анча-мунча сезилиб қолган.

## 3) "Мадҳ"

Бу принцип жиҳатидан "васф"нинг бир тури бўлиб асосан қаҳрамоннинг анъанавий портрети сифатида тушунилиши мумкин Ўрта аср адабиётида етакчи жанрлардан бири бўлиб, форсто-жик тилидаги адабиётда асосий шакли қасидадир. Аммо маснавий тарзида ёзилган мадҳиялар ҳам учраб туради.

Достонларнинг кириш бобла-рининг кўпчилиги – "ҳамд", "наът", замона ҳукмдори ва шоирнинг пирига бағишлиланган боблар бешак ушбу жанрга мансубдир. Бундан ташқари "*Нуҳ сипехр*" таркибида алоҳида мадҳия характерига эга боблар ҳам мавжуд. Ўзга достонларда мадҳ асарнинг таркибий қисми сифатида бош қаҳрамонлар таърифида учраб туради.

### 3) "Ҳажв"

Еу ҳам "мадҳ" билан типологик муқоясадаги элемент бўлиб, унда аксинча йўл тутилади, яни сўзга олинган кимса аёвсиз танқид ва мазаҳ қилинади, унинг портрети ҳам қора бўёкларда чизилади. Амир Хусравда алоҳида ҳажвлар учрамайди, ва лекин "*Ширин ва Хусрав*" достонидаги Фарҳоднинг ўлимига сабаб бўлган хийлагар ва Шакарни заҳарлаб ўлдирган шум кампир киёфалари тасвирини анъанавий "ҳажв" сифатида талқин этиш мумкин.

### 4) Фалсафий- дидактик мулоҳазалар ва ўгитлар

Бу алоҳида жанр Ўрта аср Шарқ адабиётида ниҳоятда кенг тарқалган. "*Матлаъ ул-анвор*" достониинг деярли барча мақолатлари, "*Нуҳ сипехр*"нинг тўртинчи фасли, ўзга достонлардаги шоирнинг ўз фарзандига ўгитлари (кириш ёки хулосадаги алоҳида боблар) барчаси ушбу жанр намуналариdir. Айникса "*Дўвалроний ва Хизрхон*"нинг кириш қисмидаги Амир Хусравнинг Султон Алоуддин Ҳилжиға насиҳати шоир ижодида ниҳоятда аҳамиятга молик эди. Бундан ташқари "*Оинаи Искандарий*"да ҳар бир катта эпизод олдидан кириш боб тарзида берилган фалсафий-дидактик мулоҳазалар ҳам шу жанрнинг алоҳида номланган намуналаридан ҳисобланади. Бу жанр адабиётшуносликда "дидактик поэзия" номи билан алоҳида ажратиб кўрсатилади ва агарчи умумий томонларини инкор қилиб бўлмаса-да, уларни алоҳида ахлоқий ёки фалсафий-ижтимоий рисолалар билан тенг кўриш мумкин эмас. Ҳарқанча дидактик жиҳати кучли бўлса-да, улар ўзга бадиий ижод намуналари сингари бадиий таъсир кучи билан тарбиялайдилар, ахлоқий рисолаларда эса илмий (давр илмий тафаккури даражасида, албатта) ва мантиқий исбот йўли ҳамда утилитар-майший мақсадга мувофиқликни очиб кўрсатиш асосий тарбияловчи, таъсир воситаси бўлади. Бу бадиий жанрда ҳар бир байт афоризм даражасида бўлиши лозим. Бу жиҳатдан

Ф.Ларошфуко, Г.К.Лихтенберг, Э.Роттердамский кабиларнинг сермъно ва ихчам афоризмлари Шарқ дидактик поэзияси намуналарига маълум даражада ўхшаб кетади. Фалсафий-дидактик мулоҳаза ва ўғитлар ажойиб таъсирчан ташбиҳлар, теран маъно қитламларига бой мажозлар, сўз ўйинлари, тимсоллар, қаршилашлар, параллеллар ва ўзга поэтик маъно товланишлар ҳосил қилувчи бадиий воситалардан кенг фойдаланади. Уларни шартли равишда бир-биридан нисбий фарқ қилувчи икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, бевосита ўғитлар бўлиб, фарзандга, шоҳ ва аёнлари, турли ижтимоий тоифаларга қаратилган бўлади ва мақсад йўналиши аниқ - қандай яшаш, нималарга интилиш ва нималардан ўзни тийиш, ўз ижтимоий вазифасини қандай адо этиш ҳақида муайян шахслар ёки муайян ижтимоий гуруҳларга конкрет маслаҳатлар бериш билан боғлиқ бўлади ("фарзандга насиҳат" типидаги кириш ва хулоса боблар, "Нуҳ сипеҳр"нинг тўргинчи боби) каби.

Иккинчи турига типик мисол "*Матлаъ-ул- анвор*" достони бўлиб, бундай асар конкрет шахсга маслаҳатлар беришни асосий мақсад қилиб қўймайди. Агарчи у ҳам пировард натижада кишиларга ҳаётда тўғри йўлни кўрсатишни ният этса-да, унда турли аҳлоқий, диний, фалсафий, майший тушунчаларни шарҳлаш, аҳлоқий ижтимоий қонуниятларни бадиий очиб кўрсатиш етакчи ўринда туради. Шу мақсадда даврнинг кенг ижтимоий-аҳлоқий панорамаси чизилади, бутун социал тоифа ва гуруҳларга бадиий таъриф берилади, уларнинг қиёфаси, умумлашма характеристлари китобхон кўз ўнгига пайдо бўли-шига эришилади. Шоир айланавий тушунчаларнинг янгича талқини, турли социал гуруҳларнинг турли ҳатти-ҳаракати, ижтимоий фаоли-ятининг турли кирраларига ўз муносабати орқали, ажойиб ташбиҳлар, афористик иборалар, ўтмиш донишмандлари ва бадиий сўз даҳоларининг меросига турлича муносабат воситасида ўз янги бадиий оламини, аҳлоқий-ижтимоий идеалларини китобхонга юқтиришга ҳаракат қиласи. Бу жиҳатдан "*Матлаъ-ул-анвор*" "*Бўстон*" типидаги асарларга ёндошиб келади.

### 5) Кичик ҳикоят-тамсиллар (притчи)

Бу типдаги асарлар алоҳида ҳам учраши мумкин, аммо кўпроқ "*Матлаъ- ул-анвор*", "*Нуҳ сипеҳр*"нинг тўргинчи боби, "*Онаи Искандарий*" асарларида мунтазам, ўзга эпик достонлар таркибида тасодифий тарзда учраб туради. Улар бир жиҳатдан,

юқорида шархлаб ўтилган 4-тип, яъни фалсафий-дидактик муроҳаза ва ўтитлар жанри билан таркибий боғлиқликка эгадир, яъни асосан у ёки бу фалсафий муроҳаза ёки аҳлоқий сентенцияни шархловчи ёки тасдиқловчи мисол тарзида учрайди.

Иккинчи жиҳатдан, уларда масал характери билан боғлиқлик бор. Шу жиҳатдан энг кичик сюжетли эпик парча ёки яхлит жанр намунаси сифатида қарааш мумкин ва бу жиҳатдан эпик новелла, қисса, романтик достонлар билан туташиб кетади. Ҳикоятларда ҳам кўпинча характер яратиш имкони бор; ундаги персонажлар асосида бир, икки ва баъзан хатто ундан кўпроқ характер миниатюрада (одатда муҳим бир қирраси билан) намоён бўлиши мумкин. Аммо кўп ҳикоятларнинг қаҳрамонлари номсиз (инди-видуал характер даражасига етмай, умумлашма характерларнинг бирор типи таркибига кириб кетадилар. Амир Хисрав ҳикоятлари сюжети кўпинча кенг тасвирланган экспозиция ва тугун ҳамда ниҳоятда ихчам драматик кульминация ва ечимдан иборат бўлади. Тугундан ечимгача баъзан икки-уч байт кифоя бўлиб, воқеалар ниҳоятда шиддат билан ривожланади ва ҳатто тугун билан ечим ораси бир байтдан ошмаслиги мумкин. Бундай сиқиқликда кўп муҳим характер ва воқеалар баъзан енгил ишора билан ифода этилади. Шоирнинг бу жанрда анъанавий сюжетлардан фойдаланиши қисман олдинги бобларда берилиди (Атторнинг тулкилар ҳақидаги ҳикояти мисолида), бу соҳада шоир услугига хос муҳим хусусият эса "ҳикоят-муболага" тимсолида ўзини кўрсатган. Илгари адабиётда қайд этилмаган бу услугий элемент "Матлаъ-ул-анвор" ҳикоятларини "Маҳзан ул-асрор" билан мазмуний планда солиштириш орқали кашф қилинди. Т.А.Магеррамов тўғри таъкидлашича, "Матлаъ ул-анвор"нинг бирорта шеърий ҳикояти "Маҳзан ул-асрор" ҳикоятларини такрорламайди. Бироқ бу холоса қиёслашнинг биринчи босқичига оидdir, Агар масалага чукурроқ кириб борилса, Амир Хусрав ўз салафи ҳикоят-тамсилларига ўзига хос "жавоб"лар беришга уриниб кўргани маълум бўлади. Биринчидан, Низомий достонининг иккинчи мақолотидаги "Ануширов ва унинг доно вазири" ҳикоятига ҳинд шоири "Шоҳ ва унинг саройида хизмат қилган уламо ҳақида"ти ҳикоят билан, ўн биринчи мақолатдаги "Хиндистонлик бир тақводорнинг баҳор ва куз фаслида боз сайри"га тўртинчи мақолатда "Ҳинду тақводорининг ўз санамига

вафодорлиги ҳақида"ги тамсил билан, учинчи мақолатдаги "Сулаймон ва дөхқон сұхбати"га бешинчи мақолатдаги "Зоҳид ва Ҳизр сұхбати" билан, "Фариудун оғын овиди" ҳикоятига "Шоҳнинг ўқига учган мургак бола воқеаси" тасвири билан, "Гишт қуяётган чол ибрати"га "Донишманд чол ҳиммати" билан ва ҳоказо тематик жавоблар берган. Булардан ташқари Амир Хусрав Низомий асаридағи бальзи ҳикоятлар мазмунини янада кучайтириб, муболага ҳолатига етказиш йўли билан ўз ниятларини изҳор қилган, салафи билан яширин баҳсга киришган. Масалан, Низомий достонининг биринчи мақолатида "Золим шоҳ ва унинг тавбаси ҳақида" ҳикоят берилган бўлиб, унда ҳикоя қилинишича, бир киши тушида вафот этган золим шоҳни кўради ва унинг "нариги дунё"даги аҳволини сўрайди. Шоҳ айтади-ки, у ўлимидан сўнг ҳамма ёқдан ўз ҳолига раҳм-шафқат ва ҳимоя қидирган, бироқ бирор жонзот уни ёқлаб чиқмаган. Фақат сидқидилдан ўз айбига иқрор бўлиш ва тавба уни тангрининг қаҳру ғазабидан кутқарган, Бу тамсилнинг гоявий моҳияти озарбайжон шоирининг умумий ижодий руҳига муносиб келади, яъни у золим шоҳларни ўз айбларига иқрор бўлиш ва зулмни тўхтатишга тарғиб қилмоқда, агарда шундай қилмасанг худонинг қаҳру ғазабига учрайсан, деб, кўрқитмоқчи. Амир Хусрав учун бундай қарааш босиб ўтилган этап. У шоҳлар ўз социал табиатига кўра зулмга мойил эканликларини билади, шу боисдан уларга насиҳат қилиб, улар тузалишига умид қилиб ўтирмайди. У ўз салафининг биринчи ва иккинчи мақолатлари охиридан тамсилий ҳикоятлар эвазига биргина иккинчи мақолат охиридан ҳикоят-жавоб билан қаноатланади.

Мана ўша ҳикоят: "Ярим тунда бир улуғ донишманд бир маликнинг чироги ёргида ҳарф ўқирди. Улар ҳар иккиси (йўқлик) пардаси ортига беркингач, улуглардан бири ҳар иккисини тушида кўрди. Донодан сўради-ки, аҳволинг қандай? Жавоб бўлди-ки, шимасини сўрайсан, азоб ва қийинчилекларда ўтмоқда. Яна сўради-ки, сенинг ҳаёт кечириши тарзингдан келиб чиқсанда, шундай илм шарафи билан қайси гуноҳларингга азобга қолибсан? У тун ва машъала аҳволи ҳақида, ўзининг гуноҳлари ҳақида сўзлаб берди. Кейин маликдан чирог шарҳи сўралган эди, жавоб берди-ки, ўша шўяла танамга тамга бўлиб ўрнашиди. Менинг курсандчилигим учун муаллим сабоги (дўзах) оловидан мени халос этувчи озодлик ёрлиги

бўлди. У менинг машъаламдан ўтга тушди, мен унинг хатидан омонлик топдим. Нодон амирлардан фақиҳнинг эришган мартааси амрнинг фойдаси ва фақиҳнинг зиёнидур".

Ҳикоят ҳинд сеҳргари руҳида мураккаб символика ва нозик ишоралар асосига қурилган "малик чироги", "машъала" сўзлари ҳам поэтик синоним, ҳам турли-турли маъно ва тушунчаларни ўзига бирлаштирувчи синтетик символ дараисига қўтарилган. Аммо асосий социал мазмун жуда ёрқин ифодаланган. Хатто хулосада шоир янада аникроқ ва лўнда қилиб ўз фикрини баён этади:

Хсрво امان از امرا نیست خیز سوی فقیهان خدایی گریز  
از پی کفارت تعظیم میر دیده ز پای علماء بر مگیر

(Хусрав, амирлардан омонлик кутма, тур ўрнингдан,  
Худо фақиҳлари сари қоч,

Амирга таъзим қилиш учун (ҳечқачон)

Уламолар оёғидан кўзингни узма)

Шундай қилиб, агар озарбайжон шоири золим мустабидни унинг жабр-зулми учун тангри ғазаби билан қўрқитса, ҳинд шоири донишманд олимни шоҳга хизмат қилгани учун оғир жазога маҳкум этади, яни салафи фикрини янада бўрттириб, кучайтириб ундаги мазмунни янада чукурлаштиради. Бундай бўрттириш, сюжетни муболаға даражасида кучайтириб тасвирлаш шоирнинг бошқа ҳикоят ларига ҳам хос. Масалан, Низомийдаги еттинчи мақолат охирида берилган "Фаридун оху овиди" мавзуидаги ҳикоятда шоҳнинг бегуноҳ охуни отгани қораланса, ҳинд шоири ўн учинчи мақолат сўнгида шоҳнинг қуш деб ўйлаб мурғак болани отиб кўйганини тасвирлайди. Бу икки ҳикоятнинг бир-бирига боғлиқлиги уларнинг бир хил бошланишиданоқ, маълум бўлиб туради.

Бу каби ҳикоят-муболағалар нафақат "Матлаъ-ул-анвор"да, балки бошқа достонларда ҳам учрайди. Улар маълум маънода. Шоир поэтик услубининг узвий қисмига айланган бўлиб, айниқса, "Хамса"нинг биринчи достонида система даражасида намоён бўлади ва турли мазмуний-ғоявий вазифаларни бажаривелади.

## 6) Нома

Форс-тожик тилида ёзилган бадиий адабиёт намуналарида "нома" сўзи асосан икки маъно ифодалаб келади. Бири "Искандарнома", "Шикорнома", "Бознома", "Тўтинома",

"Соқийнома" сингари маълум жанрлар, достон сарлавҳалари таркибида келиб, умуман шу мавзуда ёзилган асар тушунчасини англатади. Иккинчи, тор маъноси "мактуб" - шоирнинг ёки асар қаҳрамонининг ўзга бир киши ўқишига мўлжалланиб ёзилган дил изҳори, лирик монологи типидаги муайян асар, ёки асарнинг таркибий қисмидир. "Муҳаббатнома" типидаги достонлар шу икки мазмунни ҳам қамраб ола билган алоҳида жанр эди. Амир Хусравнинг ушбу жанрда алоҳида ёзган асарлари йўқ, Аммо ҳарбир ишқий достонининг бош қаҳрамонлари бир-бирига номалар битишади ва шоир уларни алоҳида боб шаклида тўлиқ келтиради. Бу номалар қаҳрамонлар ички дунёсини, улар характерининг турли қирраларини очишда ниҳоятда муҳим ўрин тутади-ки, олдинги бобларда бу ҳақда муфассал гапирилди. Шу билан бирга баъзан уларда анъанавийлик руҳи кучлилик қилиб қайтариқлар, қаҳрамон индивидуал характеристига унча мос келмагувчи шаблон ўринлар ҳам учраб туради.

## 7) Газал

Юқорида ҳам айтиб ўтилди-ки, "Қирон-ус-саъдан" достони таркибида алоҳида ғазаллар мунтазам учрайди. Бу ғазаллар шакл ва умумий поэтик мавзу ва мотивлар доираси жихатидан анъанадан ташқари эмасдир. Аммо уларнинг руҳи, маъно товланишлари ҳар бир боб мавзуига мос келтирилган, кўпинча матльясида ёки мақтаъсида ўзидан олдин келган ёки кейин келадиган боб мазмунига ишоралар бор. Бунга кўп мисоллар олдинги бобларда келтирилди. Бу анъана "Хамса"да сақланмаган, зеро-ки, унинг структураси Низомийга татаббу-жавоб туфайли олдиндан белгиланган эди. Аммо "Дўвалрони ва Ҳизрхон"да янги босқичда такрор этилади. Энди "Ошиқ тилидан ғазал", "Машуқа лабидан жавоб"лар фақат ўз лирик пафоси ва умумлашма ишқий мавзуи билангина ғазални эслатади, ташқи шакл - маснавий, конкрет мавзу ва мотивлар ҳарбир парчада асар сюжетининг муайян қисми билан бевосита боғлиқ. Фақат уларда эпик йўналиш конкрет мавзу руҳидаги лирик хитоб билан алмашади. Бундай янгилик ишқий-романтик достонни жуда бойитган.

Кейинги мураккаб структурали катта асар "Нуҳ сипеҳр"да яна боб охиридаги ғазаллар ўз шаклий сифатларини тиклаган.

## 8) Яхлит сюжетлик кенг эпик тасвир

"Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли", "Дўвалрони ва Хизрхон", "Тўглукнома" достонлари том маънода яхлит сюжетли кенг эпик тасвир асосига қурилган катта достонлардир. Биз бу ўринда "эпик тасвир" тутпунчаснни тор маънода - узлуксиз эпик ҳикоя ("связное повествование") маъносида ишлатмоқдамиз.

Васфларни ҳисобга олмаса, "Кирон-ус-саъдайн" нинг асосий сюжетини ҳам яхлит эпик ҳикоя деса бўлади. "Искандар кўзгуси", "Ҳашит беҳишт" асалари ташқи жиҳатдан яхлит сюжетга эгадек туюлса ҳам, аслида улар бирнеча мустақил яхлит эпик ҳикоялар мажмуудан иборат. Фақат биринчи достонда бош қаҳрамон барча алоҳида сюжетли ҳикояларни бирлаштириб туради. Иккинчи достонда эса "биринчи беҳишт" қаҳрамонининг ҳаёт йўли асадаги бошқа сюжетлар учун қолипловчи вазифасини ўтаб келган.

Эпик ҳикоя ўз структурасига кўра юқорида санаб ўтилган бошқа тасвир типларига нисбатан синтетик характерга эгадир. Эпик достон ва қиссалар таркибида "васф" - деталлар, пейзаж ва ҳолатлар тасвирига, мунозара – диалогга, номалар – қаҳрамонларнинг дил изҳорига, ғазал – қаҳрамонлар лирик кайфиятининг ўзлаштирма-умумий тасвирига, фалсафий-дидактик мулоҳаза ва ташбихлар шоир-ҳикоячининг лирик чекинишлари воқеанинг бадиий изоҳ ва шарҳларига, мадҳ ва ҳажвлар аньанавий ёки сатирик портретларга, кичик ҳикоятлар структура жиҳатидан иҳчам эпизодларга айланиб, бир-бири билан синтетик қовушиб, яхлит узвий ҳикоя ("повествование") ҳосил қиласилар, умумий динамик бирлик вужудга келади. Лекин Ўрта асрлар эпик поэзиясининг кўпчилик намуналарида бу бирлик янги давр романи ёки қиссаси даражасида уйғун чиқмайди. Турли тасвир типлари кўпинча бир-бирига сезиларли тарзда қовушмай туради.

Эпик ҳикоянинг соф негизини сюжет (ёки фабула), яъни эпизодлар тизмаси ташкил қиласи, Эпизодлар асосида эса "воқеа" ("событие")лар занжири ётади. Қиссаларда "воқеа"лар занжири зичроқ, "васф", "мадҳ", фалсафий-дидактик мулоҳазалар камроқ ва иҳчамроқ бўлиб, одатда монологлар кам ва қисқа, диалоглар шиддатли бўлади, лирик кайфият тасвири кам учрайди, эпизодлар сон жиҳатдан чегарали бўлади. Достонларда эса аксинча. Амнр Хусрав достонларида ҳам эпизодлар кўп эмас,

аммо улар батафсил, ўз ичига бошқа кўп элементларни бирлаштирган бўлади. Ўрта аср Шарқ адабиётида анъанавийлик жуда кучли. Жумладан, кўпгина эпизодлар асардан асарга кўчиб юради, ҳикоятлар кўпроқ мавжуд адабий манбалардан олинади ва улар янгича композиция асосида, янги маъно товланишлари билан ифода этилади-ки, баъзилари асос манбадаги вариантга жуда кам ўхшайди. Буни Дехлавий асарларини Низомий ва Саъдийлар ижодига қиёслаганда яққол билиб олиш мумкин. Биз турли сабаблар билан олдинги бобларда ва шу боб давомида ҳам Низомий ва Дехлавийдаги баъзи қисмлар ўртасида бўлган ўхшашлик ва фарқлар даражасини нисбатан кўриб чиқдик. Энди Саъдий билан қиёсласак, аввало шуни айтиш керак-ки, "Бўстон"да ҳам, "Гулистан"да ҳам композицион жиҳатдан боблар мундарижаси жуда эркин тузилган, маълум изчилликка риоя қилишга уринилмаган. Саъдий асарлари худди ҳаёт сингари сочқин ва рангоранг кошинли тасвирга ўхшайди. У насиҳат қиласиди, аммо унинг насиҳатлари ҳам ички мунаzzамликка, мустаҳкам мантиқий иерархияга эга эмас, ҳарбир муайян вазиятда устод насиҳати фақат ушбу вазиятга мосдир, ўзга вазиятда берилган насиҳат билан кўпинча тазод ҳосил қиласиди. "Гулистан"нинг биринчи бобидаги ҳикоят бунта ёркин мисол бўла олади.

Унда ҳикоячининг бир дўсти шикоят қилиб келгани ва шоҳ саройидан бир мансаб топиб беришни илтимос қилгани айтилади. Бу орада турли-туман ҳикматли мисралар ҳар турли персонажлар тилидан айтилади ва кўпинча улар бир-бирига мос келмайди. Аммо ҳаётнинг ҳақиқий объектив суврати яратилади. Демак, гап Саъдий ҳикматларида эмас, балки у яратган давр ижтимоий ҳаётининг кенг панорамасида экан. Амир Хусрав эса анча изчил. У ҳикоятларда сюжетни кенг ёритишга эътибор қилмайди, балки хulosага кўпроқ эътибор беради. Масалан, "Гулистан"нинг 2-бобидаги 15-ҳикоятни Дехлавий иккинчи мақолат охирида деярли ўзгаришсиз қайтаради. Аммо Саъдий ҳикоят охирида ҳикоят йўналишидаги қалтисликни юмшатиб, дарвешларга насиҳат билан якунлаган. Ҳинд шоири эса хulosада ўз-ўзига муражгаат қилиб, Саъдийнинг ахлоқий хulosаси ўрнига ижтимоий хulosса чиқаради, Яна бу ҳикоятни "Маҳзан-ул-асрор"нинг биринчи ва иккинчи мақолатларига жавоб тарзида келтиради-ки, бунинг натижасида шоир хulosалари янада кескир жаранглайди.

Еттинчи мақолат охиридаги ҳикоят ҳам "Гулистан" 1-бобидаги 36-ҳикоят сюжети билан деярли бир хил. Уларнинг холосаси ҳам ўхшаш. Фақат Саъдий яна масаланинг аҳлоқий жиҳатига, Дехлавий эса социал жиҳатига кўпроқ эътибор беради. Бундан ташқари Дехлавий сюжетларни Саноий, Аттор ва бошқалардан ҳам олади, аммо ҳам ички композицияда, ҳам ташқи композицияда уларни асарининг бошқа қисмлари билан уйғунлаштириб яхлит ғоявий йўналишга эришади.

### **3. Мумтоз форс шеъриятида шакл ва мазмун нисбати. Поэтик нутқнинг ташкил топиши.**

Ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ шеъриятида энг кўп тарқалган жанрлар рубойй, ғазал, қасида, маснавийдир. Қитъа, туюқ, соқийнома ва баъзи бошқа жанрлар нормал қурилиш жиҳатидан юқоридагиларга бориб тақалади. Ғазал ва қасида ҳам бандлаш типи жиҳатидан фарқ қилмайди. Демак, рубоййни назардан соқит қилганда, асосан икки хил қофияланувчи бир хил типдаги банд - икки мисрадан ташкил топувчи байт Шарқ классик шеъриятида етакчи строфик бирликни ташкил қилган. Шу сабабли байтнинг ички структурасини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Лирика ва эпикада байт тасвирий структураси ва уларнинг фарқи. Эпик асарлардаги байтларнинг тасвирий курилиши бўйича типологияси**

Лирикада маълум-ки, ғазал асосий жанр бўлиб у *аа, ба, ва, га* типида қофияланади. Қасида, қитъа ва баъзи бошқа жанрлар ҳам қофияда шу типни саклаган бўлиб, уларни *манорим* шеър дейилади:. Маснавийда аксинча ҳар байт қофия жиҳатидан ички тугалликка эга бўлиб, *аа, бб, вв, гг* типида қофияланниб келади. Демак, шаклий жиҳатдан олганда *манорим* жанрларда байт тугалланмаган, маснавийда эса автоном хусусиятга эга бўлади. Аммо мазмуний жиҳатдан масала мураккаброқ, форс шеъриятида асосий лирик жанр - ғазалда кўпчилик классик шоирларнинг аксарият лирик ғазаллари байтларининг ўзаро боғланиши жиҳатидан ҳар бир байт ўзича ички мазмуний тугалликка (автономность) эга ва фақат умумий мавзуу ва туйғу бирлиги уларни ягона шеърга бирлаштириб туради.

## Амир Хусрав Дехлавий ижодида байт тасвирий структурасининг такомили. Байтнииг тасвирий мустақиллиги ва буниинг чегаралари.

Баъзан ўша мавзу бирлиги ҳам тўлиқ сақланмайди. Масалан, Хусрав Дехлавий ижодига мурожаат қиласиган бўлсак, куйидаги газалга эътибор қаратайлик:

ای يار عزیز اندوه دوری تو چه دانی  
من دانم و یعقوب فراق رخ فرزند  
عییم مکن ای خواجه که در عالم معنی  
چهال است خردمندی و دیوانه خردمند  
تا جان بود از مهر رخش برنکنم دل  
گر میر نهد بندم و گر پیر دهد پند  
آن فتنه کدام است که بنیاد جهانی  
چون گرده ز رخسار برافکند برافکند  
بر من مفشار دست طعونت که به شمشیر  
از لعل تو دل برنکنم چون مگس از قند  
درد دیده من حسرت رخسار تو تا کی  
در سینه من آتش هجران تو تا چند  
ناچار چو شد بنده فرمان تو خسرو  
چون گردن طاعت نهد پیش خداوند

(Ақлли одам дили куйган ошиқقا ўгит бермайди,  
Ҳақиқий хукмдор қийинчиликдан эзилган бандасини банди  
этмайди,  
Эй, азиз дўст, айрилиқ қайғусини сен қаердан билардинг,  
Буни мен биламан ва фарзанд юзини кўришга интизорлик  
дардини Яъкуб билади.  
Мени айблама, эй хожа, ахир маъно оламида  
Ақлли бўлиш жоҳилликдир ва девоналик - оқиллик.  
Токи жоним бор экан, чехраси меҳридан /куёшидан,  
ишқидан)

кўнглимни узмайман,  
Хоҳ амир мени банди этсин, хоҳ пир менга ўгит берсин.  
Ул түғён кўзғатувчи қайдур-ки, рухсоридан пардани  
кўтаргач,  
Жаҳон асосини ерга кўтариб урди,

Менга ҳалок этувчи қўлингнн кўтармагинки,  
 Мен қанд устидаги пашша сингари, қиличдан қўрқиб  
 сенинг лаълингдан кўнглимни узмайман.  
 Менинг кўзларимда сенинг рухсоринг ҳасрати қачонгача?  
 Менинг кўксимда ҳижроннинг оташи қачонгача?  
 Хусрав иложсиз сенинг фармонингга бўйинсунишга  
 (мажбур) бўлган экан,  
 Қандай қилиб (у) худованд (тангри, хукмдор) олдида  
 тоатга бўйин эгмаслиги мумкин)

Таржимадан кўриниб туритти-ки, ғазал матласидаги ҳар бир  
 сатр ва кейинги барча байтлар ўз ички мазмуний тугаллигига эга  
 ва бир-бири билан воқеабанд занжир ҳосил қилмайди. Уларнинг  
 ўзаро ички туташлиги эмоционал ва мажозий мавзу яхлитлиги  
 асосидадир. Байтлар асосан 2 типда бўлиб, матлаъ-афористик  
 мустақил байт типига, қолганлари лирик қаҳрамоннинг ички  
 эмоционал ҳолатидан хабар берувчи ўзаро эмоционал-шаклий  
 (қофия нуқтаи назаридан) боғланиш типига эга байтларга  
 бўлинади. Агар иккинчи байт ички структурасига кириб борилса,  
 яна бир афористик жумлага дуч келамиз.

Аммо бошидаги эмоционал конкрет кириш жумла умумий  
 байт мазмунини иккинчи тип доирасида тутиб қолади. Биз ғазал  
 эмоционал-мажозий мазмунини таҳлил қилишдан ўзимизни  
 тўхтатиб, ушбу мисолга зид соф эпик тасвир яратувчи  
 маснавийдан бир парча келтирамиз:

بود باز رگانی اندر روم نعمتشرا شمار نامعلوم  
 پسri داشت هوشمند و عزیز زیرک و کاردان و تمیز  
 در عجبهای عالمش هوسری و آزمون زمانه دیده بی  
 خانه داشت چون بهشت برین هر طرف ده نگارخانه چین  
 هر مسافر که آمد از جای کرد خالی به منظرش پای  
 سوی مهمانسرای خوشش برد میوه و نقل و باده پیشش برد  
 چند گه داشتی به مهمانی میزبان گشا ده پیشانی  
 باز جست ازوی آشکار و نهان کز عجب ها چی دید گرد جهان  
 آن جهان دیده از شکفت سفر گفتی یک یک زهر چه داشت خبر  
 (Румда бир савдогар бор эди.  
 Бойлиги беҳисоб эди.  
 Бир ўғли бор эди эс-хушли ва азиз,

Зийрак, ишбилиармон ва фаросатли.  
Оlam ажойиботларига ҳавас билан қаровчи,  
Ва замона синовини кўп кўрган.  
Олий жаннат боғидек ҳовлиси бор эди,  
Ҳар тарафи ўнта Чин нақшхонасилик (безакли).  
Ҳар ердан бир мусофир келса,  
Кўргани йўқлаб борарди.  
Ўз меҳмонхонасига бошлаб келарди,  
Олдига мева-чева, писта-бодом, шароб кўярди.  
Неча кун меҳмандорчиликни ўрнига келтириб,  
Кўнгли очиқ мезбонлик қиласарди.  
Ундан хоҳ зимдан, хоҳ ошкора,  
Жаҳон айланиб нима ажойиботлар кўрганини  
суриштиради.  
У жаҳон кўрган (мусофир) ўз сафарларида  
дуч келган ғаройиб ҳодисалардан  
Билганича бирма-бир ҳикоя қила бошларди.)

Кўриниб турипти-ки, бу парчадаги байтлар структураси ва үзаро боғланиши буткул ўзгача принцип асосида. Бунда ҳар бир сатр ёки байт яхлит бир хабар элтувчи жумлага тўғри келади. Эмоционаллик йўқ. Ҳар бир сатр ёки байт-жумла мазмунан ўзидан олдингисини ривожлантириб ундаги объектив воқелик ҳақидаги хабарни тўлдириб, ривожлантириб келгани учун уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди, бирор байтни ташлаб кетиш ҳам қийин, Яъни бунда изчил эпик баён мавжуд ва тор маънода изчил эпик воқеабанд тасвир ушбу парчада берилгандир. Шу жиҳатдан "Ҳашт беҳешт" достонидаги 7-қисса структура жиҳатидан энг изчил эпик тасвирга яққол мисол бўла олади. Уларни, агарчи шеър билан ёзилган бўлса-да, лиро-эпик достон типига асло киритиб бўлмайди. Масалан, бешинчи қисса (бинафша қасрда Рум маликасининг ҳикояси) 458 байт бўлиб, шундан фақат 2,5 байтда шоирнинг воқеаларга муносабати лирик чекиниш тарзида берилган, муалифнинг бевосита сюжетга аралашуви бошқа кўринмайди. Унда-бунда учровчи таърифлар ҳам сюжет чизигидан ташқари чиқиб кетган эмас. Шундай қилиб соф воқеабанд тасвир шоирнинг сюжетга бевосита аралашувини тақозо қилмайди, лирик жанр эса асосан ҳиссиётларнинг нозик дил изҳори асосида курилиши билан фарқланади. Аммо соф

воқеабанд принцип асосига курилган байтларнинг ўзаро боғланиш структураси қиссаларга хос бўлса-да катта достонларга хос эмас.

Учинчи тип байтлар силсиласи фаясафий-дидактик парчаларга хосдир. Уларда афористик характердаги мустақил байтлар кўпроқ учрайди. Иккинчи шахсга мурожаат, биринчи шахсда кўнгил изҳори, учинчи шахсда фалсафий-дидактик мудоҳазалар тез-тез ўрин алмашиб келаберади. Масалан, "Онаи Искандарий" достонидан ожизлар ва ўз қўл остидагиларга шафқат юзасидан насиҳатлар баён этилган дидактик бобдан бир парча:

ксы ко бигити бод һошманд ниабд з آسيب گити گзнд  
بانдисхе ниабд қарى қнд қран ҳвиш ра др ҳصارи қнд  
бе ғигуле ай др қнд ҷай ҳваш ке дард дро паш қалай ҳвиш  
қрш նист բарى ز ғиостган ғрфти бр նист աز ҳстган  
و ليکن ғрш ғوجى اندر پیست بھر նیک و بد үھدشان бр ويست  
چو صد سر در آسانیست زیر پاست بسختى س ҳвиш گیرى خطاست غم  
ديگران خور چو دستیت هست غم خوشتن خود خورد ھر که هست  
بزرگى کسى را دهد دستگاه که دارد پناھنده را در پنا  
نه زان ماکیان کمنى در شمار که چو ژگان سازد از پر ҳصار  
بزرگان که کمنى نوازى қнند نه رسم بزرگان بیازى қнند  
سر مرد بھر سر қрд نست چو نبود سرى بار برگر نست و ليکن سرانى  
توان қрд فرد که بازир دستان بود پاي مرد کسى بر سر خلق زييد امير که  
افتادگانرا بود دستگير

شرف کردن مردم از مردمی است و گر نه همه آدمی آدمیست...

(Ким жаҳонда эс-хушли бўлса,

Жаҳон оғатларидан зарап кўрмайди.

Ақл билан шундай иш кўради-ки,

Ундан ўзига (хавф-хатардан сакловчи) қўргон  
куриб олади.

Бир чеккада ўзига жой ҳозирлайди,

У ерда ўз молини омон сақлайди.

Ўзига боғлиқ (одамлар)дан (елкасида) юки бўлмаса,

Ундан жабр чекканлар ташвиши йўқ.

(Жабр тортганлар учун жазо ҳам тортмайди).

Лекин агар бир тўп (одам) унинг ортидан эргашган экан,

Хар бир яхшилик, ёмонликда улар жавобгарлиги

унинг бўйнидадир.

Енгиллик пайти юз бош сенинг оёғинг остида экан,  
Оғирлик пайтида ўз бошингни олиб қочсанг хатодир.

Кўл остингда бўлгач, ўзгалар ғамини егин,  
Ўз ғамини ейиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келади.

Паноҳ тутиб келганга паноҳ бераолган  
Кишигагина улуғлик мос келади.

Жўжаларга ўз паридан қўрғон ато этган

Макиён товуқдан ҳам ҳисобда куйироқ эмассан-ку!

Улуғлар кичикларга меҳрибонлик қиласар экан,  
Эрмак учун улуғлар расмини тутмайдилар.

Эр кишининг боши бошчилик қилиш учундир,

Агар бошчилик қилмаса, у бўйинга ортиқча юк, холос.

Лекин шундай бошчиларни ажратиб кўрсатса арзийди-ки,  
Ўз қўл остидагиларга мададкор бўлса.

Шундай киши халқ устидан амир бўлса ярашади-ки,

У йиқилганларни қўлидан тутиб (туришига ёрдамлашса).

Инсонни шарафлаш унинг инсонийлиги билан боғлиқ,

Бўлмаса ҳамма одам ҳам (шаклда) бир одам...).

Бу парча ҳам байтларнинг ўзаро боғланиши жиҳатидан юқорида мисол келтирилган ғазал структурасига ўхшаб кетади. Биринчи байт бошловчи мустақил фикрни ифода этган. Кейинги байтлар ушбу фикрни кенгайтириб, шарҳлаб боради. Аммо бу парча байтлари орасида ўзаро боғланиш кучлироқ. Бундан ташқари фикр аста-секин ривожланиб бориб 4-байтдан 5-байтга ўтишда зидловчи боғловчиси ёрдашда янги йўналиш касб этади ва кейинги байтлар ушбу йўналишни ривожлантиради. Биринчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, ўн биринчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи байтлар нисбатан мустақил байтлар бўлиб, афористик характерга эга ва алоҳида ҳикматли сўз (афоризм) сифатида ишлатилиши мумкин. Бундай матал даражасидаги мустақил байтлар фалсафий-дидактик жанрда кўп учрайдиган ҳодисадир ва, масалан, "Матлаъ ул-анвор" каби катта достонлардан юзлаб ажойиб маънодор ҳикматли байтлар ажратиб олиш мумкин. Дидактик маснавийнинг лирнк жанрлардан фарқи ундаги нисбатан эпик оҳанг ва эмоционал босиқликдир. Келтирилган парчада кучли эмоционал ўринлар йўқ эмас, масалан, иккинчи шахсга хитобан берилган кўпгина жумлалар шундай, айниқса

тўққизинчи байтдаги заҳарханда ҳайқириқ ўта кескин жаранглайди, аммо аён кўриниб турипти-ки, фалсафий-дидактик эмоционаллик, ишқий-лирик эмоционалликдан тубдан фарқ қиласди, иккинчисидаги лирик-интим планга зид ўлароқ биринчисида ижтимоий туйғу қудрати устун туради. Аммо шеърий текст типлари бу билан тугамайди. “*Васф*”ларнинг ўзига хос структурал фарқлари, кичик ибратли ҳикоятларда яна, мунозарада яна ўзига хос ички боғланишлар мавжуд. Биз ҳозирча келтирилган учмисол билан чекланиб, асосий; мавзуга кайтамиз.

Иккинчи қисм бошида Шарқ ишқий романтик достонлари одатда лиро-эпик турга мансуб этилиши қайд қилинган эди. Мальум бўлди-ки “*Ҳашт беҳешт*” ички қиссаларини мазмуний структура жиҳатидан мутлақо бу турга мансуб санаб бўлмайди, чунки уларда лирик йўналиш деярлн акс этмаган. Улар шеърий сатрларга тизилган соф эпик қиссаларнинг ўзидир. Аммо агар “*Ширин ва Хусрав*”, “*Мажнун ва Лайли*”, “*Дўвалрони ва Хизрхон*” сингари типик ишқий-романтик достонларда текст мазмуний структурасини текшириб кўрсак, ўзгача холат намоён бўлади. Масалан, “*Ширин ва Хусрав*” достонининг асосий қисми бошланишидан 4 бобни текстуал анализ қилиб кўрсак, 303 байтдан иборат бу қисмда воқеабанд хабар-байтлар ва воқеабанд таъриф-байтлар билан бир қаторда, бевосита ҳикоячи номидан келтирилган ижтимоий-дидактик мулоҳазалар (6 байт), лирик мулоҳаза-ташбеҳлар (6 байт), холат тасвирлари-васфлар, қаҳрамонларнинг ички ҳолатлари тасвирларн мавжуд. Яна назарда тутиш керак-ки, ЗОЗ байт текстнинг 143 байти кўчирма гап, яни қаҳрамонлар (Хусрав, Шопур, Ширин) сухбатидан иборат. Улар нутқида ҳам ўндан ошиқ мулоҳаза-ташбеҳлар учрайди,

Табиий-ки, қаҳрамонлар нутқида таъриф метафора байтлар, эмоционал оҳанг, туйгулар изҳори янада кенг акс этган. Бундан ташқари ушбу асарлардаги бош қаҳрамонларнинг бирнеча саҳифали бутун бир бобга чўзилувчи нома-монологлари, “*Ширин ва Хусрав*”даги 360 байт давом этган бош қаҳрамонлар мунозараси, 264 байтдан иборат Борбад ва Накисоларнинг мажозий баҳси, “*Дўвалрони ва Хизрхон*”даги “*Ошиқ тилидан газал*”, “*Машуқа лабидан жавоб*” сингари лирик-мажозий чекинишлар ушбу асарларга дарҳақиқат лиро-эпик тус беради. Аммо улардаги сюжет чизигининг ривожи, қаҳрамонлар

характерининг очилиши ва бошқа жиҳатларга эътибор берсак, уларнинг янги давр йирик эпик жанрларидан типологик фарки камдир. Юқорида ҳам кўриб ўтдик-ки 160.байт ҳикоячи (муалииф)нинг мустақил нутқидан факат 12 байт соф эпик текст структурасига мос тушмайдиган лирик чекинишга йўл қўйилган холос. (Асли бундаи чекинишлар янги давр прозаикларида ҳам ҳар қадамда учраб туради.) Колган тасвир типлари эса воқеалар кўламини чукурлаштириш, деталлар билан бойитиш, ишқий достонларга хос лирик рух бахш этиш, қаҳрамонлар ички ҳолатини чукур очиш ва бошқа катта эпик сюжет учун зарурый ҳисобланувчи вазифаларга хизмат қиласди.

Шундай қилнб, Амир Хусрав Дехлавий достонларини етакчи текст структураларига кўра классификация қилсак, уларни бирнече турга ажратиш мумкин экан. Биринчи, етакчи тури - ишқий-романтик достонлар. Соф ишқий-романтик достонлар "Хамса" таркибида иккита: "*Ширин ва Хусрав*", "*Мажнун ва Лайли*". Тарихий-замонавий мавзудаги достонлар ичida эса битта: "*Дўвалрони ва Хизрхон*". Бу достонларда социал мавзу ишқий сюжет асосида ҳал қилинган. Иккинчи тип - тарихий-романтик достонлар бўлиб, икки достон - "*Қирон ус-саъдайн*" ва "*Тўғлукнома*" шу типга киади. Бу тип достонларда шоир ижтиимоий-ахлоқий идеаллари муайян тарихий воқеаларни ўзига хос бадиий акслантириш орқали очилган. Учинчи тип - ижтиимоий-дидактик достон. Бу типнинг соф намунаси битта: "*Матлаъ-ул-анвор*". Тўртинчи тип хаёлий ва ҳаётний саргузашт қиссалар мажмуи. Бу типнинг ҳинд шоири ижодидаги ягона ёрқин намунаси - "*Ҳашт беҳшишт*". Санаб ўтилган соф типлардан ташқари яна шоирнинг икки достони мавжуд-ки, уларни аралаш типлардан ҳисоблаш керак бўлади: 1) "*Оинаи Искандарий*" - мураккаб дидактик-эпик типа ва 2) "*Нуҳ сипеҳр*" - мураккаб структурадаги кўп йўналишли асар. Булардан "*Оинаи Искандарий*" Низомийнинг "*Иқболнома*" ва "*Шарафнома*"си мавзуларини бир достонга бирлаштириш таржибасининг натижаси бўлса, "*Нуҳ сипеҳр*" - умуман турли жанрларда ёзилган килма-хил маснавийларни ягона бир ташки архитектоника ва умумий ташки мақсад - Кутбиддин Муборакшоҳни шарафлаш - асосида бир асарга бирлаштириш натижасидир. "*Оинаи Искандарий*" ички мазмун жиҳатидан ягона сюжетга эга эмас.

Унда Низомий "Шарафнома" сидан фарқли ўлароқ аслида афсонавий Искандар ҳәтига оид бир неча мустақил қисса (шоирнинг ўз термини билан айтганда, "достон") мавжуд. Улардан биринчisi муаллифнинг ўзи томонидан ажратиб кўрсатилган -

داستان اول در... فرستادن سکندر لشکر... بر پولاد پوشان خاقان

(Хоқоннинг пўлат совутли (лашкари) устига... Искандарнинг лашкар жўнатиши... ҳақида биринчи достон)

Бу "достон" сюжети уч катта эпик боб доирасида давом этади ва ҳар боб бошида маълум мавзудаги алоҳида сарлавҳали дидактик муқаддима ва унга мос ибратли ҳикоят билан келтирилади, Бу қисса асаддаги энг катта яхлит эпик сюжет бўлаб кўшимча боблари билан жами 969 байтга чўзилган, Кейинги эпик сюжет "яъжујс-маъжујс"ларга қарши кураш билан боғлиқ бўлиб анча қисқа - 266 байт. Учинчи сюжет кўпроқ ишқий- лирик характерда бўлиб, биринчи сюжет билан маълум даражада боғлиқлиги бор - чинлик баҳодир қиз - гўзал Канифу билан Искандарнинг базми ва сухбати – 192 байт. Тўртинчи сюжет яна "достон" деб номланган ва 186 байтда Искандар ихтиrolари, хусусан, дengiz қароқчиларини тор-мор қилишга хизмат қилган баҳайбат пўлат кўзгу ҳақида гап боради. Бешинчи сюжет оташпаратлар ибо-датхонасига ўт қўйилиши ҳақида. Олтнинчи ва еттинчи сюжетлар ҳам бир-бири билан маълум даражада боғлиқ бўлиб, олдингисида юонон файласуфлари юртининг сувга бостирилиши, кейингисида эса Афлотуннинг Искандарга насиҳатлари берилган, Хар икки сюжет орадаги дидактик боб билан бирга 700 байтни ташкил этган. Охирги боблар Искандарнинг дengиз сафари ва унинг вафотига бағишлиланган бўлиб, З дидактик ва 4 эпик боб - 916 байтдан иборат. Шундай қилиб, жаъми 8 алоҳида сюжеттага эга бўлган шеърий қиссалардан фақат биринчи - учинчи ва олтинчи-еттинчи сюжетларгина бир-бири билан маълум даражада боғлиқлиги бор, холос. Қолганларини бирлаштириб турувчи ягона элемент бу бош қаҳрамон Искандарнинг ўзидир. Аммо у ҳам ҳар бир қиссада бошқа-бошқа қирралари билан намоён бўлади. Бу достонинг эпик қисми анъанавий қаҳрамонлик-саргузашт характерида бўлиб, мазмунан қаҳрамонлик жиҳати ўз пафосини деярли мутлақо йўқотган ва маълум даражада объектив ижтимоий характер касб этган. Бу ҳолатнинг негатив томонига XIX аср охирида ҳинд тадқиқотчиси Шибли Нўймоний илк мартаба эътибор қаратган эди.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб маълум бўлмоқдаки, Ўзбекистон мустақиллиги барча соҳалар қатори нафақат кенг маънодаги тил ва дабиётни ўрганишнинг назарий масалалари, балки бевосита адиятшунослик, хусусан, Шарқ мумтоз адабиёти бадииятшунослиги йўналишида ҳам мутлақо янги уфқлар очиб, тадиқотчиларга улкан имкониятлар яратиб бермокда ва бу имкониятлардан дадил фойдаланиш борган сари кулоч ёзмокда. Аммо янги аср талабларига мукаммал жавоб берадиган, жаҳон илми билан тенглашибгина эмас, балки унга салмоқли улуш ўшиб, уни янги назарий қарашлар билан бойитадиган тадиқотлар яратиш учун ҳали анча жиддий изланишларни амалга шириш кераклиги ҳам сезилиб турипти. Ушбу мўъжаз тадқиқот сосан мумтоз форс адабиёти бадииятини ўрганишнинг долзарб масалаларига бағищланди. Унда гап умуман бугунги кун бадииятшунослик фанининг назарий масалалари, жумладан, Ўзбекистон мустақиллиги даврида адабиёт илми соҳасида ғиришилган ютуқлар, ижтимоий фанлар методологияси ва миллий бадииятшунослик фанини шакллантириш муаммолари, Бадииятшуносликнинг адабиётшунослик фанлари таркибидаги ўрни, бадиий тимсол ва унинг даражалари хусусида баъзи мулоҳаза ва гаклифлар ўртага ташланиб, кейинги қисмларда мумтоз форс шеърияти бадииятшунослигининг умумий масалалари, жумладан, инъанавий ва замонавий бадииятшунослик нисбати, адабиёт гарихи ва тарихий бадииятшунослик муаммолари, тарихий бадииятшунослик ва жанрлар тараққиёти, мумтоз форс шеъриятида бадиий тимсол турлари ва уларнинг тараққиёти, мумтоз форс шеъриятида бадиий ижод тариқи муаммоси, адабий асар тадқиқида тилшунос ва адабиётшунос ҳамкорлиги, мумтоз форс шеърияти лингвопоэтикаси, бадиий адабиёт тилини ўрганишда тилшунослик ва адабиётшунослик спецификаси, мумтоз форс шеърияти тараққиёти ва тарихий лингвопоэтика муаммолари, мумтоз форс адабиётида шеърий тизимлар, мумтоз форс адабиётида лирик жанрлар ва эпик жанрлар типологияси, мумтоз форс шеъриятида шакл ва мазмун нисбати каби масалалар кўриб чиқилди. Албатта, ушбу йўналишдаги барча муаммоларни бир тадқиқотда қамраб олиш фикридан йироқмиз. Аслида ушбу

Йўналишларнинг ҳар бирига алоҳида бирнеча китоблар бағишлиш мумкин. Шундай экан, агар ушбу китоб баҳсга чорласа ва замонавий бадииятшунослик фани ривожига озгина туртки берса, демак, бизнинг меҳнатимиз бекор кетмапти.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

### Манбалар:

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”, 2009, 40 сах.
2. Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. Т., 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1996, с. 3-139, 178-189, 200-218, 240-246, 360-362.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.-«Ўзбекистон»-1999
8. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993.
9. Абу Хамид ал-Фаззолий. Кимиёи саодат. Т., 2005.
10. Абу Хамид ал-Фаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Илм китоби. Т., 2003.
11. Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳовуддин Балогардон (Мақомоти Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд), Т., 1993.
12. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. (Асқар Маҳкам таржимаси). Т., “Шарқ”, 2001, 384 сах.
13. Авесто. Яшт китоби. Т., “Шарқ”, 2001, 128 сах.
14. Авеста: «Видевдат» китоби. Т., ТДШИ, 2007, 96 сах.
15. Авесто. Душанбе, 1990.
16. Абу Наср Али ибн Ахмад Асади Туси. Гаршасп-нама. Баихтимам-и Хабиб Йагмайи. Техран, 1318 с.х. (1940).
17. Абу Хамид Муҳаммад Газали Туси. Китаб-и Кимйа-йи са'адат. Техран, 1319 с.х. (1941).
18. Азизиддин Насафий. Зубдат-ул-ҳақойиқ. Т., 1995.
19. Алишер Навоий. Лисонут тайр. Т., 1991.
20. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 1-20 жиллар. Т., 1987-2000.
21. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Т., 1981, 128 сах.
22. Адиб Собир Термизий. Танланган асарлар. Т., Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 232 сах.

23. Айюқий. Варқа ва Гулшоҳ. Душ., “Ирфон”, 1985, 176 сах.
24. Асириддини Аҳсикати. Девон. Душ., “Дониш”, 1989, 156 сах.
25. Аттор Шайх Фаридиддин. Асрорнома. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 328 сах.
26. Аттор Шайх Фаридиддин. Илоҳийнома. Т., “Мусиқа”, 2007, с.18-50.
27. Аттор Шайх Фаридиддин. Уштурнома. Т., “MERIYUS”, 2012, 192 сах.
28. Аттор Фаридуддин. Хусравнома. Душанбе, “Ирфон”, 1990, 367 сах.
29. Ватват Рашид ад-дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. М., «Наука» ГРВЛ, 1985, 324 стр. (Исследование и перевод с приложением текста).
30. ал-Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. М., “Наука”, ГРВЛ, 1980, 376 стр.
31. Гулшани адаб (Намунаҳои назми форсу тожик.). Жилди 1 (Асрҳои IX-XIII). Душанбе, “Ирфон”, 1974, 432 сах.
32. Гулшани адаб.Жилди II. Душанбе, “Ирфон”, 1975, 432 сах.
33. Данте Алигьери. Божественная комедия. М., “АСТ МОСКВА”, 2009, 486 стр.
34. Девони Бобо Тоҳири Урён. Техрон, 2535, 80 сах.
35. Девони Ҳофиз. Техрон, “Амири Кабир”, 2537, 378 сах.
36. Дехлавий Амир Хусрав. Осори муNTAXаб. Дар чаҳор жилд. Душанбе, “Ирфон”, 1973-1975.
37. Дехлавий Амир Хусрав. Дувалрони ва Хизрхон. (Матни интиқоди). Душанбе, “Дониш”, 1975, 310+6 сах.
38. Диҳлави Амир Хусрау. Матла’ ал-анвар. Крит. текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1975, 359+92 стр.
39. Диҳлави Амир Хусрау. Ширин и Хусрау. Крит. текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1979, 361+14 стр.
40. Диҳлави Амир Хусрау. Маджнун и Лайли . Крит. текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1964, 291+14 стр.
41. Диҳлави Амир Хусрау. Ҳашт бихишт. Крит. текст. М., “Наука”, 1972, 332+19 стр.
42. Диҳлави Амир Хусрау. А’инайи Искандари. Крит. текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1977, 314+28 стр.

43. Джами Абдараҳман. Бахаристан. (Весенний сад). Крит.текст и предисловие А.Афсаҳзада. М., «Наука» ГРВЛ, 1987, 178+22 стр.
44. Джами Абдараҳман. Тухфат ал-ахрар. Субхат ал-абрар. Хираднама-иӣ Исқандари. М., “Наука”, ГРВЛ, 1984, 462+12 стр.
45. Зокони Убайд. Куллиёти мунаҳаб. Душанбе, 1963, 284 сах.
46. Жомий Абдураҳмон. Осор. Дар ҳашт жилд. Душанбе, 1986-1990.
47. Жомий Абдураҳмон. Баҳористон. Душанбе, “Ирфон”, 1966, 148 сах.
48. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т., 2007.
49. Манучехри. Мунтаҳабот. Душанбе, “Дониш”, 1974, 96 сах.
50. Мухъи ал-Хакк ва-д-Дин ... ал-ма'руф ба Ибн Араби. ал-Футухат ал-Маккийа. Каҳира, 1269 л.х. (1852/53).
51. Мухаммад ибн Йаҳия Лахиджи. Шарҳи Гулшан-и раз. Техран, 1301 л.х. (1883/84). Литография.
52. Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. (20 томлик). Т., “Фан”, 1987-2002.
53. Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. Том 19. Девони Фоний. Т., “Фан”, 2002, 600 сах. (Ғазалҳо).
54. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. (А.Н.Кононов тайёрлаган йиғма матн). М.-Л., 1948, 184 сах.
55. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 96 сах.
56. Низами Ганҷави. Ҳафт Пайкар (научно-крит. текст). М. “Наука”.ГРВЛ, 1987, 656+20 стр.
57. Низами Ганҷави. Сирлар ҳазинаси. Баку, “Елм”, 1981, 248 сах.
58. Низами Гянджеви. Собрание сочинений в пяти томах. М., «Худ. лит-ра», 1985-1986.
59. Низами Гянджеви. Сокровищница тайн. Крит. текст. Баку, Изд. АН АзССР, 1960, 253+14 стр.
60. Низомий Ганҷавий. Куллиёт. (Иборат аз 5 жилд). Душанбе, “Ирфон”, 1982-1984.
61. Низомий Ганҷавий. Ҳусрав ва Ширин. Техрон, “Ал-Худо”, 2005, 394 сах.

62. Низами. Лайли и Маджнун. Введ., пер. с перс, и comment. Н.Ю. Чалисовой и М.А. Русанова. М.: РГГУ, 2008.
63. Наджм ад-Дин Рази. Мирсад ал-'ибад. Хамадан, 1312 л.х. (1895). Литография.
64. Насир-и Хусрау. Раушанайи-наме. - Диван-и касайид ва мукаттаъат-и Хаким Насир-и Хусрау... Техран, 1304 с.х. 1926).
65. Низами Арузи Самарканда Чахар макале. Ба ихтимам-и Мухаммад Казвини... Техран, 1331 с.х. (1953).
66. Низами Гянджави. Лайли ва Маджнун. Матн-и илми ба ... ихтимами Аҗдар Али-оглы Али Асгар-заде ва Ф.Бабаев. Москоу, 1965.
67. Низами Гянджави. Махзан ал-асрап. Матн-и илми аз А.Али-зада. Баку, 1960.
68. Низами Гянджави. Хафт Пайкар. Научно-критический текст и предисл. Т.А.Магеррамова. М., 1987.
69. Низами Гянджави. Хусрау ва Ширин. Матн-и илми аз А.Хетагуров. Баку, 1960. с. 407
70. Низами Гянджави, Шараф-наме. Матн-и илми аз А.Али-зада. Баку, 1947.
71. Носир Хусрав. Девон. Жилди аввал. Кобул, 771 сах.
72. Осори Абу Абдулло Рудаки. Сталинобод, 1958, 280 сах.
73. ар-Рази Шамс-и Кайс. Свод правил персидской поэзии (Ал-Му'джам фи ма'айир аш'ар ал-'аджам): ч. 2: О науке рифмы и критики поэзии. Пер. с перс. исслед. и comment. Н.Ю.Чалисовой. М.: Восточная литература РАН, 1997.
74. Рудаки. Стихи. М., «Наука» ГРВЛ, 1964, 512 стр.
75. Рудаки и поэты его времени. «Сов. писатель». Ленинград. отд., 1985, 272 стр.
76. Румий Жалолиддин. Ҳикоятҳои халқии “Маснавий”. Душ., 1963, 280 сах.
77. Румий Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Куллиёти “Маснавий”. (Бо тасҳихи комил). Техрон, 1379 ҳижрий, 694+120 сах.
78. Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавий маънавий. (6 китобдан иборат).(Жамол Камол таржимаси). Т., “Фан”, 2003-2005.
79. Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-2 китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси – шарҳи билан). Т., “Шарқ”, 1999-2007.

80. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. Т., “Меҳнат”, 2001, 160 сах.
81. Сабаки Рудаки. (Китоби якум). Душанбе, “Ирфон”, 1984, 304 сах.
82. Саъдий Шерозий Шайх Муслиҳиддин. Куллиёт.(Иборат аз 4 жилд). Душанбе, “Адиб”, 1988-1989. (Жилди 1. 1988, 432 сах., Жилди 2. 1989, 416 сах.)
83. Саъдии Шерози. Мунтаҳаби куллиёт. Сталинобод, 1956, 436 сах.
84. Таронаҳои дилангез. Душанбе, “Ирфон”, 1986, 92+116 сах.
85. The nūh sīphr of Amir Khusraw. (Edited by Mohammad Wahid Mirza). London, Oxford University press. 1950, 490+54 pages.
86. Унсури Балхи. Диван. Ба қушиш-и Мухаммад Дабир-и Сийаки. Техран, 1342 с.х. (1964).
87. Фарҳанги забони тоники (аз асири X то ибтидои асири XX). Дар эери таҳрири МЖШукуров, В.А.Капранов, Р.Хошим, Н.А.Маъсуми. Джилди 2. М., 1969.
88. Фаҳр ад-Дин 'Ираки. Рисала-ий йистилаҳат. Техран, 1354 с.х. (1975).
89. Ҳаким Санайи Газнави. Сайр ал-'ибад ила-л-ма'ад. Ба ихтимам-и Ҳусайн Кухи Кирмани, ба тасҳих ва мукаддима-ий... Са'ид Нафиси. [Техран]. Тир-маҳ 131 6 с.х. (1938).
90. Ҳалаф Табризи. Фарҳанг-и Бурхан-и кати', та'лиф-и Ҳалаф Табризи. Ба ихтимам-и Мухаммад Му'ин. Техран, 1331 с.х. (1953).
91. Ҳоджа Аҳмад Газали. Дастан-ӣ мурған, матн-и фарси-ий Рисалат ат-тайр. Ба ихтимам-и Насраллаҳ Пуриҷавади. 1396 л.ҳ. (1976).
92. Ҳайём Умар. Рубоийлар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). Т., Ўзбекистон Давлат бадиӣ адабиёт нашриёти, 1958, 240 сах.
93. Ҳайём Умар. Рубоиёт. Техрон, “Амири Кабир”, 2536, 46 сах.
94. Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. Иборат аз 9 жилд. Душ., “Адиб”, 1987-1991.
95. Фирдавсий Тусий Абулқосим. “Шоҳнома”. Т., Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975-1977.
96. Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. (В 9ти тт.) М., «Наука» ГРВЛ, 1966 -1971.

97. Ал-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1975, 672 стр.
98. Ал-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1972, 50+430 стр.
99. Шайх Махмуд Шабистари. Гулшан-и раз. Ба тасхих-и ... Джавад Нурбахш. Техран, 1342 сх. (1976).
- 100.Шамс ад-Дин Мухаммад Хафиз-и Ширази. Диван. Ба ихтимам-и Мухаммад Казвини ва Касим Гани. Техран, [б.г.] (1940?).
- 101.Шарх-и Суди бар Хафиз. Тарджума-йи Исламат Саттарзаде. Техран, 1341 с.х. (1963).
- 102.Шах-и Ниметаллах Вали. Куллият-и аш'ар. Техран, 2525 ш.э. (1975/ 76).
- 103.Фаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Т., “Адолат”, 2005, 412 сах.
- 104.Ҳофизи Шерози, Мунтаҳаби девон. Сталинобод, 1957, 610 сах.
- 105.Ҳофиз Шерозий Шамсиддин Муҳаммад. Ғазаллар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). Т., Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 272 сах.
- 106.Ҳусайнний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. Т., Ғафур Ғулом нашриёти, 1981, с.35-121.
- 107.Адабиёт назарияси. 1-том. Адабий асар. Т., “Фан”, 1978.
- 108.Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. Техрон-Тошкент, “Ал-Худо” ва “Минҳож” нашриётлари, 2004, 216 сах.
- 109.Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1- жилд. Т., 1999.(Асқар Маҳкам таржимаси).
- 110.Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 6 жилдлик. Т., 2001-2005.(Жамол Камол таржимаси).
- 111.Зиёвуддина М. Мумтоз араб адабиёти. Т., ТДШИ, 2012, 180 сах.
- 112.Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., “Шарқ”, 1996, 144 сах.
- 113.Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., “Шарқ”, 1998, 240сах.
114. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиияти нашриёти, 2006, 448 сах.

115. Имомназаров М. Асотир, афсона, достон ёхуд адабиётнинг уч тури хусусида // Шарқ халқлари фольклори масалалари (Илмий мақолалар тўплами). Т., 2012, с. 5-10.
116. Имомназаров М. Тасаввуф адабиёти ва лингвопоэтик таҳлил // Шарқшунослик (ТДШИ илмий журнали), ТДШИ, 2011, 2-сон, с.46-56.
117. Имомназаров М. Навоий ва форс мумтоз адабиёти: Татаббуъ ва талқин // Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, 2011, с.28-43.
118. Имомназаров М. Адабиёт ва маънавият (Минтақа мумтоз адабиётининг ижтимоий мавқеи ҳақида)// Хорижий Шарқ халқлари адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари (Халқаро илмий анжуман), Т., 2010,27-29 октябрь, с.11-18.
119. Имомназаров М. Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиёти: мажозий тасвир ва талқин. // Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари (илмий монография), Т., 2010, с.29-53.
120. Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожида тасаввуфнинг ўрни // Шарқшунослик (ТДШИ илмий журнали), ТДШИ, 2010, 2-сон, с.38-49.
121. Имомназаров М. “Дилдаги нур...” (“Маснавий маънавий” ва маънавият назарияси). // Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. (Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига багишланган илмий анжуман материаллари). Т., ТДШИ, 2007, с.15-22.
122. Истеъломий Муҳаммад. Илоҳий ишқ куйчиси. Жалолиддин Румий ҳақида. (“Маснавий”га муқаддима). Т., 2001, 88саҳ.
123. Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Т., «O’qituvchi», 2005, 400 саҳ.
124. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т., “Фан”, 2008, 160 саҳ.
125. Мунис Шермуҳаммад. Танланган асарлар. Т., 1957.
126. Комилов Н. Хизр чашмаси. Т., “Маънавият”, 2005, 320 саҳ.
127. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. Т., “Маънавият”, 2001, 96 саҳ.
128. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996, 272 саҳ.

129. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Т.,Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999, 206 сах.
130. Низомиддинов И. Амир Хусрав Дехлавий. Т., 1969, 24 сах.
131. Раҳмонов Н. Култегин ёдномасининг поэтикаси. // Ўлмас обидалар. Т., “Фан”, 1989, с. 143-228.
132. Содиков Қ. “Кутадғу билиг”нинг тил хусусиятлари. // Ўлмас обидалар. Т., “Фан”, 1989, с. 229-306.
133. Сулаймон Ҳамид. Алишер Навоийнинг янги топилган асари “Ситтаи зарурия” ва унинг қўлёзма манбалари ҳакида // “Адабий мерос”. № 1 – с.192-282.
134. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.Т., “Ўзбекистон”, 1997. 416 сах.
135. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. Т., “Ўқитувчи”, 1980.
136. Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Т., ТДШИ, 2011.
137. Тураг Усмон. Тасаввуф тарихи. Т., “Истиқлол”, 1999, 180 сах.
138. Тўхлиев Б. “Кутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари. // Ўлмас обидалар. Т., “Фан”, 1989, с. 307-441.
139. Шарқ мумтоз поэтикаси. 1-китоб. Манба ва талқинлар. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006, 430 сах.
140. Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда. Т., “Шарқ” НМКБТ, 1999, 174 сах.
141. Ш.Шомуҳамедов. Форсий шеъриятнинг асосий шакллари. Т., ТДШИ, 2004, 76 сах.
142. Ш.Шомуҳамедов. Форс-тожик арузи. Т., ТошДУ, 1970, 114 сах.
143. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти тарихидан қисқача курс. Т., “Университет”, 1992, 104 сах.
144. Шомуҳамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (Х-XV асрлар) .Т., 2011, 256 сах.
145. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963, 200 сах.
146. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. Т., “Фан”, 1968, 432 сах.
147. Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. Т., “Фан”, 1971, 80 сах.
148. Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. Т., “Фан”, 1965, 92 сах.

149. Шомуҳамедов Ш. Малиқушшуаро Баҳор. Т., “Фан”, 1967, 116 сах.
150. Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. Т., “Фан”, 1963, 104 сах.
151. Шомуҳамедов Ш. Ҳазиналар жилоси. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 400 сах.
152. Шомуҳамедов Шоислом. Абулқосим Фирдавсий. Т., ТДШИ, 2006, 72 сах.
153. Холмўминов Жаъфар, Ҳазратқулов Жалил. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. Т., “Yangi nashr”, 2012, 240 сах.
154. Холмўминов Жаъфар, Жомий ва вахдат ул-вужуд таълимоти. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 236 сах.
155. Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. Т., “Фан”, 1994, 208 сах.
156. Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. Т., ТДШИ, 2009, 116 сах.
157. Ҳомидий Ҳамидjon. Кўхна Шарқ дарғалари. Т., “Шарқ” НМКБТ, 1999, 352 сах.
158. Аверинцев С.С. Символ. – Краткая литературная энциклопедия. Т. 6. М., 1971.
159. Алиев F. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М., 1985. 336 стр.
160. Алиев Г.Ю. Персоязичная литература Индии. М.: Наука, ГРВЛ, 1968.
161. Артановский С.Н. Историческое единство человечества и взаимное влияние культур. Л., 1967.
162. Ардашникова А.Н., Рейнер М.Л. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.): Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова. Ин-т стран Азии и Африки. - Москва: Ключ-С, 2010.- 504с.
163. Аристотель. Поэтика (Об искусстве поэзии). М., 1957, 184 стр.
164. Ауэрбах Эрих. Мимесис. Изображение действительности в западно-европейской литературе. М., “Прогресс”, 1976, 560 стр.
165. Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами: проблемы текста и поэтики. М.: Наука, ГРВЛ, 1988.
166. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М. «Сов. энциклопедия», 1966, 608 стр.

167. Ахундов М-Ф. О Моллайи-Руми и его произведении. // Мирза-Фатали Ахундов. Обманутые звезды. Избранное. М., Гос. Изд. Худ.лит., 1963, с. 385-392.
168. Бахтин ММ. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М., 1965.
169. Бахтин ММ. Эстетика словесного творчества. М., 1986.
170. Белый А. Символизм. М., 1910.
171. Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974.
172. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. М., "Просвещение" 1979
173. Бертельс А.Е. Лексикализация поэтических метафор и терминов и ее значение для процесса формирования лексики. — Проблемы семантики. М., 1974.
- 174.Бертельс А.Б. О значении термина и тропа в тексте, дефиниции и комментарии. — Лингвистика и методика в высшей школе. Изд. МГПИИ им. М.Тореза. Вып. VIII. М., 1978.
- 175.Бертельс А.Б. Поэтический комментарий Шаха Ни'матуллаха вали на философскую касыду Насир-и Хусрау. - Сад одного цветка. Статьи и эссе. М., 1991, с. 7-30.
- 176.Бертельс А.Е. Та'йин-и хадд-и ма'ни-и маджаз дар Шахнама-ии Фирдоуси. - Фирдоуси ва адабийат-и хамаси. Маджмуа-ий суханраниха-ии Джашн-и Туе (Машхад, Тирмах, Сал-и 2534). Тихран, 2535 ш.э. (1976).
- 177.Будагов Р.А. История слов в истории общества. М., 1971.
- 178.Байбурди Ч. Жизнь и творчество Низари. М.: Наука, ГРВЛ, 1966. 494
- 179.Бертельс А.Е. Художественный образ в искусстве Ирана IX—XV вв. (Слово, изображение). М.: «Восточная литература» РАН, 1997.
- 180.Бертельс А.Е. Насири Хосров и исмаилизм. М., 1959, 290 стр.
- 181.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, 556 стр.
- 182.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. М., ИВЛ, 1962, 556 стр.
- 183.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., «Наука», ГРВЛ, 1963, 500 стр.
- 184.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, 524 стр.

- 185.Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, 560 стр.
- 186.Бертельс Е.Э. Пятое муназаре Асади Тусского // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. т. XIX , 1958, стр. 55-88.
187. Болдырев А. Н. Зайнаддин Васифи.Таджикский писатель XVI в. (Опыт творческой биографии). Душанбе, «Адиб», 1989, 464 стр.
- 188.Болдырев А. Н. Персидская литература с VIII по начало XIX в. // Краткая история литератур Ирана, Афганистана и Турции. Курс лекций. Л., 1971.
- 189.Брагинский И. С. Из истории персидской и таджикской литератур. М.: Наука, ГРВЛ, 1972, 524 стр.
- 190.Бируни. Избранные произведения. Т. 2. Индия. Т., Изд. АН УзССР, 1963, 728 стр.
- 191.Ватват Рашид ад-Дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии (Хада'ик ас-сихр фи дака'ик аш-ши'р) Пер. с перс, исследование и коммент. Н. Ю. Чалисовой. М.: Наука, ГРВЛ, 1985, 324 стр.
- 192.Ворожейкина З. Н. Исфаханская школа поэтов и литературная жизнь Ирана в предмонгольское время (XII — начало XIII в.). М.: Наука, ГРВЛ, 1984.
- 193.Ворожейкина З. Н. Литературная служба при средневековых иранских дворах. // Очерки истории культуры средневекового Ирана. М.: Наука, ГРВЛ, 1984.
- 194.Вохидов С. Жизнь и творческое наследие Мухаммада Ауфи. Душанбе, “Дониш”, 1989, 168 стр.
- 195.Вахид Табризи. Джам'-и мухтасар. Трактат о поэтике. Критический текст, пер. и примеч. А.Е.Бертельса. М., 1959.
- 196.Виноградов В.В. Избранные труды. Поэтика русской литературы. М., 1976.
- 197.Виноградов В.В. Основные типы лексических значений. — Избранные труды. Лексикология и лексикография. М., 1977.
- 198.Виноградов В.В. О теории художественной речи. М., 1971.
- 199.Войшвилло ЕЖ, Понятие. М., 1967.
- 200.Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983.
- 201.Гуревич А.М. Категории средневековой культуры. М., 1972.
- 202.Дмитриева Н. Изображение и слово. М., 1962.

- 203.Додихудоев Хаёлбек. Философия крестьянского бунта. Душанбе, "Ирфон", 1987, 432 стр.
- 204.Додхудоева Л.Н. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. М., 1985.
- 205.Ельмслев Л. Можно ли считать, что значения слов образуют структуру? — Новое в лингвистике. Вып. 2. М., 1962.
- 206.Звегинцев В.А. Проблема значения в современном зарубежном языкознании.- Новое в лингвистике. Вып. II. М., 1962, с. 9 и ел.
- 207.Жан-Поль. Приготовительная школа эстетики. М., «Искусство», 1981, 448стр.
- 208.Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т., "Фан", 1991, 148 стр.
- 209.Имомназаров М. Роль и место тасаввуф в развитии нашей национальной духовности // Востоковедение (Научный журнал ТГИВ), Т., 2010, №1-2. С. 52-65.
- 210.Имомназаров М. Методологические основы периодизации классической литературы исламского региона // Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни (Илмий мақолалар тўплами) Т., ТДШИ, 2010, с.33-49.
- 211.Имомназаров М. К вопросу типологии характеров в эпическом творчестве Амира Хосрова Дехлеви. // Амир Хосров Дехлеви.(Сборник научных трудов ТашГУ). Т., 1987, С.57-66.
- 212.Имомназаров М. Притча-гипербола в эпическом творчестве Амира Хосрова Дехлеви и ее интерпретация. // VIII всесоюзная научная конференция «Актуальные проблемы иранской филологии» (Тезисы докладов). Душанбе, 1982, с.128-129.
- 213.Имомназаров М. Принцип гиперболизации и его значение в отражении социальной действительности в творчестве Амира Хосрова Дехлеви. // Материалы научной конференции ППС ТВПШ по итогам НИ работ за 1984). Т.,1985, с.70-73.
- 214.Имомназаров М. Проблема метода в средневековой литературе Ближнего и Среднего Востока. // Актуальные вопросы теории и практики перестройки. (Тезисы докладов научной конференции ППС ТВПШ по итогам НИ работ за 1988). Т.,1989, с.119-123.

215. Имомназаров М. Опыт статистического сравнения разножанровых текстов персидской поэзии. // ж. «Народы Азии и Африки», М., 1974, № 5.
216. Имомназаров М. Опыт составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.458, 1975, с. 124-138.
217. Имомназаров М. Общая статистическая структура лексики поэмы «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви. // Восточное языкознание. М., 1976, стр. 98-106.
218. Имомназаров М. Функционально-семантический анализ наиболее частых слов поэмы «Ширин и Хосров» Амира Хосрова Дехлеви. // Востоковедение. Т., Ташгу, 1976, стр. 170-175.
219. Имомназаров М. Из опыта составления словаря языка Амира Хосрова. // Амир Хосров Дехлеви. Научные труды Ташгу. Вып.575, 1978. с. 42-56.
220. Исматов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX—XV вв. Душ., “Дониш”, 1986, 256 стр.
221. Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения. М., «Наука», 1986, 336 стр.
222. История всемирной литературы (В 9-тт.). Том 2. М., «Наука», 1984.
223. История всемирной литературы (В 9-тт.). Т. 3. М., «Наука», 1985.
224. Каладзе И. Эпическое наследие Унсури. Тбилиси, 1983.
225. Кашифи Камалиддин Хусайн Ваиз. Бадаи' ал-афкар фи санаи' ал аш'ар. Предисл., примеч. и указ. Р. Мусульманкулова. М., 1977.
226. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. М.—Л., 1965.
227. Кларк Питер. Зороастризм. Т., Изд. “Musiqa”, 2010, 256 стр.
228. Конрад Н.И. Запад и Восток. М., «Наука», ГРВЛ, 1972, 496 стр.
229. Коран. Пер и comment. И.Ю. Крачковского. Изд. 2-е. М., 1986.
230. Корольков В.И. Эпитет. Краткая литературная энциклопедия. Т. 8. М., 1975.
231. Крымский А. Е. История Персии, ее литературы и дервишеской теософии. Т. 1—3. М., 1912—1917.

- 232.Крымский А. Е. Низами и его современники. Баку: Элм, 1983.
- 233.Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII — XI век). М.: Наука, ГРВЛ, 1983, 264 стр.
- 234.Куронбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Аинаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви. Автореферат канд. дисс. М., «Наука», 1988.
- 235.Липгарт А.А. Методы лингвопоэтического исследования. М., 1997;
- 236.Липгарт А.А.Основы лингвопоэтики. М., 2006;
- 237.Лихачёв Д. С. Развитие русской литературы X—XVIII веков. Эпохи и стили. Л., «Наука», 1973, 256 стр.
- 238.Лихачёв Д. С. Поэтика древнерусской литературы. Л., «Наука», 1967, 372 стр.
- 239.Литература Востока в Средние века.Часть II. М., Изд. МГУ, 1970, 464 стр.
- 240.Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. М., 1976.
- 241.Лосев А.Ф. Эстетика Возрождения. М., “Мысль”, 1978, 624 стр..
- 242.Лотман ЮМ. Символ в системе культуры. - Ученые записки. Тартуский Государственный Университет. Вып. 754. Тарту, 1987.
- 243.Мирзоев А.М. Рудаки. Жизнь и творчество. М., «Наука» ГРВЛ, 1968, 320 стр.
- 244.Маковский ММ. Теория лексической аттракции. М., 1971.
- 245.Морковкин В.В. Идеографические словари. М., 1970.
- 246.Мусульманкулов, Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. М.: Наука, ГРВЛ, 1989.
- 247.Мухаммадходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттора. Душ., “Дониш”, 1974, 118 стр.
- 248.Насриддинов А. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. Автореф. докт. дис. Душ., 1990.
- 249.Нуцубидзе Ш.И.. Восточный Ренессанс и критика европоцентризма. М., 1941;
- 250.Нуцубидзе Ш.И. Тайна Псевдо-Дионисия Ареопагита. Тбилиси, 1942.

251. Нуцубидзе Ш.И. Руставели и Восточный Ренессанс. Тбилиси, 1967.
252. Осипова, М. М. Индийская действительность в романическом маснави Амира Хосрова Дехлеви «Доваль-рани Хизрхан». Автореф. дис.... канд. филол. наук. М., 1988.
253. Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. Сб. статей. М., 1970.
254. Османов М.-Н.О. Частотный словарь языка Унсури. М., 1970.
255. Османов М.-Н. Своды иранского героического эпоса. («Худайнаме» и «Шахнаме») как источники «Шахнаме» Фирдоуси. // Ученые записки Института Востоковедения. Том XIX. Вопросы истории и филологии народов Востока. М., 1958, с.153-189.
256. Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). М., «Наука» ГРВЛ, 1974, 268+296 стр.
257. Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления. М., 1971.
258. Поэт и слово. Опыт словаря. М., 1973.
259. Пять философских трактатов на тему "Афак ва анфус" (о соотношениях между человеком и вселенной): 1. Афак-нама; 2. Мир'ат ал-мухаккин; 3. Зубдат ал-хакайк; 4. Умм ал-хитаб; 5. Усул-и адаб. Критический текст, указ. и введ. в изучение памятника А.Е.Бертельса. М., 1970.
260. Пригарина, Н. И. «Восемь раев» Амира Хосрова Дехлеви (к вопросу о композиции поэмы). // Литературы Индии. М., 1979
261. Пригарина, Н. И. Индийский стиль и его место в персидской литературе: (вопросы поэтики). М.: Восточная литература РАН, 1999, 328 стр.
262. Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 224 стр.
263. Рейснер М.Л. Птицы в мистико-символических касыдах Санай и Хакани (XII в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. М., 1997.
264. Рейснер, М.Л. Персидская лироэпическая поэзия X—начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. М.: Наталис, 2006, 424 стр.
265. Рейснер М.Л. Истолкование доисламских календарных праздников в персидской классической лирике X-XIIвв. (на

примере ноуруза). // Фольклор и мифология Востока в сравнительно-типологическом освещении. М., 1999, с. 259.

266.Рейснер М.Л. Аллегорические мотивы в касыде Санай (ХІІв.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM

267.Рейснер М.Л., Чалисева Н.Ю. Персидская классическая лирика: к проблеме генезиса. // Лирика: генезис и эволюция. М.: РГТУ, 2007.

268.Рипка, Я. История персидской и таджикской литературы. М.: Прогресс, 1970.

269.Рождественский Ю.В. Теория языка и проблема существования языка. - Семиотика и восточные языки. М., 1970.

270.Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971.

271.Степанов Ю.С. Основы общего языкоznания. М., 1975.

272.Степанов Ю.С. Номинация, семантика, семиология. — Языковая номинация. Общие вопросы. М., 1977.

273.Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви. Тбилиси, «Мецниереба», 1976, 177+27 стр.

274.Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 342 стр.

275.Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 328 стр.

276.Теория литературы. В двух томах. Под редакцией Н.В. Тамарченко. Том 1. Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Брайтман С.Н.. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. М., «ACADEMIA», 2004, 512 стр.

277.Теория литературы. В двух томах. Под редакцией Н.В. Тамарченко. Том 2. Брайтман С.Н.. Историческая поэтика. М., «ACADEMIA», 2004.

278.Терминология и норма. М., 1972.

279.Тимофеев Л., Венгров Н. Краткий словарь литературоведческих терминов. М., 1952.

280.Удам Х. К вопросу о взаимоотношениях текста и комментария. — Труды по знаковым системам (семиотика). Вып. 5. Ученые записки. Тартуский Государственный Университет. Вып. 284. Тарту, 1971.

281.Уфимцева А.А. Опыт изучения лексики как системы. М., 1962.

282.Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. М., 1968.

283. Уотт Монтгомери. Влияние ислама на средневековую Европу. Москва-Санкт-Петербург, "Диля", 2008, 192стр.
284. Ал-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1975, 672 стр.
285. Формулы и образы. Спор о научной теме в художественной литературе. М., 1961.
286. Фильшинский И.М. История арабской литературы V-начало X века. М., ГРВЛ, 1985, 528 стр.
287. Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М., «Наука» ГРВЛ, 1978, 608 стр.
288. Чалисева Н.Ю. Персидская классическая поэтика о конвенциях описания феноменов красоты. Трактат «Собесеник влюбленных» Шарафиддина Рами. // Памятники литературной мысли Востока. М., 2004;
289. Чалисева Н.Ю. Рашид ад-дин Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» // Ватват Рашид ад-дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. М., «Наука» ГРВЛ, 1985, с. 9-82.
290. Чалисова Н.Ю. Классическая персидская литература. // Изучение литературы Востока. Россия, XX век. М.: «Восточная литература» РАН, 2002, 107-133 стр.
291. Хализев В.Е. Теория литературы. М., «Высшая школа», 1999, 374 стр.
292. Шукuroв Ш. Искусство средневекового Ирана (формирование принципов изобразительности). М.: Наука, ГРВЛ, 1989.
293. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. – Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. М., 1940, №3.
294. Щур Т.С. Теория поля в лингвистике. М., 1974.
295. Айни Садриддин. Восифи ва хулосай Бадоэй-ул-вақоэй. Душанбе, "Ирфон", 1985, 336 саҳ.
296. Амир Хусрав. Ҳафтсадсола жашн. (Инглиз ва ўрду тилларида мақолалар мажмуаси). Ҳайдаробод, 1972, 138+104 стр.
297. Афсаҳзод Аълоҳон. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жомий. Душанбе, "Дониш", 1981, 160 саҳ.
298. Бадиъуззамон Фирузонфарр. Сухан ва суханварон. Техрон, 1934.
299. Башир Али Асғар. Сайр дар мулки Саноий. Кобул, 1977.
300. Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е наср-е фарси (форс тилида). 1-3 жиллар. Техрон, 1942-1949.

- 301.Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида – Баҳтиёрий нашри). Техрон, 1962.
- 302.Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида - Таки Бинеш нашри). Техрон, 1956.
- 303.Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Ҳусрави Дехлавий. Душанбе, “Дониш”, 1975, 282 сах.
- 304.Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. Техрон, Чопи Сино. – 1335 ҳ. – 79+483 сах.
- 305.Маҳҷуб Муҳаммад Жаъфар. “Ҳашт биҳишт” ва “Ҳафт пайкар”. Техрон, “Ҳўнар ва мардўм”, 2535, 72 сах.
- 306.Маҳҷуб Муҳаммад Жаъфар. Вомиқ ва Узройи Унсурий. // ж. “Сухан” Техрон, 1347, № 1, с. 43-52
- 307.Раҳмонов Ш. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. Душанбе, “Дониш”,
- 308.1987, 170 сах.
- 309.Самадов Т. Анвари ва газалиёти у. Душ., “Дониш”, 1988, 164 сах.
- 310.Сарвар Ҳумоюн. Ҳаким Саноий Ғазнавий ва жаҳонбинии у. Кобул, 1356. Хулосайи мақолоти Кўнгирайи байналмилалийи бўзургдошти нўхўминсадайи таваллуди ҳаким Низомий Ганжавий. Донешгоҳи Табриз. Табриз, 1991, 148 сах.
- 311.Халилий Халилуллоҳ. Нейнома. Афғонистон, “Анжумани тарих ва адаб”, 1973, 190 сах.
- 312.Шиблий Нўъмоний. Шеър ул-ажам ё таърихи шуаро ва адабиёти Эрон. Жилди 2. Техрон, 1327.
- 313.Суламий Абдураҳмон. Маломатиён ва суфиён ва жавонмардон. Кобул, 1344.
- 314.Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. Исломобод-Покистон, 2005, 414 сах.
- 315.Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. Душ., 1988, 544 сах.
- 316.Қиссаҳо пиромуни Фирдавсий ва қаҳрамонҳои “Шоҳнома”. Душанбе, 1996, 160 сах.
- 317.Ашъар-и параканде-ийи фарси-забан... ба тасхих ва... ба кушиш-и Жильбер Лазар, джилд-и дуввум, матн-и аш'ар. Техран, 1342 с.ҳ. (1964).
- 318.Джалал ad-Дин Ҳумайи. Та'риҳ-и адабийат-и Иран. Джилд-и аввал. Техран, 1340 с.ҳ. (1962).

- 319.Мухаммад Дж'а'фар Махджуб. Сабк-и хурасани дар ши'р-и фарси. Техран, 1345 с.х. (1967).
- 320.Мухаммад Муин. Фарханг-и фарси (мутавассит). Джилда-йи I—VI. Техран, 1342-1352 с.х. (1963-1973).
- 321.Саджжади Дж'а'фар. Фарханг-и мусталахат-и 'урафа ва мутасавифа ва шу'ара. Техран, 1340 с.х. (1962).
- 322.Сарватийан Бехруз. Фарханг-и истилахат ва та'рифат-и "Нафа'ис ал-фунун". Табriz, 1974.
- 323.Саркарати Бахман. Пари. Тахкик-и дар хашия-йи устурашинаси-йи татбики. — Нашрия-йи Данишкада-йи адабийат-и Данишгах-и Табriz. Шумара-йи 97. Табriz, 1350 с.х. (1972).
- 324.Black M. Models and Metaphors. Studies in Language and Philosophy. Ithaca and London, 1962.
- 325.Chittick W.C. The sufi doctrine of Rumi (an introduction). Teheran, 1974.
- 326.Concordantiae Corani arabicae. Ad literatum ordinem et verborum radices diligenten disposuit Gustavus Flugel. Lipsiae, 1875.
- 327.Nurbakhsh J. The Nurbakhsh Treasury of Sufi Terms. A Compendium of the mystical Terminology of the Sufis. Vol. I-IV. L., 1983-1985.
- 328.Ullmann S. Language and Style. Oxf., 1966.
- 329.Ullmann S. The Principles of Semantics. Glasgow, 1951.

**М.С. Имомназаров**

**МУМТОЗ ФОРС ШЕЪРИЯТИ  
БАДИЙАТШУНОСЛИГИ  
ВА ЖАНРЛАР ТИПОЛОГИЯСИ**

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>.

«Times New Roman» Шартли б.т. 35.

Нашр т.33,25. Сони 55 та.

« Extremum press » МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100053,  
Тошкент ш. Боғишамол кўчаси Зуй.

Тел: 234-44-05.

E-mail: Extremum-press@mail.ru